

---

ШЕРМУҲАММАД  
МУНИС ХОРАЗМИЙ

САЙЛАНМА



Тошкент  
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1980

ББК 84Уз  
М 90

Нашрга тайёрловчи  
**ЮНУС ЮСУПОВ**

**M 4702057010—64 2—80  
M 352(04)—80**

## МУНИС ХОРАЗМИЙ

Мунис Хоразмий XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярим-ларида яшаб ижод этган талантли шоир, кенг маълумотли тарихчи, таржимон ва хушхат каллиграф олимдир.

Унинг яшаган даври феодализм системасининг қулаоб бораётган пайтига тўғри келди. Тарихий тараққиёт қонуиларига мувофиқ, феодализм эндиликда ўз мавқенини бўлак бир ижтимоий системага беришга маҳкум этилган эди. Шунинг учун жон талвасасида қолган феодализм тузуми ўта реакцион йўлга ўтиб, янги туғилиб келаётган ижтимоий фикрларга ва унинг вакилларига қарши даҳшатли кураш очди. Мехнаткаш халқ бошига туширилаётган азоб-уқубатларнинг, оғирликларнинг ниҳояси йўқ эди. Феодал хонларнинг тож-тахт талашиб тинмай давом эттираётган ўзаро қонли урушлари халқнинг тинкасини қуритган эди.

Мамлакатни идора қилишни нормал изга солиш ўрнига, феодал ҳукмдорлар ўз шахсий манфаат ва кайф-сафолари билан шугӯлланардилар. Мана шунинг натижасида мамлакат экономикикаси ва маданий, маориф ишлари таназзулга юз тутди. Ички ва ташки савдо барбод бўлди, қишлоқ хўёжалиги ва унинг ишлаб чиқариш воситалари ўзининг қадимий ҳолида қолиб кетди. Мана шу сиёсий ва иқтиносий тушкунликлар натижасида меҳнаткаш халқ гоят қашшоқлаши.

Феодал тузумнинг разиллиги шу даражага бориб етдики, XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Хива хонлигига ўттиз мингдан ортиқ қул бўлиб, хонлик территориясида қул бозорлари вужудга келтирилган эди.

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис ана шундай машъум замонада, 1778 йилда Хива яқинидаги Киёу қишлоғида мироб оиласида дунёга келди. Мунис унинг адабий таҳаллуси бўлиб, лугавий маъноси «улфат», «ҳамдам», «дўст» демақдир. Мунис ибтидоий таълимни қишлоқ мактабида олди, ундан кейин ўша замон олий мактаби ҳисобланган мадрасада ўқишини давом эттирди. Мадрасанинг схоластик диний таълим-тарбияси олга интилувчи талант әгаларини қаноатлантира олмас эди. Мунис ҳам мадраса таълимидан сўнг мустақил ўқишига берилди, тез фурсатда араб, форс тилларини билиб олиб, Шарқ классик адабиётини изчил

Үрганишга киришди. Низомийдан тортиб, то ўзи яшаган даврга қадар ўтган сўз санъаткорларининг ижоди билан танишиб чиқди. Ў Низомий, Хисрав Дехлавий ижодидан нақадар лаззатланган-лигини, Ҳофиз Шерозий, Лутфий асарлари орқали тараққий топ-танини, Фирдавсийнинг ижод боягда ором олганини, Анварийдан нур эмиб, Саъдий ва Жомийдан чексиз баҳраманд бўлганини, Бедилнинг ажойиб сўзларидан файз топиб, ниҳоят буюк Навоийни ўзига ҳомий билганини зўр мамнуният билан қайд қилди. Баш Муниснинг илм олиш йўлидаги бундай жиҳдий қадамлари, шубҳасиз, унинг келгусида буюк талант әгаси бўлиб чиқишидан дарак берар эди.

Мунис ўзининг ёш вақтиданоқ ҳалқ билан бўлган муносабатлари, мактаб ва мадраса машғулотлари, илм аҳллари билан бўлган алоқалари ва китоб мутолаасига берилганлиги тўгрисида «Мунисул-ушибоқ» номли девонига ёзган сўз бошисида бундай дейди:

«Гаҳи телбалар бирла гулхан аро  
Суруб дурдкашликка юз можаро,  
Гаҳи риндлар базмига йўл топиб,  
Ҳамонки мақсадга қўл топиб,  
Гаҳи мактаб ичра кириб шодкомъ,  
Мадраса сори айлаб хиром,  
Қаю ерда аҳбоб базм айласа,  
Тараб иртикоғиба азм айласа,  
Ўзимни алар ичра солур эрдим,  
Кўнгул қонгунча баҳра олур эрдим.

Табиати жибиллий ва кайфият иқтизоси билан аҳёнан фузало хизматига мойил ва китобхонлиг суҳбатига дохил бўлур эрдим Шарафи хизмат натойижи ва асари суҳбат маёмини била табыимга кайфиятлар юзланиб ва ҳолатлар даст бериб, назм силкида мубайян ва вазн зевари била музайян бўлур эрди<sup>1</sup>.

Муниснинг отаси Авазбий мироб ўз замонининг фозил ва маърифатга майл билдирган кишиларидан эди. Шунинг учун ҳам ўғли Шермуҳаммаднинг илм олиш йўлидаги истакларини бажонидил қабул қилди ва бу истак учун лозим бўлган барча шароитни ҳозирлади. Муниснинг отаси Авазбий мироб 1800 йилда вафот этади, ўша вақтда Хива хони бўлган Аваз иноқ Мунисни сарой хизматига жалб этади. Аваз иноқнинг бундан мақсади, Мунисдан ўз шахсий маңбаати йўлида фойдаланиши, унинг шоирлик истеъодини саройга хизмат қилдириш эди. Гарчи Мунис сарой хизматини қабул этса-да, сарой ҳаётига майл кўрсатмади. Саройнинг кишини димиқтирувчи жирканч ҳаётি тобора Мунисни сиқа бошлади. Сарой аҳлларининг адолатсизлиги, майший бузуклиги, порахўрлик, шуҳратпарастлик ва бошича разилликлар Муниснинг сарой аҳлига бўлган нафрат ва ғазабини кун сайин ошира борди. Охири икки ўртада келицимочвилик юз берди.

Юсуф меҳтар ва унинг атрофига тўпланган ярамас шахслар Мунисга ҳар томондан ҳужум қила бошлади. Мунисни камситдилар, таҳқирлашга киришдилар.

Дуруст, Мунис Хоразмий ҳали ўзининг ёшлик чоғларида за-

<sup>1</sup> «Мунисул-ушибоқ», 1875. Хива тошбосмаси, б. 6.

мона аҳлидан зўр умид кутган эди. Лекин ҳаёт унинг бу умидлари пуч эканини, адолатсиз замонда ҳар қандай яхши умид ва орзулар поймол бўлиб кетишини амалда кўрсатди. Шу муносабат билан шоир замондан шикоят қилиб ёзган эди:

Сендан тамаим эди сарафroz ўлмоқ,  
Абнои замона ичра мумтоз ўлмоқ.  
Фарёдким, ҳосил айладим охири кор  
Афгандаву хорлиқга дамсоз ўлмоқ.

Мунис Хоразмий ўзининг саройга яқинлашуви билан катта хатога йўл қўйганини, «озодлик оромгоҳи» бўлган халиқ ичидан чиқиб, хўрлик, зорликка мубтало ва ярамас шахсларга хизматкор бўлганидан фоят ўқинди:

Мунисдуру ихтиёри ила хор ўлмоқ,  
Куч бирла мазаллатга сазовор ўлмоқ.  
Озодалиқ оромгоҳидин рам этиб,  
Ҳар дунига мулоzим ила ёр ўлмоқ.

Мунис ўз шеърларини тўплаб биринчи марта 1804 йилда кичик девон тузди. Ундан кейин ёзилган шеърларни ҳам қўшиб, 1815 йилда 8446 байт (16892 мисра)дан иборат тўлиқ девон тузиб, унга «Мунисул-ушшоқ» (ошиқлар дўсти) деб ном қўйди. «Мунисул-ушшоқ»га шоирнинг газаллари, мухаммаслари, рубоийлари, мустазодлари, туюқлари, рубойи ва фардлари киритилган. Бундан ташқари девон охирига шоирнинг 1804 йилда назм билан ёзib тамомлаган каллиграфияга оид «Саводи таълим» номли асари ҳам илова қилинган.

Мунис Хоразмий тарихшунос сифатида 1806 йилдан бошлаб, Хива ҳонлиги тарихига оид «Фирдавсул-иқбól» («Бахт боби») номли тарихий асар ҳам ёза бошлади. Бу асарнинг 1812 йилгача бўлган қисмини Мунис Хоразмий ёзib, 1812 йилдан кейинги воқеаларни Мунис Хоразмийнинг жияни Оғаҳий давом эттиради.

«Фирдавсул-иқбól» беш бобдан таркиб топиб, тарихий хронологик тартибда ёзилгандир. Бу асар ўзбек халқининг тарихини ўрганиш учунгина эмас, балки бошқа қардош туркман, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг ҳам тарихини ўрганиш учун фоят қимматли манбадир. Мунис Хоразмий бу асарлардан ташқари Хоразмни сугориш ишларига доир «Орналар» деган ажойиб асар ҳам ёзди.

Мунис Хоразмий ўз замонасининг пешқадам таржимони ҳам эди. У XV аср тарихчиси Мирхондинг «Равватус-сафо» асаридан биринчи ва иккинчи жилдининг бир қисмини таржима қилди.

Мунис Хоразмийнинг характерли асарларидан бири юқорида номланган «Саводи таълим»dir. Бу асар назм билан ёзилган бўлиб, бунда чиройли хат ёзиш усувлари ўргатилади. Асар икки қисмдан иборат. Асарнинг биринчи қисмida хат машқ қилингга тайёргарлик ва бу иш учун керакли асбоблар тўғрисида сўз юритилади. Иккинчи қисмida эса, хат машқи ва унинг усули ҳақида практик йўл билан таълим берилади.

Шоир рисоланинг бош қисмida кишилик жамиятида ёзувнинг катта аҳамиятга эга эканини қайд қиласди:

Сўз махзанининг нишонаси ҳам,  
Маъни дурининг хазонаси ҳам,  
Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,  
Хат бўлмаса бўлгай эрди нобуд.

Мунис Хоразмийнинг «Фирдавсул-иқбол», «Саводи таълим» ва бошқа асарлари тарихий ва илмий аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Унинг поэзияси эса ўзбек адабиёти тарихининг ажойиб ва қимматбаҳо дурдоналаридандир.

Мунис Хоразмий адабиётга назарий тайёргарлик билан кириб келди. У Шарқ классик адабиётининг деярли барча намояндалири ижоди билан изчил танишиди ва уни ўрганди, айниқса, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодидан кўп нарсалар ўрганди ва уни ўз ижодий йўлида таянч деб билди:

Қиласа ҳосид дахли бежо сўз аро йўқтур ғамим,  
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга —

деди у. Ҳатто ҳомийгина әмас, балки ўзига устод (пир) деб англади:

Сўз ичра Навоий жаҳонгирдурур,  
Мунисга маони йўлида пирдурур.

Мунис Хоразмий «Девони»га кирган шеърларнинг кўпчилиги ишқий темаларда ёзилган бўлса ҳам, бевосита социал мотивларни ифодаловчи, мазмунан чуқур ва бадиий юксак шеърлар ҳам девонда кўп топилади. Унинг ишқий шеърларида ҳам ўзи яшаган замонага нисбатан норозилик, фикрлари олга сурилади: ҳақсизлик, зулмга қарши норозилик, адолат, ҳалққа муҳаббат, сахилик, вафо, маърифатпарварлик, илм-фанга ҳомийлик, жаҳолатга қарши кураш, инсоний фазилатлар ва ҳоказолар ҳақида жўшқин фикрлар айтилади.

Мунис Хоразмий кўпгина газалларида мазлум ҳалқларнинг оғир аҳволини ва орзу-армонларини аке эттиради:

Ҳар ким эшитур бехуд ўлур навҳалар айлаб,  
Бисёр асар нолау аффоним ародур  
Меҳнат тоши зарбидин ушолгон сўнгакимдур,  
Гардики бузуқ кулбай эҳzonим ародур.  
Бир шуъладурур оҳим ўтидин алам ургон,  
Ҳар мисраи жонсўзки, девоним ародур.

Шоир ўзини ғам ва кулфатлар натижасида ўт ичиди қолган деб таърифлайди:

Ғаму меҳнат ародур эътиборим,  
Ки мумтоз ўлди хористон аро ўт.  
Муҳаббат қилди кўнглум шуъла иншо,  
Ўқуб фаҳм айла бу девоним ародур ўт.

Мунис Хоразмий ҳалққа қайгудош бўлди, эл бошига тушган жабру жафоларни ўз бошига тушган кулфат деб ҳис этди:

Басе ғам боридин чекмиш оғирни,  
Ёғир бўлмиш ҳазин кўнглум ёғирни.

Фалак ғам юкларин солғонда элга,  
Ёғиримга менинг қўйимиш оғирни.  
Билурсен ғам юкин кўп чекканимни,  
Ёғирним устида кўрсанг ёғирни.

Шоир яшаган замонда феодал ҳукмдорлар пул, мол-дунё органиши мақсадида тўхтовсиз ўзаро урушларни давом эттирад, ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳаммадан кечишига, ҳамма нарсани қурбон қилишига тайёр эдилар. Неча минглаб кишиларнинг бегуноҳ қонлари тўкиларди. Ҳатто бир сариқ чақа учун ога-инининг бошини олишгача борар эди:

Ўила дунё дўстлиқ рафъи мурувват айламиш,  
Ким инисиға қилич бир фулс учун тортар оқо.

Феодализмнинг чирик аппарати ҳар қандай разилликлардан қайтмас эди. Хондан тортиб пастки амалдорларгача ҳалққа шафқатсиз зулм қилиш билан қаноатланмасдан, пора ва ришиватни қундалик одатга киритган эдилар. Мана шу чиркин ҳолга нафрат кўзи билан қараган шоир ҳукмдорларга шундай хитоб қилиди:

Ҳокими шаръсен ўлмоқ недурур мойили ришиват,  
Қайси мазҳабдадур ул ҳукми шариат била жоиз?

Аҳвол шу даражага бориб етдики, зулм ва истибдодга чидай олмаган йўқсил ҳалқ, Хива хонлиги территориясини ташлаб ҳар томонга бош олиб кетишга мажбур бўлди. Ҳалқнинг золимлар қўлидан қочиб ватангандо ва афтода бўлишини шоир кучли ўхшатиш йўли билан шундай тасвиirlайди:

Кинаврлар зулмидин бечоралар ҳарён қочиб,  
Ўйлаким бўлгай гурезон боздин дурролжлар.

Мунис Хоразмий ҳалқ бошига тушган жафоларнинг қандай оғир эканини:

Бизни кўрган эл қилур оҳу нола, дили ҳазин била, Мунис,  
Не ажаб жаҳон аро солса шўриш агар бу ҳоли табоҳимиз.—

каби мисраларда очиқ кўрсатди.

Мунис Хоразмий ўзи яшаган даврни тўғри тушунди. Ҳақиқаттан ҳам шоир яшаган замонда инсоний фазилатлар, яъни инсоннинг касб-ҳунари, илми, ахлоқи эмас, балки унинг пули, олтин-кумуши роль ўйнап эди. Шоир айтганидек:

Не натижা берур адаб, ҳунаринг, на назарга кирап насаб гуҳаринг,  
Бас эрур бу замонда бисотинг аро ўлса қаро сийму заринг.

Ҳатто у замонда илм аҳллари, фазл эгалари, шу жумладан, шоирнинг ўзи ҳам хор эди, қайгу-алам, дард-ҳасрат билан кунекириар, жоҳил, недон, пасткаш тоғфалар эса, роҳат ва фаровонликда яшар эдиларки, бу қарама-қарши ҳолатни шоир ўзининг тубандаги мисраларида бадий маҳорат билан ифодалайди:

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлуб,  
Уламою фузало бўлса сазовори алам.

\* \* \*

Не учун хор ўлмасун Муниски, бўлмишлар азиз  
Билмаганлар ониким, недур оғиз, недур бурун.

\* \* \*

Тонг эмас Мунис эса бекадр бу даврондаким,  
Муътабардур кўкни ердин қилмаганлар имтиёз.

\* \* \*

Неча арзи ҳунар қилсам сўз ичра,  
Тутарлар ул ҳунарга айб ила ном.

\* \* \*

Оғир айлаб қулогин қасд бирла,  
Бирорига дарди ҳолим қилсам эълом.

Мунис Хоразмийнинг «Сўз» ва «Шуаро» радифли шеърлари унинг нодир асарлариданdir. У, бу шеърлар билан XVIII—XIX асрларда шеър ва шоирларнинг нақадар тубан аҳволга тушиб қолганлигининг ҳаққоний тасвирини берди.

Шуни унумаслик керакки, Мунис Хоразмий мазкур шеърлари билан сарой маддоҳ шоирларини кўзда тутмади. Унинг тасаввуридаги шоирлар ўша замоннинг илғор прогрессив интеллигенцияси бўлиб, халқ учун, маданият ва маърифатнинг тараққиёти учун интилган касб эгалари эди.

Аммо Мунис Хоразмий сарой маддоҳ шоирларининг разил афт-башарасини аёвсиз фош қилади ва уларни лаънатлади:

Эй нафс, бўлуб иззат эшиги мадрус,  
Бўлсанг не ажаб мазаллат ичра маҳбус.  
Ҳар дунга қилиб нисор иззат гуҳарин,  
Бисёр тўкарсен обрўю номус.

\* \* \*

Лаънат ул шоирғаким, ҳирсу тамаъ таҳрикидин  
Кўргузур ҳар сифлаю нокасга изҳори мадиҳ.

Мунис Хоразмий реакция ва жаҳолат ғоят кучайган бир вазиятда поэзия байробини юқсақликка олиб чиқишига ва поэзияни маърифатнинг тарғиботи даражасига кўтаришга уринди. У ўзининг шеърият ҳақидаги бир шеърида шундай дейди:

Шеър ул неъмат эрурким, ҳар неча базл этсалар,  
Лаззати ортар, доғи қадрига топмас нуқс роҳ.  
Шеър ул маҳкам иморатдурки, сели ҳодисот  
Айламас ҳар неча бўлса тунд, бунёдин табоҳ.

Ҳар кишиким хотами шеър узра оти тутса нақш,  
Мадҳи бешак, шахси шуҳрат бошига бўлгай кулоҳ,  
Шеърдин толмоқлиғиға Санжару Султон Ҳусайн  
Номи боқий — Анварий бирла Навоийдур гувоҳ.

Мунис замона қабоҳатларининг гувоҳи бўлди. Ҳокимият тепасига чиқиб олган феодаллар мамлакатни харобазорга айлантирилар, инсон шон-шуҳратини ерга урдилар, ҳалқ инсон сифатида тилга олинмайдиган бўлиб қолди, ҳурмат ўрнига ҳақорат, шафқат ўрнига кулфат, маърифат ўрнига жаҳолат авж олди. Соғ вижданли кишилар қувғин қилинди, жоҳиллар юқори даражаларга кўтарилилар. Кишиларни қатл қилувчи газандалар, ҳийлакор золимлар иш боши бўлди. Кўчманчи ва ўтрок ҳаликларни очиқдан-очиқ қирғин қилиши кундалик одатга айланди. Мунис «Хос ўлуб» бошланмили шеърида ўзи яшаган даврдаги ана шу қабиҳ тузум ва унинг вакилларини ошкора таңқид қилди:

Аммо Мунис Хоразмий феодализм шароитидаги ижтимоий тенгисзилкларнинг социал сабабини тушуна олмас эди. Унингча, подшо маърифатпарвар, одил бўлса, мамлакатда осойишталик, яхшилик ва адолат ўрнатиши мумкин. Масалан, у яхши подшо ҳақида айтади:

Шоҳ улдурки, адолат ила мулкин тузатиб,  
Бўлса ғамгин фуқаро очига, хуррам тўқига.

Мунис Хоразмийнинг одил ва маърифатпаҳвар подшо учун кураши натижа бермаслиги табиий эди. Чунки ҳокимият бошида эксплуататорлар синфи ҳукмрон экан, аҳвол Мунис Хоразмий кутганича бўла олиши мумкин эмас эди.

Мунис Хоразмий ўз шеърларида мазмунга қанчалик дикқат қўйлан бўлса, шу билан бир қаторда шеърнинг бадиий формасига ҳам алоҳида эътибор берди. Унинг поэзиясида вазнларнинг равонлиги, оригинал қоғияларнинг тўлалиги ва ўйноқилиги, тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, ички руҳий кечинмаларнинг жонли ва ёрқин берилиши, умуман, бадиий маҳорат кўзга яққол ташланиб туради. Бу тўғрида шоирнинг лирик ғазалларидан талай мисоллар келтириш мумкин.

Мунис Хоразмий ўз ижодида ҳалқ оғзаки ижодиётининг бит-мас-туганмас дурдоналаридан беҳад баҳраманд бўлди, унга суниди. Кўпгина шеърларида фольклор манбаларидан фойдаланди. Унинг лирикасида ва турли асарларида:

Аҳбоб топди васлингу ёд этмади мени,  
Чиндур бу сўзки: «Йўқ ҳабари тўқининг очдин» —

каби фольклор таъсирида ёзилган мисралар кўплаб топилади.

Мунис Хоразмий ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тилини ривожлантиришда жуда катта ишлар қилди. У ўзбек адабиётида Навоий традицияларини ижодий давом эттирган катта талант эгасидир.

Мунис Хоразмийнинг айрим асарлари ўз даврининг социал қиёфасини очишида муҳим роль ўйнади. Мунис Хоразмий шеърларида ҳалқнинг орзу-истакларини акс эттиришга уринди. У «шоҳларнинг олтин табақдаги паловидан», «фақирларнинг атласини» афзал кўрди, эксплуататорларнинг «зарин тўйнидан,

минг ямогли фақир түнини» устун қўйиб, «менинг муборак хилъатим ана шу минг ёмогли фақир тўни», деди. Мунис Хоразмий халқ кучининг зўрлигини, бу кучни ҳеч қандай куч енга олмаслигини тўғри тасаввур этди. У, ўзининг «Сув» радифли газалида феодал ҳукмдорларга хитоб қилиб: «Эй шоҳ, зулм қўйма, тагин мазлумларнинг ашки давлатинг биносини йиқмасин», деди. Бу билан халқ иродасининг улуғлигини кўрсатишга тиришиди.

Мунис Хоразмий маърифатпарвар шоир сифатида ўз замонаси савиясидан юқори турган кишидир. У маърифатпарварлик гояларини илгари сурди, халқни онгли, билимли бўлишга даъват этди ва халқни жаҳолатдан йироқ туришга чақирди. Дин аҳли халқни жаҳолатга судрар, илм-маърифатнинг ривожига тўғаноқ бўлар, шариат пешволари халқ бошига тушган барча зулм-ситамларни, азоб-уқубатларни «тақиди худо» деб, меҳнаткаш халқни доимий қулликда сақлашга интиларди. Инсоний севгини тамомила рад эттиб, у дунё ҳақида ваъз-насиҳат қиласарди. Мунис Хоразмий ана шу ҳолларга қарши чиқди ва бу уринишларни Фош эттиб, маърифатпарварлик гояларини олға сурди.

Мунис Хоразмий ўз шеърларида тарбия масалаларига алоҳида ўрин берди. У ўзининг дидактик таълимларидан кишиларни рост-гўйлик, мардлик, халққа вижданан хизмат қилмоқ, дўстлик, вафо ва садоқат туйғуларини кўйлади. Ҳар қандай оғир аҳволда ҳам руҳий тушкунликка тушмасликка, ярамас шахслар олдида тиз чўкимасликка чақирди. Мунис Хоразмий оптимист шоир эди. Щунинг учун ҳам «юраги реш-реш» бўлгандарнинг бир вақт бо-риб обод ва баҳтиёр бўлишларига ишонарди.

Мунис Хоразмий узоқ умр кўролмади, ижоди барқ урган бир пайтда 1829 йилда вабо касали билан вафот этди.

Ижодий фаолиятини эрта бошлаган шоир Мунис Хоразмий ўзбек адабиётининг тараққиёти йўлида ўттиз йилдан ортиқ хизмат қилди. Ўзбек классик адабиётининг кўзга кўринган вакилларидан бири бўлган Муниснинг адабий меросини ҳар томонлама ўрганиш совет адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан биридир.

\* \* \*

Муниснинг шеърлар тўплами (девони) ўзи ҳаёт чогида ва ўзидан кейин ҳам Хоразм каллиграф котиблари томонидан бир неча бор кўчирилган, шу билан бирга, 1292 (1875) йилда Хива тошбосмахонасида «Саводи таълим» рисоласи билан бирга босилган. Қўллэзма нусхалардан тўрттаси<sup>1</sup> Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг шарқ қўллэзмалари фондида сақланмоқда.

Биз «Сайланма»ни нашрга тайёрлашда мазкур босма ва қўллэзма нусхаларига асосландик.

«Сайланма» охирига тушунилиши қийин саналган сўзлар учун лугат илова қилинди.

Ю. ЮСУПОВ

<sup>1</sup> Инвентарь № 940, 1330, 1793 ва 7865.

## ҒАЗАЛЛАР

### МАНГА

Волийи мулки тариқат гар Низомийдур манга,  
Манзили маънига Хизри роҳ Жомийдур манга.

Хотиримға Хисравийдин ҳар замон шўре етиб,  
Банда давроннинг бори ширин каломидур манга.

Пири Анзорий сўзидин чошни нутқум топиб,  
Сўзда ҳосил шарбати юҳъйил-изомидур манга.

Ҳофизи Шероз лутфидин тараққийлар топиб,  
Жилвагоҳ аҳли тасаввубнинг мақомидур манга.

Юзима Аттор ҳар лаҳза дўкони файз очиб,  
Доим андин атрпарвар жон машомидур манга.

Файзи Фирдавсий гаҳи кўнглум очибдур ийдек,  
Гоҳ Хоқоний футуҳининг паёмидур манга.

Гоҳ табъим Анварий нури била равshan бўлуб,  
Гоҳ Саъдий жоминнинг файзи мудомидур манга.

Топибон ишқи Ироқийдин замирим нашъе,  
Ҳосил, аҳли ишқнинг шўри тамомийдур манга.

Нусхай таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,  
Маъни ичра номаи иқболи томийдур манга.

Қилса ҳосид даҳли бежо сўз аро йўқтур ғамим,  
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.

Тонг эмас, Мунис, агар бўлсан киромий қадрким,  
Устоди зоҳиру ботин Киромийдур манга.

## **ШУАРО**

Ютубон бу замонда қон шуаро,  
Назм этар гавҳари фигон шуаро.

Ерга хуршиддек солур даврон  
Қилсалар сайри осмон шуаро.

Дўстлар лутфидин қилур маҳжур  
Баски, бор душмани замон шуаро.

Юз хушомад била гадолиғ этиб,  
Топа олмас емакка нон шуаро.

Давлат асроридин эрур тоғифил,  
Ҳар неча эрса нуктадон шуаро.

Бўлуб ифлосдин зарурат ила  
Хиссат аҳлига мадҳхон шуаро.

Шеъри янглиғ кезар маҳофил аро  
Қилғали дарди дил аён шуаро.

Гўиё рўзгор аносидин  
Тугди кулфатга тавъамон шуаро.

Дардманду жафокаш элга қилур  
Назм ила дардини баён шуаро.

Аҳли давлатга бўлса ҳам маддоҳ,  
Топмас иқболдин нишон шуаро.

Ғуссадин ўлгай эрди, топмас эса  
Шеъридек ёри ҳамзабон шуаро.

Баски даврон әрур ҳунардушман,  
Кўрадур фазлидин зиён шуаро.

Мизбонлиғ қилурға йўқ нимаси.  
Бўлса Мунисга меҳмон шуаро.

## ШЕЪР

Шеър ул тиги дудамдурким, жаҳонни фатҳ этар,  
Чекмайин лашкар гар олса илгига ҳар подшоҳ.

Шеър ул неъмат эрурким, ҳар неча базл этсалар,  
Лаззати ортар, доғи қадриға топмас нуқс роҳ.

Шеър ул маҳкам имораттурки, сели ҳодисот  
Айламас ҳар неча бўлса тунд, бунёдин табоҳ.

Ҳар кишиким хотами шеър узра оти тутса нақш,  
Мадҳи бешак, шахси шуҳрат бошиға бўлгай кулоҳ.

Балки шеър афзалдуур фарзанддинким, шеърни  
Насли боқидин бақолиғдур, дер аҳли интибоҳ.

Шеърдин топмоқлигига Санжару Султон Ҳусайн  
Номи боқий — Анварий бирла Навоийдур гувоҳ.

Ёзди Фирдавсий анинг отига чун «Шоҳнома»ни,  
Ўтти гардундин ливоий шуҳрати Маҳмуд шоҳ.

Бас эрур вожиб сенга айлаб ҳамиша тарбият,  
Менки Мунисман мени қилмоқ Навоий дастгоҳ.

## СҮЗ

Гарчи аввал бор эди маҳбуби гулрухсора сўз,  
Лек эрур ҳоло басе манкубу баҳти қора сўз.

Шоири шўридаға дилжамълик қайдин етар,  
Дахли бежодин авом оллидадур юз пора сўз.

Дема, сўз атрофига чекмиш ливоий иштиҳор,  
Қадрдоне топмай ўлмиш даҳрда овора сўз.

Шоир ўз аҳволига дармондау фазл аҳли хор,  
Оҳким, топмас бу даврон ичра бир ғамхора сўз.

Қилма изҳори суханварлик фароғе истасанг,  
Сийму зар ўрниға ер бошига санги хора сўз.

Хоҳ назму хоҳ наср ўлсун фазилат аҳлидек  
Хорлиғ домонига чекмиш оёқ якбора сўз.

Сўз чу мундоқ хор эса, сўз аҳли мундоқ хоксор,  
Ваҳ, не тил бирла деолғай Муниси бечора сўз.

## АДОЛАТ

Сабот истасанг мулк бунёдиға,  
Адолат била ет улус додига.

Адолатдин ўлди эл осойиши,  
Эл осойиши — мулк оройиши.

Қаю мулкким шоҳи одилдуур,  
Анга барча эл кўнгли мойилдуур.

Шараф кўрки шаҳдин адолат чоғи,  
Эрур халқ хушнуд, холиқ доги.

Ҳам озодавашлар бўлуб бандаси,  
Ҳам аъдойи саркаш сарафкандаси.

## **ХОС ЎЛУБ ЖОҲ АҲЛИГА**

**Хос ўлуб жоҳ аҳлига инъоми соҳиб тожлар,  
Зулми омидин бериб жон нон учун муҳтожлар.**

**Ҳар ким ул золимлар оллида тазаллум кўргузуб,  
Еб алардин бош уза мушту юз узра кожлар.**

**Ахзу қатлу наҳб машғули ситамгарлар тамом  
Элга соҳиб ихтиёр ўлмиш неча Ҳажжожлар.**

**Аҳли донишлар тўшарга бурёе топмайин,  
Хайли нодонлар солиб маснад уза дебожлар.**

**Ҳар ким эрса ботил, эл ичра бўлуб мутлақ инон,  
Ҳар ким ўлса аҳли ҳақ, элдин бўлуб ихројлар...**

**Чун келиб аҳли тижоратлар қароқчидин омон,  
Молидин ортуқ бўлуб таҳмил аларға божлар.**

**Ким нажибу солиҳ эрса бор таназзуллар анга,  
Муфсиди бадраг тараққига топиб меърожлар.**

**Нола булбуллар чекиб кўрмай ҳунардин нафълар,  
Бехунарликдин топиб тожи зумуррад сожлар.**

**Кинаварлар зулмидин бечоралар ҳар ён қочиб,  
Ўйлаким, бўлгай гурезон боздин дуррожлар.**

Не умид ул шаҳдин ўлғайким, эрур навкарлари —  
Сарбасар аллофлар, саллохлар, халложлар.

Эй күнгүл, күп шиква шамъин ёқма даврон  
аҳлидин,  
Ким аларға ҳеч ишдин ёрумас минҳожлар...

Мунис, ўз шоҳинг дусосин қилки, даргоҳидадур —  
«Факр эли уммидвору банда соҳиб тожлар.

## **ҒАМ БОРИ**

Басе ғам боридин чекмиш огирни,  
Ёғир бўлмиш ҳазин кўнглим ёғирни.

Фалак ғам юкларин солғонда элга,  
Ёғирнимға менинг қўймиш огирни.

Билурсен ғам юкин кўп чекканимни  
Ёғирним устида кўрсанг ёғирни.

Итинг кўрсам, манга унс айласун деб,  
Берурман гаҳ кўнгулни, гаҳ бағирни.

Рақиб оллингда бўлмоқдин ҳазиниман,  
Тиларман кўрмасам ул бўлмағирни.

Замон аҳлиға бўлмиш шиква ойин,  
Нетонг, севсам агар гунгу соғирни.

Нажоте истасанг Мунисға ғамдин,  
Аёқчи, тут анга ҳар дам чоғирни.

## АБАС

Таънингга, шайх, бизни нишон қилмагил абас,  
Ул ўқни бу нишонга равон қилмагил абас.

Ушишоқ элига офати жондур насиҳатинг,  
Ул элга они офати жон қилмагил абас.

Зарқу риё учун эса гар тоатинг сенинг,  
Меҳробу хонақоҳда макон қилмагил абас.

Тар доман ўлмоқингни қилур халиғта аён,  
Мажлисда кўзни ашк фишон қилмагил абас.

Таҳсили сийму зар учун аплаҳлар оллида  
Тангри отини вирди забон қилмагил абас.

Ақл аҳли макринга қачон ўлғай фирефта,  
Ёлғон кароматингни баён қилмагил абас.

Аҳли иродатинг бори ҳайвонча йўқ турур,  
Ул элга сарфи ош ила нон қилмагил абас.

Расволифингдин ўзга не бергай натижкае,  
Гўсолалиғларингни аён қилмагил абас.

Не бор ниёзиу не ўзи қошингга борур,  
Мунис сари кўзунг нигарон қилмагил абас.

## БУ ЗАМОН ИЧРА

Бу замон ичра азиз эл не ажаб хор бўлуб,  
Уламо-ю фузало бўлса сазовори алам.

Шуаро деса ҳижо, йўқса хушомад доим,  
Рўзгорини фалокат била айлаб барҳам.

Фуқаро ўткара олмай баҳузур авқотини,  
Қўйса ҳар сори жало марҳаласи сори қадам.

Ким мукаррамдур? Аларким эдилар дун ҳиммат,  
Топибон жоҳилу нодон шарафу нозу ниам.

Ҳам эрур кунд табиатлар эл ичра мумтоз,  
Хиссаторолиг ила айлабон изҳори карам.

Ҳам эрур омили маҳсуси авон бирла авом<sup>1</sup>,  
Чекиб эл моли учун зулм била тифи ситам.

---

<sup>1</sup> Омили маҳсуси авон бирла авом — бошқарувчиши, солиқчиси золим ва нодон демак.

## РЎЗА

Рўза бисёр мени танг этмиш,  
Баданим суст, аёгим ланг этмиш.

Табъима ҳар дам оғирлиқ етуруб,  
Қоғ тоги била ҳамсанг этмиш.

Янги ой шавқи таним зор айлаб,  
Қоматим ийд ғами чанг этмиш.

Затъф уйдин чиқоримга қўймас,  
Ҳар қадамни неча фарсанг этмиш.

Бода маҳмурлиғидин рўза  
Мени ўлтургали оҳанг этмиш.

Бер жило май била, соқийки, хумор —  
Табъим ойинасини занг этмиш.

Маст этиб қил мададе Мунисға,  
Ки сипоҳи ғам ила жанг этмиш.

## **РАМАЗОН**

Рамазон етти жаҳон бўлди тарабдин ҳоли,  
Майкада риндларининг нечук ўлғай ҳоли.

Шиддати рўзадин остидағи «ҳо»дек хамдур,  
Шўхларнинг қади зебои «алиф» тимсоли.

Обрўйин рамазоннинг тўкар эрдим май ичиб,  
Мажлис аҳлига агар бўлмаса бийми воли.

На қилай рўзаниким, сўлди қуруғ лола каби,  
Рўза заъфи била ул шўх узори оли.

Мунисо, субҳу масо орзуйи ийд қилиб,  
Чун «алиф» эрди қадим бўлди мисоли «доли».

## ЭЙ ФАЛАК

Эй фалак, мунча недур айламак изҳори ситам,  
Урубон ҳар нафас эл бағрига юз ништари гам.  
Яхшиларга етиб анвои ҳазан қаҳрингдин,  
Ким ёмон эрса алар захмиға қилдинг марҳам.  
Кимникум кўрсанг ичар ишрат аёғи била нўш,  
Ул аёғ ичра әзиз бердинг анга заҳри алам.  
Сарв қадларға қилиб ҳамл балолар борин,  
Қаримай қилдинг алар қаддин ўзинг янглиғ хам.  
Шод бўлдинг қора қайғу била ким чекса фигон,  
Ғамга ботдинг кишиким ичса қизил май бир дам.  
Ёғдуруб аҳли вафо бошиға оғат тошин,  
Кўп жафо бирла вафо расмини урдинг барҳам...

\* \* \*

Истадинг, эй дил, кўзин, жонинг керакмасму санга?  
Куфри зулфин севдинг, имонинг керакмасму санга?

Дарду ғам сели била буздинг кўнгул кошонасин,  
Эй малоҳат ганжи, вайронинг керакмасму санга?

Жамъ этиб, ўтлуг кўнгулларни муқайяд айладинг,  
Ҳалқаи зулфи паришонинг керакмасму санга?

Тийри ғамзанг муддаий кўнглига зоеъ қилмаким,  
Ул ҳадафдур хора, пайконинг керакмасму санга?

Сарсари оҳимни, эй гардун, қилурсан тунду тез,  
Машъали хуршеди раҳшонинг керакмасму санга?

Эй гул, айларсан жафо хорин уруб, Мунисга жавр,  
Андалиби дилкаш илҳонинг керакмасму санга?

\* \* \*

Нола қилмон ҳар нечаким ёр бедод айласа,  
Айб эрур ишқ аҳли маъшуқ илгидин дод айласа.

Мен қозормен кўхи ғам, қилгай эди кўп фахрлар,  
Гар бу иш мингдин бирин умрида Фарҳод айласа.

Хаймаи нилий аро тузмиш ул ой эл бирла базм,  
Тонг әмас оҳим фалак сақфини барбод айласа.

Баски ишқ аҳлигадур матлаб тамошо, хуш эди —  
Юз очиб оламни жонон ҳайратобод айласа.

Ишқ онингдек йўл дурур манзилға етмак йўқ магар,  
Улки азмида саботу сабрини зод айласа.

Даҳр золи кўргузур ўзни аруси шўх-шанг,  
Вой, анга ҳар ғофилеким ўзни домод айласа.

Эҳтисоб аҳлини расво айлагумдур, Мунисо,  
Дайр пири гар мани шайдоға иршод айласа.

\* \* \*

Ишқ ғамидин етар ўйла малолат манга,  
Ким бўладур ҳар нафас ўзгача ҳолат манга.

Васлида жон бермайин ҳажрига бўлдум асир,  
Эмди қилур қасди жон ушбу хижолат манга.

Мақдамиға бош қўюб, номасига жон берай,  
Андин агар еткуур кимса рисолат манга.

Тобеи ҳукмим агар бўлса нетонг аҳли ишқ,  
Мулки муҳаббат аро етти аёлат манга.

Тун кеча зоҳид манга, ишқни тарк эт, деди,  
Қилди бу жоҳил ажаб ишни далолат манга.

Дониш ила мен топиб мулки маонийга даст,  
Бугз қилурлар аён аҳли жаҳолат манга.

Бўлмоқ улуғ истасанг ажз ила бўл хоксор,  
Мундин эрур жилвагоҳ авжи жалолат манга.

Ёр сўзи зикрини қилғали Мунис хаёл,  
Юз берадур ҳар нафас турфа мақолат манга.

\* \* \*

Арзи ҳусн айладилар гарчи басе ёр манга,  
Лек топилмади бир ёри вафодор манга.

Ҳусниға кўз била кўнглум тиламасман маҳрам,  
Ким алар доги бу ишда эрур ағёр манга.

Ошиқи бедилидурменки, агар дилдорим,  
Бордуур ҳар нечук иш қиласа сазовор манга.

Кўйи фирдавсидин айрилғали дўзах ўтидек  
Кўрунур ҳар неча дилкаш эса гулзор манга.

Ишиқ ўти шуъласиким бошдин оёқим тутмиш,  
Шуъла эрмаским, эрур жомай гулнор манга.

Доим ул бут қошида сажда қилурмен не ажаб,  
Зулфи торидин агар боғласа зуниор манга.

Даҳр бозоридадур ўйла матоим косид,  
Ки топилмас ҳунар олмоқга харидор манга.

Масжидингға мени, эй шайх, далолат қиласа,  
Ким басе хушроқ эрур кулбай хаммор манга.

Мен киму ул қуёш оллида ўлтурмоқ, Мунис,  
Басдуур кўйида бир сояи девор манга.

\* \* \*

Фироқинг ичра эрур чекмак оҳ пеша манга.  
Тараҳҳум айлаки, бу пешадур ҳамиша манга.

Вафо тариқида мандек қачон топилғусидур,  
Ки тортмоқ ғами ишқингни бўлди пеша манга.

Қозормен ўйлаки Фарҳод дарду ғам тогин,  
Валек тирногим ўлди қозорда теша манга.

Ниҳоли ишқ мену сарафролигдур ишим,  
Ки ажз хоки ародур нумуйи решаша манга.

Санга не нисбатим, эй тилку шайхким, мени ишқ  
Паланг қилди, найистони ғамни беша манга.

Замона ичра на дил жамълик манга бўлгай,  
Ки ҳодисот тошидин ушолди шиша манга.

Ҳамиша айла мени Мунисингға раҳм, эй шўх,  
Ки қасди жон қиласур дарду ғам ҳамиша манга.

\* \* \*

Жилва қилур ҳар қачон ул қаду қомат манга,  
Қўзғалур оҳим уни бирла қиёмат манга.

Ишқ гами етган эл тарк қилур ному нанг,  
Таъна ураг беҳуда аҳли саломат манга.

Ёр сари кўйига Хизри раҳ, эй баҳт бўл,  
Токай ўлурму фироқ ичра иқомат манга.

Лашкари ғам қасдима қилса гулу ғам эмас,  
Бўлди ҳисори ҳасин санги маломат манга.

Ишқида ўлсам қилинг лавҳи мазорим сариф,  
Ранжим учун басдурур мунча алломат манга.

Васл майи қилмади ғамзада кўнглумни шод,  
Ҳар нечаким ҳажридин етти саомат манга.

Тун кеча маҳмур ўлуб дайрга азм айладим,  
Бода тутуб пири дайр этти каромат манга...

Мунис, эсанг дардкаш қил, манга таслимким,  
Ишқ аро жон ўйнамоқ бўлди давомат манга.

\* \* \*

Эйки зулму кин эрур ойин санга,  
Зулмдур, тарк айла демак кин санга.

Үргатур душман санга расми жафо,  
Дўст йўқ қилса вафо талқин санга.

Қадду рухсорингни қўргач жилвагар,  
Бўлдилар қўл сарв ила насрин санга.

Синса тонг эрмас кўнгуллар шишаси,  
Негаким бордур дили сангин санга.

Ҳар боқишида юз кўнгул сайдинг бўлур,  
Айламас бу ишда ким таҳсич санга??

Захри ҳажринг бирла комим талх эрур,  
Қилмоқ осондур ани ширин санга.

Хўблар ишқин, дединг, эй шайх, қуфр,  
Бўлди маълумимки, йўқдур дин санга.

Мен десам чин, ёлғон англарсен ани,  
Деса душман ёлғон, улдур чин санга.

Мунисингга бер закоти ҳуснким,  
Ул эрур бир ошиқи мискин санга.

\* \* \*

Маҳвашим жавлон қилур якрони шабгун устида,  
Ё қуёш чобуксувори жилва гардун устида.

Чатри шоҳийдурму боши узра бўлғон соябон,  
Ё магар очмиш ҳумо боли ҳумоюн устида.

Буки солмишдур ғазабдин қоши учига гирих,  
Ўйладурким шамра марқум бўлгуси «нун» устида.

Ул парининг нахл қадди сарв эрур, рухсори — гул,  
Ким кўрибдур гул очилмоқ сарви мавзун устида.

Жисми зорим сели ашким узра ҳар сори борур,  
Ўйлаким оқғай қуруғ ҳошок Жайҳун устида.

Ўйла мутьод ўлмишам тортарға дарди ишқим,  
Оқибат жонимни бергумдур бу афюн устида.

Эйки, заррин тўн била хурсандсен, билма ҳақир  
Қўрсанг эски шол агар дарвиши маҳзун устида.

Эй кўнгул, ташла тааллуқ жомасинким, йўқдуур  
Хильяти урёнлигидин ўзга мажнун устида.

Толиби сийму зар ўлма, Мунис, андин қил ҳазар,  
Ҳасрати Қорундур аждар ганжи Қорун устида.

\* \* \*

Жилва айлар дилбарим заврақда Жайҳун устида,  
Ё мунир ахтар янги ой узра гардун устида.

Ҳар замон юз минг бало кўнглумга ишқ ичра етар,  
Издиҳом ўлгайму мунча қатраи хун устида.

Шабнамидур жонфизо жаннат гули барги уза,  
Қатраи майким эрур ул лаъли майгун устида.

Хол эрурму қоши узра, йўқса килки сунъдин  
Нуқтаи мушкин тушубдур вожгун «нун» устида.

Бир сиҳи қад зоридурманким, бошимдин эврулур,  
Қўмриеким нола айлар сарви мавзун устида.

Жаври ёр, андуҳи ҳижрон, дарди дил, бедоди ишқ,  
Не балолардур ҳужум айлар бу маҳзун устида.

Кўр ғами ишқ улфати таъсириниким ишқ аро,  
Солдилар қушлар очиб пар соя Мажнун устида.

Ваҳки, туфроқ остида ҳоло эрур манзилгузин,  
Гарчи Мажнун неча кун сайд этти ҳомун устида.

Хилъати ҳиммат санга, Мунис, бас эрмасму кўруб  
Бўлма маҳзун жомаи зарбафт ҳар дун устида.

\* \* \*

Шамшод қоматингға бўлуб банда боғда,  
Айлар топуғ ҳамиша туруб бир аёғда.

Кўйингдин айру нохуни ғам тирнатур юзин,  
Гулга агарчи бўлди ватан саҳни боғда.

Парвона ўзни ўтга колур ихтиёрсиз,  
Гўёки кўрди партави ҳуснунг чароғда.

Сен ўртада қуёшсану, маҳбублар-нужум,  
Нур айлар иқтибос, туруб сўлу согда.

Ҳажрингда бедимоғлиғ этсам на айбким,  
Гисуий мушкборинг иси йўқ димоғда.

Ҳар кимниким кўярмэн эрур жустужў иши,  
Бу олам ичра бир киши йўқдур фароғда.

Мажнуну Кўҳкан ета олмас ғуборима,  
Ҳар нечаким алар югурур дашту тоғда.

Васлинг ҳарими ичра эрур оламу валек,  
Бир кимса йўқки, бўлмагай анда сўроғда.

Дарёйи ишқ қаъригадур ғарқ дур каби,  
Мунисни демангизки, қолибдур қироғда.

\* \* \*

Васл субҳи-ю сафолар анда.  
Ҳажр шоми-ю балолар анда.

Ул қуёш даргаҳиким олийдур,  
Бандадур моҳлиқолар анда.

Қоши меҳроб дуурким эрмас,  
Мустажоб ўлса дуолар анда.

Ёр кўйи сари, эй баҳт, етур,  
То қиласай жонни фидолар анда.

Ишиқ даштики эрур ҳавлангиз,  
Иттилар роҳнамолар анда...

Қўнгул ойинасиға сайқал бер,  
Солсун ул жилва жилолар анда.

Борма масжид сариким, рўй берар  
Сенга юз навъ риёлар анда.

Гулшани васлиға етсанг Мунис,  
Чекма густоҳ наволар анда.

\* \* \*

Эй пари, мен сори гузар айла,  
Кир бузуқ кўнглима, мақар айла.

Жавҳари жоним айларам исор,  
Гар қабул айла, рад агар айла.

Нигаҳингдур басе саодат баҳш,  
Толеи наҳсима назар айла.

Муддаиу рақиб паст ўлсун,  
Мени оллингда мұтабар айла.

Мениким, бир камина бандангмен,  
Шафқатинг бирла баҳравар айла.

Фурқатинг ханжаридин, эй қотил,  
Үлтуру жонни бехатар айла.

Оразинг офтобини кўрсат,  
Фурқатим шомини саҳар айла.

Эйки, дилбар висолин истарсен,  
Үздин ўзлук юкин бадар айла.

Қилмагил Мунисингға мунча жафо,  
Оташин оҳидин ҳазар айла.

\* \* \*

Васл саргаштасимен водийи ҳижрон ичра,  
Қолғон элдекки, сувсиз ташна биёбон ичра.

Тушгали ишқ ўтиға ўртанур андоқ кўнглум,  
Ким қуруғ барг киби оташи сўзон ичра.

Яна бир келса эди ул маҳи журшедлиқо,  
Қолмагай эрди кўнгул зарраи армон ичра.

Ишқ бозори аро охир асирона кираар,  
Ҳар кўнгул тушса агар чоҳи занахдон ичра.

Бармоғин оғзиға ул шўхки солмиш, гўё  
Моҳии сиймин эрур чашмаи ҳайвон ичра.

Гулузоримни чаман сайри аро кўрмишдур,  
Андалиб андин этар нола гулистон ичра.

Мунисо, Лайлию Мажнунни анга қилма шабиҳ,  
Ҳеч бир важҳ ила йўқ ўхшashi даврон ичра.

\* \* \*

Бинафшазорни сайр айларам баҳор ичра,  
Не судким ани кўрмон бинафшазор ичра.

Бинафша хат санами лола рухсиз, айлармен  
Бинафшау лолани помол раҳгузор ичра.

Бинафша ранг менгин кўргач инфиолидин,  
Бинафша тутди ватан дашту кўҳсор ичра.

Дедим, бинафши холин чу хат аро кўрдим:  
— Магарки қолди бинафша гилу ғубор ичра?

Бинафшани на қилай даҳр бўстонида,  
Хати бинафшаси бас гулшани узор ичра.

Бинафшагун хати шавқида дам-бадам йиглаб,  
Бинафшавор қаро кўзум интизор ичра.

Менги бинафшаси ёдида, оҳким, тутмиш,  
Бинафшафом туганлар дили фигор ичра.

Бинафша холи фироқида санги ғам доғи,  
Бинафшазорлар очди тани низор ичра.

Бинафша вақтидур, эй пири дайр, Мунисга  
Бинафшагун қадаҳе лутф қил хумор ичра.

\* \* \*

Шаҳдни тутмоқ баробар ул лаби хандон била,  
Тенг демакдур заҳр нӯши чашмаи ҳайвон била.

Юз очиб маҳви тамошо қилки, бир дам кўрмасам,  
Ўртарам хуршедни оҳи шарап афшон била.

Раҳм қилмай ҳолима ғайрига дамсоз ўлмоғинг.  
Шуълаи дардим баланд этмакдуур домон била.

Жилвалеро қоматинг сарви мени зор айламиш,  
Ишиқ аро не нисбатим бор қумрийи нолон била?

Үқ чу урдинг жонима зинҳор чекма ониким,  
Айрилурга тузмайин жоним чиқаррайкон била.

Нолаларким, мен чекармен дам-бадам кўйинг аро,  
Итларинг ул шўрдин бедор эрур афгон била.

Бодаи васлинг била тиргуз мени махмурни,  
Ким бўлубмен қатл заҳри қотили ҳижрон била.

Юз уза зулфи паришонинг тўкубсен зеб учун,  
Турфаким жамъ айламишсен куфрни имон била.

Кўзгудек чеҳранг тамошоси қилур тўти мисол,  
Рўбарў бўлсанг қачонким Муниси ҳайрон била.

\* \* \*

Таҳрик топар тонг ели бирла доғи лола,  
Лўлидуур ўйнар боши устида пиёла.

Сунбул гул уза соя солибдурму ёхуд  
Ҳар ён очилибдурму юзунг узра кулола?

Кўрдим юзунг атрофидадур ҳалқаи зулфинг,  
Ой даврида ким кўрмиш экондур қаро ҳола.

Шавқи гул рухсоринг ураг ҳар сори юз хор,  
Не айб кўнгул айласа булбул киби нола.

Рухсоринг эрур ҳусн гулистони, кўзунгдур  
Гулшанлар аро ўйнағучи шўх ғазола.

Авсофи баҳори рухинг итмомға етмас,  
Гул баргләридин битсам неча рисола.

Мунис миҷаси қўйинг аро ашқфишондур,  
Андоғки булут ёғдурадур боғ аро жола.

\* \* \*

Эй, телба кўнглимиизга сочинг тори силсила,  
Солсанг ҳам они чоҳи зақан ичра йўқ гила.

Шарҳи ғамим эшит ҳам эт ирсолруқъяе,  
Йўқ айб, дўстлар, йиборишмак маросила.

Эй шўхи сангдил, ҳазаре айлаким, тушар—  
Тоғларга нолишим асари бирла зилзила.

Ишқинг йўлига киргалидур ғам емак ишим,  
Гўё будур бу йўлда менга зоди роҳила.

Яктосен ўйла ҳусни жаҳонсўз бирлаким,  
Иўқ ҳадки, кун жамолинга бўлгай муқобила.

Рафъ айлагил рақиб ташовишин ўртадин,  
Мобайнимизда ҳожат эмастур бу фосила...

Мунис, сўзингга қил дури маънини мунтазам,  
Лекин замона аҳлидин әтмаи сила.

\* \* \*

Айни инояtingдин ҳолимға қил назора,  
Үлмақдамен ғамингдин дардимга айла чора.

Базмимни равшан айла хуршед талъатингдин,  
Ким рўзгорим онсиз бўлмишдур асрү қора.

Эй дўст, келмагингдин ортар эди муҳаббат,  
Не бўлди душман ўлдинг жонимға бора-бора.

Дийдоринг офтобу мен заррамен қошингда,  
Эй шўх, суҳбатимдин тутмоқ недур канора.

Утлуғ фифонларимдин кўнглингга йўқ асар ҳеч,  
Бўлмиш қаттиғлигидин гўёки санги хора.

Жабрингни торта-торта дарду ғамимдур андоқ,  
Ким йўқ бу бирга ғоят, ул бирга йўқ шумора.

Не бўлди буткауруга келсанг тараҳҳум айлаб,  
Мунисдек этти ҳажринг кўнглумни пора-пора.

\* \* \*

Берурсен, эйки, заҳри ҳажр эзиб ҳар лаҳза жомимға,  
Дамо-дам талхлиқлар еткуур ул заҳр комимға.

Ғамингдин ним бисмил қолмишам, жоно, тамом ўлгур,  
Худо ҳаққи учун, раҳм айла кори нотамомимға.

Халойиқ ичра мумтоз айла дашнومе била боре,  
Жавобе бергали тебратмасанг лаб гар саломимға.

Мени то хорлиғлар бирла сурдуң остоңингдин,  
Ғуборе ҳам сари кўйингда қўпмас эҳтиромимға...

Қорормиш рўзгорим зулмати андуҳи ҳажрингдин.  
Аён қил субҳ бир кулмак била бу тийра шомимға.

Бузубдур хотири Мунисни торожи ғаминг, бергил  
Низоми илтифотингдин бу мулки бенизомимға.

\* \* \*

Табассумда кўруб рангин лабингни ногиҳон ғунча,  
Қилиб дилтанглик зоҳир ичидин бўлди қон ғунча.

Сабо таҳрикидин йўқ, балки оғзинг шармидин бошин  
Қуий солмоққа мойил бўлғусидур ҳар замон ғунча.

Очиқ чеҳрангни то кўрди дема, эй гул очилмишдур,  
Хижолат ғоятидин айламиш кулгу аён ғунча.

Кўнгул тор оғзингга бир хандада олдурдим, эй гулруҳ,  
Киши кўрганму эркан бу сифат бир дилситон ғунча?

Амонлик истасанг бу боғ аро хомўш бўл доим,  
Ки оғатдин эминдур сиррин айлар то ниҳон ғунча.

Сенинг оғзинг хаёлидин қилур кўнглум қуши нола,  
Эзур боис чу булбул қилса фарёду фифон ғунча.

Кўнгул жамъияти топса халал эрмас таажҷубким,  
Эмас бу боғ аро ошуфта бўлмоқдин амон ғунча.

Недур бу размгоҳ ичра бошингга истамаклик худ,  
Ки ел хайли ўқига бордур аввалроқ нишон ғунча.

Шитобон бўлма рифъат қулласиға то кун эрмассен,  
Камин айлаб ётибдур йўлда шери осмон ғунча.

Фигонким, барча бу гулшан видоидин эмас әмин,  
Ки гаҳ гул узмак этмиш даъб, гоҳи, боғбон ғунча.

Анинг рухсору лаъли ўйла рангиидурки, эй Мумис,  
Агар кўрса бўлур афсурда гул ҳам нотавон ғуича.

\* \* \*

Хабар юзунг гулидин топса эрди гар лола,  
Бориб ўзидин ўлур эрди бехабар лола.

Юзунгга жилва бериб кирсанг эрди гулшан аро,  
Чаманда бўлмас эди яна жилвагар лола.

Кўнгулни доғи ғаминг қон қилибму ё анда  
Баҳори шавқинг очибдурму сар-басар лола.

Кўруб юзунг бошингга эврулурга баргидин,  
Чиқарди бағриқародек учарга пар лола.

Чу топти бандалигинг доғидин кўнгулда нишон,  
Чаман сарири уза бўлди тожвар лола.

Юз узра холи сиёҳинг нахуш ярашибдур,  
Ки доғдин топар ортуқси зебу фар лола.

Юзунг фироқи аро доғлик кўнгуллардин,  
Нишонадур бу чаман саҳни узра ҳар лола.

Муҳаббатинг ўти Мунис дилига солмиш доғ,  
Киши на билсун анинг ҳолини, магар лола.

\* \* \*

Ваҳки, кўнглум маҳвашеға мубтало бўлди яна,  
Чарҳдин ҳар дам насибим юз бало бўлди яна.

Телбалиқдин қўйди юз оворалиғ саҳросига,  
Ул гарибим хонумонидин жало бўлди яна.

Ташнаи васл ўлдиму бошимға ғам тифи ёғар,  
Манзилим ишқ ичра дашти Карбало бўлди яна.

Чарх ғам хайлини ундан кўнглум этти реш-реш,  
Ичгали қонимни ул элга сало бўлди яна.

Холи ўлмиш эрди даҳр афсонаи Фарҳоддин,  
Кўҳи ғам қозмоқлигим бирла тўло бўлди яна.

Оҳим ўлди тожу ғам туфроғи, Мунис, маснадим,  
Ишқ аро бўйла манга иззу ало бўлди яна.

\* \* \*

Рагбатим йўқ сен пари борида ҳар дилдорға,  
Рагбат этмак мумкин эрмас сендин ўзга ёрга.

Ҳасратингдин жонга етдим кечакундуз йиглабон,  
Ҳақ учун қил илтифоте бир замон мен зорга.

Мақсадим улдурки, берсам жилваи ҳуснингға жон,  
Мумкин эрмас боқмоғим ҳар сарви гул рухсорға.

Топмоқ истармен дудогинг шарбати бирла ҳаёт,  
Тутма онсиз оби ҳайвонни мани беморға.

Жилванга ишқ аҳли кўп зоҳир қилурлар эҳтиёж,  
Жонларин қилсан фидо қаддингни сол рафторға.

Не балолардурки, Мунис чекди ҳижрон ранжидин,  
Нетти они қўймасанг, жоно, яна озорға.

\* \* \*

Мен сани кўргач кўнгул зор ўлди, кўз ҳайрон санга,  
Балки жиссими хоки пою жон доги қурбон санга.

Хур эрурсөн ё пари ёхуд малак бу ҳусн ила,  
Йўқса қайси тил била деолғамен инсон санга.

Меҳри рухсоринг эрур бир шамъким эврулгали,  
Бошинга парвоналиғ айлар маҳи тобон санга...

Нола тортармен висолинг орзуси бирла, лек  
Етмас, эй кофирвашим, мен тортгон афгон санга.

Етмишам кўйингға жоним туҳфа айлаб, қил қабул,  
Берма кўп озорким, мен бўлмишам меҳмон санга.

Отланур бўлсанг менинг кўнглумни жавлонгоҳ қил,  
Ким муносибдур басе, жоно, бу кенг майдон санга.

Захм ураг кирпикларинг кўксимга қоним тўккали,  
Етмасун ногаҳ зарар ҳар дам тўкардин қон санга.

Жилва айлаб чиқсанг айлармен бошимни хоки по,  
Ноз ила кулбам аро кирсанг берурман жон санга...

Не паридурсанки, Мунис оразинг кўрган замон,  
Бўлди дашти ишқ аро мажнуни саргардон санга.

\* \* \*

Бедилеким ишқинг ичра йўқтур осойиш анга,  
Қон ёшимдин сурхрўй ўлмоқдур оройиш анга.

Кўнглума йўқ дашти ҳажрингда фарог андуҳдин,  
Нетти берсанг васл кўйи ичра осойиш анга.

Дарди ишқингким, дамодам тоқатимни ўксутур,  
Ваҳки, шавқингдин етар кун-кундин афзойиш анга.

Вандадур ул хўблар шоҳига қўнглумким, тутар —  
Жон била ҳар навъ андин бўлса фармойиш анга.

Арсай оғоқга ул навъ тўлмиш кулфатим,  
Ким яна қолмайдур анда жойи гунжойиш анга.

Кўр на тайшу бехирадлиғдурки ринди учраса  
Арз этар май тавбасини носиҳи тойиш анга.

Фақр майдонида собиқдур риёзат тортғон,  
Айла нафси белажоминг тавсанин ройиш анга.

Масжид ичра шайхдин Мунис ридо олмиш эди,  
Кўрки бу кун дайр ародур бодаполойиш анга.

\* \* \*

Арз бисёр айладим ҳолимни то ёр оллида,  
Бўлмишам мубрим гадодек хор бисёр оллида.

Ваҳ менга ёр оллида не навъ бўлгай манзалат,  
Ким тақарруб рутбасин топмишлар ағёр оллида.

Ул кўзи қотил қошида кўнглум айлар изтироб,  
Бир ўлумлик кимсадек жаллоди хунхор оллида.

Бир сўз айтур бўлсам айтурмен бас, қўрқунч ила,  
Қайдадур журъат манга айларга такрор оллида.

Иzzатим эрди агар кўйида берса эрди йўл,  
Оҳким, ит ҳам эмасдур мен каби хор оллида.

Ҳажрида ҳар дам жафосидин ўлармен юз карат,  
Кошки бир қатла ўлсам ул ситамкор оллида...

Қилмангиз, эй аҳли дунё, арзаи асбоби жоҳ,  
Ким эрур фақр андин ортуқ Муниси зор оллида.

\* \* \*

Сўз дегай тўти нечук ул шаҳд гуфтор оллида,  
Ажз этарлар чун шакар сўзликлар изҳор оллида.

Гул жабинлар манглайиға доғ тушмиш саждага,  
Баски қўймишлар бошин ул лола рухсор оллида.

Офтоби ҳуснидин шармандалик топмиш пари,  
Бу жиҳатдиндур бўла олмас падидор оллида.

Сарв аёғи тушти сув ирмоғлари занжирифа,  
Жилва қилмоқ журмидин ул шўх рафтор оллида.

Бўлса ҳам қоним чучук ул кўзга ёқмаским, бўлур  
Ногуворо шарбати гулқанд бемор оллида.

Лаъл ила гавҳарни, эй дарёю кон, арз айламанг,  
Ким алар қадри йўқ ул лаъли гуҳарбор оллида...

Эйки, истарсен риёлиғ саждадин бўлмоқ халос,  
Қўй суроҳийдек бошингни пири хаммор оллида.

Дилбаринг, Мунис, эрур нозик мизожу тунд хўй,  
Қилма ҳолинг арз густохона зинҳор оллида.

\* \* \*

Ул қуёш борур тушуб соч соясо кейнида,  
Зарра янглиғ музтарибмен зору шайдо кейнида.

Шаҳсуворим сурса майдон ичра рахшин ҳар тараф,  
Қўзғолурлар гарддек аҳли тамошо кейнида.

Қатлима азм этмиш ул кофир, vale қўнглум келур,  
Нақши пойига бўлуб ҳар дам жабинсо кейнида...

Мен гирифтори ғаму кейнимдадур юз минг бало,  
Ҳеч ўлумликнинг эмас бу навъ гавро кейнида.

Сочидур андоқ узун ул сарвингким, очсалар,  
Соясидек бўлғусидур хокфарсо кейнида.

Пўя айлармен жунун кўйида, ваҳким, тифллар  
Тош отарлар издиҳом айлаб бу расво кейнида...

Ишқ дашти қатъида Мунис тўкар ул навъ ашк,  
Ким бўлур ҳар нақши по бир мавжи дарё кейнида.

\* \* \*

Ул париким судралур зулфи паришон кейнида,  
Сарвинозедурки, бўлгай соя пўён кейнида.

От сурарда демангиз, туз қўзғалиб қолмиш кейин,  
Хаста кўнглумдур борур афтону хезон кейнида.

Лаъли нўши ўйла шириндурки, ул шаккаршикан,  
Ҳар қаён борса чибин янглиғ борур жон кейнида.

Нақши по эрмас, хиром айларда ул хуршед чеҳр,  
Ким эрур йўл узра қолгон чашми ҳайрон кейнида.

Не тагофулдурки, ул бераҳм боқмас кейнига,  
Ҳар неча кўнглум югурса тортиб афғон кейнида.

Кўрки Дажжолу анинг аъвонидин тамсилдур,  
Шайхи жоҳилким иғормиш неча нодон кейнида.

Дарду ғам афвожидур Мунис изида ишқ аро  
Ўйлаким, хайлу сипаҳ султони даврон кейнида.

\* \* \*

Кўнгул кирса йўлунгга тунд ё оҳиста-оҳиста,  
Чиқар ғам айлаб истиқбол анго оҳиста-оҳиста.

Ўқуні кўнглумга захм урғон сойи равшан бўлур эрди,  
Кирарап равзанлиғ уйларга зиё оҳиста-оҳиста.

Ҳар ишда тезлик қилмоқ на ҳожат, эй кўнгул, кўрким,  
Қуёш ердин қилур азми само оҳиста-оҳиста.

Кўнгул, собит қадам бўл ишқ ароким, ошиқи содик  
Топар бор эрса ҳар не муддао оҳиста-оҳиста.

Фифонким, яхшилар маъюс ўлуб, ҳар дам ёмонларниңг  
Қилур чархи даний комин раво оҳиста-оҳиста.

Вараъ таркин тутуб, Мунис, мақом эт дайр кунжинким,  
Фароғат рўзи ўлғай то санга оҳиста-оҳиста.

\* \* \*

Олиб кўнглумни қилдинг зулм тифи бирла юз пора,  
Бу ишдин бўлди маълумимки, йўқ сенек ситамкора.

Равон бўлса қадинг гар арзи раънолик била ҳар ён,  
Сиҳи қадларга сажданг айламоқдин ўзга йўқ чора.

Тамошо аҳли оллида агар очсанг узорингни,  
Қани тоқат кишига қилғали ҳуснингға наззора.

Қилиб қатл әлни ғамзанг қон ичардин қолмади ҳаргиз,  
Киши кўрганму эркан қотили бу навъ хунхора?

Жамолинг зийнатидур гарчи кундек юз уза холинг,  
Вале улдур сабаб әл рўзгори бўлғали қора.

Эрурсен чунки ортуқ жон карам айларда ошиқға,  
Хижолатдин пари бўлди ниҳонлиғ сори овора.

На янглиғ бўлмасун девона Мунис дашти ишиқ ичра,  
Ки сендурсен париваш тифл отарсен бошиға хора.

\* \* \*

Ақлу хирадни олдинг тарзи хиром бирла,  
Оlamға фитна солдинг ҳусни тамом бирла.

Бошимға зулмати ғам солдинг узоринг очмай,  
Бахтимни тийра қилдинг бу навъ шом бирла.

Дармон на бўлди қилсонг гаҳ васл шарбатидин,  
Дардимни қилдинг афзун ҳажри давом бирла.

Сиймин танингни истаб бердим ҳаёт нақдин,  
Суд ўлмади манга бу савдойи хом бирла.

Тиги сиёсатингдин ушишоқ топди ором,  
Туз бўлди мулки ишқинг мундоғ низом бирла.

Аҳли вафо тиларлар базмингда неъмати васл,  
Ул элни айла хурсанд инъоми ом бирла.

Раҳм эт ҳазинлиғимга, нокомлиғда қўйма,  
Рафъ айла кулфатимни бир жоми ком бирла.

Жазби каманди лутфинг жон сайдига эрур дом,  
Жоним қушини, жоно, сайд эт бу дом бирла...

Ноз айламак ишингдур чун шоҳларга, эй шўх,  
Не навъ тутгунг улфат мендек ғулом бирла.

Мунисға кўйинг ичра кўп хорлиғ етибдур,  
Мумтоз қилғил они бир эҳтиром бирла,

\* \* \*

Бошимга солди ишқинг чун юз ошуб,  
Танимдур дард ҳайлига лагадкўб.

Эрурсен ҳусн гулзорида бир гул,  
Ки эрмас оразингча настаран хўб.

Қадинг зебо ниҳоледур ки, йўқдур  
Руунат боғида сарв онча марғуб.

Жанобинг қуллиги тун-кун ишимдур,  
Сепар кўз сув, мижам гар урса жоруб.

Буким шамъ ўртсанур ҳар кеча тинмай,  
Магар сўзи дилимга бўлди мансуб.

На афсун айламиш душманки, ҳар сўз,  
Деса, рағмимға табъингға тушар хўб.

Балолар ичраким, солмиш фиқоқинг,  
Эрурмен сабр қилмоқликға Айюб.

Мени бир хат била то қилмадинг ёд,  
Кўнгул пешишдадур андоқки мактуб.

Бу даврон ичрадур баским ҳунар—айб,  
Ҳунар аҳли киби йўқ әлда маъюб.

Улусга эйки, голиблиқ тиласен,  
Бурунроқ айла ўз нафсингни мағлуб.

Кўтар бир лутф ила Мунисниким, ул  
Оёқ остида қолмиш хору манкуб.

\* \* \*

Қилурлар бир-бирининг сұхбатин гарчи ҳавас аҳбоб,  
Эмаслар лек даврон гардишидин даstras аҳбоб.

Фалак мундоғки душманкомлиғ зоҳир қилур ҳар дам,  
Эмаслар ҳеч фориг ғам чекардин бир нафас аҳбоб.

Мұхаббат расмидин огоҳ этиб, миннат тутуб бергил,  
Агар жон нақдина сендин қилурлар мултамас аҳбоб.

Замона аҳлиниң манзуридур чун молу жамъият,  
Қақон топғай менингдек бир ғарип бе ҳечкас аҳбоб.

Эрурмен ўйла бекаским, борурға bogласам маҳмил,  
Топилмас айламакқа нола андоқким жарас, аҳбоб.

Тутай кимдин умиди марҳаматким, ёқғали жоним —  
Урлар оташ аъдоу солурлар хору хас аҳбоб.

Десанг, аъдо шикасти давлатимға топмасунлар даст,  
Йиғ атрофингға, эй шах, адл бирла пешу пас аҳбоб.

Шакар янглиғ жаҳон аҳлиға шириң комлиқ еткур,  
Ҳужум этсун десанг устингда андоқким магас аҳбоб.

Эрур бир гул ҳавоси бирла Мунис күнгли бол афшон,  
Нечук сақларлар айлаб они маҳбуси қафас аҳбоб.

\* \* \*

Го юзига ул қуёш чекти ниқоб узра ниқоб,  
Дуди оҳимдин бўлур зоҳир саҳоб узра саҳоб.

Мен ниёз узра ниёз изҳор қилсанг оллида,  
Кўргузур ҳар дам менга ул ой итоб узра итоб...

Турфа умре сенки, ногаҳ мен сори қилсанг гузар,  
Борғали кўнглумдек айларсен шитоб узра шитоб

Ваҳ, нединдурким юбормассен навозишномае,  
Мен неча ирсол агар қилсанг китоб узра китоб.

Шуъла узра шуъла оҳимдин борур гардун сари,  
Ўйлаким, кўқдин нузул айлар шиҳоб узра шиҳоб.

Гарчи жон бермай висолинг ичра қилдим бир гуноҳ,  
Кеч гуноҳим, токи топғайсен савоб узра савоб.

Онча махмур ўлмишам, мумкин эмас дафъи хумор,  
Бермасанг соқий манга ҳар дам шароб узра шароб.

Муниси саргашта қатлидин савол этсам агар,  
Тиф ила ҳар дам берур ул ой жавоб узра жавоб.

\* \* \*

Ёлборсам ул соқиға, бер бир жом, деб  
Қон ичиб дурур ҳар дам майи гулфом деб.

Ул ҳусн шоҳидин на деб лутф умид этай,  
Ким ғам берур ҳар дам менга инъом деб.

Ул кўй тавфин ҳажжи акбар англасам,  
Гарди роҳини жомаи эҳром деб.

Андиша бирла сўз деким, пухтани  
Ташларлар эл оғзиға олмай хом деб.

Давлат қуши, эй шоҳ, қўнмиш бошинга,  
Ҳурқутма ани, зулм бирла ром деб.

Мунис нигори булъажаб бераҳм эрур,  
Бермас анга коме ани ноком деб.

\* \* \*

Фасли гулу баҳор эрур мавсуми шабоб,  
Хушдур бу чоғда даври маю нағмаи рубоб.

Хирмону дарду ранж қорилар насибидур,  
Сур ишрат, эй йигитки, ғанимат эрур шабоб.

Соқий, шароб баҳрига сол ўйла жўшким,  
Бўлсун тараблар ойинаси анда ҳар ҳубоб.

Базм аҳлиға ичурдинг эса май, газак учун,  
Омода айла ўртада ҳам нуқл, ҳам кабоб.

Кайфияти шароб қилур айш соридин,  
Махмурлар кўнгуллари юзига фатҳи боб.

Чун бода айлади мени холис вужуддин,  
Ҳар сўз десам бўлур зари бегаш киби лубоб.

Туз ботинингни Мунису бўл ҳар либос ила,  
Ким пардапўш бўлса, хушо ҳолинга қубоб.

\* \* \*

Буки кўнглум қуши ишқинг ғамидиндур бетоб,  
Булбуледур гули рухсоринг учун ҳоли хароб.

Ўртаниб қуймасун ошуфта кўнгул ғайрат аро,  
Очма эл оллида рухсорадин, эй шўх, ниқоб.

Лабларинг оби ҳаётики эрур рашки асал,  
ЛАъли сайёл дейинму ани, ёқути музоб?

То юзинг шаъшааси солди улус базмиға ўт,  
Тушди жонимға гудозу жигарим бўлди кабоб.

Ҳадафи тири бало қилма мени ишқ ичра,  
Ҳар замон отма жафо ёйи била шасти итоб.

Ногиҳон келдинг эса бормоқ учун ёнимдин,  
Не учун кўргувадурсен, дегил, эй умр, шитоб?

Урушур жоним учун лабларинг ол оники, то  
Ул жиҳатдин орага тупимағай, эй жон, шакароб.

Юзу холинг ғами кўз мардумидин қон тўкти,  
Йўқса нечун оқизур ул мижалардин хуноб.

Илтифот айлагил арбоби вафоға, жоно,  
Алами ҳажрда ул хайлға йўқ тоқату тоб.

Зор кўнглумки жунун даштида айлар тақу тоз,  
Зулфинг опуфтасидур бўйнига қил они таноб.

Жилваи нахли қадинг мойили эрмас муҳтож,  
Жилваи сарвга ҳар неча эса ноз маоб...

Неча Мунис чекар андуҳи фироқинг заҳрин,  
Нетти қилсанг ани васлинг майи бирла шодоб.

\* \* \*

Эрур менга ғами ишқингда то жигар хуноб,  
Тўкар жигардин олиб юзга чашми тар хуноб.

Менга замона дамо-дам ғамингда қон ичирур,  
Азалдин ўлди менинг қисматим магар хуноб.

Эрур чу сендин, ичармен камоли завқ била,  
Агар шароб тутарсен менга ва гар хуноб.

Чаманлар очти тузу тог қонлиғ ашкимдин,  
Жаҳонда айлар эмиш мунча ҳам асар хуноб.

Кўзум оқизди жигар қонин ўйла ҳажрингда,  
Кп бўлди олам аро барча баҳру бар хуноб...

Фалак танаъумидин ҳарна етса Мунисга,  
Фигонки; барча бўлур дард сарбасар хуноб.

\* \* \*

Чун оразинг гули била гулзор топти зеб,  
Васлингда нола нағмасини тузди андалиб.

Хуффош кун борида чиқа олмас, эй қуёш,  
Сендин ниҳон юруса пари йўқтурур ажид.

Қилғил бўён хиром насими баҳордек,  
Ким ғам хазонидин қурумиш гулшани шикиб.

Дармон етурди дардима қўзинг нигоҳ ила,  
Беморлиғни кўп кўран охир бўлур табиб.

Гардуни дун муродинг ила айланур агар,  
Зинҳор ғофил ўлма, эрур ҳалқаи фириб.

Ажзу ғуур ҳосиятин кўрки меҳрга,  
Мундин гаҳи фароз мақом ўлди, гаҳ нишиб.

Лойиқмудур рақиб висолингға йўл топиб,  
Ҳажрингда ғам била юрмак Муниси ғариб?

\* \* \*

Куйди сабру борди ҳуш ул чеҳра тимсолин кўруб,  
Мардуме топдим жунуним кўзига холин кўруб.

Андин эрмиш бенишон Анқоки топмиш инфиол,  
Парфишонлиқ чоғи кўнглумнинг пару болин кўруб.

Ул чароғи безиёдекким бўлур дамсози субҳ,  
Гулнинг ўчти ранги ёрим чеҳраи олин кўруб.

Қўрқарам андинки, парво қилмағай ўрнимга дун,  
Жондин этмон ваҳм қасдимда фалак золин кўруб.

Абрдекким, ашқ тўйкай гунча бўлгай тангдил,  
Йиғлар осонлиқ била эл кўнглум ашколин кўруб.

Давлатингдур гар насиб ўз сарвату жоҳинг қилур,  
Недур очмоқлиғ тамаъ илгин киши молин кўруб.

Бўлма ғофилким, фалак маккораси деб саъду наҳс,  
Ҳийла изҳор айлар анжумдин нахуд фолин кўруб.

Кўрмамиш даврон кўзи бир золим андоқ меҳрсиз,  
Найлайн гар раҳм қилмас Мунис аҳволин кўруб.

\* \* \*

Юзу зулфинг этсам талаб йўқ ажаб,  
Ки айшимғадурлар сабаб рўзу шаб.

Лабинг ўйда шириндурурким, анга  
Не мумкинки бўлгай мушобиҳ рутаб.

Эрурсан ниҳон, эй пари, ўйлаким,  
Сани топмас айлаб бу мажнун талаб.

Фироқ ичра васлингни зикр айларам,  
Ўларда ҳаётимға улдур сабаб.

Хумор ичра мен ўлгали етмишам,  
Қадаҳ тут менга, соқиё, лаб-балаб.

Кўнгул шишаедурки, қилса бўлур,  
Ани рўкаши коргаҳи Ҳалаб.

Ҳаёу адаб, иффату ростлиғ,  
Агар бўлса доим ишингдур тараб.

Нединким ҳаводис ўти дафъига  
Бу тўртов вужудинггадур чорқаб.

Аруси жаҳонга кўнгул қўймаким,  
Вафодин муарро дурур ул (шааб).

Ғурур этма аслингта, қил касби фазл,  
Эрур мұтабарроқ наسابдин ҳасаб.

Чу дам ишқдин-урдинг ўлма малул,  
Санга, Мунисо, етса ранжу тааб.

\* \* \*

Боқса гар мен зорға чашми сиёҳинг масти хоб,  
Бўлса диним мулки тонг йўқ фитна хайлидин хароб.

Авжи ҳусн узра эрурсан офтобеким, санга  
Иктисоби нур учун ҳар кун қўяр юз офтоб.

Баҳри ҳуснедур юзинг, анда занахдонинг бўлуб,  
Бегумон ул баҳр уза бир вожгун тушган ҳубоб.

Очма нур афзо жамолинг тийра дил ағёр аро,  
Офтоб олмас юзидин кечалар ичра ниқоб.

Жилвагоҳинг гардин айлаб тўтиё қилғил илож,  
Жилванг истаб йиглай эркан кўзларимға етмиш об.

Отланур бўлсанг жамолингни очиб майдон аро,  
Офтоб айлар кўзини ҳалқаи чашми рикоб.

Не ажаб чекса фиғон Мунис қадингнинг шавқидин,  
Нола тортар сарв ишқидин чекиб қумри азоб.

\* \* \*

Тез этар жонон ғами ишқим ўтини қўзгалаб,  
Куйдурур ул ўтга бир-бир устужонимни қалаб.

Зулфида кўнглум ватан қилмиш, vale тутмай қарор,  
Тор уза ўргамчидек ҳар ён югурур ўрмалаб.

Нуқтаи холи ғалат тушмиш лабининг устида,  
Берса рухсат олғамен ул нуқтани андин ялаб.

Кўксум узра доди ишқи битмаги имкон әмас,  
Ким бузармен нохуни ғам бирла ҳар дам тирмалаб.

Ул не золимдурки, гар қилсан шикоят зулмидин,  
Кўргузур аввалғидин кўпроқ ситамлар урчалаб...

Гар тиласан жоҳу иқболингни, эй шаҳ, мустадом,  
Беваларни шод тут, айтот бошин сийпалаб.

Ҳар қаён нафсинг тилар ул ён югурмақдур ишинг,  
Гүйё минмиш сени ул дөв бошинг нўхталаб.

Не муруват кўз тутарсен чархи дундинким, қилур  
Хасм отани ўғлиға, ўғлин отодин бошқалаб.

Мунис, асбоби жаҳон жамъиятиға қилма майл,  
Ким олур ворисларинг бир кун йўқу боринг талаб.

\* \* \*

Эй латофат осмони узра ҳуснинг офтоб,  
Заррадек маҳвашлар атрофингда айлар изтироб.

Моҳ рухсоринг намоён айлабон чиқсанг агар,  
Кун хижолатдин юзига шомдин тортар ниқоб.

Оташин лаълинг гамидин тушгани жонимга ўт  
Сочилур ҳар дам шаар оҳимдин андоқким шиҳоб.

Куиди сабрим пардаси шавқи жамолинг тобидин,  
Оре, ўртангай катон гар етса анга моҳтоб.

Лола доғидек кўнгулда бордуур дод узра доғ,  
Чеккали холи рухингдин айру дард ичра азоб.

Етти, эй соқий, Хизр осо лабимга жон келиб,  
Бошим узра лутф ила тут оби ҳайвондек шароб.

Оҳким, бу чархи каж рафтордин даврон аро  
Дўстлар ноком, душман хайлидурлар комёб.

Чунки лаълинг зоҳир этти жон берурдин мұъжиза,  
Ер юзидин айлади Исо фалакка ижтиноб.

Назминга тартиб бер, Мунис, ғаму шўриш била,  
Айласун ишқ аҳли ўртамакни андин иктисоб.

\* \* \*

Бўлмаса жинси жамолингга харидор офтоб,  
Не учун зарпошлиглар айлар изҳор офтоб?

Сенки шоҳи ҳуснсен ҳар кун қилиб қуллуқ санга,  
Сажда айларга қўяр туфроққа руҳсор офтоб.

Чиқ жамолингни очиб то әлга ҳуснин сотғали,  
Қилмасун олам аро кўп арзи дийдор офтоб.

Хокбўсинг ҳусн элига мужиби иззат дурур,  
Чарх уза чиқмас йўлингда бўлмайин хор офтоб...

Шамъи васлингдин агар етса фуруғе басдуур,  
Андин ўзга шоми ҳажримға не даркор офтоб.

Даври руҳсорингда мушкин зулғ әмастур гўиё,  
Қилди фош ойинаси гирдида зангор офтоб.

Не учун шому саҳар бошинг уза айланмасун,  
Кўрмамиш ҳуснинг киби бу чархи даввор офтоб.

Рутбаи олий тиларсен соғ қил кўнглингниким,  
Иртифоъ айларга мундиндур сазовор офтоб.

Ёрутур яхши амал қабрингни, йўқса суд әмас,  
Тожинг узра бўлса гар ҳар дурри шаҳвор офтоб.

Бўл тажаррудпеша Муниским, Масиҳога мақом  
Бўлди бу ишдин синеҳр авжида то бор офтоб.

\* \* \*

Янги ой эмастур ҳилолингча хўб,  
Қуёш бўлмағондек жамолингча хўб.

Масиҳо дами жон берур элга, лек,  
Эмас руҳпарвар мақолингча хўб.

Қизил гулки, хушрангу нозик эрур,  
Эмас тоза руҳсори олингча хўб.

Риёзи биҳишт ичра йўқ салсабил,  
Юзунг гулшанида зилолингча хўб.

Эмас хўб зулфинг киби сунбуле,  
Доги сарви зебо ниҳолингча хўб.

Хизр айнида чашмаи нилуфарий  
Лабинг узра йўқ хатту ҳолингча хўб.

Жунун ичра мажнун эмас, эй пари,  
Йўлингда бу ошуфта ҳолингча хўб.

Агарчи фараҳбахш эрур жоми Жам,  
Йўқ, эй соқий, сингон сафолингча хўб.

Парию малоик эмас, Мунисо,  
Сенинг ёри фархунда фолингча хўб.

\* \* \*

Чашмаи ҳайвон эмастур лаъли хандонингча хўб,  
Жилвалиғ сарви сиҳи қадди хиромонингча хўб.

Нофаи чиники атри бирла эл табъин очар,  
Биллаҳ, эрмастур манга зулфи паришонингча хўб.

Не учун айни камоли ҳусн аро топмиш завол,  
Бўлса эрди меҳри раҳшон моҳи тобонингча хўб.

Олмаким, ранги латофат бирла шириндур басе,  
Ҳар жиҳатдан йўқдурур себи занахдонингча хўб.

Шаккар афшондур такаллум вақтида тўти, vale,  
Йўқ фасоҳат ичра лаъли шаккар афшонингча хўб.

Кўйи гулзори эрур албатта ортуқ, зоҳидо,  
Ор эрур билмак они фирмавси ризвонингча хўб.

Мунисо, Ширин била Лайлининг авсофин дема,  
Қайдадур ҳусну латофатда фалон жонингча хўб.

\* \* \*

Қилди кўзум қаро мани ғам тийра ҳол этиб,  
Хуршеддек ёрут ани арзи жамол этиб.

Мардумларим юзига ёпуштиму ё магар,  
Машшота зеб берди мунга ани хол этиб.

Ишқимни айла тарк дединг, мақсадинг недур?  
Мундоғ мени мукаллафи амри маҳол этиб.  
Жисмим ғаминг тоши била кўйингда бўлди гард  
Қил сарфароз гоҳи ани поймол этиб.

Найранги дарди ишқни кўргилки, пайкарим  
Зулфингта тушти заъф ила тор хаёл этиб.

Бер файз шоми ийд қошинг аксидин манга,  
Ёқут ранг май шафакида ҳилол этиб.

Топдим муҳаббат аҳли аро сурх рўйлиғ,  
Қонлиғ сиришк чеҳраи зардимни ол этиб.

Ҳар неча топса кимса қуёшдек камол, чарх  
Хок ичра солур охир асири завол этиб.

Мунисга ҳар неча ғами ҳажринг ҳужум этар,  
Дафъ айлар ани ёди нишоти висол этиб.

\* \* \*

Ул шўҳки, от сурди бошимға қилич тортиб,  
Қилди мани юз пора кўргач тазаби ортиб.

Ул қотили худройим бераҳм эрур андоқким,  
Бир қатла назар қилмас, юз мартаба ёлбортиб.

Зулф ила ёпиб юзни ҳажримни узотти кўп,  
Кўргузмади субҳи васл ул кечани қисқортиб.

Кўнглумни адам сори ҳижрон алами элтур,  
Васли била қайд әтмас ул телбани қайтортиб.

То дашти жунун ичра овора эрурман, чарх  
Топмас манга монанди ғам хайлига ахтортиб.

Йўқтур манга Хизреким, то оби ҳаёти васл  
Топсам анга йўл фурқат зулмотида бошқортиб.

Махмурман, эй соқий, лутфинг майдин айру.  
Маст эт мени бир лаҳза юз косани сипқортиб.

Не битгай иши онингким элга мусаллатдур,  
Битмас ишини ҳар дам бедод ила биткортиб.

Мунис келу қонеъ бўл фақр ичра маошингға  
Зар қилма тамаъ элдин гул юзингни соргорттиб.

\* \* \*

Ёшурди юзини мендин ҳаё баҳона қилиб,  
Ниқобин олмади элдин ибо баҳона қилиб.

Агарчи оғримамиш эрди, кўргали ҳолим —  
Кўз очмади манга, оғриқ анга баҳона қилиб.

Чун истадим бути зоҳидвашим юзин қўрмак,  
Юзига тутди қўйини дуо баҳона қилиб.

Агарчи шоҳча қадрим бор эрди олам аро,  
Йўлиға чекдим ўзимни гадо баҳона қилиб,

Висол ваъдаси айлаб хилоф қилди яна,  
Рақиб касратин ул дилрабо баҳона қилиб.

Фақиҳ бодани наҳй этти, дардим ўлди зиёд.  
Аёқчи, тут манга жоме даво баҳона қилиб.

Фироқ аро ғам ила юрганингча жон чекибон,  
Ўзингни еткур анга, Мунисо, баҳона қилиб.

\* \* \*

Зулфи юзига тушди янгоғидин осилиб,  
Сунбул доғилди гулга қирогидин осилиб.

Жайбida тугма ҳайъати турғон киби эрур,  
Амрудлар қатор сабоғидин осилиб.

Қайди ғамида толпинатурғон кўнгул эрур,  
Қушким урар қанотини боғидин осилиб.

Ул юз ғамида гулшан аро чексам оҳи сард,  
Гуллар бўлур фасурда будоғидин осилиб.

Жон файзи зарра-зарраи хокимга етқуур,  
Бир қатра бода тушса дудоғидин осилиб.

Саъд ахтаре ҳилолға қилди қирон дегил,  
Ҳар қатра терки, турди сақоғидин осилиб.

Зулфида сарнигун туруб айлар фиғон кўнгул,  
Ҳақгў қуш ун чеккандек оёғидин осилиб.

Жонимни рашк ўти аро ўртар исирғаси,  
Чун майл этар юзига қулоғидин осилиб.

Мунис жанобига бора олмаски, итлари  
Үткармас ул тараф сўлу соғидин осилиб.

\* \* \*

Үқеким сен отарсен жони зоримға тегар ишлаб,  
Олурға қўймас они устухоним ҳар тараф тишлаб.

Тушубмен ҳажрға васлингда жон бермай қилиб  
журме  
Олиб жонимни эмди ёрлақа, жонимни боғишилаб.

Чекар кирпикларим ашкимни кўздин доманим сори,  
Нечукким элтгайлар дашт эли ошлиғни иргишилаб,

Висолинг офтоби тобиши бирла чиқар ёзга,  
Ки ётдим ўлгали ҳажринг совуқ ели била қишилаб.

Тани зоримни солдинг итларингға поралар айлаб,  
Нима топмас сўнгакларни алар ҳар неча қиртишилаб,

Уруб ўқ ҳар тарафдин бағрима бедод ўтин ёқдинг,  
Ҳамоноким кабоб айларсен ул ўтға ани шишилаб...

Ажал бир кун уруб йўл йўқу борингни олур қўлдин,  
Неча берк этгасен дунё юкин орқангға тирмишилаб.

\* \* \*

Эй лабинг ёдида жомим оби ҳайвондин тўлиб,  
Балки айшим косаси кайфияти жондин тўлуб.

Баски ғамзангдин етиб қасдимга мужгон ўқлари,  
Барча узвим мўй янглиғ нўги пайкондин тўлуб.

Чун тамошойи жамолингдин кўзум холи қолиб,  
Захми пайкони хаданггинг янглиғ ул қондин тўлуб,

Ўйла хушбўдур сочингким, ул тараф эсгач сабо,  
Даҳр бўстони саросар атри райхондин тўлуб.

Нуктаи рангинларинг ҳажрида андоғ қон тўкуб,  
Кўзларимким, доманим ёқуту маржондин тўлуб.

Чун тушуб кўнглумга шавқи оразингдин партави,  
Байтул эҳзоним шуои меҳри раҳшондин тўлуб.

Жилваи сарви қадингдин чун топиб бўстон хабар,  
Шохлар барг ўрнига қумрийи нолондин тўлуб.

То жамолингдин етиб гулшанга файзи жилваи,  
Наргис ўрнига саропо чашми ҳайрондин тўлуб.

Кўнглини Мунис ҳавои ғайрдин холи қилиб,  
Парпарилиғ шишадек дийдори жонондин тўлуб.

\* \* \*

Кел эй маҳваш, қамар янглиғ хиром ичра шитоб айлаб,  
Юзунгдин тийра шомимни ёрут рафъи ниқоб айлаб.

Саховат нуридин еткур ёруғлиқ рўзгоримга,  
Аён қил заррапарварлик юзунгни офтоб айлаб.

Бақо сарчашмаси оғзингдуур, жоно, мани саршор —  
Қил ул сарчашма нўшидин Хизрдек комёб айлаб.

Раво кўрма манга маҳрумлиқни, сарфароз этгил,  
Вафо кўйида итлардин мени ҳам бир ҳисоб айлаб.

Либоси лолагун ичра қадингким нозпарвардур,  
Биҳишт ородур андин жилва туби иктисоб айлаб.

Сужуд этсам қошинг меҳробиға йўқ айбким, ул ён  
Жаҳон аҳли қўярлар бошин уммиди савоб айлаб.

Маоли ҳолим охир ишқинг ичра не бўлур билмон,  
Урарсен тифи кин бошимға ҳар дам юз итоб айлаб.

Иноят кўргузуб кулбам сори кел, то аёқингға  
Нисор айлай кўзимнинг ёшларин дурри хушоб айлаб.

Келиб ушишоқ аро Мунисға сен дилдорлиғ қилким,  
Кўнгул бермиш сени маҳбублардин интихоб айлаб.

\* \* \*

Алам чекдинг чу ҳусн авжига юзунг офтоб айлаб,  
Узоринг зарраси бўлдилар ой, кун изтироб айлаб.

Баҳо қилсанг агар васлингға жоним жавҳарин, эй шўх,  
Берурмен бўлса юз жониму мингдин бир ҳисоб айлаб.

Даводур нўши васлинг ошиқи маҳжур дардиға,  
Даво еткурки, ўлмишмен мени ҳажринг хароб айлаб.

Эрурлар чашми фаттонинг ажаб хунхораким ҳар дам—  
Ичарлар нотавонлар қонини гулгун шароб айлаб...

Саодат авжи узра офтобедур жамолингким,  
Сенга бир заррадур сендин қуёш нур иктисоб айлаб.

Тушармен соядек шамъи рухинг кўргач аёқингға,  
Туним ёрутғали келсанг агар рафъи ниқоб айлаб.

Оқизди, ваҳки, ишқинг сели ашким бирла тўфонлар,  
Анга етти фалак гунбазларин етти ҳубоб айлаб...

Адабгоҳи муҳаббатда эрур забти нафас марғуб,  
Эмас хуш арзи ҳол этсам агар рафъи ҳижоб айлаб.

Нетонг бўлса дамимдин дудлар ҳар лаҳза соидким,  
Ниҳони доғлар кўнглумда ўртарсен азоб айлаб.

**Гаҳи** Мажиун киби Мунис кулармен, гоҳ йиғлармен,  
**Мони** ўз ҳолима қўймас бу даврон инқилоб айлаб.

Майи васлингни манга тут карам оғоз айлаб,  
Шодком эт мани ушшоқ аро мумтоз айлаб.

Саъйлар кўргузубон базми висолинг топмон,  
Ким пари суҳбатига етти таку тоз айлаб?!

Бўлмишам хор басе кўюнг аро туфроқдек,  
Қўй аёғингни бошим узра сарафroz айлаб.

Оқар ашким ғами ҳажринг аро тинмай кўздин,  
Тиндурул селни васлинг била эъжоз айлаб.

Лаби лаълинг ғамидин етдим ўлар ҳолатға,  
Янгидан жон бер ани муъжизапардоз айлаб.

Ажаб эрмас агар айланса бошинг узра кўнгул,  
Учти ул шавқ қаноти била парвоз айлаб.

Доғ эрурмен бу ишингдинки, қиё боқмассен,  
Мен ниёз айласам оллингда манга ноз айлаб.

Тани зоримни ҳадаф айламишам ўтруда,  
Анга бир отмадинг ўқ чапғалат андоз айлаб.

Қилди Мунисни кўзинг ваҳшийи саҳройи жунун,  
Они сайд айла нигоҳингни фусунсоз айлаб.

\* \* \*

Ул пари ёшунгоч истиғно қилуб,  
Бўлди мажнун кўнглум аъзосин юлуб.

Оҳқим, ғам қайдига бўлди асир,  
Кўнглум ул ой зулфиға шайдо бўлуб.

Кўрки, очғач холлиғ рухсорини,  
Тўкти баргин, лоланинг ранги сўлуб.

Кўзу лаъли шавқи андоғ жондадур,  
Ким тирилмакдур ишим ҳар дам ўлуб.

Ҳажрида гар саъблиғ аҳволима  
Раҳми йўқдур, нетти боқса бир кулуб.

Андин аввал маст бўлким, ичгасен,  
Бир куни паймонаи умринг тўлуб.

Эмди, эй золим, қилурсен кимга зулм,  
Мунис ўлди ҳажринг ичра зор ўлуб.

\* \* \*

Кўзни ёрутғач манга шамъи жамолинг ёниб,  
Айлади парвоналиғ бошинга жон айлониб.

Қадинг этиб жилвагар боққа қилсанг гузар,  
Сарвға қумри назар айламас андин ёниб.

Бошни қилиб хоки по, жоним этармен фидо,  
Ноз ила базмим аро келсанг агар соллониб.

Кўйинга борур маҳал, саъим эрур бебадал,  
Ёнсам этармен ҳаял ҳар нафаси куймониб...

Аҳли вафо жонлари хоки раҳ ўлғай бори,  
Борголи майдон сари чиқсанг агар отлониб.

Ишқинг аро телбараб тутғали дашти тааб,  
Ўзум ила рўзу шаб сўзлашурам гунгрониб.

Кўйинг аро гар ватан айласам, эй сийм тан,  
Ётғамен ўлгунча мен хоки даринг ёстониб.

Тутғали роҳи вафо Муниси шайдо санга,  
Шукрки, қилди фидо топти неким қозгониб.

\* \* \*

Ўлтуурлар мени ҳар дам кўзу қоши талошиб,  
Тиргузурлар икки жонбахш дудоғи ярошиб.

Кўзи мужгонлариким, қасдима саф турмишлар,  
Қон тўшар қатлим уза бири-бирини сўрошиб.

Шодмен, захмларидинки, кўрарлар юзини,  
Жону кўнглум анга бу равзаналардин қарошиб.

Ваҳ, недин етмади ёримга ғамимдин хабаре,  
Тутти олам юзини дарди дилим ҳаддин ошиб.

Қочинг, аҳбобки, тўфони бало қўзгамишам,  
Шўри оҳим била ашким суйи ҳар лаҳза тошиб.

Десам ул ой юзини меҳри дурахшон не ажаб,  
Боқа олмаслар анга кўзлари элнинг қамошиб.

Тут кафорат учун, эй пири харобот, қадаҳ  
Мангаким, бу кеча масжид сори бордим адошиб.

Ишқ рамзи эмас осонки, билай деса кипши,  
Гар Фалотун эса ҳам ҳайрат әтар ақли чошиб.

Ишқ бир шуълау Мунис ишидур сўзу гудоз,  
Шамъдек жонига ул шуъладин ўтлар тутошиб.

\* \* \*

Телбамен водийи ишқи ичра тушуб,  
Ўз-ўзум бирла дамо-дам урушуб.

Оҳким, лаъли фироқида ишим,  
Бехуд ўлмоқдур ўларга ёвушуб.

Нақди айшимни қилурлар торож  
Хайли ғам қасдима ҳар дамда тушуб.

Узолур шоми ғамимким, қуёшим  
Чиқа олмас совуқ оҳимдин ошиб.

Булъажаб ҳолим эрурким, аҳбоб,  
Йиглашурлар гаҳ анга, гаҳ кулушуб.

Турфадур аҳли замон дўстлиги,  
Гарм турмаслар авалда совушуб.

Мунис ўлғайму мұяссарки, мурод —  
Топсам ул шўх ила ногаҳ кўрушуб.

\* \* \*

Тутти чун кулбамда манзил жон қиби жонон келиб,  
Кирди жонон янглиғ ўлгон жисмим ичра жон келиб.

Шоми идборимни қилди домани гулчеҳр меҳр,  
Субҳи иқболим очиб юз гул қиби хандон келиб

Ерлиғ зоҳир қилиб сўрди бу мажнун ҳолини,  
Ул париваш дийдаи ағёрдин пинҳон келиб.

Боғи айшимни ҳазони ҳажр хушк этмиш эди,  
Тоза еткурди тароват ул баҳористон келиб.

Васлдин файзе етиб кўнглимни очти гул қиби,  
Ғунчадек танг этмиш эрди хотирим ҳижрон келиб.

Гул юзи наззорасидин айлади равшан кўзум,  
Лола ранг этмиш эди они жигардин қон келиб.

Ё қуёшим очти юз шомимни равшан қилғали,  
Ё магар партавфикан бўлди маҳи тобон келиб...

Қилмиш эрди ҳажр Мунис кўнглини вайрон, яна --  
Айлади обод ўз мулкини ул султон келиб.

\* \* \*

То кокулинг доғилди юзингга тароғланиб,  
Кўнглум асир бўлди камандингта боғланиб.

Шед айладинг чу келмак ила хотирим яна,  
Ношод қилма борғали ҳар лаҳза чоғланиб.

Ёдур қошинг, мижанг ўқ, ғамзанг қилич эрур,  
Эй шўх, кимни ўлтурадурсан яроғланиб?

Мужгонларинг кўнгулдин ўтар гўё отилур.  
Олмос ғамза бирла бу ўқлар бошоғланиб.

Кўнглум фироқ даштида то итти телбараб,  
Мумкин эмас топилмоғи оНИнг сўроғланиб.

Жисмим қуруғ сўнгак бўлуб андуҳ ила, вале  
Ҳажринг ўтиға ёнди ёшим бирла ёғланиб.

Соқий, хумор ранжида қолдим аёғдин,  
Тут бир аёғ, то чиқайин мен аёғланиб.

Мунис борурни қўймас олиб илгига таёғ,  
Ҳар неча ул қовулса қопунгдин таёғланиб.

\* \* \*

Захри ғам ўлтурмасун бер васл тарёкин эзиб,  
Гар ича олман ичур оғзимға оз-оз томизиб.

Бир иситма ориз ўлмиш ҳажр ўти ning тобидин,  
Куйдуур жонимни ул ўтдин таним ҳар дам қизиб.

Тушгали жоним лабингдин айру дардим шиддати,  
Ўйладурким, истарам ҳар дам ўлум жондин безиб.

Сафҳаи ишқ узра чекти суратим наққоши сунъ,  
Чун чикорди ҳусн лавҳида сенинг нақшинг сизиб.

Тишлар әрмас, балки оғзинг ҳуққаи ёқутидин,  
Қўйдилар жон риштасига бебаҳо дурлар териб.

Истама ҳаргиз вафо бу даврдаким, топмадим  
Шаммаи андин нишон кўп умрлар ҳар ён юриб.

Эй фалак, қилғил ҳазар, тўфонлар этмиш ошкор,  
Муниси маҳзун бало даштида ашқин оқизиб.

Эмас кўнгулга оҳу нола бесабаб,  
Ки қилди шўх кофири мэнга ғазаб.

Чекиб юзига зулфин ул қуёш менга  
Бу ғам била баробар ўлди рўзу шаб.

Кўнгул жунун аҳлидек так урса нетонг.  
Ки ул парини ҳар тараф қилур талаб.

Мен ўртаниб фироқига, вале рақиб  
Етар висолига онинг, будур ажаб.

Гаҳи гуҳар сочар, гаҳи шаккар тўкар,  
Такаллум этгали баногаҳ очар лаб.

Қадаҳқаш элга бандаманки, дам-бадам  
Берурлар илгима пиёлаи тараб.

Гаҳ ул парини Мунис истасанг жалис,  
Кўнгулни қил нечукки шиши Ҳалаб.

\* \* \*

То жамолингдин кўзум маъюс ўлуб,  
Кўрмак абвоби анга мадрус ўлуб.

Чун нигоҳинг куфри динимни бузуб,  
Кўнглум оҳи ғулгули ноқус ўлуб.

Шамъ ўлуб юзунг хаёли кўнглима,  
Пардаи жоним анга фону ўлуб.

Хоки кўйинг салтанат тожи манга  
Лашкарим, ғам хайли, оҳим, кўс ўлуб.

Дуди оҳим шавқи ҳуснингдин урап,  
Чатр ҳамранги пари товус ўлуб.

Топти шуҳрат ишқ аро расволигим,  
Улфатимдин нангта номус ўлуб.

Қутқор, эй жонон, ўларга қотмишам,  
Ҳажр зинданси аро маҳбус ўлуб.

Борғил, эй зоҳид, сени севмас кўнгул,  
Тавру тарзингдин риё маҳсус ўлуб.

Мен бўлуб ул ойга Мунис, оҳким.  
Ул бориб ағёрға маънус ўлуб.

Кўрмас мени ўз базмига чун ёр муносиб,  
Бўлгайму анга суҳбати ағёр муносиб?!

Рухсори эрур пок ўзи, ваҳ, нечук ўлғай,  
Дийдорига бу дийдаи хунбор муносиб.

Рафторидадур фитнаю қаддида қиёмат,  
Ул шўхғадур бу қаду рафтор муносиб.

Зебанда анинг лаъли лабу чашми сиёҳи,  
Жон бермаку олмоқ анга бисёр муносиб.

Хуршеду ҳилол авжи жамол узра эрурлар,  
Бордур анга мундог қошу рухсор муносиб.

Қўнглум чаманин гайр хасидин оритибмен.  
Бордур анга сайр этса бу гулзор муносиб.

Ҳарне манга ул қилса хушояндадур андин,  
Ошиқға на иш айласа дилдор муносиб.

Мунисға етар дам-бадам озорлар андин,  
Гўёки кўрулмиш анга озор муносиб.

\* \* \*

Чиқса ногаҳ ул пари бурқаъ жамолидин олиб.  
Кимдуурким бормагай ўздин анга ҳайрон қолиб?

Шоми ғам дайжури ҳар ён юз қўяр олам аро,  
Тушса гар руҳсорига зулфи сиёҳи тарқолиб.

Сарвдек гар қоматин қилса хиромон ноз ила,  
Фитналар барпо бўлур, шўри қиёмат қўзғолиб.

Зийнат афзойи чаман бўлмиш жаҳон бўстонида.  
Тори гисусига онинг сунбули тар ўхшолиб.

Гар қуёшни ўртаса оҳим-шарори тонг эмас,  
Ким ёқибдур завқи ҳусни жони зорим ўт солиб.

Васлин истай кўйига етгач йиқилдим, қовмангиз  
Ким мажолим йўқтуурур андин чиқарға судралиб.

Ишқ нуқсонидин эрмас етса оҳимға қусур,  
Дам ололмасмен камоли заъфдин бағрим толиб.

Эй насими васл, учурким гард янглиғ қолмишам,  
Дашти ғамда пайкарим ҳижрон юкидин товшолиб.

Бўлма мағрури нафири давлатинг, эй шоҳким,  
Бир кун этгунг риҳлат оҳангি фано кўсин чолиб.

Мунис ашку оҳидин қил ваҳмким, айлар хароб,  
Гар тенгиз юзланса ҳар ён тунд елдин чайқолиб.

\* \* \*

Қилмас мени бирдам ўзига ёр мусоҳиб,  
Боре хуш эди бўлмаса ағёр мусоҳиб.

Ҳамсуҳбати қилмас мени ул ёр қилиб хор,  
Ҳар нечаки гул бирла бўлур хор мусоҳиб.

Бир кўрмадим ул ёр киби ёр жаҳонда,  
Кўп ёрлар ўлди манга бисёр мусоҳиб.

Дилдорлиғ айларга топилмас манга ёри,  
То бўлмади мен зорға дилдор мусоҳиб...

Десанг қўшулай зумраи ахёрға, бўлма  
Арбоби шарорат била зинҳор мусоҳиб.

Мунис, бу жаҳон неку бадидин на ғами бор  
Ҳар кимга эса ёри вафодор мусоҳиб?!

\* \* \*

Ўтдинг эл ичра чу ошуб солиб.  
Бердилар жон бари ҳасратда қолі б.

Не ҳаёдур сангаким, боқса киши  
Ғарқ ўлурсен арақ ичра ўёлиб.

Баски бедод тошин ёғдурдинг,  
Гард бўлди бари узвим ушолиб.

Тори зулфингға асир ўлмишмен,  
Етмишам комима умрим узолиб.

Учгали пар чиқорибдур кўнглум,  
Ҳар сори новаки шавқинг қадолиб.

Шамъдек сўзу гудоз ўлди ишим,  
Жонима ишқинг ўти шуъла солиб.

Кўргузуб қасдима ғам хайли ҳужум,  
Ҳажр қўргонида қолдим қаболиб.

Эй хуш улким, киядур фақр тўнин,  
Анга юз руқъан содот ямолиб.

Мунис айёмдин ўлди-ю дилтанг,  
Мутриб, оч кўнглини танбур чолиб.

\* \* \*

Яол қил түтини руҳафзо тақаллум кўргузуб,  
Ғунчага бағрин айла қон ширин табассум кўргузуб.

Хусн буржи офтоби сен, қошингда шўхлар  
Юз оча олмаслар анжумдек ўзин гум кўргузуб.

Турфа хуршеде эрур авжига ҳаёда оразинг,  
Равшан ўлмиш ҳар сори терлардин анжум кўргузуб.

Давлати ҳусники, ҳақ бермиш анинг шукронаси  
Хони васлингдин мени тўйдур танаъум кўргузуб.

Дурри ноёбе эрур васлинг топа олмас кўнгул,  
Кўзларимни жўши ашки бирла Қулзум кўргузуб.

Дардӣ ҳижрон лашкари илгидан мен зору асир,  
Кел нажоте бер манга андин тараҳҳум кўргузуб.

Ваҳ, не золимсенки, додимга етушмассан даме,  
Ҳар неча мен ҳажринг илгидин тазаллум кўргузуб.

Эй кўнгул, алданма зоҳид донаи ашкиғаким,  
Муштариға жав сотар, зоҳирда гандум кўргузуб.

Истимоъ айланглар, эй ушшоқким, Мунис ҳазин  
Тузди сози ишқ ғам шарҳин тараниум кўргузуб.

\* \* \*

Бу янглиғ кўзларимким оқизур ҳажрингда ёшдин сув,  
Ажаб эрмас жунун водиси ичра ошса бошдин сув.

Юзинг кўрсам арақрези ҳаё ҳайрат қилиб дермен,  
Қуёш чиқса керак эрди судин йўқким, қуёшдин сув...

Гами ҳажрингда андог ҳолатим андог дурурким ёғ,  
Агар кўрса эриб бағри оқар ҳар лаҳза тошдин сув.

Будур ваҳмимки, тўфонга янги ой заврақин бергай,  
Кўзум тинмай оқизгай ҳасрат ул эгма қошдин сув.

Нетонг мужгонларим хуноб агар оқизса пинҳони,  
Ки бағримни қилибдур кўзларинг ўғрин қарошдин сув.

Ёшим кулбам ичинда мавж урап, тошда бало сели  
Ийқилмай қолмас уй гар бўлса жорий ичу тошдин сув.

Ўрарсен зеб ила меъжар киби дасторинг, эй зоҳид  
Хижолат айлар эрни бу сифат дастор ўрошдин сув.

Талашмақдур ишинг нокаслар инъоми учун доим,  
Сени қилгай эди бўлса ўётинг бу талошдин сув.

Талаб қил, ташналаб қолма қироқда ўлтуриб, Мунис,  
Иноят жўйборида оқар пайваста рошдин сув.

\* \* \*

Басдуур ишқ ичра тўқмак дийдаи хунбор сув,  
Истама ҳайвон булоғиндин Скандарвор сув...

Касб қил қадр аҳли одобида ойини виқор,  
Мояи тамкин дурур гарчи гүҳарда бор сув.

Пок тийнатларга густоҳ ўлмаким, бордур бало,  
Гарчи руҳафзодуур тӯфон қилур изҳор сув.

Сайр қил, сайр ичра ширин комлиғ ҳосил бўлур,  
Талх ўлур бир ерда гар макс айласа бисёр сув.

Недуур нахват елидин кибр ўтин тез айламак,  
Бошинга туғроқки, аслинг қатраи мурдор сув.

Йиқмасун мазлумлар ашки бинойи давлатинг,  
Қилма зулм, эй шаҳки, бордур офати девор сув.

Йўқ қаноат гўшасида қон, vale айлаб тамаъ,  
Нокас оллида юзунгдин тўқмагил зинҳор сув.

Бўлмаса шеъри равонинг қадри, Мунис, тонг эмас,  
Ким эса жонбахш ҳам бор асрุ бемиқдор сув.

\* \* \*

Шараф авжида юзунг меҳри саодат партав,  
Меҳринг узра келиб эрди муқаввас маҳи нав.

Хўблар айласалар қуллуғунга фахр нетонг,  
Ки алардур санга хайлу сен аларға—хисрав.

Бўла олмас яна кун тавсани гардунға сувор,  
Сен бўлуб чехра кушо, секраса остингда бедав.

Истасанг нашъи мақсад ила бўлмоқ сархуш,  
Зоҳидо, сабҳаву сажжодани қил майга гарав.

Риндлик кайфияти дайрдадурур, топилмас  
Кўчаи зуҳдда ул ҳар неча қилса таку дав.

Хирмани давлатинга қилмағил, эй шоҳ ғуур,  
Хуштур андин фуқаро хайлиға бир донаи жав.

Истиқомат йўлидин мунҳариф ўлма, Мунис,  
Бу равишда ким эса событ, эрур ул раҳрав.

\* \* \*

Жонима тушди юзинг фурқатидин ўйла олов,  
Ким сўнгакларни аниңг ҳирқати ўртар лов-лов.

Тўш-тўшимдин бошима қилди ғулу дарду ғаминг,  
Кишидекким қобогай тўрт тарафдин ани ёв.

Ишқ мулки шаҳимен, хайли балодур сипаҳим,  
Мадди оҳим аламим, шуъласи гулзори ялов.

Ўртанур кўнглима келса аламе ишқингдин,  
Ваҳ, нечук тоб кетургай шааре етгач қов.

Кўзларинг қатлим учун ғамза қиличин тортиб,  
Мижалардин ясамиш ҳар сори қасдимға ясов.

Шавқ саҳросида нахчире эрур қўнглумким,  
Айласанг азми шикор, асрү муносибдур ул ов.

То мени қилди ғаминг силсила жунуни, жунун,  
Дилхарош оҳим эрур силсила жонга эгов.

Минсанг, эй шоҳ, фалак маркабини кун янглиғ,  
Бўлма мағрурки, ул ашҳаб эрур асрү асов.

Зоҳид эл сайди учун кўргузур афсуzlарким,  
Аниңг оллидадурур сомирий андоқки бузов.

Хуш туур; хони қаноат аро явғон умоч,  
Бўлмаса бўлмаеун олтун табақу анда палов.

Соң оқарди, адам омодаси бўл, йиф ҳушиңг,  
Бил ҳазондин асари сабза уза тушса қирор.

Чунки ўлтурмак учун Муниси зорингни саманд —  
Сурдинг, эй қотил, анга етмагучча чекма жилов.

\* \* \*

Кўнглумни сайд қилдингу парвой қилмадинг,  
Кўйингда итлар ичра анга жой қилмадинг.

Занжири ғамдин этмадинг ул телбани раҳо,  
Мажнундек ани бодияпаймой қилмадинг.

Кўнглум ўтиға бергали таскин сув урмадинг,  
То они фурқатида фалаксой қилмадинг.

Ҳар кеча анжуман тузубон ман умид ила,  
Сен шамъи васлинг анжуманорой қилмадинг.

Ғам тийра шомида кўзум ахтар фишондуур,  
Равшан қилурга они юзунг ой қилмадинг.

Еткурдинг элга вasl била ўзгача тараф,  
Лекин менга ани тараф афзорой қилмадинг.

Тўқдинг жафодин абр киби кўзларим ёшин,  
Бир ерни қўймадинг ани то лой қилмадинг.

Ҳар неча йигламоқ била ғамдин кўтармадинг,  
Кўнглумни хуррам, эй бути худрой, қилмадинг.

Васфинг дегучи Мунисинга бермадинг лабинг,  
Бир тўтийи ҳазинни шакархой қилмадинг.

\* \* \*

Не вусмага вобастадур абройи сиёҳинг,  
Не гозага мухтож эрур руҳи паноҳинг.

Вайрон не ажаб бўлса жаҳон, қатл бўлуб халқ,  
Ким солди кўзунг фитна чекиб тифи нигоҳинг.

Рафтор ила хижлатға солиб сарвию нахлнинг  
Хусн ичра хижил айлади хурshedни моҳинг.

Сен шоҳсен иқлими жаҳон узра, нигоро,  
Хунхора санамлардуур олингда сипоҳинг.

Жон мулкига шўриш тушар, исломға рахна,  
Синдурсанг агар маст чиқиб тарфи кулоҳинг.

Ортуқроқ ўлур сабз хатингдин сенга меҳрим,  
Сен рост дегилким, будуур меҳри гиёҳинг?

Нетти қадаминг бирла кўтарсанг они ердин,  
Мунис баданин қилди ғубори сари роҳинг.

\* \* \*

Масти жёми васл этиб аввал, мени зор айладинг,  
Сўнг недин ҳижрон хуморига гирифтор айладинг.

Сендин уммидим бу эрмас эрдиким, бедод ила  
Хотирим ошуфта-ю кўнглум табаҳкор айладинг.

Салсабили шафқатингдин истадим саршорлиғ,  
Билгач они қаҳринг ўтига сазовор айладинг.

Кин ила ҳар зулмким бор эрди кўргуздинг манга,  
Зулм ила ҳар қинки мумкин эрди изҳор айладинг.

Юз эвурдинг дўстлиғдин, душмани жоним бўлуб,  
Оқибат мен зорга йўқ расмлар бор айладинг.

Не кўнгулда сабр бор, не жонда тоқат, оҳким,  
То манга кўп жавр ила бедоди бисёр айладинг.

Журмим, эй гулрух, не эрдиким юзинг ҳижронида  
Бағрими қон айладинг, кўзумни хунбор айладинг.

Истағ әрдим шарбати васлинг ичिб сиҳҳат топай,  
Заҳри ҳижрон бердингу ортуқси bemor айладинг.

Нола қилсам айб эмаским, гул юзингни ёшуруб,  
Булбули кўнглум асири меҳнати хор айладинг.

Суҳбатингдин қовдингу маҳрум қилдинг васлдин,  
Бовужудиким, азиз әрдим, мени хор айладинг.

Вақтдур Мунисга ёр ўлсанг қарамдинким, ани  
Асрү мискин қилдингу ғам хайлига ёр айладинг.

\* \* \*

Шоҳмен, ғамлардуур хайли сафоройим менинг,  
Ўтлуг оҳимдур ливои чархфарсойим менинг.

Дилбарим базмида сухбат тутмиш ағёру рақиб,  
Оҳким, маҳрумлиғ кўйи бўлуб жойим менинг.

Бу не зулм эрдики, ҳолимни десам тутмас қулоқ,  
Айлаб изҳори тағофул ёри худройим менинг.

Ёрнинг мужгон била қопи хаёлин қилгали,  
Оҳиму хам қоматим бўлди ўқу ёйим менинг.

Эй кўнгул, ул қадди раъно жилвасининг шавқидур,  
Боғи умрим ичра сарви зийнат афзойим менинг.

Шоми хижлатда Суҳодек бўлди маҳвашлар ниҳон,  
То сипеҳри ҳусндин қилди тулуъ моҳим менинг.

Чунки душман сўзидин онинг қулоғидур тўло,  
Бўлмаса масмуъ тонг йўқ, ҳуй ила ҳойим менинг.

Зоҳидо, таҳриси зуҳд айлаб ридоким бердинг ул,  
Кўрки бу дам дайр ародур бодаполойим менинг.

Гарчи бордурман ўлук, ғамдин топар эрдим ҳаёт,  
Мунисо, май берса шўхи бодапаймойим менинг.

\* \* \*

Эй солиб ошублар жон мулкига фаттон кўзинг,  
Кўр на қотилдур қилур қасдим чекиб мужгон кўзинг.

Ҳар тараф олам аро юз рустахез ўлмиш падид,  
Даҳр элин қатл айлабон қилғоч назар ҳар ён кўзинг.

Ҳар нафас лаълинг бериб жон ошкоро жисмима,  
Ўлтурууб ҳар ён қиё боқмоқ била пинҳон кўзинг.

Дарддин жонимга етдим, асру шод айлар мени,  
Е даво еткурса лаълинг, ёхуд олса жон кўзинг.

Ваҳ, нечук бемор эрурким, заъфиға истаб илож,  
Жавркашлар бағри қонидин қилур дармон кўзинг...

Саъй ила мумкин эмастур дафъи борон абрдин,  
Найласун, Мунисга дединг, бўлмасун гирён кўзинг.

\* \* \*

Қоматингни гулшан ичра то хиромон айладинг,  
Сарвни по дар гилу қумрини нолон айладинг.

Юз очиб чун айладинг ҳуснинг баҳорин файзбахш,  
Фам ҳазон этган кўнгулларни гулистон айладинг.

Лаълу гавҳар баҳру кон ичра ёшунди шармдин,  
Лаъли серобингни токим гавҳар афшон айладинг.

Чеҳра очдинг шуълаи шавқингга жоним ўртадинг,  
Зулф тарқатдинг, ҳазин кўнглум паришон айладинг.

Жамъ қилдинг даврима юз навъ ғам ишқинг аро,  
Ё қошингдин чекдингу жонимни қурбон айладинг.

Не паёме бирла қилдинг ёдини васл ичра шод,  
Мунисингни то асири дарди ҳижрон айладинг.

\* \* \*

Маҳвашимким, йўқдур андоқ бир пари рух шўху шанг,  
Чин ғазолин киргузуб девоналиқга бедаранг.

Саҳвдин Лайлиға гар десам назиридур анинг,  
Ёғдуинг ўлтургали мен телбани бошимға санг.

Кулгу чоғи дуржи лаълидин сочар дур баҳру бар,  
Жилва вақти боғи ҳуснидин очар гул ранг-ранг.

Юз уза мушкин хати бош чекмиш андог ҳар тараф,  
Ким магар тутмиш қуёш ойинасини нима занг...

Жон аро зебо алиф янглиғ ниҳоли асрарам,  
Гар етушса кўксума ул ғамза ёсидин хаданг.

Эй муганий, муждаи васли била оҳанг туз,  
Ким басе нолон эрурман ҳажридин андоқки чанг.

Носиҳо, расволигим таън этмаким, ул шўх учун,  
Ақлу диним ўйнамишмён қайда ул номусу нанг.

Касби ваҳшат қилди то Мунис ул ой савдосидин,  
Солди ғам дашти жўнун ваҳшийлариға полаҳанг.

\* \* \*

Ҳуснинг эрур ҳадиқаи фирмавс ичра фард,  
Не ҳурлар жамоли назири бўлуб, не вард.

Сорғорди оразим хатти сабзинг хаёлида,  
Зарҳал қилур андаки нақш ўлса ложувард.

Андин бери ғаминг аро расвою хастамен,  
Не тонгта чок жайб эди, не кунга рўйи зард.

Беважҳ әмасдур оҳим, отиб бу хадангни,  
Дарду бало сипоҳи била айларам набард.

Тандин сиришким айламади рафъи изтироб,  
Кўр турфа нам ҳужумидин этмас нишаст гард.

Эй шаҳ, баҳори зулм ила сарсабз бўлмагил,  
Боди хазон эрур фуқаро чеккан оҳи сард.

Мунисни кўрдию йиглади Мажнуну Кўҳкан,  
Дард аҳли ҳолатидин этар риққат аҳли дард.

\* \* \*

Ҳалқаи зулфи бўлуб икки каманд,  
Айлади эл бориси кўнглини банд.

Настаран ўлди юзи бирла хижил,  
Қомати бирла доғи сарви баланд.

Лабларининг суйидур обиҳаёт,  
Кўзларинингдур иши қатлу газанд.

Бор ики юзи ўти шуълафизо,  
Нуқтаи холи анга тўхми сипанд.

Лутфи уммидига кўзимни очиб,  
Борман онинг йўлида зору нажанд.

Ҳар нечаким ҳолими дедим анга,  
Тушмади кўнглига бириси писанд.

Муниси бедил иши оҳу фифон,  
Сургали ўзга сори борди саманд.

\* \* \*

Истасанг қилмоқ агар мен телбай зорингни банд,  
Үйлаким бўйнимга зулфи анбарин торингни банд.

Чун Масиҳо музъжизи нутқингдадур ишқ аҳлиға,  
Нукта дердин қилма лаъли музъжиз осорингни банд.

Аҳли ишқ очмиш жамолинг орзуси бирла кўз,  
Қилмагил, жоно, аларға роҳи дийдорингни банд.

Хонақоҳинг сори, зоҳид, бормоғим мумкин эмас,  
Судрасанг ҳам гар қилиб бўғзимга дасторингни банд.

Гармравларға бўла олмас тааллуқ садди роҳ,  
Эй муғилон, доманимга қилмағил хорингни банд.

Келмишам дайрингга иршодинг тилаб, эй пири дайр,  
Қил мени сармаст этиб, белимга зуннорингни банд.

Мунисо, шояд мушарраф қилғай ул шаҳ арзига,  
Қил кабутар болига тумори ашъорингни банд.

\* \* \*

Оташи оҳимғадур гардуни қийр андуд дуд,  
Ишқ аро бермас булаардин ўзга ўт-ўт, дуд-дуд.

Оразингни севгали хатting манга мақбул эрур,  
Ўт топулғон эл қошида бўлмади мардуд дуд.

Ўтлуғ оҳимдин сууд айлар анинг даврида ким,  
Андоқ изҳор айлай олмас оташи Намруд дуд.

Мумкин эрмас тоблиғ кўнглимдин ўлмоқ ғам жудо,  
Шуълалиғ ўтдин на янглиғ айлагай падруд дуд.

Ишқ нурин жонга чун солдинг на ҳожат тийралик,  
Ўт ёқарлар ўзга ком учун эмас мақсуд дуд.

Тун қоронғуси била анжум эмаским, ҳар кеча  
Ўтлуғ оҳимдиндур айрилғон шаар олуд дуд.

Ҳар дамимдин буки дуд изҳор ўлур хайли бало,  
Мижмари танда сўнгаклардин қилурлар уд дуд.

Ламъаедур ҳусн андин тийралик қилмай зуҳур,  
Шуълаедур ишқ андин бўлмайин мавжуд дуд.

Зоҳир айлар оҳи Мунис кўнглидин пинҳон ғамин,  
Қилғай, оре, уйда ўт бор эрканин машҳуд дуд.

\* \* \*

Меҳр ҳар кимдинки уммид этдим, ўлдим ноумид,  
Нечун узмай олам аҳлидин мени шайдо умид.

Ўзгалар ҳарнеки уммид этти, етти комига,  
Менда етмак қайда, қилмоқ доғи йўқ қатъо умид.

Икки зид бир ерда жамъ ўлмоқ эрур амри маҳол,  
Кел жаҳондин ё тамаъ уз, охиратдин ё умид.

Ҳар ким ўз хасин бу бозор ичра айлар арзи кас,  
Шайхдин зуҳд истаю, соқидин эт саҳбо умид.

Гўша тутма, бош олиб кетким, фароғ асбобини  
Қилмас эрмиш ихтилоти халқдин доно умид.

Одамидин бўлмади мавжуд жуз жавру жафо,  
Тутмагил бу жинсдин меҳру вафо асло умид.

Мунисо, не бахту толиъдур мангаким бўлмади,  
Ёрдин бир илтифот изҳор қиллим ё умид.

\* \* \*

Кулбам сари жононим келмасму экин оё,  
Ҳажрида ёмон ҳолим, билмасму экин оё?

Сўрмоққа борур ёрим ошиқлари аҳволин,  
Деб ул мени ҳам ошиқ, келмасму экин оё?

Ҳажрида қолиб йиллар олмас хабаре мандин,  
Оллида киши ёдим қилмасму экин оё?

Сўргай эди ҳолимни, ошиқларидин билса,  
Гар билса доғи кўзга илмасму экин оё?

Ханжар чекиб эл бағрин тилмакдин этар эҳсон,  
Бағримни менинг, ёраб, тилмасму экин оё?

Баским тўладур ёшдин, кўзни оча олмаҫман,  
Бир лутф илиги они силмасму экин оё?

Гулзори висолига Мунис ета олмас ҳеч,  
Айлаб талабин елдек елмасму экин оё?

\* \* \*

Эй мақдаминг гарди жаҳон аҳли қўзига тўтиё,  
Бал қалблар комил иёр ўлмоқ учундур кимиё.

Жоно, ниқобинг бандин уз, кўргуз жаҳон аҳлига юз,  
То Тур янглиғ тоғу туз бўлсун бари маҳви зиё.

Мағлуб этиб шавқим агар руҳсоринга қилсам назар,  
Тердин бўлур гарқи гуҳар, баским эрур ғолиб ҳаё.

Сайд ўлмоқ истаб ҳар замон кўнглум қушидур парфи-  
шон  
Қил сайд они отиб равон ғамзанг ўқин эй қопши ё.

Андоқ кичикдур ул даҳанким йўқ аён вақти сухан,  
Топмай бўлуб мағлуби зан ожиз қолурлар зокиё.

Эй кўзи қиймоч, ёнима кел раҳм этиб ағонима,  
Қилғил балолиг жонима кўз учидин боқиб қиё.

Фақр ичрадур тожи Каён доги ҳасири тайласон,  
Бошимға хоки остон, жисмимға нақши бўрё.

Ҳайҳотким, Мунисға ғам даврондин ортар дам-бадам,  
Май тўлдуруб қилғил карам жом ул ҳазинға, соқиё.

\* \* \*

Очилди гул ғамиға топти андалиб илож,  
Менинг ғамимға ҳануз этмади ҳабиб илож.

Фироқ дарди танимни басе заиф этмиш,  
Беринг хабарки, аңга борму анқариб илож.

Масиҳим этмаса дардимға бир нафас дармон,  
На ҳадки, айлай олур анга ҳар табиб илож.

Дедики, тўқма сиришк, оҳким, на чора қилай,  
Ёгарда абрга қилмоқдурур ажиб илож.

Чу қатл қилди мени ёр комима етдим,  
Агарчи топди ғами дардига рақиб илож...

Аёқчи, гўшаи дайр ичра ер бериб май тут,  
Ғамиға топмас эса Муниси ғарид илож.

\* \* \*

Лаълинг эрур беҳаду гоят лазиз,  
Сўзинг эрур ўйлаки шарбат лазиз.

Айға менга раҳм қилиб афви журм,  
Келди гунаҳкорға шафқат лазиз.

Нечаки роҳат кўрунур дилпазир,  
Билмас ани аҳли муҳаббат лазиз.

Гарчи гадо олмоқида ҳаз топар,  
Лек сахиларға саховат лазиз.

Нашъай зулм келди суубат асар,  
Андин эрур бодаи ғурбат лазиз.

Фақр шаробидуур асрү алаз,  
Эйки, кўрарсен майи давлат лазиз.

Сенсиз ўлур Мунисингга заҳрдек,  
Гарчи эрур шарбати иззат лазиз.

\* \* \*

Агар ишқे йўлиға қўйсанг қадам туз,  
Санга дилбар аввал қадам очар юз.

Ёруғлиғ тилар бўлсанг ашкингни тўкким,  
Тонг отмас тўкулмай саҳар чоғи юлдуз.

Жило истасанг кўнгулга кўзгу янглиғ,  
Ҳаво рангин оритғали жаҳд кўргуз.

Мену ишқе майдонию ғам сипоҳи,  
Эвурмон юз: ўлсун агар минг, агар юз.

Тўқуз кўқдин ўтсанг ҳам этма ғурур,  
Ки фақр аҳли оллида ҳечдур бу тўққуз.

Эмас мард турғонни йиқса киши,  
Агар келса қўлдин йиқилғонни турғуз.

Ўгут элга бергунча, Мунис, ўзинг ол,  
Халойиқни қўрқузғучча ўзни қўрқуз.

\* \* \*

Гунчалар очилди-ю, кўнглум очилмайдур ҳануз,  
Булбул осо хотири майли қилмайдур ҳануз.

Заъф аро ушшоқга ибрат бўлубман, оҳким,  
Кўзга аҳволи низорим ёр илмайдур ҳануз.

Ваъдаи васл айлаб эрди, айлади таъхир кўп,  
Ё ибо қилди-ю, ё ёдига келмайдир ҳануз.

Пеша айлаб чарх золи тинмайин тун-кун даме  
Дилбаримча жавр ойинини билмайдур ҳануз.

Ерни ашким ғарқ этисб, зўр этти оҳим сарсари,  
Недин эркантур фалак тоқи йиқилмайдур ҳануз?

Юз надомат бирла эмди ўзни ўлтурсан нетонг,  
Сажда қилмоқлиқга бошим бир эгилмайдур ҳануз.

Ихтиёр этса агар Мунис яна саргашталик,  
Панд қилмангким, жунунидин ойилмайдур ҳануз.

\* \* \*

Очиб кулбамға кел, эй дилрабо, хуршед янглиғ юз,  
Қоронғу оқшомимни айла бу тадбир ила кундуз.

Ешурдинг то қуёшдек оразингни парда остида,  
Эрур оҳим шарори, кўк уза эрмастурур юлдуз.

Равон қил кўнглума пайкони, тийри ғамзанг, эй қотил,  
Мени лаб ташнага, яъни бу сувдин марҳамат кўргуз.

Жафокашларни инжитма, вафо қасрини қил обод,  
Кўнгуллар мулкини бузма, жафою жавр расмин буз.

Улар ҳолатға етмишмен ғаминг заҳрин ичиб ҳар дам,  
Кел, эй Исовашим, нўши лабинг бирла мени тиргуз.

Наво еткур вафо оҳангидан ушшоқи бедилға,  
Муҳаббат нохуни бирла жафо қонуни торин уз.

Яланглар ҳолидин бўлғай хабар қайдин совуқ тунлар,  
Санга, эй шаҳки, кийгунг тўбатў синжоб ила қундуз.

Қилиб имдод лутфинг бирла Мунисни халос этким,  
Сипоҳи бекарони ғам аро қолмишдур ул ялғуз.

\* \* \*

Хилвате бўлмас мұяссар ёр ила ағёrsiz,  
Рози эрдим бу жиҳатдин ўртандурға ёrsiz.

Эй пари, қилмоқ недур икроҳ мен девонадин,  
Ким гуле очилмади бу гулшан ичра хорсиз.

Шамъи хуснинг ёрутуб кулбамни равшан айлагил,  
Ким кўз очмоқ истамасмен шуълаи дийдорсиз.

Ортадур кўйингдин айру зор кўнглум ноласи,  
Гарчи булбул бир нафас чекмас наво гулзорсиз.

Дарду ғам етган сойи ишқ ичра қадр ортар манга,  
Ҳашмат изҳори на мумкин элга хизматгорсиз.

Васлидин уммид узган нолалик кўнглум менинг,  
Турфа созеким чиқиб оҳангги онинг торсиз.

Мунис асрү ҳажридин озурдадур, арз айлангиз,  
Ёрнинг оллида, эй жамъики, маҳрам борсиз.

\* \* \*

Ёрим ўл жовидона, эй қора кўз,  
Лутф қил бекарона, эй қора кўз.

Кўз қаро қилма гайр қонига,  
Қоним ич қона-қона, эй қора кўз.

Ашк эмаским, кўзум аёқингча —  
Дур сочар дона-дона, эй қора кўз.

Манга май—ҳасратингда қон ютмоқ,  
Нола чекмак—тарона, эй қора кўз.

Қора зулфинг қизил узор узра,  
Дуду ўтдин нишона, эй қора кўз.

Нега оҳимни сен эшитмассен,  
Дардим ўлмиш фасона, эй қора кўз.

Дўзах ўти киби ураг жондин  
Ўтлуг оҳим забона, эй қора кўз.

Қора кўзлар жаҳонда кўпдур, лек  
Сен дуурсен ягона, эй қора кўз.

Интизорингдин ўлгали етдим,  
Келу қилма баҳона, эй қора кўз.

Кўзума тийра қилма оламни,  
Урма зулфингга шона, эй қора кўз.

Үртанур булбул, айласа Мунис  
Нолай ошиқона, эй қора кўз.

\* \* \*

Үлтургали ошиқни қародур сенга то кўз,  
Йўқ сен киби ҳусн аҳли аро шўх, қаро кўз.

Кўз кўрди сени қатлима етти ғами ишқинг,  
Жон қасди учун турфа бало бўлди манго кўз.

Йозвой ангаким, бўлди кўзу қошинг асири,  
Ким сендаудур офати дин қошу бало-кўз.

Бедодгаре сенки мени ишқинг этиб қатл,  
Холимга даме солмадинг, эй ҳурлиқо кўз.

Арбоби вафога чу жафо қилмоқ ишингдур,  
Сендин на тутарлар экан арбоби вафо кўз?

Сенсен чу вафосизлик ила шухраи оғоқ,  
Сендин тута олгайму киши гайри жафо кўз?

То бўлди кўзум коми тамошойи жамолинг,  
Фарёдки, бир топмади комини раво кўз.

Гулзори ҳаётингга кўнгул бермаки, андин  
Тутмаслар эмиш аҳли хирад ранги бақо кўз.

Муниски, сўз иқлими анга бўлди мусаххар,  
Суртарлар анинг хоки раҳига шуаро кўз.

\* \* \*

То сафар азмиға маҳмил боғлади жононимиз,  
Гарди роҳидек парашондур изидин жонимиз.

Чун ватандин айлади риҳлат диройин ноласанж,  
Бўлди кулфатгаҳ ватан янглиғ дили вайронимиз.

Гарчи хандон лаб била қилди видоъ изҳорлик,  
Телмуруб қолди йўлида дийдаи гирёнимиз.

Фурқатидин субҳимиз бўлди қоронғи шомдек,  
Борғали хуршеди раҳшондек маҳи тобонимиз.

Топмиш эрди кўнглимиз файзи ҳузуридин сурур,  
Оҳқим, эмди анинг дармондаи ҳижронимиз.

Бахтимиздек тийра бўлса не ажаб равшан жаҳон,  
Шамъсиз қолди қоронғу кулбай эҳzonимиз.

Гар яна бизни висоли бирла обод этмаса,  
Осмонни йиқғудекдур нолау афгонимиз.

Шиддати ҳижрони бирла бизга тоқат бўлди тоқ,  
Кошки оллида гардун тўккай эрди қонимиз.

Мунисо, гар келмагидин қилмаса уммидвор,  
Ҳасратидин боргай эрди жони саргардонимиз.

\* \* \*

Эй хаёли қоматинг жон гулшанида сарвиноз,  
Бошларин айлар хиромингга фидо аҳли ниёз.

Қуллугинг тавқин солур қумри киби озод сарв,  
Бўйнига ногоҳ қилсанг қоматингни жилва соз.

Пок юзни оч, қилай то поклик бирла назар,  
Шукриллаҳ, аҳли ишқ ичра эрурмен покбоз.

Сенсизин хор ўлмишам андоқки бир гарди ҳақир,  
Мақдамингдин қил мени, эй сарвинозим, сарфароз.

Гард янглиғ ҳар тараф юз жон парашонлиғ қилур,  
Тиг тортиб ноз майдонида қилсанг турктоz.

Келмасанг бошимға гар, жоно, ўлурменким, эрур  
Иштиёқим асру кўпдин-кўпу сабрим оздин-оз.

Ваҳ, нечук аҳли жаҳон жони қутулгайким, эрур  
Ҳарнаки қилмоқда жоду кўзларинг афсун тароз...

Ҳаққа қил бир тун ниҳони, зоҳидо, изҳори ажз,  
Халқ тасхiri учун зоҳирда кўп қилма ҳамоз.

Хўблар ишқидин, эй носиҳ, мени манъ айлама,  
Гар ҳақиқатбин эсанг айни ҳақиқатдур мажоз.

Тонг эмас Мунис эса беқадр бу даврондаким,  
Муътабардур кўкни ердин қилмағонлар имтиёз.

\* \* \*

Йиқитди заъфиму дилдор келмади ҳаргиз,  
Ғамидин ўлдиму бир шод қилмади ҳаргиз.

Чаманда ҳар сори қонлиғ сиришклар гул очиб,  
Ҳавойи сайр ила кўнглум очилмади ҳаргиз.

Кечак тонг отғучка оҳимдин ўт фалакка тушуб,  
Фигонки, машъали баҳтим ёқилмади ҳаргиз.

Рақиблар сўзига ёрим эътиқод айлаб,  
Жафо қилиб манга қадримни билмади ҳаргиз.

На гамки, кўрмайин омода васл марҳамини,  
Фироқ ханжари бағримни тилмади ҳаргиз.

Кетур манга тўла ул бодадин қадаҳ, соқий,  
Ки они ичган ўлуб маст ойилмади ҳаргиз.

Чу давлати алами ишқ етти Мунисға,  
Кўзига Вомиқу Мажнунни илмади ҳаргиз.

\* \* \*

То юзинг хаёлида бўлди менга гирён кўз,  
Лахта-лахта бағримдин юз уза тўкар қон кўз.

Тунки юз очиб чиқтинг базмдин тамошоға,  
Ҳар сори кавокибдин очди чархи гардон кўз.

Сайри гулшан айларда нарғис ўлди помолинг,  
Гүйё аёқингға суртадур гулистон кўз.

Қилғали қатил элни ғамза тигини чекма,  
Бузгали жаҳон мулкин, эй гул очма фаттон кўз.

Сўргали ҳазин ҳолим келсанг айлагай исор,  
Қатра-қатра қон ёшдин мақдамингға маржон кўз.

Баски шамъи ҳуснингдур жонгудозу роҳатсўз,  
Оҳким, сола олмон оразингға осон кўз.

Қатра-қатра қонимни тўкмагай эди ғамзанг,  
ЛАҲЗА-ЛАҲЗА ҳолимға солсанг эрди пинҳон кўз.

Шамъдек жамолингни айламакда нazzора,  
Барча узвидин Мунис равшан этти ҳайрон кўз.

\* \* \*

Олам менга томуғдур, эй гул узор, сенсиз,  
Солмас кўнгулга файзи сайри баҳор сенсиз,

Боғ ичра гуллар ўтдур ўртарға жони зорим,  
Бас мен нечук қилурмен сайр ихтиёр сенсиз.

Дашт ичра гар улоқсам ғамдин ажаб әмаским,  
Қилмиш мени фироқинг девонавор сенсиз.

Раҳм айлагил мангаким, то уздинг ошнолиғ,  
Не бахт ёваримдур, не рўзгор сенсиз.

Ҳуснинг қуёши, жоно, қилгайму ёна равшан,  
Ким тийрадур чекардин кўз интизор сенсиз.

Юз дарду ғам бошимда, минг кулфату алам ҳам,  
Лекин кўнгулдағи ўт юз онча бор сенсиз.

Меҳри мунирдек ет бошим уза очиб юз,  
Ким менда зарра янглиғ йўқдур қарор сенсиз.

Жоно, вафову аҳдинг билмонки, қайда бордур,  
Аммо вафода бормен, мен устувор сенсиз.

Ўтлуг фифоним ўтмиш авжи фалакдин, эй моҳ,  
Анжум дурур сочиғон андин шарор сенсиз.

Нолам униға раҳм эт, ашкимдин айлагил вахм,  
Буким иков жаҳонда қўймас мадор сенсиз.

Мунис фироқинг ичра бекас қолибдур андоқ,  
Ким дарду ғамдин ўзга йўқ ғамгусор сенсиз.

\* \* \*

Дўстлар, менсиз даме оҳанги ишрат қилмангиз,  
Сиз ичиб саҳбо, мени хунхори ҳасрат қилмангиз.

Гар муяссар бўлса бир маҳбуб ила базми нишот,  
Менсизин суҳбат тузарга майлу рағбат қилмангиз.

Төпсангиз базми висоли анда ёд этмай мени,  
Зер кўнглумни асири доғи фурқат қилмангиз.

Мен киби йўқдур арода манкубу маҳмури айш,  
Кимсага мендин зиёда бода шафқат қилмангиз.

Аҳли дониш бирла ҳар дам айлангиз базми китоб,  
Жамъи нодонлар била изҳори улфат қилмангиз.

Дўст улдурким, ёмон кун юз эвурмас дўстидин,  
Мунис аҳволин кўруб тарки муҳаббат қилмангиз.

\* \* \*

Кирди мардум аро чун ёшгина жононгинамиз,  
Тўқди ёш дургинасин дийдаи гирёнгинамиз.

Син чекиб юзгинасига икки кокилгинасин,  
Ўтга қайди била тушти кўнгул жонгинамиз.

Ним бисмилгиналар бўлди тапиш бирла ҳалок,  
Яна бир келмас эса бўйниғадур қонгинамиз.

Кунимизни кеча қилди ғами ҳижронғинаси,  
Вақтдур келса агар шамъи шабистонгинамиз.

Билмадук қайси паривашгина манзури эркан,  
Бизга мажнуни алохону аломонгинамиз.

Ҳажри шомида ул ой юзгинасин ёд этдук,  
Топти бир шамъгина кулбаи эҳzonгинамиз.

Васл бўстонида гулгашт таманиномиз бор,  
Ераб, ўлгай мұяссар чаманистонгинамиз.

Ишқ майдонига жонбозгина йўқ биздек,  
Ким бошу қадгинамиз гўй ила чавгонгинамиз.

Гарчи ёдур қадимиз, қил ҳазар, эй гардунким,  
Оҳ, эрур ўқгинамиз, шуъласи пайконгинамиз.

Фам эмас бўлса жафо ҳосили хирман-хирман,  
Барқ оламга урар беасар афгонгинамиз.

Ўзимиз телбаву Лайлувашимиз тифлғина,  
Мунис ўлгай нечук аҳволи паришонгинамиз.

\* \* \*

Баҳки, ул ҳолим мени мазлумга қотил ҳануз,  
Яъни ағеримга юз минг меҳр ила мойил ҳануз.

Ёшурун сирримни демай, халқ англаб, войким,  
Айтиб англатмоқ била ҳолимни ул ғофил ҳануз.

Баҳ, нечук баҳр әрди ҳижронким миниб ғам заврақин,  
Ҳар неча қатъ айларам мавжуд эмас соҳил ҳануз.

Кўзу кўнглумдин балоға қолдим, оре, кимсага,  
Суд еткурган эмас аҳбоби ноқобил ҳануз.

Нафий илми ишқ этиб, қилмоқ недур исботи зарқ,  
Келмамиш, зоҳид, жаҳонға сен киби жоҳил ҳануз.

Мунисо, ҳушиңг бор эрса даҳри дун таркини тут,  
Ким онинг бўлғон эмастур мойили оқил ҳануз.

\* \* \*

**Санамо, фамингда ёқиб фалакни фигону нолау оҳимиз,**  
**Дили саҳтинга асар этмади нечук эрди баҳти сиёҳимиз.**

**Не фироқинга эрур интиҳо, на висолинга эрур ибтидо,**  
**На тамом ўлур ситаму жафо, на асар қилур сенга**  
оҳимиз.

Сен агар инонмас эсанг фироқ аро ҳоли зоримиза  
бизинг,  
Рухи зардимиз била ашки олимиз ўлди икки  
гувоҳимиз.

Қутулур кишики жинон риёзига кирса дўзах  
қаҳридин,  
Бу ажабки, жавринг ўлур фузун сари кўйинг ўлса  
паноҳимиз.

Не ажаб фироқ қаро туни кунимизга голиб эмас эса,  
Ки хаёлу завқи висол эрур куну тун гунаш била  
моҳимиз.

Неча, эй кўнгул, тилабон сарир ила тож ғам аро  
қолгасен,  
Бор эса фараҳға чу мояи фақр аро бўрёю кулоҳимиз,  
Бизи кўрган эл қилур оҳу нола дили ҳазин била,  
Мунисо,  
На ажаб жаҳон аро солса шўриш агар бу ҳоли  
табоҳимиз.

\* \* \*

Танимға солди дарду ғам табу ларз,  
Карам қил ёхуд ўлтур, қўйма бу тарз.

Ясат кўйингда қабримни, гар ўлсам,  
Сенга, эй ёр, мендин будур андарз.

Мақомим кўҳи ишқинг бўлса басдур,  
Менга марғуб әмас не буму не марз.

Эрур кўнглумда ишқинг шавқи-ю оҳ,  
Алардин ўзга йўқ бу кишт аро барз.

Ривожи ҳусн чеҳрангға бичилмиш,  
Нечукким қоматингға хилъати тарз.

Баҳо жонимғадур гарди самандинг,  
Бу жавҳарға йўқ ўзга қиймату арз.

Жунун даштида мен мажнуни урён,  
На бошда бўрк бор, на жисмда дарз.

Гирифтор ўлмишам ғам панжасига,  
Нечукким чархнинг чанголига чарз...

Вафо тухмин әкиб топдим жафо бар,  
Эруман, Мунисо, турфа кишоварз.

\* \* \*

Эй жамолинг файзидин ҳар тун тўпиб парвона файз,  
Ўйлаким, гулдин саҳарлар булбули девона файз.

Илтифотинг абри раҳматдур муҳаббат аҳлига,  
Ёғдуур ул хайлнинг кўнглиға жовидона файз.

Ҳам келурда ўтрунга берди юзинг кўзгуға руҳ,  
Ҳам тараарда топти зулфинг мукнатидин шона файз.

Субҳи васлинг файзидин топтим ҳаёти тозае,  
Оллоҳ-оллоҳ, мундин ортуқ борму эркан ёна файз.

Кимки дардимни эшитти риққат изҳор айлади,  
Гўиё ишқ ичрадур сартосар ул афсона файз...

Масжидингда файз йўқ, зоҳид, ҳузурингда футух,  
Еткуур соқий футух, эл кўнглиға майхона файз.

Чиқма Мунис гўшай майхонадин жон чиқса ҳам,  
Еткуур пайваста анда соқию паймона файз.



Ҳар кишига гар эса пайдо эваз,  
Ким бўла олғай сенга, жоно, эваз?

Нахли қаддинг борса агар боғдин,  
Сарв бўлурму экон оё эваз?

Нуктаи жонпарварингта, вах, қачон,  
Бўлгуси анфоси Масиҳо эваз?

Гул юзунг ар бўлса назардин ниҳон,  
Бўлмас анга лолаи ҳумро эваз.

Зулфинг исин топмаса ногаҳ димог,  
Мумкин әрмас анбари соро эваз.

Тушса кўзинг фурқатига жонимиз,  
Қайдин ўлур наргиси шаҳло эваз.

Жон берадур шавқ ила Мунис сенга,  
Етгай анга марҳаматинг то эваз.

\* \* \*

Зулғ бирла оразингдур куфру имондин ғараз.  
Хатту лаълинг доги Хизру оби ҳайвондин ғараз.

Ошиқи бечораларға зулм әрур даъбинг сенинг,  
Гарчи сўрмоқ адл бирла бўлса султондин ғараз.

Ҳажр әро ўлмаслигимга бор эдим ҳайрон, сени  
Оқибат бир кўрмак әркан жисмима жондин ғараз.

Жонима тушмиш дуур ишқ оташидин сўзише,  
Демангизким, недуур ҷоки гирибондин ғараз.

Ёрсиз ҳар гул әрур кўнглумга бир хори бало,  
Гарчи табъ очмоқ эса сайри гулистондин ғараз.

Шавқим афзунроқ бўлур кўрган сойин мушкин  
хатинг,  
Богбон хуррамлиғидур сабзрайҳондин ғараз.

Мунисо, майхона азмин қил фароғ истар эсанг,  
Негаким қайғуни дафъ этмакдурур ондин ғараз.

Оразинг ҳусн ичрадур фирдавси ризвон гулшани,  
Ҳам латофатда саропойинг эрур гул хирмани.

Боқмон истиғно қилиб ою қуёш рухсорига,  
То кўзумдур партави шамъи жамолинг равшани.

Доги ишқинг кўнглума қолқон эрур дафъ этгали,  
Етса гар ҳусн аҳлиниг мужгони новак афкани...

Лаъли жонбахшингни гар ўпмак мұяссар қилса баҳт,  
Тоабад қотил санамлар ўлтура олмас мени.

Равзаи ризвон гулистонига қилмон илтифот,  
Бўлса кўйинг гулшани овора кўнглум маскани,

Ҳусн буржининг қуёшисенки, андиндур мудом  
Заррадек саргашта ҳар ён шўхлар жону тани.

Жавҳари хулқингға гар жонлар фидо қилсам иетонг,  
Ким эурсен лутф конию малоҳат маъданни...

Юз очиб арзи жамол этдинг, vale не судким,  
Шишабанд ўлди таҳайордин кўзумнинг раззани.

Айламон ҳаргиз сенинг ғайри сари наззоре,  
Чунки, сенсен оламоро ҳусн элининг аҳсанни.

Нолалар ишқинг аро, эй гул, чекарменким, эмас  
Ул сифат таъсирлиғ саргашта булбул шевани.

Қилмасунлар арзи умри жовидон Хизру Масиҳ,  
Ким эрур Мунисға умри тоза ҳар кўрмак сени.

\* \* \*

Лола ҳуснинг китобидин варақе,  
Нола ишқинг баёнидин сабақе.

Ашқлиғ ҳар кўзум нисори учун,  
Қилмиш омода бир гуҳар табақе.

Ваҳки, қон қилди ҳуснинг ашкимни  
Турфа меҳре-ю булъажаб шафақе.

Нола қилсан нетонгки, ишқи ғами  
Солди бошимга хомавор шақе.

Эйки, қатлим учун қилич чекдинг,  
Келу бўйнимга собит айла ҳақе.

Басдур афсона Мунис аҳволи,  
Эй рафиқ, этма зикри мосабақе.

\* \* \*

Савсани озоду сарви сарфарозинг бандаси,  
Оташин гул кўнглум ўртанган юзунг шармандаси.

Юз очиб чиқсанг шабистондин жамолинг шамъиға  
Бўлгуси парвона гардун ахтари рахшандаси.

Давр этар буким қўёш ҳар кун фалак майдонида,  
Рост айтайким, эрур меҳри рухинг жўяндаси.

Ғамзаи хунхоринг андоқ қон тўкарким, қатлда  
Ошкорову ниҳон йўқтур анинг монандаси.

Истамас икки жаҳон султонлигининг маснадин,  
Ҳар гадоеким бўлур хоки раҳинг афкандаси.

Зору нолон қилса тонг йўқ даҳр элин булбул киби,  
Юз туман гуллар сочар буким лабинг ҳар хандаси...

Жилва қилсанг сен пари кўнглум этиб девоналиғ,  
Жисми чокимдур анинг юз пора бўлғон жандаси.

Офтобедур юзунг ҳусну жамол авжи уза,  
Оли ҳар ким кўрса бордур толеи фархандаси.

Нотавон Мунис туни кўп тийра бўлмиш ҳажрдин.  
Нетти ёрутса жамолинг машъали тобандаси.

\* \* \*

Юзунгдур ҳусн дилкаш буржининг хуршеди раҳшони,  
Ер узра юз қўярлар маҳлиқолар кўрсалар они.

Висолинг шамъидин кўнглум уйин равшан қил, эй  
дилхоҳ,  
Вафо кўйида они тийра қилмиш ҳажр зулмони...

Фалакдек эврулуб бошинг уза хайли малак саф-саф,  
Фидо айлар сенга ҳар бирининг гар бўлса юз жони.

Жафо таркин тутуб, кўнглумни ғамдин айлагил хориж.  
Жаҳон бўстони бўлмиш сенсизин андуҳ зиндони.

Эрур пайваста қошинг ёйи қатлим қилғали, аммо  
Умид улдурки, жоним айласам ул ёй қурбони.

Наво топмоқ тилаб ҳуснингдин ою йил тўкар ашқин,  
На давлатдур юзингни кўрса Мунис чашми гирёни.

• • •

Не сенга ҳар дам гамингдин ўлмагимда мотаме,  
Не менга дарди ниҳоним айтишурға ҳамдаме.

Ўртабон ҳар лаҳза беларволиғинг мен зорни,  
Бу на беларволиғ әрдиким, сенга йўқтурғаме.

То гули рўйингни қилдинг кўзларимдин нопадид,  
Бу чаманга тушмади ашкимдин ўзга шабнаме.

Барча ғам бир ён, бу ғам бир ён, ғамим шарҳин сенга  
Қилғали ирсол йўқ ҳижрондин ўзга мотаме.

Ижтиоб айлаб менга лутф айламакдин бўлмадинг  
Мултафит ҳар дам куюб оҳим ўтидин оламе.

Ўйла мушкил ҳолатим борким, паришон айлагай  
Даҳр элин очилса дардим уқдасидин бир хаме.

Кўнглума юз захм урарсен хорхори жаврдин,  
Ваҳ, анга қўймас ҳакими илтифотинг марҳаме

Эй сенга берган азоб эл ихтилоти дўзахи,  
Бил биҳишт ул мавзуеким, йўқтур анда одаме.

Ҳасратингдин Мунис айлаб жон вафо йўлида тарқ,  
Не жафо әрдики, тутмассен жафо таркин даме.

\* \* \*

'Го ул ой орази ўтрусиға кўзгу чекти,  
Рашқ ила дийда жигар чашмасидин сув чекти

Кирпики ғамзаси ўқиға қоши ё бўлғоч,  
Ишқ кўнглумдин анинг оллида қобу чекти.

Рўзгорим ғам аро бўлди қаро, ўйлаки зулф,  
Парда рухсорига чун ул бути маҳрў чекти.

Боғ аро сарв ила шамшодға рағбат қилмон,  
То кўнгулни ўзиға ул қади дилжў чекти.

Оқибат роҳи адамда баданим товшалди,  
Дарду ғам бориниким, ҳажр аро асрү чекти.

Берма бедорлиғ асбобини илгингдинким,  
Ўкуш огоҳни ғафлат сари ўйқу чекти.

Мунисо, кўк уза тун шамълар этди зоҳир,  
Ўтлуғ афғонки, кўнгул субҳга тегру чекти.

\* \* \*

Жонондин узоқ солди мени чарх жафоси,  
Улмакка яқин қилди ғами ҳажр балоси.

Кун шефтаси қилмади парвойи кавокиб,  
Онсиз менга хуш келмади маҳвашлар адоси.

Ул чеҳра фироқида ҳужум айлади андуҳ,  
Ул навъки кун ғайбатида кеча қароси.

Бир шўх гирифторимен озод ўла олмон,  
Ииқмиш мени бир дард, йўқ имкони давоси.

Ишқингни ниҳон асрагали жонима тоқат,  
Не кўнглума қилмоқ анинг изҳори ризоси.

Ҳижрон ғамию бийми жафодин ўлар эрдим,  
Гар бўлмаса уммиди висолию вафоси.

Ул шоҳ висолидин эмас айб дам урсам,  
Шоҳ оллида густоҳ бўлур ишқ гадоси.

Бир гулшан эрур ишқки, ўт гуллари, аммо  
Кўз ёши, кўнгул оҳи дурур обу ҳавоси.

Ҳар нечаки дашном қилур ёр жафодин,  
Ортуқроқ ўлур Муниси дилхаста дуоси.

\* \* \*

Не гўзалсенким, қуёшда йўқ жамолинг зийнати,  
Оразингдин партаведур бил қуёшнинг талъати.

Йўқ қадингдек сарви раъное жаҳон бўстонида,  
Балки қаддинг соясидур сарви раъно қомати.

Ўт тушиб кўнглум аро кўргач жамолинг шуъласин,  
Тўн куяр янглиғ таним қиздуурди онинг ҳирқати.

Захмлар солди мижанг новаклари кўнглум аро,  
Кўрки қон оқғон нишонидур сиришким ҳумрати.

Қошлиаринг кўргач, тараб юзланди маҳзун кўнглима,  
Ийд муштоқини шод айлар янги ой руъяти.

Лабларингдин гар зулоле, етса ўлгон жон топар,  
Ким кўрубтур оқғанин ёқутдин жон шарбати.

Юз очиб, улфат тутиб, васлингга маҳрам қил мени,  
Ким муносибдур басе гул бирла булбул суҳбати.

Чеҳраи зардим сарифлиқ улча имкон жазб этар,  
Онча бўлмаски, чекарда каҳрабо хосияти.

Жилва қилғоч қоматинг боф ичра хам бўлди ниҳол,  
Расмдур таъзимким, бўлғай бийиклар иззати...

Не бўлур Мунисга васлинг бирла берсанг тоза рух.  
Ким ани ўлтургали етмиш фироқинг шиддати.

\* \* \*

Яна ҳижрон балоси зўр қилди,  
Висолидин мени маҳжур қилди.

Тараб тахти уза эрдим Сулаймон,  
Ғамингдин ул сифатким мўр қилди.

Тулуи ахтаримни қилди маъкус,  
Ёруқ субҳим шаби дайжур қилди.

Нечукким кўзни айирди юзунгдин,  
Кўнгулни шодлиғдин дур қилди.

Мени булбулдек айлаб зору нолон,  
Рақибим гул киби масур қилди.

Ажал заҳрин қилиб комимға ширин,  
Ҳаётим шарбатини шўр қилди.

Бадан узра кафан айлаб либосим,  
Мақом этган еримни гўр қилди.

Қилиб юз пора ҳасрат нохунидин,  
Либоси оғиятдин ур қилди.

Ғами ҳижрон қўлидин дод, Мунис,  
Фалакдек зулмни мақдур қилди.

• • •

**Фахр айлабон қуёшнинг фарқи фалакдин ўгди,  
Хоки дарингни ўпмоқ бирлан чу кўз ёрутди.**

Эрнинг зулоли жонбахш ўлғоч халойиқ ичра,  
Хижлатдин оби ҳайвон зулматда гўша тутди.

Заъф этди ишқинг ичра ҳолимни ул сифат зор,  
Ким ҳар кишики кўрди ўз ҳолини унутди.

Лаълингдин айру кўзинг ёди кўнгулга тушди,  
Захроби ғамза бирла жон мазраин қурутди.

Жоми висол тутғил, эй соқи, айлабон раҳм,  
Ким бу гадо ғамингдин қон беҳисоб ютди.

Ўт урди оразингдин жонимга завқи ишқинг,  
Не ўтки, хонумондин жонимни, ваҳ, совутди.

Эйким, бисоти иззат нардиға ғарра бўлдинг,  
Таҳқиқ дам-бадам бил нарроди чарх утди.

Шаҳлиғ мусалламидур иқлими маъни ичра,  
Ҳар кимки фақр нақши бирла кўнгул овутди.

Кўюнгга топса гар йўл Мунис таажуб эрмас,  
Ким итларингнинг оғзин жон ширидин чўчутди.

\* \* \*

То дарди ишқинг ақлимни олди,  
Турлук балолар бошимға солди.

Еғдурди ишқинг ғам тошин андоқ,  
Ким узв-узвим бир-бир ушолди.

Гул узра бўлди шабнам арақрез,  
Гўёки ҳуснинг кўргач уёлди.

Кўпдин бериким кам бўлди меҳринг,  
Ўксулди сабрим, қайгум кўполди,

Ҳайратфизодур андоқ юзунгким,  
Ҳар кимки кўрди, ҳайратга қолди.

Кирпикларингни ёд этди кўнглум,  
Ғамдин анга кўп пайкон қадолди.

То, эй париваш, ишқингға тушди,  
Мунис асиринг мажнун атолди.

\* \* \*

Кўрубон ул жамоли зебони,  
Борму қилмоқ кўзумни ҳайрони.

Оқмайин қолмади кўзумдин сув,  
Сув демай, балки бағримнинг қони

Абр эмас, кўкда дуди оҳимдур,  
Ёмғур эрмас, кўз ашки ғалтони.

Бор эса ҳажрдин қутулмоқлиқ  
Ўлмак ила, манга ўлум қони?

Ҳажр аро кўзларимга барқи бало,  
Кўрунур чарх меҳри рахшони.

Сўзи жонбахш ёри моҳвашим —  
Бўлмаса, найлайнин Масихони.

Манга кўргузди чархи кажрафтор  
Ҳар жафоеким бордур имкони.

Монеи ашқ эмас мижам банди,  
Хору хас боғлагайму дарёни.

Ваҳки, ҳажр илгидин бўлубтур чок  
Муниси зорнинг гирибони.

\* \* \*

Келди, фироқ кетдию маҳзунлиғ офати,  
Ҳарфики дединг, ўлди нишотим изофати.

Гар жон десам сени ери бордурки, айламиш  
Пинҳон назора оллида жисминг латофати.

Не қудрат ишқ әлигаки, қилғай хилофи ҳукм  
Сен-сен чу ҳусн кишвари соҳиб хилофати.

Меҳмоним ўлдинг, ўлмади бори кўнгул жижил,  
Исор жонин этди қудуминг зиёфати.

Хижрон йўлики, бор эди поёни нопадид,  
Чун келдинг ўлди қатъ бу йўлнинг масофати.

Менким ҳамиша йиглар әдим, йиқти кулгудин  
Сўрмоқға зоҳир ўлди чу нутқинг зарофати.

Жонимни вasl манзилида олки, ўлтурур  
Қатъи тариқи меҳнати ҳижрон маҳофати.

Майхона сори борки, шарофатлар андадур,  
Масжидга кирма, етгуси зоҳид касофати.

Мунисни сидқ чекти ҳарамгоҳи вaslга,  
Кўрким, бу тоят ичрадур онинг шарофати.

• • •

Хамушлиғ била апдиша ҳамсар бўлди,  
Садаф чу юмди оғиз қатра сув гуҳар бўлди.

Замона аҳлиға изҳори фазл қилма абас,  
Аларға айби ҳунар борҳо ҳунар бўлди.

Чу экти ком таманиси нахлини кўнглум,  
Маҳоллиҳ самари бирла борвар бўлди...

Камоли фазл агар бўлмаса гунаҳ недур,  
Ки беҳжатим аламу фойдам зарар бўлди.

Кўнгулни айла мусаффо тилар эсанг мақсад,  
Қуёш жамолининг ойинаси сахар бўлди.

Ривожи шеър умидин бу давр аро, Мунис,  
Қўтарки, барчага манзур сийму зар бўлди.

\* \* \*

Ваҳқи, мендин ишқ аро озурдажонроқ йўқ киши,  
Ҳусн аро сендеқ доги номеҳрибонроқ йўқ киши.

Кимга заъфим шиддатин зоҳир қилурмен мунглашиб,  
Чун ўзумдек ғам чекардин нотавонроқ йўқ киши.

Сели ашқу ғам йиқибдур жисм ила кўнглум уйин,  
Мен киби ушшоқ аро бехонумонроқ йўқ киши.

Жонлар исоринг қилиб кўрдум жафо, ваҳқим, санга,  
Неча қилсам яхшилиқ, мендин ёмонроқ йўқ киши.

Ҳажр саҳросини гулгун айладим қон ёш ила,  
Мен киби бу навъ кўзи хунфишонроқ йўқ киши.

Узв-уввимдин фифонлар бош чекибтур тил киби,  
Ишқ асерриға мендин таржимонроқ йўқ киши.

Ишқ ўти Мунис қужудин куйдурубдур ўйлаким,  
Эмди андин ўзга беному нишонроқ йўқ киши.

\* \* \*

Кимниkim, дўст дедим, душмани жон топдим ани,  
Неки андин тиладим суд, зиён топдим ани.

Ёр меҳрин тилаб, ағёр жафосин кўрдум,  
Майи гулуни талаб этдим, қора қон топдим ани.

Ғунчай хотирим очмоқга насиме тиладим,  
Год ўтлиғ елу гаҳ боди хазон топдим ани.

Неккоҳим деганим барча бор эркан бадҳоҳ,  
Сиёҳим англар эдим яхши, ёмон топдим ани.

Ишқ андуҳи ниҳон қолмоқи имкон эрмас.  
Менки ёшурмоқ ишим эрди аён топдим ани...

Вақтдур дилбариға топса нишони Мунис,  
Ким ғами ишқ аро беному нишон топдим ани.

\* \* \*

Эй бўлуб кўнглум қуши шамъи рухинг парвонаси,  
Юз очиб кел равшан ўлсун хотирим кошонаси.

Юз уза холу хатинг ҳажрида марғубим әмас,  
Гулшан ичра сабзай райҳону райҳон донаси.

Шамъи васлин равшан эт тенгри учун, эй рашки моҳ,  
Ким қоронғудур басе бу нотавон ғамхонаси.

Жон нечук асрар жаҳон аҳлики, мижгон ханжарин —  
Чекти қотил кўзларингнинг ғамзай мастанаси.

Элнинг уйқуси ўчар ҳар тун десам ишқинг сўзин,  
Оре, уйқу дофеидур дарди ишқ афсонаси.

Не ажаб ишқи ғамин кўнглумда пинҳон арасам,  
Улдуур ганжи муроду бу анинг вайронаси.

Гаҳ тушар Мунис бало даштиға, гаҳ занжираро,  
Бўйладур ҳоли ким ўлса бир пари девонаси.



**Оразинг оч то кўруб ҳуснингни ҳайронинг бўлай,  
Зарра янглиғ маҳви хуршеди дурахшонинг бўлай.**

**Бошима чек тиги буррон гамзаи хунрездин,  
Тө ҳузурингда шаҳиди тиги бурронинг бўлай.**

**Дардима еткур давое лаъли хандонинг била,  
Эйки, ман ҳар дам фидойи лаъли хандонинг бўлай.**

**Раҳм этиб жоним олурдин кўргуз эҳсоне манга,  
То бериб жонимни миннатдори эҳсонинг бўлай.**

**Ҳолима боқ гоҳ-гоҳи мастлиқ ҳангомида,  
Нашъапаймойи нигоҳи чашми фаттонинг бўлай.**

**Мен ўларга етмишам ҳажрингда, бер лаълинг майин,  
Жон топиб саршори файзи оби ҳайвонинг бўлай.**

**Жилвае оғоз этиб келгил хироми ноз ила,  
Қумриосо бандаи сарви хиромонинг бўлай.**

**Илтифотинг шамъидин базмим ёрутким, бошинга  
Эврулай парвонадек, ҳам садқаи жонинг бўлай.**

**Нўши васлинг еткуруб комимни ширин айлагил,  
Тобакай мен талхкоми заҳри ҳижронинг бўлай.**

**Шеъринг ул юз васфида, Мунис, очар гул ранг-рамг,  
Булбули шўридаи гулзори девонинг бўлай.**

\* \* \*

Тилармен сари кўйи дилбарда жой.  
Кел, эй баҳт, бўлғил даме раҳнамой.

Ҳужуми аламдин заиф ўлмишам,  
Десам йўқ ажаб дам-бадамвой-вой.

Ул ой қоши ёдида хамдур қадим,  
Анингдекки, маръий бўлур янги ой.

Ўпуб нақши пойини туфроқдин  
Юз олмон агар сурса ул бодпой.

Гадойи гадой ўлмишам ишқ аро,  
Жаҳон ичра борму менингдек гадой.

Менга рашқ аро сабр гар йўқ эса,  
Анинг майлини ол тайрдин, эй худой.

Чекар ёр йўлида Мунис фифон,  
Нишони сафардур садои дирой.

\* \* \*

Чорае гар ғамима йўқ, мани шайдо найлай,  
Ул ғамим айласа олам аро расво, найлай.

Ҳар неча ишқини жоним аро пинҳон қилсан,  
Айлар афғону сиришким ани пайдо, найлай.

Не қародур, ёрумас шоми сиёҳи ҳажрим,  
Ёруб оҳим ўтидин гунбади ҳазро найлай.

Фурқати андуҳи зиёда бўлар аввалғисидин  
Қилсан ул шўх висолини таманно, найлай.

Етушуб оғзима жоним, бошим узра келмас  
Ул Хизр, келса табобатга Масиҳо найлай.

Зоҳид, олмон пари коҳега матои пандинг,  
Гар анга бўлса баҳо луълуи лоло найлай.

Қўйди Фарҳод ила Мажнун манга Мунис мерес,  
Масканим бўлса агар тоғ ила саҳро найлай.

• • •

Ол ниқобингни, жамолинг ошкоро айлагил,  
Оlam аҳли кўзларин маҳви тамошо айлагил.

Сенки, жонлар жонисан, сенсиз ўлукман ҳажр аро,  
Кел равон бир дам ҳазин жонимни маъво айлагил.

Кўзларин олам элининг тийра қилди шоми ҳажр,  
Офтоби оразингни оламоро айлагил...

Дарду ғам тоши била бошим эрур йўлингда гард.  
Секратиб от елдек они чархфарсо айлагил.

Равзай ризвондин ортуқдур сари кўйинг сенинг,  
Ул мақоми дилкушо ичра мени жо айлагил.

Жонифизо ширин лабинг ҳажридадурмен талх ком,  
Лутф этиб нўше мени андин шакархо айлагил.

Асру бепарволигингдин бўлмишам ошуфта ҳол,  
Бир тараҳкум кўргузуб ҳолимға парво айлагил.

Не ҳузуре сенсизин ҳосил дурур, не роҳате  
Кел ҳузурингни кўнгулга роҳат афзо айлагил.

Заррадек Мунис юзинг ҳажрида нопайдо эрур,  
Эй қуёшим, оч жамолинг они пайдо айлагил.

\* \* \*

Оразу қошингни кўрсам бўйла айлармен хаёл,  
Турфа кўрким, бир қуёшға бордуур икки ҳилол.

Беқарор ўлсам юзинг кўргач мени ҳайрон нетонг,  
Заррага ором йўқтур офтоб очгач жамол.

Раҳм чашми жонситонингдин нечук айлай тамаъ,  
Қаҳр аро жаллоддин бўлмоқ карам зоҳир маҳол.

Дайр аро ичсам қўлингдин соғари лаълинг сўруб,  
Кавсару ҳайвон суйи мендин қилур касби камол.

Мехрибон бўлмоқ рақиб аҳлига сендиндур ажаб,  
Билмадингму девларга ҳурдин йўқтур висол.

Новакинг кўнглумга урғон захмлар хунобидур,  
Ашкедек кўздин оқиб қилғон сариг чеҳрамни ол.

Урма зулфинг тобини очмоққа шона, эй пари,  
Қилма мажнунинг паришон хотиру ошуфта ҳол.

Оҳ чекмай найлайн, ҳажринг балоси айлади  
Мен ғарибу хастай бехонумонни поймол.

Жилва айлаб, юз очиб, борсанг гулистон сайрига,  
Гул юзин юз пора йиртиб, ерга бош қўйғай ниҳол.

Нола қилса қадду юзинг шавқидин Мунис агар,  
Қўумри ўзини унугай, булбул ўлғай гунгу лол.

\* \* \*

Манга бор турфа баҳти накбат анжом,  
Эрур таъсиридин субҳим қаро шом.

Ёғиб бошимга онинг шоматидин,  
Ҳаводис абридин борони олом.

Неча арзи ҳунар қилсам сўз ичра,  
Тутарлар ул ҳунарга айб ила ном.

Фуруге истасам гар зарра янглиғ,  
Юзига кун чекар абри сияҳфом.

Агар фаҳм этса ҳолим эҳтиёжин,  
Қилур изҳори бухлу хиссати том.

Сусаб гар қатрае қилсам таманно,  
Бўлур дарё саропо ҳавл фаржом.

Оғир айлар қулогин қасд бирла,  
Бировга дарди ҳолим қилсам эълом.

На шаҳ оллида бор бир қулча қадрим,  
На қуллардин манга бир итча икром.

На насрим ҳосили жуду суюргол,  
На назмимга сила таҳсину инъом.

Ҳам аҳбобим бўлуб хасм ўйлаким чарх,  
Ҳам ақроним бўлуб зид мисли айём.

**Фароғу жамъият мендин қилиб рам,  
Бўлуб ранжу фаришонлиғ манга ром.**

**Мунга шукр айлагил, Муниски, мундин  
Батаррак қилмагай иш бахти худком.**

\* \* \*

Бордим сари кўйинггаву ҳирмон била ёндин,  
Васлингни тилаб меҳнати ҳижрон била ёндин.

Бордим лаби хандон била тавфи ҳарамингға,  
Ғамгин кўнгулу дийдаи гирён била ёндин.

Оғзингни тилаб, зулфинга жон бўлди гирифтор,  
Дилжамъ бориб, ҳоли паришон била ёндин.

Мендан асаре истамангиз жуз бир овуч кул,  
Ким ишқ киби оташи сўзон била ёндин.

Мунис киби васлинг тилаб, топмадим охир,  
Мақсадима бир етмадим, армон била ёндин.

\* \* \*

Ичиб тутса манга май гар нигори бода ошомим,  
Бўлур Жамшидлиғ ойиним, гетинамо-жомим.

Кўнгул ором топмай юз қўяр оворалиғ сори,  
Ёнимда тутмаса ором агар бир дам дилоромим.

Агар бир шом шамъи васл базмим айласа равшан,  
Манга юз минг ёруғ кундин эрур ортуқроқ ул шомим.

Ажаб ишратнарастеменки, базми ишқ аро бўлмиш —  
Фигон оҳангি айшим, хуни дил саҳбойи гулфомим,

Диёри ишқ шоҳимен, эрурлар дарду ғам чокар,  
Кўнгул мулки-ю жон нақди аларга бордур инъомим.

Сўз аснофида андоқ маърифат бўлмиш манга ҳосил,  
Ки хасмимга эрур мушкилки бергай даст илзомим.

Агар иззат тиларсен, хоксор ўл фақр аро ердек,  
Ки мундин хам бўлуб, таъзимима чарх айлар  
икромим.

Эрур бир жилваи мақсад, аммо кўргузур ҳар дам  
Назарга муҳталиф тимсоллар миръоти авҳомим.

На мағрур ўлғамен Мунис, буқим фурсат ҳаётимга,  
Ки учқундек эрур бир жилваи оғозу анжомим.

\* \* \*

Лабингдин жонфизо ширин табассум,  
Сўзунгдин шаккарин рангин такаллум.

Менинг мажнунлиғимдин бу гараздур;  
Тамошо айлабон қилсанг табассум.

Жамолингдур намоён зулфинг ичра,  
Маҳи анварға манзил бўлди гаждум.

Жафокоро, нигоро, гул узоро,  
Тараҳҳум қил, тараҳҳум қил, тараҳҳум.

Эрур ўтлуғ фифонимнинг шарори,  
Фалақда зоҳир ўлса ҳар тун анжум.

Шаҳо, туз ўйла адл ойининиким,  
Жаҳонда қолмасун расми тазаллум.

Хумор этса агар Мунисни бехуд,  
Қуюнг оғзига онинг дурдаи хум.

\* \* \*

Ошиқингмен йигларам зор, эй санам,  
Қон оқар гирён кўзумдин дам-бадам.

Боғладим кўйингга эҳроми тавоф,  
Улдуур ишқ аҳлиға байтул-ҳарам.

Бўлди жисмим фурқатингда саҳт суст  
Сабрим ўлди ҳажр аро бисёр кам.

Корзори ишқ аро ғам лашқарим,  
Дуди оҳимдур бошим узра алам.

Эврулуб мажнун қуондек бошима,  
То жунун даштиға мен қўйдум қадам

Ўт вужудингдин, тиларсен гар висол.  
Топмас ул давлат кипши бўлмай адам,

То ёзилди отима маншури ишқ,  
Мунис олдим дард мулкин яққалам.

\* \* \*

Ваҳ не яхши кунлар эрдиким, санга ҳамдам эдим,  
Не гирифтори бало, не мубталойи ғам эдим.

Давлати қурбинг топиб, бир навъ қадрим бор эди,  
Равзай кўйинг аро ман доди бир Одам эди.

Ҳазратингга беибо фойиз бўлур эрдим мудом,  
Бахт ўлуб ёвар, ҳарими васлинга маҳрам эдим.

Гарди роҳи маркабинг эрдим қилурда азми сайр,  
Қайтурингда уйга хоки остонинг ҳам эдим.

Илтифотинг нашъаси кўнглумни айлаб шодком,  
Мен гадо Жамшеддек сармasti жоми Жам эдим.

Сарвдек озод эдим доим ҳазони ҳажрдин,  
Навбаҳори васл ила гулшан киби хуррам эдим.

Илтифотинг не зиёда эрди мендин ўзгага,  
Шафқатингни не кўрарда ўзгадин мен кам эдим.

Оҳқим, Мунис киби ҳажрингдá бекас қолмишам,  
Ваҳ не яхши кунлар эрдиким, санга ҳамдам эдим.

\* \* \*

Бўлуб маҳруми васлинг ком ҳосил қилмади кўнглим,  
Хумор ичра тушуб бир жом ҳосил қилмади кўнглим.

Рақибинг гаҳ қувар, гардун солур гаҳ ҳажр даштига,  
Сари кўйинг аро ором ҳосил қилмади кўнглим.

Висолинг ҳасратидин топти юз ғам, ҳажрдин минг  
дард,  
Нелар, эй фитнаи айём, ҳосил қилмади кўнглим...

Ҳубобосо умидобод қилди сели бим узра,  
Бузулмас янглиғ истеҳком ҳосил қилмади кўнглим,

Маош асбобин истаб асру саъийи пухта кўргузди,  
Ул ишдин жуз хаёли хом ҳосил қилмади кўнглим,

Тўкуб нақди вафо элга, гирифтори жафо бўлди,  
Сочиб бу донани, жуз дом ҳосил қилмади кўнглим.

Ғамингдин қон ютуб Мунис киби ҳар лаҳза ишқ ичра,  
Лабингдин бодаи гулфом ҳосил қилмади кўнглим.

\* \* \*

Кўнглум эрур шикаставу жоним низор ҳам,  
Ошуфтадур замириму жисмим фигор ҳам.

Бекасману аламзадаву зору мустаманд,  
Не ёр бу ғамим аро, не ғамгусор ҳам.

Не роҳату не роҳат этарга манга макон,  
Не маъману не амнияти ошкор ҳам.

Ғам бирла гул киби жигарим пора-порадур,  
Дард ичра хордек баданим асрү хор ҳам.

Олтун киби юзим ғами айёмдин сариг,  
Даврон жафоси бирла кўзум сиймбор ҳам.

Селобдек қўлумда дами йўқтур ихтиёр,  
Симобдек кўнгулда замоне қарор ҳам.

Муҳтолаи жаҳон талаб асбоби ишратим,  
Золи фалак уйимни қилиб тору мор ҳам.

Ағёр таънаси била мажруҳ хотирим,  
Қилмай назора ҳолима бир лаҳза ёр ҳам.

Мунис, ғамимни кимга дейин, қилмаса қарам,  
Дастури аъзаму шаҳи воло табор ҳам.

\* \* \*

Тиш қадаб бағримға асоримни пинҳон айларам,  
Элга ўзни дардисарлардек намоён айларам.

Хар қачон гар илтифот изҳор қилсанг гайрға,  
Мен ниҳони йиғлабон оҳиста афгон айларам.

Шиддати ҳижрон ғамидин оқса ашким ногиҳон,  
Кўзларимга дарду озоримни пинҳон айларам.

Лаългун май ичсанг, эй насрин узор, ағёр ила,  
Лола баргидек кўнгул жомин тўла қон айларам.

Чун рақибу муддаийлар бўлди атрофингда жамъ,  
Рашқдин кўнглумни зулфингдек паришон айларам.

Сен чу мустаҳкам қилурсен элга занжири висол,  
Мен ҳайтим қатъига оҳимни суҳон айларам.

Гуллари дўзах ўтидек жону кўнглумни ёқар,  
Хар қачонким сенсизин сайри гулистон айларам.

Гарчи эрмас келмагинг мумкин менинг сори, валек  
Кўнглум уйига тахайюл бирла меҳмон айларам.

Сақланурмен сиррим эл фаҳм этмасун деб, Мунисо,  
Йўқса бир оҳимда кўқни ерга яксон айларам.

\* \* \*

Қиё-қиё бошинингга фидо ҳазин жоним,  
Нисор ғамзай нозингга нақди имоним.

Юзунг қуёшин очиб келки, интизорингда  
Оқарди субҳ киби чашми кавкаб афшоним.

Лабинг зулоли эрур матлабим, не Хизр суйи,  
Кўзунг қатилиману будур оби ҳайвоним.

Чаман-чаман гул очар ҳар замон юзунг, тонг йўқ  
Дамодам ўртаса булбулни ўтлуғ афғоним.

Жамолинг ойинаси мазҳари саодатдур,  
Зиҳи саодат ани кўрса чашми ҳайроним.

Улусни ўртабон ўтлуғ фифонидин ҳар дам,  
Жаҳонни қилди паришон дили паришоним.

На бўлди Мунисим ўлсанг висол базми тузуб,  
Ки ғамгусорсиз ўлтурдидарди ҳижроним.

\* \* \*

Сенинг қудуминг ила шодмон эрур олам,  
Хизр киби қадам ургон еринг бўлур хуррам.

Етар ҳузуринг ила навҳа аҳлиға беҳжат,  
Бўлур жамолинг ила сурға бадал мотам.

Такаллумингдин ўлук жисм жон топар тоза,  
Табассумингдин ажал захмиға етар марҳам.

Висолинг ўйла фараҳбахшдурки, муждасидин  
Бўлур адам сари овора хайли кулфату ғам.

Йўлунгда Муниси саргашта жисми бўлди губор,  
Ани қилурға сарафроз ранжка айла қадам.

\* \* \*

Лолаи садбарг эмаским, дашт аро чекмиш алам,  
Жисми зоримдурки, юз бўлмиш ани тиги ситам.

Лолаи садбарг янглиғ бўлди қон, бўлгай кўнгул  
Ҳажр аро юз пораву ҳар пораси бир доғи ғам.

Баски қўйдим бошда ҳар ён захмлар узра момук,  
Кўрунур оқ лолаи садбарг янглиғ дам-бадам.

Кел, менинг бағримни кўр, юз пора ҳар бир доғида,  
Кўрмиш эрсанг боғ аро гар лолаи садбарг кам.

Сончмишсен лолаи садбаргни ё зулфинга,  
Ё анга юз пора кўнглум банд қилдинг, эй санам.

Соч дирамлар лолаи садбарг баргидек мудом,  
Ўз замонингда бўлай десанг агар соҳиб карам.

Гул киби ораз очиб келким, аёқингға сенинг  
Сочмоқ истар лолаи садбарг баргидин дирам.

Лолаи садбарг бир кеча эса умринг йили,  
Утгуси бир-бир бори тутғил бу дамни муғтанам.

Лолаи садбарг бир қулдур сенгаким, бошинга  
Бир табақ зардурки сочгай боғ аро қўйсанг қадам.

Бошинг узра лолаи садбарг кўргач англадим:  
Бағри бўлгон реш-реш ўлғуси охир муҳтарам.

Бўлди кўнглум поралар, Мунис, жафо тоши била,  
Онча бўлмас поралиғда лолаи садбарг ҳам.

\* \* \*

Подшоҳеменки, кўйинг туфроғидур афсарим,  
Ишқ мулки мулкиму хайли балолар—лашкарим.

Бўлса парвозим бийик ишқинг ҳавосида нетонг,  
Ким ўқингдин бордурур ҳар сори юз болу парим.

Қўрқарамким, айлагай гардун биносини хароб,  
Ашқ селиким, дамо-дам оқизур чашми тарим.

Ишқ бозорида ашким бебаҳо гавҳардуур,  
Лекин асру хордур йўлинг уза бу гавҳарим.

Шуълаи ҳуснинг мени то ўртади, ишқ элтадур  
Ургали сайқал қуёш кўзгусига хокистарим.

Ишқ элиниң зеваридур чеҳраи зард олтуни,  
Шукрлиллаҳ, барчадин ортуқси бўлмиш зеварим.

Баски ёғдорди фалак санги ҳаводис бошима,  
Бўлди андин гард бошим, балки туфроқ пайкарим.

Соқиё, тут сандалий соғар била саҳбо мангага,  
Ким хумор ичра мени йиқмишдуур дарди сарим.

Назм аро, Мунис, тўкар килким балоғат шаккарин,  
Ким шакарлаблар қилурлар орзу бу шаккарим.

\* \* \*

Малул ўлмиш анингдек ёр мендин,  
Ки хушроқдур анга ағёр мендин.

Ғамидин ҳар нафас юз қатла ўлсам,  
Қачон парвойи онинг бор мендин.

Анингдек бўлди кам шафқат манга ёр,  
Ки ваҳшатдур анга бисёр мендин.

Юзига ҳар неча ўгринча боғсам,  
Ниҳон айлар ул ой руҳсор мендин.

Анга ҳар неча қилсам зорлиғ мен,  
Етар кўпроқ анга озор мендин.

Мен айлаб ишқи ичра тарки номус,  
Тутарда базм этар ул ор мендин.

Аёқиға агар суртсам мижамни,  
Қафиға сончилур юз хор мендин,

Нетай Мунис анинг зулмидин ўлмай,  
Ки ҳолим қилмас истиғсор мендин.

\* \* \*

Кўнглум нечук қутулғой ул ошуфта сочдин,  
Солмиш камандлар анга икки қулочдин.

Қаддинг киби қачон бўла олғай ниҳоли сарв,  
Ким ноз расми бўлмади зоҳир йигочдин.

Наргисни ўхшатур кўзингга, боғбонни кўр,  
Қиймони ҳеч тамиз эта олмас талочдин.

Аҳбоб топти васлингу ёд этмади мени,  
Чиндуру сўзки: «Йўқ хабари тўқнинг очдин».

То қошларинг камонини зеҳбаст қилдилар,  
Чиқмади ўйла ёй Сихофону Чочдин.

Ишқингда кўнглум ўйла эрур гармтозким,  
Фарсангдин на оғаҳ эрур, не йигочдин.

Нони жавини фақр элига хушдурур басе,  
Шаҳ суфраи наволида қандин кулочдин.

Ул қавмки, муроди жаҳондин емакдурур,  
Камрак эмас бутуни аларнинг саночдин.

Васфингда тўти ўлмади Мунисча нуктасанж,  
Булбул қавоси мумкин эмас қарлуғочдин.

\* \* \*

Кўзум ул шамъ ила равшан бўлсун,  
Кўнглум ул гул била гулшан бўлсун.

Барқи ишиқи чоқилурда ҳар ён,  
Жонлар ўтрусида хирман бўлсун.

Истамон равзада онсиз манзил,  
Манга ул кўй нишимиан бўлсун.

Ўлсам ул ёр эшиги туфроғи  
Жасади зорима мадған бўлсун.

Келса ул жонима жондек кирсун,  
Жоним ул жонға доғи тан бўлсун.

Ишқи сарпанжасидин жоман ақл,  
Чок то гўшаи доман бўлсун.

Дўст зикрини гар этсам таътил,  
Ўзга сўздин тилим алкан бўлсун...

Ишқ зуннорини боғлаб белиға,  
Мунис ул бутға бараҳман бўлсун.

\* \* \*

Парисен, йўқса нечук кўзларимдин бўйла пинҳонсен,  
Пари демак хатодур, балки бу жисмим аро жонсен.

Ҳавоий кўйинг афзалдур манга жаннат насимидин,  
Ки сен ҳусни дилоро бирла рашки ҳури ризвонсен.

Лабингдур нўши жон, анда ҳаёти жовидон музмар,  
Бу нўши жон била хижлатфизойи оби ҳайвонсен.

Виссингга етурмак ваъда айлаб қилмадинг восил,  
Магар они фаромуш айладинг ёхуд пушаймонсен?

Эрур гулгун шароби ишрат афзодин манга ортуқ,  
Иноятдин гар ўз илгинг била берсанг манга қон сен.

Ниҳони кел иёдатга ўлар ҳолатга етмишмен,  
Агар зоҳир келурда халқ таънидин ҳаросонсен.

На золимсенки, кўнглумни бузарсон зулм ила ҳар дам,  
Демай кўнглумниким, айларсен ўз мулкингни вайрон  
сен.

Юзингга боқсам, эй дилбар, қамошур кўзларим, гўё.  
Сипеҳри ҳусн уза бу юз била хуршеди раҳшонсен.

Эрурсен кўнглум ичра, жавҳари жоним нисорингдур,  
Недин тутмай азиз, эй шўх, бу кулбамга меҳмонсен...

Жаҳону жон нисоринг қилсам, эй жонон, тонг әрмас-  
ким,  
Жаҳон аҳлига жонсен, балки жон аҳлига жононсен.

Навозиш бирла Мунисни гаҳи осуда хотир қил,  
Эмастур беасар, кўп зулм ила чекдурма аффон сен.

\* \* \*

Бало кўҳсорининг Фарҳоди мен-мен,  
Жунун тасвирининг Беҳзоди мен-мен.

Жаҳонда ҳар қачонким бўлса пайдо,  
Агар шўре анииг бунёди мен-мен.

Ғаму меҳнатга бор эрса арусе,  
Билингларким, анииг домоди мен-мен.

Нетонг Мажнун менинг шогирдим ўлса,  
Ки ишқ атфолининг устоди мен-мен.

Кўнгулда захмлардурким, фалакнинг.  
Нишони новаки бедоди мен-мен.

Менинг ноламга худ шўхе сабабдур,  
Вале эл боиси фарёди мен-мен.

Қуруб ҳижрон тузоқини ҳамиша,  
Балолар сайдининг сайёди мен-мен.

Вафода муддаийлардур мутеи,  
Жафо айлар чоғи мунқоди мен-мен.

Жунунда, Мунисо, муршидлиғ этсонг,  
Анииг шойистай иршоди мен-мен.

\* \* \*

Парда рухсоринг уза чекким, жаҳон ўртонмасун,  
Шуълаи ҳуснингни пинҳон қилки, олам ёнмасун.

Ҳар кишига шамъи рўйинг очмаким, бошинг уза  
Мандин ўзга ҳечким парвонадек айлонмасун.

Лаъли майгунинг зулоли бўлмаса, эй нўшлаб,  
Ташна жоним ўзгалар нўшин лабидин қонмасун.

Ўйла, эй Лайли, бўлурмен ишқинг ичра телбаким,  
Кўрсун аҳволимни Мажнун, ўзни ошиқ сонмосун.

Васл кўйидин қоварсен телба кўнглумни, санга  
Хўй этибдурким, борурда не учун куймонмасун.

Нўши лаъли жонфизойинг ёнида шарманададур,  
Оби ҳайвон не учун зулмат аро гезлонмасун.

Жаврларким, сен эторсен, қилма зинҳор ошкор,  
Ўзга ҳусн аҳли кўруб они ёмон ўргонмасун.

Илтифот эт гоҳ-гоҳи нотавон кўнглумгаким,  
Ул асиринг кўп ғаму ҳирмон била эмгонмасун.

Нола кам чекжил сари кўйида, Мунис, кечалар,  
Борса ёринг уйқуға ул ноладин сесконмасун.

\* \* \*

Эй пари, кўнглумниким қилдинг нишиман ёшурун,  
Истасанг мажнунлугимни кўзима гоҳи кўрун.

Бебасарлар оллида қилма намоён оразинг,  
Балки кўнглум ичра жоним пардасида ёшурун.

Гар қуёшдек солмасанг кундуз уйимга партаве,  
Кел маҳи шабгард янглиғ бошим узра кечқурун.

Ўйла бепарво эрурсенким, қошингда ёлбориб.  
Ҳар неча ҳолимни арз этсам бири тутмас ўрун.

Гар ҳаёти боқи истарсен бақо мулки аро,  
Фақр тифи бирла ўлдур ўзни ўлмасдин бурун.

Ваҳ, нечук хор ўлмасун Муниски, бўлмишлар азиз  
Билмаганлар ониким, недур оғиз, недур бурун.

\* \* \*

Фироқинг дардидин, эй шўх, озурда жондурман,  
Заифу хаставу зору низору нотавондурман.

Шаробим хуну жомим ҳажру дамсозим ғаму кулфат,  
Нишотим базмини кўрким, ажойиб комрондурман.

Агарчи ранжу меҳнат шиддатидин асрү ожизман.  
Валекни кўҳи ишқингни чекарга паҳлавондурман.

Губори ғам бошимга баски ёғди дашти ҳажрингда,  
Ажал хайли неча ахтарса топмасдек ниҳондурман.

Мажолим йўқ камоли заъфдин гар ургали гоме,  
Вале сели сиришким бирла ҳар сори равондурман.

Шаҳи мулки муҳаббатманки, тузсам ғам била базме,  
Ешиодин мажлис аҳли бошига гавҳарфишондурмен.

Висолингдин нишон топсам ажаб эрмаски, йиллардур  
Нишонимни фироқинг ўти ўртаб бенишондурман.

Замон аҳли қочинглар суҳбатимдинким, қаён  
бурсам,  
Фигоним рустахези бирла ошуби замондурман.

Насабдан суд йўқ, суд истасанг, қил маърифат  
хосил,  
Дема зинҳор Муниским, фалон ўғли фалондурман.

\* \* \*

Ғамза тигин қатлима тортиб буён келмасмусен,  
Олғали жонимни, эй ороми жон, келмасмусен?

Интизоринг торта-торта қилмиш охир ҳажр аро,  
Шавқ ўти бағрим кабоб, ашкимни қон, келмасму-  
сен?

Сарв қаддинг орзусидин йиқилдим соядек,  
Ноз бирла жилвалар айлаб аён келмасмусен?

Гул юзунгнинг ҳасратидин кечалар булбул киби,  
Нолада фош айларам минг достон, келмасмусен?

Заъфи ҳажрингдин ўларга етмишам, бир раҳм этиб,  
Бошим узра ўйлаким руҳи равон келмасмусен?

Жоним ичра оташи меҳринг бўлубдур шуълазан  
Кўргузуб бир меҳр, эй номеҳрибон, келмасмусен?

Ошкоро юз очиб, хуршед янглиғ келмассанг,  
Халқдин боре парилардек ниҳон келмасмусен?

Неча кунлар ўтти ҳижронинг арою келмадинг,  
Эмди маҳви васл этарга бир замон келмасмусен?

Муниси маҳзун басе ноком ўлубдур ишқ аро.  
Бир замон айларга они комрон келмасмусен?

\* \* \*

Очиб кел оразингни, токи базмимға чароғ ўлсун,  
Кўруб парвона бу базмимни рашк ўтига дод ўлсун.

Висолинг жомидин кўнглумни саршори тараб қилким,  
Анга ҳажринг ғаму андуҳидин бир дам фароғ ўлсун.

Равон қил сарвдек қаддинг, очиб гулдек узорингни,  
Ки иқболим баланду базмгоҳим рашки боғ ўлсун.

Агар мен етмишам ўлмакка ишқингдин, дуом улдур,  
Ки ҳуснинг ортибон, жонинг сенинг пайваста соғ ўлсун.

Забун эрмасмен ўтмоқдин ушотиб Кўҳкан янглиғ,  
Йўлинг ҳар гарди гар олимда бир яклухт тог ўлсун.

Узоринг хўблуқ буржида хуршеди дурахшондур,  
Анга етмай заволе чашми бад андин йироқ ўлсун.

Лабинг оби ҳаёти ком әрур, не чашмаи ҳайвон,  
Анинг ҳар қатрасига садқа юз мундоқ булоғ ўлсун.

Янгогу ғабғабингға бандадурлар хўблар барча,  
Агар симин сақоғ ўлсун, ва гар худ ол янгоғ ўлсун.

Жафолар тортибон итганларингни гар талаб қилсанг,  
Санга мен хастадин гоҳ-гоҳи бир сўроғ ўлсун.

Очиб зулфинг шамимидин димогимни муаттар қил,  
Рақиб англаб бу лутфингни манга кўп бедимоғ ўлсун.

Нижони дардлар Мунисға етмиш ишқ аро, ёраб.  
Даво бу дарди пинҳонига ул ширин дудоғ ўлсун.

\* \* \*

То мен улоқиб дашти жунун сори чиқибмен,  
Дил шўришидин ақл биносини йиқибмен.

Душман сўзига зулм ишида то илиқибсен,  
Бедодинг аро оҳ чекардин ёлиқибмен.

Жуз рашҳаи ғам бўлмади мендин мутараашшах,  
То панжайи бедодинг ила ўзни сиқибмен.

Мунглашғали бир кимса топилмас ғаминг ичра,  
Ҳамдард таманносидин эмди ториқибмен.

Васлинг ҳарами сори мени бошла Хизрдек,  
Ким ҳажр ғами бодиясида озиқибмен.

Йўқ носиҳи огоҳки, панди била очса,  
Ғафлат момуки бирла қулоқимни тиқибмен.

Соқий, қилибон афв гуноҳимни, қадаҳ тут,  
Мунис киби гар шайх сўзига илиқибмен.

\* \* \*

Менки ишқинг тоши захмидин саропо доғмен,  
Йўлинг узра поймол ўлғон қаро туфроғмен.

Дарди ишқинг бирла андоқ хўй этибмен мудом,  
Соғлиқдин хаста, балким хасталиқдин соғмен.

Заъф хушк этган таним оҳим била ҳар ён борур,  
Сарсар олида хазон етган қуруғ яфроғмен.

Ишқ ила топдим гудозу ғамдин оташ ичрамен,  
Шамъдек бошдин оёқ ёнмоқлиқ учун ёғмен.

Менсизин бўстон боғи тозалиғ топмас, vale  
Не насими бўстонмей, не баҳори боғмен.

Қон ёшим ерни қизил, кўкни қилур оҳим қаро,  
Ишқ аро бу ранглар бирла ажаб саббоғмен.

Бордуур ҳар ҳол ила ишим менинг саргашталик,  
Дашт аро кирсам қуюнмен, сув аро ирмоғмен.

Ўт ниҳон кўнглумда бошимдин равондур чаш-  
малар,  
Ишқ дашти узра Мунис турфа олий тоғмен.

\* \* \*

Ваҳки, билмон қайси захмидин сенга етмиш зиён,  
Ким тушубсен бистари заъф узра мендек нотавон.

Заъфарон очмиш менинг сориғ юзумдек раңждин,  
Оразингким, ҳусн гулзорида эрди аргувон.

Жон менга талх ўлса тонг йўқким, етибдур талхлиқ  
Дардин оғзингаким, бор эрди айни нўши жон.

Ҳар қачонким ингранурсен шиддати заъф ичра сен,  
Мен чекармен дардин беихтиёр оҳу фиғон.

Мен бу дардинг дафъига ҳардам тасаддуқ қилғали  
Сийму зар ўрнига жондин бўлмишам гавҳар фишон.

Қошлингким, фитнада тоқ әрдилар даврон аро,  
Ваҳки, чин бетоблиғдин кўргузурлар ҳар замон.

Еткуруб ҳуснингга бот сиҳҳат баҳори тозалиғ,  
Гулшани умрингга, ёраб, бўлмасун ҳаргиз хазон.

Оразинг гул-гул очиб файзи шифойи ожили,  
Аргувон бўлсун жамолинг боғи очғон заъфарон.

То кўруб Мунис бурунгидек жамолинг равнақим,  
Ғуссадин ўлган тани зорига топсун тоза жон.

\* \* \*

Узорингда нуре аёндур, аён,  
Ки андин куну ой нишондур, нишон.

Бало ўқларин отгали жонима,  
Ики эгма қошинг камондур, камон.

Рақибингдин ўлмас аён яхшилиқ,  
Ки қавли-ю феъли ёмондур, ёмон.

Ҳаётимға зикри лабингдур сабаб,  
Йўқ эрса тириклик гумондур, гумон.

Мангага суд эрур суди ишқинг ғами,  
Анинг ҳарна ғайри зиёndур, зиён.

Эрурсен гаҳи кўз, гаҳи жон аро,  
Сенга бу ики ер макондур, макон.

Нечук ел эрур оҳи сардим менинг,  
Жаҳон боғи андин хазондур, хазон.

Жигар бирла кўнглум қилиб қон ғаминг,  
Ики кўз йўлидин равондур, равон.

Улус келса мендин фифонга нетонг,  
Ишим кеча-кундуз фифондур, фифон.

Нетонг чиқмаса Мунис ул кўйдин,  
Ки ул анда ғамдин амондур, омон.

\* \* \*

Юзунгдур ҳусн буржидин тулуъ этган маҳи тобон,  
Бўлурлар хўблар боқғоч анга анжум киби ҳайрон.

Эрур қаддинг ажаб сарви сиҳиким, жилва қилғонда,  
Санубар қад санамлар бош қўярлар оллида ҳар ён.

Даҳонинг гунчаедурким, табассум бирла очилса,  
Хижолатдин тўкар туфроқ уза баргин гули хандон.

Гаҳиким нўши лаълинг васфини битмак хаёл этсам,  
Бўлур, бил, найшакар килким, давотим чашмаи ҳайвон.

Агар файзи қаломингдин насиме баҳравар бўлса,  
Ул эсгон ер губорининг бўлур ҳар зарраси маржон.

Равон қил ғамза пайконин қуругон жисми зоримға,  
Ки оқизмоқ қуруқ ерларга ҳар ён сув эрур эҳсон...

Оқизди қон ёшимни балки лаълинг шавқида чашмим,  
Тамошо қилки, бўлди шохи маржон анда ҳар мужгон.

Ниҳоли қоматинг ҳажрида Мунис ўйла нолондур,  
Ки сарв устида ҳаргиз қумри ўлмас ул сифат нолон.

\* \* \*

То фарақ топмоқ учун истар нигорим заъфарон,  
Ишқуранжи қилди оллида узорим заъфарон.

Жомаи заррин кийиб чиқмиш, магар зоҳир қилур  
Хотиримни қўйлғали хурсанд ёрим заъфарон.

Ғам ҳужуми бирла сарғармиш юзум, гўёки мен  
Бир дарахтименки, бордур баргу борим заъфарон.

Сарғариб ишқуранжи чеҳрам ёр ани кўргач кулар,  
Бу гулимни гўёи қилди баҳорим заъфарон.

Баски сарғармиш бари узвим ғами ҳижрон била,  
Хоки кўйингга сочар қўйса ғуборим заъфарон.

Заъфароний майга андоқ хўй этибмен, соқиё,  
Ким қилур бу дайр аро дафъи хуморим заъфарон.

Мунисо, бориб йигитлик, қорилмғ қилди асар,  
Гул юзимдин зоҳир этти рўзгорим заъфарон.

\* \* \*

Номангға тилар эсанг гар афшон,  
Қил ёди руҳим била зарафшон.

Ешурғали оразинг қуёшин,  
Ашк этти кўзумни ахтар афшон.

Кўқ сафҳасида нужум эмастур,  
Оҳим анга бўлмиш ахгар афшон.

Тўтини хижолат айласун лол,  
Ширин тилинг айла шаккар афшон.

Сўзда лабингу йифида чашмим,  
Бордурлар икиси гавҳар афшон.

Ер арсаси бўлди Карбалодек,  
Тифингни чу айладинг сар афшон.

Бўлмас қафаси ғамингдин озод,  
Кўнглум нечаким бўлур пар афшон.

Оlam юзин айлади Хўтандек,  
Чун сунбулинг ўлди анбар афшон.

Мунис қошидин қочинглар, аҳбоб,  
Ким оҳи анингдур озар афшон.

\* \* \*

Оразинг ҳижрони бағрим айламиш ул навъ хун,  
Ким борур кирпикларимдин ҳар дам ашқи лолагун.

Бодаи васлинг таманиносида қон йиглаб мудом,  
Косани синдурумшишам, минони айлаб сарнитун.

Давлати дийдоринг айлар орзу кўнглим, валек  
Найлайинким, комига еткурмас они даҳри дун.

Эй пари, савдойи ишқинг тушса ҳар ким бошига,  
Қилмайин қўймас ани саргаштай дашти жунун.

Лаъли серобингни қил гавҳарфишонким, шармдин  
Лаълу гавҳар баҳр ила кон ичра қолсунлар забун.

Лола эрмас дашт ароким холи рухсоринг ғами,  
Лахта-лахта тўклиш айлаб додлиг кўнглумни хун.

Ҳар замон раҳм айлаб аҳволимга, боқ, эй нозанин,  
Ким ғами ишқинг қилур ранжимни кун-кундин  
фузун.

Жилва қилса қоматинг боф ичра раънолиг била,  
Сарви мавзундин олур қумридек орому сукун.

Орзуманди висолингдурмен, аммо бўлмади  
Бахти гумроҳим менинг ул сори бир кун раҳнамун.

Нотаен Мунис жамолинг кўргали Фарҳоддек,  
Тирноғи бирла қозар ишқинг аро юз Бесутун,

\* \* \*

Ҳануз васлинг аро ком топмайин, даврон  
Ичурди кўнглума хунобаи ғами ҳижрон.

Агарчи лутф ила қилдинг менга видоъ, аммо  
Етиб фироқ мени қилди ер била яксон.

Чу сен борурга қошимдин хиром кўргуздинг,  
Қилиб видоъ менга тутти йўл санинг била жон.

Кўзум баҳори жамолинг била эди гулшан,  
Юзунгдин ўлғали маҳрум анга етушти хазон.

Ҳануз бодаи васлингдин ўлмайин сархуш.  
Насибим айлади соқийи фурқатинг қаро қон.

Муродима янги етганда номурод этди,  
Мени мухолафати даҳру инқилоби замон.

Бу борғонингдин агар келмасанг яна қайтиб,  
Маҳол Муниси зоринг тириклиги, эй жон!

\* \* \*

Тилим очилса бори аъзодин,  
Айта олмон санамим бедодин.

Йўқтур анда чу вафодин асаре,  
На умид этғамен ул раънодин...

Хар неча арзи ниёз этсам анга,  
Ўлтуур ноз ила истиғнодин.

Кўр на вайронлиғ эрурким, ҳижрон  
Қўпорибдур тарабим бунёдин.

Ишқ маҳв айлади андоқ мениким,  
Бил вужудим нишонин Анқодин.

Айни фарёд дурур кўнглум, лек  
Эшитурга киши йўқ фарёдин.

Чархи мину ғами кўнглумга гириҳ —  
Солмиш, эй муг, ани оч, минодин.

Баҳ не бераҳм эрур ул қотил,  
Ки dame қилмади Мунис ёдин.

\* \* \*

**Хилъатини қилмиш ул чобук миниб ашҳаб қаро,  
Айлагандек чарху тундин ой тўн, маркаб қаро...**

Ул юз узра холи мушкинлар тушубдур турфадур,  
Ким қамарға ҳар сори қилмоқ қирон кавкаб қаро.

Партавафзодур жамолингға қаро зулфинг, бале,  
Шамъ равшанроқ бўлур ҳар неча бўлса шаб қаро.

Қосидо, мактаб сари номамни элтиб айт анга,  
Ким асиринг номасига, эй маҳи мактаб, қаро.

Ул қуёш етгач манга зулфин чекар рухсорига,  
Толеимни қўйма мундоқ жовидон, ёраб, қаро.

Зулм ўтин, эй шоҳ, ёқма халқ ароким, ногиҳон  
Қилмағай ул шуъла дуди рўзгоринг қап-қаро.

Амр тақлиди кишига тийрадиллик еткуурур,  
Кўрки, қилди кўп кўнгулларни маҳи Нахшаб қаро.

Истасанг кўнглунгни оқ, Мунис, аморат тарки тут,  
Ким ани хотам юзи янглиғ қилур мансаб қаро.

\* \* \*

Ашк хун, рухсор зарду дил ҳазин, толеъ қаро,  
Дард гуногун, фалак дун, аҳли даврон бевафо.

Жон ғамин, хотир мушавваш, ақл мағиудул-асар,  
Ҳажр қотил, ёр ғофил, ишқ ғолиб борҳо.

Захм муҳлик, тири ғам паррон эрур, роми фалак,  
Заъф муставли, бадан мажруҳ эрур, марҳам фано.

Дўст бепарво, кўнгул ошуфтау душман қавий,  
Муддаий кўп, таъна бисёру жафокор оцино.

Ҳам ҳаво бордур самуми оҳу ҳам ҳар сўз ашк,  
Мазраъ офат, шохи нахли умр бенашъу намо.

Ёр ҳамсуҳбатлигидин токи айрилдим, эрур  
Ҳамдамим ранжу ано, ҳамроҳ ғам, маҳрам бало.

Кишвари меҳнат шаҳименким, манга бордур мудом,  
Бошга сочқан хок тожу тахт-эски бўрё.

Масканим хоки мазаллат, бистарим хори тааб,  
Туъмам андуҳи надомат, ишратим тутмақ азо.

Мажлисим қайғу, майим хуни жигар, жомим фироқ,  
Лекин, эй Мунис, бу ҳангом ичрадур соқий қазо.

\* \* \*

Истасанг сайдир учун, эй дилбари зебо, сахро,  
Кўнглума келки, эрур турфа мусаффо сахро.

Етти сахроға магар файзи баҳори ҳуснинг,  
Ки эрур боғи Эрамдек чаманоро сахро.

Келу сахроға хиром айла баҳор осоким,  
Кўкариб сабзалар ўлсун тараб афзо сахро.

Сайдир сахро кеторур занги кудурат дилдин,  
Мундин аксар эди маъвойи Масихо сахро.

Ул қадар шўри жунун воқеъ ўлур кўнглумаким,  
Вусъати бирла бўла олмас анга жо сахро.

Гоҳ тоғ ичраю гаҳ шаҳрдадур ошубим,  
Мени мажнуннинг эмас манзили танҳо сахро.

Доғлиғ кўнглум ўлуб, қон тўкулур кўзлардин,  
Кўр не янглиғ очадур лолаи ҳумро сахро.

Үтти Мажнун киби кўп телбараган ишқ эли, лек  
Топмади мен киби бир бодияпаймо сахро.

Охи тоғларни йиқар, ашки иморатларни,  
Ер юзин охир этар Муниси шайдо сахро.

\* \* \*

Сен яқо чок отланиб, ағёр ила, эй маҳлиқо,  
Мен йироқдин рашқ илги бирла йиртармен яқо.

Оразингдур ҳусн гулзори, тилармен тенгридин,  
Ким анга бергай баҳори лутфдин ранги бақо.

Телбараб, күюнг аро ҳар ён югурсам тонг әмас,  
Ким эрур комимки топсам итларингга илтиқо.

Буки оламни тенгиз құлмиш иҳота гүиё,  
Ким анга гирён күзум сарчашмасидиндур сақо.

Құрқадурменким, фалак узра малакни ўртагай,  
Баски охым шуъласи ишқингда топмиш иртиқо.

Оби гавҳардек сафодин ўзгани зоҳир қилур  
Ҳар кишиким жавҳари зотидадур мавжи нақо.

Ўйла дунёдўстлик рафъи муруват айламиш,  
Ким инисига қилич бир фулс учун тортар оқо.

Майкада дафъи ғам айлар, келтуур юз қайғу шайх,  
Хоки даргоҳи куништ ўл, қилма азми хонақо...

\* \* \*

Давлатинг боридадурлар барча олам ошно,  
Қайтғач давлат жаҳонда топилур кам ошно.

Үйла бекаслик мени маҳзунга топмиш дастким,  
Бир киши йўқдур манга жуз кулфату ғам ошно.

Баски даврон хоҳиши бегоналиғ солмоқгадур,  
Бир-бирига бўла олмас икки ҳамдам ошно.

Кимки бўлди ошно ёт айлади бегоналиғ,  
Топмадим бу давр аро бир аҳди маҳкам ошно.

Гар вафо бўлса бирида бўлғай эрди, кўрмадим,  
Бўлдилар ҳар нечаким авлоди одам ошно.

Ҳажр ранжидин ўларга етмишамким, кўрсалар  
Ҳолима тутгай азо бегона, мотам ошно.

Ишқ аро ул навъ әрур ваҳшат мени мажнунғаким,  
Ўзгани демай, бўла олмас кўнгул ҳам ошно.

Дард чекмак, ашқ тўқмак ишқ элига хосдур,  
Ҳар кўнгулга дард, ҳар кўзга әмас нам ошно.

Мунисо, даврон ғами бегона бўлса тонг эмас,  
Ким сенга бўлмиш бийик донишвар Акрам ошно.

\* \* \*

Ярам қон боғламиш тигингга айлаб орзу пайдо,  
Ақиқ оғзига олмиш айлай олмай ташна сув пайдо.

Баҳори ишқ бўйидин димогим то муаттардур,  
Бўлубмен телбаю атфол изимда кў-бакў пайдо.

Саропо доғ ўлурмен жоладек ғам ёғдуруб тошлар,  
Замоне бўлмасанг кўз боғида, эй лолару пайдо.

Гадойи васлмен, кўюнг аро фарёдким, бўлмас,—  
Тарааддуллар қилиб мақсад саридин бир қону пайдо.

Кўнгул кўзгусига жисминг қулидин бермайин сайқал,  
Мурод очмас нурин ҳар неча қилсанг жустужў пайдо.

Висолин сурмасин жоми вафо ичра эзиб тутғил,  
Бўлурму тобакай мендин садойи ҳой-ҳу пайдо.

Ниҳон элдин юруса Мунис әрмастур таажжубким,  
Эрур ҳар соридин юз минг рақиби тундхў пайдо.

\* \* \*

Турфа буким заъфдин жисмим тутуб ер хок аро,  
Оташин оҳим дамо-дам ўт солур афлок аро.

Абр аросидин кўрунгандек эрур меҳри мунир,  
Кўринур ҳар дамки жисминг тўнга тушган чок аро...

Дарди ишқинг ҳар кишига етса они ўлдуур,  
Гўйёким заҳрдур мамзуж ул тарёк аро.

Жисм аро ишқинг ғами бирла сўнгаклар ўртанур,  
Куймайин қолгайму ўт тушса хасу хошок аро.

Беқарор ўлмиш жунунийлар каби кўз мардуми.  
Бехуд ўлсун, эй парий, кир дийдаи намнок аро.

Дўстлар, осон эмас қошимға келмакким, эрур  
Даврими тутғон сиришким қулзуми кўлок аро.

Даҳр золидин ситам кўрсанг талоқ айлаб ани,  
Раз қизи юзига тузгил базми тоқи ток аро.

То мусаххар айладим сўз бирла маъни кишварин,  
Шоҳмен, эй Мунис, аҳли донишу идрок аро.

\* \* \*

Жамол бурқаин оч бир дам, эй малак сиймо,  
Етушун аҳли вафо тийра кўзлариға зиё.

Бақо тиларсен агар давлати камолингға,  
Ғарибларға вафо айлаб ол ҳамиша дуо.

Рақиб боис эрур тийра рўзгоримға  
Саводи зулфидек ўлса нетонг узори қаро.

Тариқи ишқ аро бир-ики гом қўйсанг эди,  
Мунингдек этмас эдинг ошиқингни хор асло.

Кўнгулни ҳар неча асрай десам рамида бўлур,  
Рафиқим ўзга нечук бўлғуси фироқим аро.

Нисор этармен аёқингға ашк гавҳарини,  
Итинг агар кўзум оллида бўлса жилванамо.

Жамолинг этма намоён рақиблар қошида,  
Жунун аро манинг ўлмаклигимни кўрма раво...

Нуқуди умрини Мунис кетурмиш, эй соқи,  
Нега тааллул этарсен тутарда бода анго.

\* \* \*

Ёрни кўрдум қизил тўни била агёр аро,  
Ўйлаким, очгай юзин гул зеб бирла хор аро.

Лаҳза-лаҳза ёғдуруб санги бало бошимға рашк,  
Қолмади жон бирла кўнглум бу тани афгор аро.

Ишқи ичра дарди ишқ андоқ заиф этмиш мени,  
Кўрсалар ўлмиш дегайлар бир неча bemor аро.

Айш этар эрди кўнгул рухсори бирла, қилди банд  
Шаҳнаи шавқи тутуб ул зулфи анбарбор аро.

Мумкин эрмастур қутулмоқ инсу жонға ўлмайин,  
Тиғ чекмиш икки жаллод ул икки хунхор аро.

Даҳри дун ичра фалакнинг ҳодисотидин агар,  
Эйки амн истар эсанг, кир кулбай хаммор аро.

Бергали Мунис кўнгул ул зулфу қадға истамас  
Сарв ила сунбул тамошосини бу гулзор аро.

\* \* \*

Доми зулфу донаи холингга бўлғач мубтало,  
Чарх қилди хотирим ошуфтаю баҳтим қаро.  
Ҳар неча кўз қатрарез ўлди булутидек, оҳким,  
Очмади уммид вардин шоҳсори муддао.  
Ғам кулидин қилди сайқал ишқ кўнглум кўзгусин,  
Гар малул ўлсанг нетонг боғоч анга, эй дилрабо.  
Дарди ишқ ойирди ўзлукдин кўнгулни заъф ила,  
Гўйё бу мисни зар айларга улдур кимиё.  
Ашк оқиб ҳар дам яқиндуруким оқоргай кўзларим,  
Эй сабо, келтур анинг жавлонгаҳидин тўтиё.  
Ваҳки, кўнглум бўлди ғам даштида мафқудул-асар,  
То белу оғзинг хаёли ҳажридин чекдим ано.  
Не ажаб ишим рукуъ ўлса, еrim меҳробким,  
Анда қошинг тоқи нақши жилвагардур борҳо.  
Онсиз ўлсам лол, қилманглар таажжубким, бўлур  
Топмаса булбул навоий васли гулдин бенаво.  
Бўлса гар ҳуснинг тамошоси муяссар ногиҳон,  
Истарам ҳар тук тубидин бўлса юз минг кўз манго.  
Яхшилар базми ёмонларға муассир тушмади,  
Кўрки хат бордур қаро ҳар сори оқ авроқ аро.  
Қутқар ўзни май ичиб дайр ичра аҳли ҳуш бўл,  
Недуур масжид аро бўлмоқ гирифтори риё.  
Яхши от қозғонки, учмоқ истаса руҳинг сенинг,  
Гарчи бу фони аро бўлғунг фано, топғунг бақо.  
Мунисо, не тийралиқдурким қилурсан ҳажридин,  
Ким анинг базмида назминг машъали ёймиш зиё.

\* \* \*

Кулбамға қўй қадам, эй дилрабо,  
То қиласай жавҳари жоним фидо.

Мубтало бўлди кўнглум зулфинга,  
Ўйлаким домига қуш мубтало.

Топса васлинг кўнгул тортар афгон,  
Гулни кўргач чекар булбул наво.

Олди ақлим фироқинг меҳнати,  
Келтуруб бошима юз минг бало.

Ҳажр аро бўлмишам маҳзун басе,  
Соқий, эт лутфе жоми ғамзудо.

Синди кўнглум фигон кўз тутмаким,  
Мўйи чиний қилур дафъи савдо.

Муниссинг ҳолиға раҳм этмасанг,  
Кимга ул дардини айтур яно.

\* \* \*

Менга бори ишқинг фузун бўлдило,  
Бу бор остида қад нигун бўлдило.  
Ҳуснинг ҳажрида дафъи ғам қилғали,  
Сумурган майим бодаи хун бўлдило.  
«Алиф»дек қадинг ёдида ғам чекиб,  
Қадим ҳайъаторойи «нун» бўлдило.  
Узоринг фироқида қон йиғлабон,  
Кўзумнинг ёши лолагун бўлдило.  
Баҳори ғами ишқ ўлуб файзбахш,  
Кўнгул бўстони жунун бўлдило.  
Дема, менча Фарҳодниким, мақом.  
Менга ғам, анга Бесутун бўлдило.  
Очиб чеҳра комимга еткурки, жон  
Менга онсиз асрү забун бўлдило.  
Лабингдин бўл ўлганга муъжизнамо,  
Кўзунг офати элга фусун бўлдило.  
Ливосидур оҳим бало хайлиниңг  
Дема ул фалакка сутун бўлдило.  
Ҳар овораким кўйингга топти йўл,  
Фироқ ёфатидин масун бўлдило.  
Жаҳондин муроди мұяссар бўлур,  
Жаҳон ичра ҳар кимки дун бўлдило.  
Адабгоҳи улфат сари, шукрким,  
Менга толеим раҳнамун бўлдило.  
Нетонг бўлса Мунисга ушшоқ асир,  
Ки ишқ ичра ул зўфунун бўлдило.

\* \* \*

Токи кўнглум бўлди сен Ширин лиқоға мубтало,  
Кўҳкандек бўлмишам кўҳи балоға мубтало.

Айлар аҳволи табоҳимдин бало ҳам эҳтиroz,  
Бўлмасун, ёраб, бало мен мубталоға мубтало.

Мен киби тушгай жафо зиндонида ғам қайдига  
Бедилеким бўлса сендеқ бевафоға мубтало.

Зулфинга ҳуснинг таманноси била бўлдим асир,  
Ганж савдосидин ўлдим аждаҳоға мубтало.

Чарх ҳажридин мусибатлар манга рўзи қилиб,  
Ўлмай ўз ҳолим учун қилди азога мубтало.

Мубтало бўлдум сангову айладинг бегоналиғ  
Бўлмасун бир кимса сендеқ ошноға мубтало.

Бу замона аҳлидин қилма вафо уммидким,  
Бу жиҳатдин бўлмишам мен юз жафоға мубтало.

Ҳалқаеким тузди зоҳид бир неча жоҳил била,  
Ҳалқа әрмаским, бўлур доми риёға мубтало.

Чархдек саргаштаю туфроқ кибидур хоксор,  
Муниси зор ўлғали сен дилрабоға мубтало.

\* \* \*

Ҳар қачон, жонон, мени кўрсанг қошингни читма кўп,  
Қаҳру кин изҳори бирла хотирим оғритма кўп.

Басдур улким, ишқ дарди бирла кўп озурдаман,  
Сен ҳам озоримға бел боғлаб мени инжитма кўп.

Шавқдин етдим ўлар ҳолатга, кел бошим уза,  
Чунки келдинг бир замон ўлтур қошимда кетма кўп.

Йўлунг узра гард әрур хоки таним ғам тошидин,  
Кетмасун ул гард учуб ҳар ён онинг секретма кўп.

Рахм этиб васлинг шароби бирла сархуш қил мени,  
Ютдуруб хуноби ҳижрон жонима жавр әтма кўп.

Гөҳ-гоҳи оразингга рухсати наззора бер,  
Кўзларимни қийри ҳижронинг била беркитма кўп.

Итмишам оворалиф даштида ҳажринг зулмидин,  
Не бўлур топиб десангким, Мунисим, сен итма кўп.

\* \* \*

Ийд субҳидин очуқ жабҳанг ҳумоюнроқ эрур,  
Оразинг кун сафҳасидин тоза мазмунроқ эрур.

Боғбон сарвии кўп арз этмасун оллингдаким,  
Бегумон андин қадинг шамшоди мавзунроқ эрур.

Даргаҳинг тупроги бўлмоқ истарам, не шоҳлиғ,  
Даҳр аро андин манга бу давлат афзунроқ эрур.

Соҳир икки кўзларингким, даҳр элин тасхир этар,  
Сеҳр ишида бир-биридин соҳибафсунроқ эрур.

То ҳилол этти қошинг оллида саркашлик аён,  
Тоби хижлатдин тани ҳам, боши вожуунроқ эрур.

Офтоби оразингдин кимки кўз равшан қилур,  
Ахтари масъудроқ, иқболи маймунроқ эрур.

Равзаи ризвон қачон кўйингча бўлгайким, мудом  
Рифъат ичра ул басе аълою бу дунроқ эрур.

Жомаи гулгун била то кўзга бўлдинг жилвагар,  
Жома торидин мижам ҳар тори гулгунроқ эрур.

Айла васлинг жоми бирла жону кўнглум шодким,  
Ул иков бир-биридин ҳажрингда маҳзунроқ эрур.

Нашъапаймойи карам қил жонима миннат қўюб,  
Неча қилсанг лутф бу бечора мамнунроқ эрур.

Гарчи мажнун эрди Мунис шўхлар савдосида,  
Лек эмди сен пари ишқида мажнунроқ эрур.

\* \* \*

Маст чиқиб ул пари ҳар сори жавлон қилур,  
Жонларини телбараб даҳр эли қурбон қилур.

Ҳусн тамошосига берса ижозат агар,  
Чарх уза хайли малак кўзини ҳайрон қилур.

Мумкин эмас юзига субҳи баҳор ўхшамоқ,  
Файзи жамоли аниг даҳрни бўстон қилур.

Дўст ғами ганжини асралмоқ истаб кўнгул,  
Сели бало бирла ул ўз-ўзи вайрон қилур.

Давлати дийдорига етмаганидин кўзум,  
Ашк тўкуб ер юзин гарқаи тўфон қилур.

Раҳм қилиб келмади мен сори юз ноз ила,  
Ўзга тараф қоматин гарчи хиромон қилур.

Забт эта олмас ўзин кўзгу аниг оллида,  
Гар юзи хур shedini элга намоён қилур.

Улки аниг кўйининг тупрогини тож этар,  
Мамлакати ишқ аро чарх ани султон қилур.

Жавру жафодур иши ошиқига субҳу шом,  
Кўрки, кўзум йигласа лаълини хандон қилур.

Ул бут агар кулбама қўйса қадам, кўзларим  
Сочиғ учун ашкини гавҳари ғалтон қилур.

Билма баробар манга ишқда булбулниким,  
Мен киби булбул қачон нолаю афгон қилур.

Лутф агар этса нетонг Муниси мискинига,  
Ким тилабон лутфини садқаси юз жон қилур.

\* \* \*

Чун уйидин келгали мен сори жононим чиқар,  
Айлаб истиқбол анинг ўтрусиға жоним чиқар...

Бўлғил, эй идбор шоми зулмати, овораким,  
Машриқи иқболдин хуршеди рахшоним чиқар.

Жойиким ташриф келтурса нисор ўлмоқ учун.  
Дуржи чашмимдин гуҳардек ашки ғалтоним чиқар.

Офтобим чеҳрасин ёшурди то абри ниқоб,  
Раъду барқ эрмас, фалакка ўтлуг афғоним чиқар.

Йигласам ашк ўрнига хуноба тўкса кўз нетонг,  
Ким гузори шавқ ила бағрим эриб қоним чиқар.

Мунисо, сўз тигидиндурмен ҳарифи сафшикан,  
Кимса йўқтурким бу ишда марди майдоним чиқар.

\* \* \*

Ел била бошингга чун зулфи паришон эврулур,  
Үтлуг оҳим дуди хуршед узра ҳар ён эврулур.

Тифи нозинг ўйла бўлмиш даҳр аро хуирезким,  
Ҳар қаён наззора қилсан кўзума қон эврулур.

Ошкоро эврула олмас рақибинг хавғидин,  
Бу жиҳатдиндур кўнгул бошига пинҳон эврулур.

Кўрсалар ҳуру пари садқанг бўлурлар шавқ ила,  
Эй малакваш, бошинга ёлғуз на инсон эврулур.

Нотавон ошиқларинг туфроғидур истар сени,  
Буки кўкка чирмасиб гарди биёбон эврулур.

Бир қуёшға мен киби вола бўлубтур гўиё,  
ЛАҲЗАЕ ором тутмай чархи гардон эврулур.

Оразинг шамъига равшан айласанг май тобидин  
Бошинга парвонадек хуршеди рахшон эврулур.

Бода давронин ганимат англағил, эй зуҳдким,  
Бермайин фурсат нафас олғунча даврон эврулур.

Мунис аҳволин сўрарга келсанг айлаб илтифот,  
Гоҳ қурбонинг бўлур кўнглум, гаҳи жон эврулур.

\* \* \*

Юзунгким ҳусн буржи узра хуршеди дурахшондур,  
Анга боғон киши ойинадек албатта ҳайрондур.

Аён қилсам агар оҳе чекиб ўртар жаҳон аҳлин,  
Юзунг ҳижронидиким шуълалар жонимда пинҳондур.

Қиёмат жилва қаддинг нори бўстонидадур сарви,  
Насими фитна таҳрики била ҳар ён хиромондур.

Вафодин ваъдалар айлаб бирига етмадинг, билдим  
Ки аҳли ҳусннинг аҳду вафоси барча ёлғондур.

Балолар ҳар нигоҳинг фитнасидин қўзголур юз навъ,  
Улус қатли учун чашми сиёҳинг турфа фаттондур.

Жамол аҳлига йўқ ҳадким, қошингда жилва қилғайлар,  
Қуёш оллида анжум арзи ҳусн этмак на имкондур.

Эрурсен турфа золимким, санга қилмас асар ҳаргиз,  
Агарчи нолишимидин барча олам аҳли нолондур...

Хиромингким, қиёмат қўзгалур андин жаҳон ичра,  
Анинг ошуви ошиқлар аро ҳар ён намоёндур.

Висолинг шаҳдидин кўнглумга ширинкомлиғ еткур,  
Ки ул ғам соғаридин талхкоми заҳри ҳижрондур.

Отарсен новаки нозу урарсен ханжари бедод,  
Вале ҳар бири бағрим қонидин бир шохи маржондур.

Жаҳон аҳлига сен, жоно, адую хулқи хуш бирла,  
Сенингдек қайси бўр дилбар жаҳон аҳлига жонондур.

Ҳавои завқи ишқинг токи Мунис бошига тушти,  
Жунун даштида Мажнуни алохону аломондур.

\* \* \*

Сенсиз, эй гул, турфа аҳволи харобим бордур,  
Оҳдек сўз, ашқ янглиғ изтиробим бордур.

Оташин чеҳранг ғамидин нотавон жисмим била,  
Ўтга тушган қил киби юз печу тобим бордур.

Бода ичсанг менсизин айлаб муҳайё базми айш,  
Сенсизин ғам сухбатида қон шаробим бордур.

Эй қуёш юзлук санам, сенсиз уюм топмас зиё,  
Моҳвашлардин агар юз офтобим бордур...

Жаннати васлингга еткурким, ҳужуми дард ила,  
Дўзахи ҳажринг аро турлук азобим бордур.

Ёр дардимдин савол этсанг камоли заъфдин,  
Айта олмай бирни гарчи юз жавобим бордур.

Қон ютуб бехуд бўлурмен фурқатинг андуҳидин,  
Ишқ атворида мундоқ хўрду хобим бордур.

Дафтари ишқ ичра, Мунис, кўпдурур мазмун, vale  
Жон вафо йўлида бермак интихобим бордур.

\* \* \*

Меҳри жамолинг шавқидин кўнглумга тушти изтироғ,  
Албатта айлар заррани хуршед жазби бекарор.

Ҳуснинг чароги партави жон шавқини қилди қавий,  
Кел, эй парилар хисрави, садқанг бўлай парвонавор.

Масти майи ишқ ўлмишам, дарду ғамингдин ўлмишам,  
Шавқингда аъзо юлмишам мажнунлиғ айлаб ихтиёр.

Ҳар дам ошиб ортар ғамим ҳажрингда ўлғоч мотамим,  
Бўлсанг агар сен ҳамдамим не ғам бўлур, не дард ёр.

Суратда топмай ашҳабинг кун бўлди хоки даргаҳинг,  
Ой кимдур ўлғоч оғаҳинг ким бўлмағай ул шармисор.

Фарёду оҳимдин магар йўқтур санга, эй жон, заар,  
Қўймас эдинг билсанг агар мундоқ мени зору низор.

Айларда сайри бўстон рухсоринг очиб ҳар қаён,  
Булбул берур олингда жон, айлаб зарини гул нисор.

Жавлон қилурда ҳар сори кўрмиш жамолингни пари,  
Хижлат била андин бери бўлмас назарга ошкор.

Ўтлуғ юзунг наззораси бўлди ғамимнинг чораси,  
Оре, қуёш рухсораси зулматни айлар торумор.

Нетти мени, эй моҳрӯ, васлингдин этсанг комжӯ,  
Ким жондадур кўп орзу кўнглумда беҳад хорхор.

Мунис бўлуб ҳайрон сенга, жонин қилур қурбон сенга,  
Бас фарз эрур, эй жон, сенга бермак анга васлингта бор.

\* \* \*

Қуёшким даҳрда нуру сафо ондин намоёндур,  
Жамоли оламоройинға ул бир чашми ҳайрондур.

Хизр сарчашмасиким тиргузур элни зулолидин,  
Лабинг зулмоти ҳажри ичра қолгон зору гирёндур.

Қадингким, жилвасининг руҳлар бўлмиш гирифтори,  
Алифдор жон аро ёхуд ниҳоли боғи ризвондур.

Хиромон қоматинг шавқидаким, оҳе чекар кўнглум,  
Ливои лашкари ғам ё сутуни чархи гардондур.

Юзунгда холи мушкинлар эмаским, мардуми чашмим—  
Жамолинг шуъласи бирла эриб ҳар сори томғондур...

Қуруб қолмиш ўтундек жисмим андуҳи фироқингдин,  
Агар ёқмоқ тиласен они васлинг ўтидин ёндур.

Хадангеким, миҷангдин шаст бердинг кўнглум айлаб  
қасд,  
Ҳаётим истасанг чекма аниким жисм аро жондур.

Тилаб манзулинг ўлмоқ Мунис ўлмиш яъс ила маҳзун,  
Нигоҳе бирла шод этким асири дарди ҳирмондур.

\* \* \*

Юзинг сипеҳр жамоли узра офтобдуур,  
Улусга зарра киби андин изтиробдуур.

Нечукки маънийи нозиқда фикр ўлур печон,  
Хаёли зулфинг ила жонда пектобдуур.

Кўнгул бузулди чу ишқингға бўлди хос, бале,  
Шаҳики золим эрур, мулк анга харобдуур.

Замона гулшанидин топмадим гули як ранг,  
Магар баҳорига кайфияти инқилобдуур...

Не айб Мунис агар ғам ебон борур ўздин,  
Ки аҳли ишқға бу навъ хўрду хобдуур.

\* \* \*

Дөгеки юзинг фурқатидин жоним ародур,  
Андин қаро қон дийдаи гирёним ародур.

Коғир кўзинг ўқ чеккали қасдимға мижадин,  
Юз шўр менинг кишвари имоним ародур.

Кўнглимни ул ойдин сўрадим, деди кулумсуб,  
Жамъ ўлки, сари зулфи паришоним ародур.

Ҳар ким эшитур бехуд ўлур навҳалар айлаб,  
Бисёр асар нолаю афгоним ародур.

Меҳнат тоши зарбидан ушолғон сўнгакимдур.  
Гардики бузуқ кулбаи эҳзоним ародур.

Бир шуъладуур оҳим ўтидин алам ургон  
Ҳар мисраи жонсўзки девоним ародур.

Мунис жигари ичра нишааст айламиш, эй шўҳ,  
Тири мижанг андоқким алиф қоним ародур.

\* \* \*

Юзунгда буки мушкин холлар ҳар ён намоёндур,  
Қизил гул сафҳаси узра магар анбардин афшондур.

Ваё фирмавс гулзорида шабнам ўрнига ҳар ён,  
Де: зулмат акси тушган қатра-қатра оби ҳайвондир

Ваё хуршед ила айлаб қирон масъуд ахтарлар,  
Топибдур эҳтироқ ул важҳ бирла тийра ҳар ёндур.

Ваё очиб баҳори ҳусн тарфи лолазор анда,  
Муанбар доғлардурким бори зеби гулистондур.

Ваё раммоли иқболим урада толиим рамлин,  
Қизил коғазға мушкин нуқталар ҳар сори қўйғондур.

Ваё арзи жамол айлар чоғи ҳар сори ёпушғон,  
Гули рухсоринг узра мардуми ушшоқ ҳайрондур.

Юзу холингни васф айларда Мунис тўқти ашқ андоқ,  
Ки андин шавқ оташгоҳида осори борондур.

\* \* \*

Раҳм қилғил ҳолима, эй сарв қадди гул узор,  
Ким эрурмен булбулу қумри киби ишқингда зор.

Хусни оламсўзинг андоқ шамъ эрурким, руҳлар  
Ўртанурлар әврулуб бошинг уза парвонавор.

Маҳв қил юзинг очиб хуршеди оламтобни,  
Ким юзунг шавқида улдур зарра янглиғ беқарор.

Тарқ қил дер, носиҳи нодон менга ишқинг, агар  
Кўрса ҳуснингни бўлур деган сўзидин шармисор...

Лолаи садбаргдек бағрим менинг юз порадур,  
Қўйгали ғам доғин айлаб тиги ишқ они фигор...

Ҳар жафоеким қилурсен жонима хушроқдур,  
Андин, эй жонким, вафо қилғайсен әлга ошкор.

Жилва берсанг қаддингга боф ичра рухсоринг очиб,  
Сарв ўлур оллингда хам, гул йўлинг узра хоксор.

Истасам мен базми васлинг ичра ичмак жоми айш,  
Сен берурсен заҳри ҳижрон бирла юз ранжи хумор.

Найлайнким, ҳар неча арз этса Мунис ҳолини,  
Кўргузурсен юз жафо бирига қилмай эътибор.

\* \* \*

Хилъати гулгун кийиб то чиқдинг, эй насрин узор,  
Лол этар булбулни чексам нолай беихтиёр.

Даҳр боғида қадингдек навниҳоле топмадим,  
Ҳар тараф, эй сарв, истаб тутмайин бир дам қарор.

Үт солиб эл кўнглига ўтлуғ юзинг, ҳар лаҳза мен,  
Турфа буким, оҳлар чексам бўлур зоҳир шарор.

Юз гириҳ кўнглумга солғоч зулфи пуртобинг санинг,  
Доғларким зоҳир этти, тийра бўлди рўзгор.

Қошларинг ёйига қурбон бўлмоқ истар кўнгул,  
Новаки мужгони тезинг бирла то бўлди фигор.

Васлинг истармен, vale мумкин эмастурким санга,  
Ҳам ғурури ҳусн бордур, ҳам эрур ағёр ёр.

Ёрлиғдин келтуруб ташриф, аёғинг гардидин  
Тўтиё солким, ёшармиш дийда тортиб интизор...

Нола то қилди ғамингдин Муниси ошуфта ҳол,  
Бегам эл кўнгли бузулди, кўзи бўлди ашкбор.

\* \* \*

Агарчи чашмаи ҳайвон суйи жонбахшу тотлиғдур,  
Вале мутьжизнамо лаълинг зулолидин уётлиғдур.

Ажаб бегонаваш ноошно маъшуқдурсенким,  
Санга иш ошнога ғайрлиқ, ошиқға ётлиғдур.

Мени мажнун бериб жон нақдини бормен харидори,  
Агар васлинг матои ул пари рухсора ётлиғдур.

Ҳавои ишқ аро кўнглум қушедурким қилур парвоз,  
Саропо тири шавқинг парлари бирла қанотлиғдур.

Эрур дунё бисоти турфа майдоники, келганлар  
Борурлар барқдек хоҳи пиёда, хоҳ отлиғдур.

Киши улдур насабдин урмаса дам, бўлса соҳиб файз,  
На суд андинки, гар қўнгротлиғ ёхуд қиётлиғдур.

Кезар Мунис маломат кўчасида бўлғали ошиқ,  
Биҳамдиллаҳки, ул бадномлиғда яхши отлиғдур.

\* \* \*

Май тобидин, эй шўх, юзингким қизорибдур,  
Ўт жонга солиб, шуъла дамимдин чиқорибдур.

Ҳуснинг била ой баҳс қилиб эрди, кўр эмди,  
Ким доғи хижолат била юзи қарорибдур.

Мужгонинг эрур ханжари хунрез, фигонким,  
Ғамзанг келиб онинг била қўксимни ёрибдур...

Жавлонгаҳинг ичра қиличинг ўлтуриб элни,  
Қон сели ўлукларни хасингдек кўторибдур.

Ул холи снёҳеки жамолингга бериб зеб,  
Онинг ғамидин мардуми чашмим оқорибдур.

Зоҳирдуур әлга буки, ҳижрони жафокор —  
Не навъ балоларки бошимга юборибдур...

Новакларинг афгор қилиб жисми низорим,  
Жонимни бу тадбир ила андин қуторибдур.

Зебо қаду хуш жилванг эрур турфа ниҳоле,  
Ким ишқ әли ашки равондин сугорибдур.

Йўқ ғайри вафо ҳосилим, эй шўхки, тақдир  
Жон мазраига тухми муҳаббатни қорибдур.

Оҳим елидин қил ҳазар, эй меҳри ситамгар,  
Бу ел фалак айвонини ердин қўнгорибдур.

Не айб жунун даштига Мунис қадам урса,  
Ким ишқ ғулув айлаб онинг ақли борибдур.

\* \* \*

Кийиб ҳамишабаҳорий либос чиқғали ёр,  
Жаҳонда развадек ўлмиш аён ҳамишабаҳор.

Юзи гулини ҳамиша баҳордек тутсун,  
Буким ҳамиша баҳори қадаҳ ичар дилдор.

Нетонг ҳамиша баҳор ўлса даҳр гулшанида  
Ки дилбар очти ҳамишабаҳордек дийдор.

Юзинг ҳамишабаҳори эса нетонг ғамдин,  
Ки хуррам ўлди ҳамишабаҳордек ағёр.

Хазони дард ҳамиша баҳорима битибон,  
Манга соргорди ҳамишабаҳордек рухсор.

Кўнгулни айла ҳамишабаҳордек хуррам,  
Чу қолмағуси ҳамишабаҳордин осор.

Гули ҳамишабаҳор узра бода ич, Мунис,  
Ўзингни қўйма ҳамишабаҳор вақти хумор.

\* \* \*

Дўсторим, то менинг ул сарви гул рухсордур,  
Хасм хори жавридин ҳар дам менга озордур.

Не учун тутмай фалакни душман, эй аҳбобким,  
Кимсага ҳар кимсадин озордур безордур.

Шиддати заъфим йиқитди келгил эмди, эй Масиҳ,  
Ҳол сўрмоқ вожиб эрмиш кимки ул bemордур.

Кимга изҳор айлайнин, эй ёр, ишқ асрорини,  
Ким тафаҳҳус айладим олам манга ағёрдур...

Меҳри кўнглум ичра, кўнглум ҳар сори бормоқ била,  
Анжуми гардунга ўхшаб событиу сайёрдур.

Асру маҳзун бўлма ҳижрон тийра шомидин, кўнгул,  
Топмақинг ҳайвон суйи зулмотсиз душвордур.

Ошиқеким, лаҳзае маъшуқининг кўйин мақом —  
Айласа, Жамшид тахтидин анга юз ордур.

Васл иқболи мұяссар бўлмоқи имкон әмас,  
Мунисо, кўйи аро токим рақиби бордур.

\* \* \*

яъфаронзори рухимда кўзларим жўлармудур,  
Ашки ҳасрат ул аригларда оқар сувлармудур?

Ё Эрам боғида сунбуллар эрурму мушкбор,  
Ё узоринг узра анбарсой гисулармудур?

Кўзларингким, ғамза бирла кўргузур ҳар ён ўюн,  
Гулшани ҳусн ичра шўху шанг оҳулармудур?

Қатра-қатра терки рухсорингдадур май тобидин,  
Оташин ёқут уза сероб луълармудур?

Холи мушкинларки ҳуснинг ламъасин равшан  
қилур,  
Билмон оё ўтға кирган жоду ҳиндулармудур?

Буки зоҳидлар қилур шаҳларни мафтун зарқ ила,  
Ҳийла бирла сайди шер әтгувчи тилкулармудур?

Қоматинг васфида мисраъларки Мунис фикр этар,  
Нозанин қадлармудур ё сарви дилжулармудур?

\* \* \*

Кўнглум шаари жаҳонни ўртар,  
Оҳим ўти осмонни ўртар.

Ёлғуз мени ўртаган эмасдур,  
Ўтлуг юзи инсу жонни ўртар.

Гар чиқса ичиб май ул париваш,  
Бир жилвада хонумонни ўртар.

Жисмим қуруса ажаб әмаским,  
Лаъли ғами танда қонни ўртар.

Сайр этгали қилса азми гулшан,  
Сарву гули боғбонни ўртар.

Туз қадди сукуну сайр бирла,  
Ҳам сокину, ҳам равонни ўртар.

Жон пардасига юзи солур ўт,  
Маҳтоб нечук катонни ўртар.

Хижрон туни оҳи оташиним  
Гардун уза Каҳкашонни ўртар.

Сориғ юзима муқобил ўлса,  
Хижлат ўти заъфаронни ўртар.

Фарёдки, чархи фитна ангиз  
Яхшини ёқиб, ёмонни ўртар.

Ҳайратки, улус фараҳ қилур, чарх  
Чун Муниси нотавонни ўртар.

\* \* \*

Баҳрлар кўзимдин оққан қатра-қатра ёш эрур  
Тоғлар бошимга ёққан зарра-зарра тош эрур.

Ёйдин-ойдин равшан ўлғондек юзинг хуршедидин  
Ҳусн анвори саодат оламида фоп эрур.

Ишқ чавгони била гўйики ғалтондур мудом,  
Ханжари ҳижрон била бизнинг кесилган бош эрур.

То зуҳур этдинг ниҳонлиғ пардасидин чиқмади,  
Гўиёқим сен қуёшдурсен, пари-хуффош эрур.

Еах, бўлуб манкуб соҳиб фазл ила аҳли салоҳ,  
Чарҳдин ҳар дам ривожи муфсиду авбош эрур.

Ошнолар қадрини яхши билурмен, йўқ эса,  
Кўзларим нечун бало базмида гавҳарфош эрур.

Гавҳаридур комили ишқу харидори жаҳон,  
Кўрки куфру динга устумда басе парҳош эрур.

Дема Мажнундек мени, Мунис, жунун дашти аро,  
Анга ваҳшу тайр, дарду ғам манга йўлдош эрур.

\* \* \*

Тифинг қилди кўксум афгор,  
Андин топдим юз минг озор.

Кўнглум олди ғамзанг, аммо  
Билмон невчун қилмас темор.

Гулким шаҳдур гулшан ичра,  
Қуллуқ айлар очсанг руҳсор.

Қотил чашминг кўп қон ичти,  
Андин бўлди охир bemor.

Сарву раъно по дар гилдур,  
То кўргуздинг расми рафтор.

Наргисдин кўз бўстон очгай,  
Қилсанг токи арзи дийдор.

Мунисдур ғам дашти узра  
Мажнундек саргардону зор.

\* \* \*

Оҳи дилсўзимга не боис тиласиз, ёрлар,  
Ким уарлар кўнглума ҳижрон ўтии дилдорлар.

Инқ саҳросида бир саргаштаменким, топмагай  
Неча юз йил ҳар сори гом урсалар сайёлар.

Демангиз, эй дўстлар, жону кўнгулни найладинг,  
Олдилар афсун била мен зордин маккорлар.

Жони саргаштам агар айланса тонг йўқ оғзидин,  
Эврулур албатта гирди нуқтадин паргорлар.

Ул лаби майгун уза хатдурму бўлмиш ошкор,  
Ё магар гул барги узра бош чиқармиш хорлар.

Мен киби зори топилмоқ мумкин эрмас ишқ аро,  
Гарчи кўпдур ул сари кўй узра ётгон зорлар.

Ул узуб якбора мендин риштаи меҳру вафо,  
Мен жафову жавридин жонлар берурмен борлар...

Етса бир ғам барча эл ғамхор ўлур эрди манга,  
Эмдиким юз ғам етар, Мунис, қани ғамхорлар?

\* \* \*

Қошларингни ҳилол дебдурлар,  
Қоматингни ниҳол дебдурлар.

Мени тиргуз такаллум бирла,  
Сени Исо мақол дебдурлар.

Молким шайх макр ила йигнар,  
Майни андин ҳалол дебдурлар.

Менга май манъин этма, эй зоҳид,  
Тарки одат маҳол дебдурлар.

Кимки, Мунис, қилур фано ҳосил,  
Ани неку хисол дебдурлар.

\* \* \*

Кўнглума бир гул ғамидин сончилибдур хорлар,  
Оҳқим, ҳар хордин жонимдадур озорлар.

Айламиш кўнглумни мажнун жилваи Лайливаши,  
Ким асири ғамзасидурлар пари руҳсорлар.

Турфа айёРЕКИ дин нақдин олурда турраси,  
Ўрганурлар андин ўғрилиқ ишин таррорлар.

Гардиши чашмидадур кайфияти даври қадаҳ,  
Мен билибдурманки, билмаслар ани ҳушёрлар.

Мунисо, ағёр гар ҳамсухбат ўлса ёр ила,  
Бўлма маҳзун ҳамдами гул бўлғусидур хорлар.

\* \* \*

Эйки, қатлим уза ҳар дам кўзу қошинг талашур.  
Бу талашмоқлик аларға не ажойиб ярашур.

Қон эмас захмларим ичраки юз пора кўнгул,  
Оразингға чиқиб ул равзаналардин қарашур.

Ҳусн буржида юзинг ўйла дурахшондурким,  
Дийдаварлар кўзи наззора қилурда қамашур.

Ишқ саҳроси ажаб дашт дуур ҳавлангиз,  
Хирад ул дашт аро аввал қадамда адашур.

Ҳар киши маҳрами асрори мухаббат әрмас,  
Токи ҳамроз топилмас санга, розингни яшур...

Агар ул ёр қарам қилмаса, Мунис, не осиг,  
Нечаким йиглабон оҳинг унини кўқдин ошур.

\* \* \*

Олди бир гўшаи чашми била жоним дилдор.  
Қўймади жиссими аро руҳи равоним дилдор.

Ғавшан ўлгон эди меҳри руҳидин мардумаким,  
Манзил этса эди чашми нигароним дилдор.

Тиламон кавсару фирмавсни, гар бўлмас эса,  
Лаби кавсар, юзи фирмавс нишоним дилдор.

Лолаю, гул кўкарур ҳар сори туфроқимдин,  
Тўкса ханжар била туфроқ уза қоним дилдор.

Меҳрибонлиғлар этар эрди аён раҳми келиб,  
Кўрса ҳажрида менинг дарди ниҳоним дилдор.

Жоним олди-ю, таним гардини барбод этти,  
Қўймади ишқи аро ному нишоним дилдор.

Баҳ, не киндур, очилур гулдек, эшилса ногах,  
Булбули зор киби оҳу фиғоним дилдор.

Жонға миннат тутубон ўлгуча қул бўлгай эдим,  
Ҳажридин берса агар хатти амоним дилдор.

Тоза жон топғай эдим, эйки агар деса мени,  
Муниси хастау бетобу тавоним дилдор.

\* \* \*

Шароб ичма, куйдирмагил димоғ абас,  
Бу фитна шуъласидин ёқмагил чароғ абас.

Бошиңгни ўйнамасанг, урма лофи ошиқлик,  
Чу Күҳкан йўқ эсанг, маскан этма тоғ абас.

Биҳишт истама бўлсанг хумор ё маҳжур,  
Ки келди бемаю дилдор сайри боғ абас.

Шароби нобни, эй шайх, ўзинг худ ичмассен,  
Нега тўкарсен ани, синдуруб аёғ абас.

Ҳамиша дўст сенинг бирла бордуур ҳамроҳ,  
Жаҳонда ҳарза кезиб қилмагил сўрғ абас.

Маҳол келди вафо бўйи лола рухлардин,  
Алар ғами била кўнглингга қўйма доғ абас.

Хаёли дўст била, Мунисо, ҳамоғуш ўл,  
Бу хўблардин эрур бўсау қучоғ абас.

\* \* \*

Юзунг сабоҳати ҳар яхши юзда топилмас,  
Қадинг рашоқати ҳар қади тузда топилмас.  
Чучук сўзингдуур андоғ малиҳким, ҳаргиз  
Анинг малоҳатидин нашъя тузда топилмас.  
Тўқуз фалак менга ғамдин тўқуз-тўқуз туҳфа,  
Чекар магар тараби бу тўқузда топилмас.  
Менингча бўлмади Мажнуну Кўҳкан ишқи,  
Агарчи ул икидек тогу тузда топилмас.  
Нишони ишқни ҳар тийра баҳтдин тилама,  
Ки чеҳра гул исидин қўнғузда топилмас.  
Менинг ғамим киби Вомиқ ғамида қайди шукуҳ  
Ки анинг салобати албатта бунда топилмас.  
Балойи ишқ юкин руҳ тортадур, не ақл,  
Ки пил қуввати ҳаргиз ўқузда топилмас.  
Топарму зоҳиди ях аҳли ишқ риққатини,  
Эримагунча сув жараёни музда топилмас.  
Шабоб кайфиятин истама қарилиғда,  
Баҳор мавсумининг файзи кузда топилмас.  
Ҳароми маҳздуур аҳли зулм бошдин-аёқ,  
Ки ҳиллият асари бил тўнгузда топилмас.  
Забунлиғ айлама ҳар нокас оллида, Мунис,  
Бу феъли зишт наждору ўғузда топилмас.

\* \* \*

Сенсиз, эй гулрух ишим жуз нолаю фарёд әмас,  
Ким навиди васлдин ҳар лаҳза кўнглум шод әмас.

Эрдилар Фарҳоду Мажнун комили ишқи жунун,  
Лек мендек бириси дард аҳлиға устод әмас.

Чин десам: Чин мушки чин эрмас сочингдек,  
десалар:  
Рост айтсам, қоматинг оллида сарв озод әмас.

Бир юмуб очгунча кўз ушшоқ хайлин қаҳр ила,  
Мунча қатл этмак недур гар кўзларинг жаллод  
әмас.

Гарчи Ширин ишқидин бор эрдилар шайдо, vale  
Ханжари Хисрав ҳарифи тешай Фарҳод әмас.

Сахт рў фарзандидин озор отога етгуси,  
Тоғ бошига бало жуз тешай пўлод әмас.

Ваҳ, нечук ўлмай дамо-дам, Мунисо, ҳажр ичраким,  
Бир нафас йўқким фироқ андуҳидин бедод әмас.

\* \* \*

Боғлади бўйнумга ишқинг тори зулфингдин марас,  
Чиқса жоним ҳам бу қайд ичра нажот этмон ҳавас.

Илтимосим буки, қилсанг итларингга ҳамсафол,  
Мен киму сендин шароби васл қилмоқ мултамас?!

Тўш-тўшимдин баски ғам етмиш, қочарга йўқ  
дилим,  
Булбуле янглиғки ул бўлгай гирифтори қафас.

Муддайилар дахл қилғон сойи ишқим тез ўлур,  
Оре, афзун айлар оташ ҳиддатини хору хас.

Етти фарёдим фироқинг зулмидин афлокға,  
Ваҳ, на золимсенки, бир дам бўлмадинг фарёдрас.

Ким эса ишқ ичра софи еткуурулар васлға,  
Махмили Лайли сори Мажнунга ҳодийдур жарас.

Соқиё, тут бода пайдарпай фалак жоми била,  
Май бериб Мунисга икки-уч пиёла, қилма бас.

\* \* \*

Мен-мен, эй ёр, талабгоринг бас,  
Нақди жон бирла харидоринг бас.

Бу чаманда гули хуш рангу бўй—  
Кўпдур, аммо гули рухсоринг бас.

Ҳарнаким сенсиз эрур дўзахдур,  
Жаннатим гулшани дийдоринг бас.

Кўпдуурур муддаи-ю булҳавас эл,  
Лек мен ишқ аро мени зоринг бас.

Дўстим дардлик афғон фақат,  
Душманим дардсиз ағёринг бас.

Бўлмагил ғофилу хайрот этгил,  
Ки жаҳонда қолур осоринг бас.

Раҳмким, токи сени севди, эрур  
Муниси бекасу зоринг бас.

\* \* \*

Ниқоби абрфоминг гўшасидин арзи рухсор эт,  
Қуёшдек зарра хайлин музтариб қил, маҳви дийдор эт.

Хароб ўлғон кўнгулни истасанг гар айламак обод,  
Ғамингдин ўлғон әлга нуктаи жонпарвар изҳор эт.

Гул ўлмиш асру мағруру санубарлар басе саркаш,  
Юзунгни гул-гул очиб жилва бирла сайри гулзор эт.

Кўнгулда йўқ қарор, айлаб ватан ғам, қил карам, яъни  
Бу сайёrimни событ айлаб, ул событни сайёр эт.

Керакдурким тараққий топса ишқ аҳли таназзулдин,  
Чиқиб ҳомундин, эй сели сиришким, азми кўҳсор эт.

Тиларсен гар майи мақсад, қочиб шайхи риёйидин,  
Харобот аҳлидек ўзни муриди пири ҳаммор эт.

Муҳаббат икки ёндин бўлмаса кўшиш абас бўлгай,  
Илоҳий, ул пари қўнглини Мунисга гирифтор эт.

\* \* \*

Тушубдур лабларингдин жон аро ўт,  
Юзингдин дийдаи ҳайрон аро ўт.

Висолинг машъалин ёқғилки, тушсун  
Фуруғидин шаби ҳижрон аро ўт.

Рақам қилсам юзинг шавқида дардим,  
Тушар мазмунидин девон аро ўт.

Ҳадағ қилсанг гар ўтлуғ кўнглум, эй ўшук,  
Ўқинг ёниб тушар пайкон аро ўт.

Жамолинг офтобедурки, андин  
Юзинг ҳар кун солур даврон аро ўт.

Эрүр ул навъ рангин лабларингким,  
Солур сарчашмаи ҳайвон аро ўт.

Ҳароратлиғ кўнгулда завқи лаълинг  
Эрүр андоқки тобистон аро ўт.

Сари кўйингда кўнглум шуълазандур,  
Ажабдур равзаи ризвон аро ўт.

Нечук ёнмай қолур даҳр аҳли, Мунис,  
Чу зоҳир айласанг афгон аро ўт.

\* \* \*

Барқи ҳуснингдин тушубдур чашми хунборимға ўт,  
Шуълаи ишқинг солибдур жони беморимға ўт.

Қон эмастур, захми тигингда қўрунган ҳар сори,  
Тушмиш ониг шуъласидин жисми афгоримға ўт.

Оташи рухсоринг, эй жонон, эрур не навъ шамъ,  
Ким тушар парвонадек андин дили зоримға ўт.

Жон аро душвордур ишқингни пинҳон асрамоқ,  
Шуъла оҳимдин чекар солиб йўқу боримға ўт.

Ўқ отиб таскиниға пайкондин урсанг нетти сув,  
Хорхори солди жони меҳнатосоримға ўт.

Васл субҳида юзингдин зоҳир этгил офтоб,  
Тушсун андин то фироқ отлиғ шаби торимға ўт.

Нақди қалбим топмади савдои ишқингда ривож,  
Ғашидин эт холис солиб бу қалб диноримға ўт.

Ҳар дам ўртарсен мени ағёrima айлаб вафо,  
Гаҳ менга нетти қилиб лутф, урсанг ағёrimға ўт.

Мунисо, ҳар ким эшитса куйдурур жону дилин,  
Гүйёким имтизожи топмиш ашъоримға ўт.

\* \* \*

Қилди хатинг мени шайдо арода хол не ҳожат,  
Чунки савдо пишулур, ўртада даллол не ҳожат?

Лаби шаккаршиканинг шаҳди агар қилмаса ширин,  
Коми талхим чучутурга шакару бол не ҳожат?

Ишқ ранжидин ўлар ҳолдамен, ҳажрға солма,  
Ўлгали етган асирингга сияҳчол не ҳожат?

Дарду ғамни пару бол этдиму кўйингга етушдим,  
Куйдур ул болу парим, эмди, пару бол не ҳожат?

Қўйма кўнглумни бало қайдлари ичра муқайяд,  
Қил карам бирла асир ани, бу ағлол не ҳожат?

Эй мунахжим, ўтубон умр фалакдин дам урарсан,  
Хирманин ўртади барқ эмди бу ғарбол не ҳожат?

Орзулардин ўтуб, ёр ризоси била бўлким,  
Мунисо, соҳиби таслимға омол не ҳожат?

\* \* \*

Масти жоми ишқинг ўлғон истамас оби ҳаёт  
Оре-оре, бода ичган сувга қилмас илтифот.

Хайратим афзуун қилур меҳри жамолинг партави,  
Гарчи расм эрди қуёшға заррадин олмоқ сабот.

Моҳ рўйинг то тулувъ этти малоҳат буржидин,  
Гаҳ қизортур, гоҳ саргартур қуёш рангин уёт.

Давлати дийдоринга бўлғай мушарраф ул киши,  
Ким вужуди вартасидин руҳига етгай нажот.

Нуқтае сурким, топай жисмимга жон, ваҳким, неча  
Соқийи ҳирмон менга ҳар дам тутар заҳри мамот.

Зоҳир этсам жондаги пинҳон ўтимни оҳ ила,  
Элга оташгоҳ ўлур бешак риёзи коинот.

Раҳм ила еткур қудуминг бошим узра, эй Масиҳ,  
То қутулгаймен фироқинг заъфидин мен хаста бот...

Нечаким элдин маломат етти, ишқим бўлди фопи,  
Бу сифат бадномлиғ бирла чиқордим яхши от.

Рафъ этар, Мунис сипар айлаб хаёли суҳбатинг  
Ёғса ғам саҳросида кўнглига санги ҳодисот.

\* \* \*

Эй тоза юзинг зийнати гулзори назорат,  
Кўянгдадур учмоқ гули помоли ҳақорат...

Жон нақди бериб жинси висолингни олурмен,  
Суд айлади бу навъ қаю аҳли тижорат.

Не кофир эрур кўзларинг, эй шўх, солурлар,  
Қонимни тўкуб, дину дилим нақдига ғорат.

Бир тиф дурур ғамзай жаллодинг элида,  
Қошингки, қилур қатлима ҳар рўз ишорат.

Кўнглумни ғаминг ғорат этиб айлади вайрон,  
Ўз мулкинг эрур лутф ила қил они иморат.

Ширин дурур ул навъ лабинг нўшики онсиз,  
Жон шаҳди қилур комима изҳори марорат.

Оlam тўладур жилваи жонон била, Мунис,  
Очғил назар ўлса санга гар чашми басорат.

\* \* \*

На зебодур санга, эй шўх қомат,  
Қўпар ҳар дам қиёмингдин қиёмат.

Кўзунгдин фитнадур, мумкинки эрмас,  
Киши ул фитнадин қолмоқ саломат.

Сенга ошиқмену ишқимға бордур,  
Кўзу, ашку, кўнгул оҳи аломат.

Сенинг ишқингда ғам ерман, валекин  
Қилибдурмен бу афюнни давомат.

Жафо ҳар неча ул кўргузса, Мунис,  
Вафо расмида сен қил истиқомат.

\* \* \*

Эй қуёш рухсорига меҳри жамолингдин уёт,  
Вей янги ойға қуёш узра ҳилолингдин уёт.

Лола узра шабнам эрмаским, арақ зоҳир қилур,  
Юзланиб ҳар дам анга рухори олингдин уёт.

Лол ўлур оллингда тўти нутқ этолмай бир даме,  
Баски юз бермиш анга шаккар мақолингдин уёт.

Ҳеч кўзга зоҳир ўлмас чашмаи ҳайвон суйи,  
То анга юзланди жонпарвар зулолингдин уёт.

Боқса ҳар кўз оразинг сори бўлурсен мунфаил,  
Ваҳ, нечук кўздурки, топмас инфиолингдин уёт.

Равзай ризвонидарайхон солиғон донаси,  
Топғай очиб чеҳра кирсанг хатту холингдин уёт.

Гар савол этсанг ҳазин ҳолим бера олмай жавоб,  
Терга ғарқ айлар саропойим саволингдин уёт.

Нозпарвар дилраболарга на нисбатдур санга,  
Ким аларга юзланур ганжу далолингдин уёт.

Жилва айлаб сайри бўстон этгали қилғил хиром,  
То етушсун сарвға наврас ниҳолингдин уёт.

Ўйла бўлмишмен ҳаёпарвар муҳаббат базмида,  
Ким топар кўнглумга истило хаёлингдин уёт.

Найласун Мунис Эрам богинки, ҳар дам юзланур  
Ул чаманға нузҳати базми висолингдин уёт.

\* \* \*

Гарчи авваллар ниёзимни кўруб ноз этти дўст,  
Лек ҳоло дўстлиғ ойинини соз этти дўст.

Ҳажр саҳросида зору бекас эрдим, шукрким,  
Рахши алтофин менинг сори сабукбор этти дўст.

Ўлтуруб ёнимда юз турлук навозишлар қилиб;  
Дўстлар ичра мени бу навъ мумтоз этти дўст.

Илтифоти жомидин масти шароби васл этиб,  
Душмани бадхоҳлар ичра сарафroz этти дўст.

Занги ғамдин тийра бўлмиш табънинг ойинаси,  
Сайқали лутфидин ул кўзгуга пардоз этти дўст.

Чун менинг сайд ўлмогим майлини мағҳум айлади,  
Ғамзасиг кирпикларидин новакандоз этти дўст.

Хулқи хуш бирла мени ҳам дўст тутса, йўқ ажаб,  
Чун ўзиға Мунисин ул шўхи таниз этти дўст.

\* \* \*

Ҳижрон ғамидин этсам тонг йўқ сенга шикоят,  
Ким етти захмат андин жонимға бениҳоят.

Бераҳм эрурсан андоқким, тутмадинг қулоқ ҳеч,  
Ҳар нечаким ғамимдин арз эттилар ҳикоят.

Мен мулки ишқ шоҳи, лашкар менга ғаму дард,  
Оҳим ўтидин ўлмиш барпо бошимда роят.

Ҳар сори боқсам әлга мунгсиз киши топилмас,  
Гёё жаҳонга қилмиш дарду ғамим сироят...

Етти рақиблардин озорлар, қилиб раҳм  
Мен хастадин аларнинг шаррини қил кифоят.

Сен шоҳи ҳусн эрурсен, ишқ аҳли қулларингдур,  
Қулларға айб эмастур шоҳ айласа ҳимоят.

Мунис ҳақир тушмиш то кўйи ишқинг ичра.  
Недур гуноҳи, сендин бир кўрмади иноят.

\* \* \*

Эй ҳурвашки, покдур асру сенга сиришт,  
Ранг айлар иктисоб юзунгдин гули биҳишт.

Нозик танинг латифдур андоқки кўрунур,  
Онинг латофати қошида барги гул дурушт.

Ҳуснингдин ўлди саҳни ҳарам ўйла нурфош,  
Ким ою кундур анга бир-икки шикаста хишт.

То хўблуқ сипеҳри узра партави жамол  
Фош айладинг, назарга кирап офтоб зишт.

Маълум эмас чу гайб иши, эй шайхи хонақоҳ,  
Нафй әтмагил аниким, эрур сокини куништ.

Эй шоҳ, инонма отингга давлат эвурса рух,  
Мот айлагай сени етуруб бир пиёда кишт.

Мунисға, носиҳ, айламагил манъи ишқим,  
Йўқ чора кўрмагунча неким бўлса сарнавишт.

\* \* \*

Ишқ жисмим қуввату заъфидин этти сахту суст.  
Бешу кам лутфингдин, эй жон, қил бузуғ ҳолим  
дуруст,

Жўши ашкимдин хароб ўлди жаҳон кошонаси,  
Тунд сел оллидадур, оре, бинои хок суст.

Итти кўнглум ғам ҳужумидин бало водисида,  
Эй пари, не бўлди ул Мажнунни қилсанг бозжуст.

Изтиробим заррадек бу кун эмастур ишқ аро,  
Меҳри ҳуснинг бекарор этмиш эди рўзи нахуст.

Ўтдилар Фарҳоду Мажнун кўҳу дашти ишқ аро,  
Онча эрмас эрдилар ғамкашлик авторида чуст.

Гар наво истарсен оҳангি фанодин най киби,  
Бенаволар хизматига боғлағил белингни руст.

Фақр эски шолидур Мунис муборак хилъати,  
Шод бўлким, қомати ҳолингга улдур асру чуст.

\* \* \*

Муждаким, меҳру вафо расмини оғоз этти дўст,  
Ўзгача дилдорлиғ оҳангини соз этти дўст.

Поймоли ғам бўлуб қолмиш эдим кулфат аро,  
Ногиҳон келди-ю гардимни фалактоз этти дўст.

Етти сарвақтимга-ю бошим уза қўйди қадам,  
Бу иноятлар била охир сарафroz этти дўст.

Мен тушуб тупроқ уза ўптиқ кафи пойин онинг,  
Кўтариб бошим навозиш айлаб эъзоз этти дўст.

Гарчи душманкомлиглар кўргузуб, хор айлади,  
Оқибат айлаб муҳаббат зоҳир, эъзоз этти дўст.

Оҳи сардимдин қиши ўлмиш эрди ҳажрим тунлари  
Юз қуёшидин туним кундуз, қишим ёз этти дўст.

Изтиробим эрди кўпдин-кўп, қарорим оздин-оз,  
Илтифоти бирла озим кўп, кўпим оз этти дўст.

Оллида жоним фидо қилдим кўруб алтофини,  
Шукрким, Мунис, мени васлиға жонбоз этти дўст.

\* \* \*

Нигоро, ғаминг ичра ҳолимға раҳм эт,  
Фироқингда етган малолимға раҳм эт.

Тилаб илтифотингни қон йигларам кўп.  
Қилиб илтифот ашки олимға раҳм эт.

Ҳилол ўлди қаддим фироқинг ғамидин.  
Юзи офтобим, ҳилолимға раҳм эт.

Ғамингдин топар меҳри умрим заволи,  
Камоли карамдин заволимға раҳм эт.

Савол айларам юз қўюб ерга лутфинг,  
Солиб ажзима кўз, саволимға раҳм эт.

Фироқингда ёлгуз чекармен фифон кўп,  
Бўлуб Мунисим бўйла ҳолимға раҳм эт.

\* \* \*

Фигонки, қолмади мен телбада қарору сабот,  
Фироқ даштиға то солди чарх каж ҳаракот.

Масиҳим ўлмаса ҳозир Хизр киби не осиг.  
Үлук танимни гарық этса зулоли ҳаёт.

Хуш ул замонки, әдим васл согаридин маст,  
Хумори ҳажрида зоеъ кечар шариф авқот.

Фироқ, кечасидур тийра ул сифат, ваҳқим,  
Ерумас ўлса қуёш гар кавокиби заррот.

Тўкуб сиришки-ю, эй дийда, йиғла ҳасрат ила,  
Ки ул пари юзини кўрмайин етишти мамот.

Ганимен ўйла ғаму дард нақдидинки, билинг,  
Қошимда Вомиқу Мажнун не мустаҳики закот.

Балою дарддин, эй Мунис, эҳтиroz этма,  
Ки бордур учгали дилдор кўйи сори қанот.

\* \* \*

Юзунг кўрарда сужуд этгали бўлурмен паст,  
Магарки, ишқ аро бўлмишмен офтобпаст.

Ниҳоли сарвин этар боғбон абас менга арз,  
Қадинг ҳавосидамен, ҳимматим эмастур паст.

Сочинг муқайядидур кўнглум, нажот анга йўқ,  
Нечук қутулғуси қуш бўлса дом аро пайваст?

Муҳаббатинг майи бирла бугун эмон сархуш,  
Бу нашъадин мени масти әтмиш эрди жоми аласт.

Чу сен саманд сурарсен таним қарори борур,  
Ел эҳтиози чоги гардга бўлурму нишаст?

Қошинг қошида янги ой камина бандадуур,  
Ки солди касрати таъзим анинг танига шикаст.

Эрур қошинг била ғамзанг ажаб камонваре  
Урар юз ўқ мижадин жонга очса гар пар шаст.

Шароб гардиши чашмингда нашъаедурким,  
Улусни файзи нигоҳи етушгач айлар масти.

Тариқи ишқ аро Мунисни бекас англамаким,  
Анга аниш балою ғаминг эрур ҳамдаст.

\* \* \*

Эй зинда мақолингга фасоҳат,  
Эй банда жамолингга сабоҳат.

Ширин сўзинг асру келди тузлуғ,  
Ким кўрди шакарда бу малоҳат.

Бордур шакарин лабинг хаёли,  
Хотирға фароғ, жонга роҳат.

Мажнунга не ҳадки, ҳамтак ўлғай,  
То пеша эрур менга саёҳат.

Қўй панду насиҳатингни, носиҳ,  
Ким бўйла ишинг эрур қабоҳат.

Ханжар била захм сол, валекин  
Тил бирла етурмагил жароҳат.

Мунис сўзида тааммул айланг,  
Йўқтур анга ўткудек сароҳат.

\* \* \*

Мендин, аё рафиқ, нигоримға нома бит,  
Ашким мидод этиб мижа нўгини хома бит.

Ул нома ичра диққат ила арзи ҳолими  
Ҳар дам анга сочиб гуҳари нутқ нома бит.

Мазмунни шавқ шарҳи ғамимнинг қанотига,  
Ул ён агар учурғали топсанг ҳамома бит.

Гар битмак истасанг санамим васфи ҳолини,  
Хуршеди сийм пайқару зарбафт жома бит.

Мехри рухи сафосини субҳи баҳор ёз,  
Шабгун сочи саводини анбар шамома бит.

Гар шаҳр шайхи васфини сабт этмак истасанг,  
Мағрури хонақоҳу ридову амома бит.

Мунис, не сўзки сафҳа узра айласанг рақам,  
Мақбули табъи хоссаю матбуи омма бит.

\* \* \*

Ҳижронига қилди бу вафопеша мулоқот,  
Ул навъки қилғай тош ила шиша мулоқот.

Яхши-ю ёмон ҳодисадин эмин эмасдур,  
Олтунға ўту тошқа қилур теша мулоқот.

Ҳар кўйға кирсанг анинг аҳлини топарсен,  
Шер айлар агар бўлса еринг беша мулоқот.

Нахли тарабим ўйла қурубдурки, баҳори  
Не барг чекар бош, на қилур реша мулоқот.

Мунис, гуҳари фикру қаломимға сочарлар,  
То қилди манга дилбари андиша мулоқот.

\* \* \*

Керакмас жон менга жонондин айру,  
Киши нетсун баданни жондин айру.

Лабидур чашмаи ҳайвон, эмас Хизр,  
Тирик ул чашмаи ҳайвондин айру.

Эрур равшан анинг ҳуснида оне,  
Ки кўнглум шод бўлмас ондин айру...

Булоғда ер пари тутғондек эрмас  
Хаёли дийдаи гирёндин айру.

Вуҳуш ўлғон киби Мажнунга дамсоз,  
Ғами эрмас бу саргардондин айру.

Недин васлиға еткурмас мениким,  
Эмас гул булбули нолондин айру.

Эмасмен ишқидин айруки, бўлмас  
Самандар оташи сўзондин айру.

Кўнгул кўйингдин айру бенаводур,  
Наво булбулда йўқ бўстондин айру.

На нашъя ҳосил айлар шайхи нодон,  
Шароби согари ирфондин айру.

Елиқтилар жаҳон аҳли, валекин  
Даме Мунис эмас афғондин айру.

\* \* \*

Қошинг ё, кирпикинг ўқ — отиб они ғамзай жоду,  
Қутулмоқ қайдадур кўнглумгаким, бўлмиш анга  
қобу.

Висолинг шоҳиди бирла ҳамогуш ўлмоқ истармен,  
Валекин мумкин эрмастур менга бўлмоқ муяссар бу.  
Таолаллоҳ, қадинг не сарв эрур бўстони ноз ичра,  
Тилар ҳар дам насими оҳ бирла кўз ёшимдин сув.  
Латофатдин юзунгдур махзани ҳусну эрур анда  
Лабинг ёқуту оғзинг ҳуққаи лаълу тишинг инжу.  
Юзингдур Чин гулистони, анда чашми фаттонинг  
Югуруб ҳар тараф ўйнар анингдекким ики оху.  
Гарибинг мен, сўроғ айлаб сени юз жустужў бирла,  
Гулу айлар рақибинг топғоч эмди бўл даме дилжў.  
Мусаффо оразинг меҳри била зулфинг ҳавосидин,  
Менга мумкин эмас кундуз қарору кечалар уйқу.  
Равомудур этиб ушшоқинга жавру жафо беҳад,  
Рақибинг сори қилмоқ ҳар нафас меҳру вафо асрү.  
Эрур даври узорингда хату холинг намудори,  
Анингдекким, келибдур Рум сори лашкари Ҳиндур.  
Даме ҳолимни сўрким, ўлган эрсам жон топай, йўқса  
Даво ҳаргиз бу дардимға, Масиҳо, айлай олгайму?  
Жунун саҳросида то жонға қўйдинг доти ҳажрингни  
Багир қонидин очтим даста-даста лолаи худрў.  
Улус айлар юзунг меҳрин тамошо заррадек, ваҳқим,  
Етар бу важҳдин ҳар дам мени ўлтургали қайғу.  
Нижондир кўзга Мунис заъфдин то ҷархи дун қилди  
Камоли жаврдин юз ғамга ҳамдам васлдин айру.

\* \* \*

Нотавон кўнглумгадур ул лаъли хандон орзу,  
Гўиё айлар заифе оби ҳайвон орзу.

Бошинга зулфи муанбар янглиғ әврулмак недур,  
Ҳажр аро айлар бу аҳволи паришон орзу.

Оразингни ҳажр аро кўрмак тилар шайдо кўнгул,  
Булбул этгандек ҳазон фасли гулистон орзу.

Хоки по бўлмоқлик айлар нотавон жисмим манинг  
Тавсанинг майдон аро қилғонда жавлон орзу.

Ошкоро ул пари ағёрдин айлар ибо,  
Тонг эмас қилсан агар васлини пинҳон орзу.

Эй кўнгул, васл истасанг ҳижрон ғамидин инжима,  
Тоғ ранжидин қочарму айлагон кон орзу.

Ёр кўйи Муниси шайдо таманноси эрур.  
Ўйлаким зуҳд аҳлиға фирмавси ризвон орзу.

\* \* \*

Жонбахш зулолинг бадали бода бўлурму?  
Ҳайвон суви кайфияти саҳбода бўлурму?

Андоқ йиқилибманки, кишим йўқ кўтарурга,  
Оламда менингдек киши афтода бўлурму?

Ҳусн аҳли аро йўқ бу санга монанд нигори,  
Ҳеч одами андоқки паризода бўлурму?

Рухросинга шамъ ўхшамоқи мумкин әмастур,  
Ўт шуъласи андоқки, рухи сода бўлурму?

Ишқинг аро мендин тилама ақл нишонин,  
Дониш асари телбай шайдода бўлурму?

Ашким чу Муҳит ўлмади ҳаргиз муталотим,  
Тўфони бало шўриши дарёда бўлурму?

Ишқимни қилиб манъ, берур тавба менга шайх,  
Оlam аро муячча киши ҳам лода бўлурму?

Арбоби гино тўнини фақр аҳли на қилсан,  
Итнинг жулидин кимсага сажжода бўлурму?

Салб айла ўзингни олами ишқ ила Мунис,  
Бу ишни киши қилмаса озода бўлурму?

\* \* \*

Эй бўлуб ҳуснингга хуршеди дурахшон кўзгу,  
Акси рўйингни нечук забт этар осон кўзгу.

Гул юзинг акси эмастурки муқобил бўлгач,  
Фояти шарм била бўлгон эрур қон кўзгу.

Пайкаринг ҳасратидин музстариб ўлмиш симоб,  
Оразинг талъатидин ўйлаки ҳайрон кўзгу.

Асра кўнглингни ёмон феълдин, яхшилик эт,  
Ким қилур кўрганини элга намоён кўзгу.

Тарки гафлат қилу дилдор жамолига кўз оч,  
Жилвагардуур назаринг оллида ҳар ён кўзгу.

Кўнгул ойинасини айла мусаффо, Мунис,  
Ким ани майл қилур қилғали жонон кўзгу.

\* \* \*

Тез ўлур мижгонларинг қатл айламоқдин бехилоф,  
Рост, тўккан сойи қон бўлгай далер аҳли масоф.

Баски захм урди танимга тирборони ғаминг,  
Узв-увзим очти жавшан ҳалқаси янглиғ шикоф.

Тифи хунрезингки ишқ аҳлиға айлар қатлиом,  
Келки, эй қотил, анга кўксумни истармен ғилоф.

Бори ишқингдин букулса қоматим әрмас ажаб,  
Ким бу бир юқдурки хам бўлмиш анинг остида Қоғ.

Ақл ила ишқ ихтилофидин кўнгул бўлди хароб,  
Мулк вайрон бўлғуси тушса арога ихтилоф.

Каъбай аҳли муҳаббатдур жанобинг туфроғи,  
Мен бурун боғлармен эҳром этсалар азми тавоғ.

Ишқ даъвосида Мажнунни беганмас аҳли дард,  
Ким анингдек рўстойи кўптур ургон тўрда лоғ.

Ишқдин дам урмагил, то қилмасанг жонбозлиқ,  
Даъвийи парвоналиғдур ўтға ўртамай газоғ.

Ишқ атворидин этма, зоҳидо, Мунисни манъ,  
Боши ҳам кетса бу йўлдин ҳаргиз этмас инҳироғ.

\* \* \*

Ишқ аро Фарҳоду Мажнун эрдилар аҳли салаф,  
Мен аларға тогу саҳрони тутуб бормен халаф.

Кўюнг ичра тутмишам маскан, биҳишт этмон ҳавас,  
Найлайин оники, ишқ аҳлига басдур бу шараф.

Баҳр эмас, жўши сиришкимнинг оқизғон селидур,  
Абр эмас, тутмиш анга оҳим шамоли бирла каф.

Ўлтуур мижгонларинг, кўргач мени қотил кўзунг,  
Қатл воқеъ бўлгай, оре, ҳар тараф туз бўлса саф.

Чархи золим зулмидин фарёд уза фарёдким,  
Васлинга еткурмади бир дам бўлур умрим талаф...

Лола эрмас тогу ҳомун ичраким — оқмиш эриб—  
Қатра-қатра доғлиғ кўнглум кўзумдин ҳар тараф.

Мутрибо, жон ҳалқасин айлай жаложил Зуҳрадек,  
Нағмаи дилкаш тараннум қилиб олиб илгингга даф...

Кўргали то Мунис ул ғаввоси баҳри ҳуснни,  
Ишқ аро ашким эрур гавҳар, ики кўзим садаф.

\* \* \*

Кўйига қўймагил қадам густох,  
Бормагил жониби ҳарам густох.

Ишқ әрур шер панжасига мақом,  
Қўйма бу бешага қадам густох.

Тундхўдур, доги тағофулкеш,  
Урма дилбар қошида дам густох.

Анга густох эрур рақиб, оре,  
Бўлгай ит бўлса муҳтарам густох.

Йигладим оллида, деди кулубон:  
—Бўлур эрканму гадо ҳам густох?

Тилга олмоқ әрур адаб тарки,  
Васфини қилмагил рақам густох.

Шояд ул раҳм қилғай, эй Мунис,  
Арзи ҳол айла бешу кам густох.

\* \* \*

Жилвангдин айру эрмас, эй сарв қадди гулрух.  
Булбулга гул муборак, қумрига сарв фаррух.

Улган отинг танига руҳимни солғай эрдим,  
Ҳақ бўлса эрди, жоно, гар мазҳаби таносух.

Ишқинг ҳавоси андоқ хушк айламиш мениким,  
Не танда бор рутубат, не устухон аро мух.

Жонбахш сўз лабидин ҳар дам савол этармен,  
Фарёдким, лабин бир очмас берурга посух...

Чун сен кичикдуурсен, қилма улуғлуғ изҳор,  
Ким бордур асрุ совуқ қилмоқ сабий ташайюх.

То шаҳ ёнида ердур фарзиндек әгриларга,  
Муниски ростравдур дур ўлди ўйлаким рух.

\* \* \*

Эй ғамзанга шогирд фани қатлда Миррих,  
Айёми зуҳурингдин эрур зулмға тарих.

Ўзумда эмон ишқ аро гар оҳ чекарман,  
Кам зарфлиғимдин менга кўп айлама тавбих.

Ажз аҳли дуосини камолингға сабаб бил,  
Қайдин кўкарур сабза агар бўлмас эса бих.

Қаҳр ўтини тез этдингу кўнглумга ўқ урдинг,  
Гўёки кавоб этгали сончарсен анга сих.

Элдин кумушу олтун этар рафъи муруват,  
Андоқки сақол қатъ қилур оҳаку зирниҳ.

Мунисга етар зикринг ила лаззати саршор,  
Эл хотирини хуш қилур андоқки таворих.

\* \* \*

Қиё-қиё боқишинг жоними олур, эй шўх.  
Такаллуминг доги жиссимга жон солур, эй шўх.

Лабинг табассумини кўрса гунчай дилтанг,  
Фараҳ-фараҳ очилиб барг ранг олур, эй шўх.

Завол айни камоли жамол аро топадур,  
Не навъ оразинга меҳр ўхшолур, эй шўх.

Каманди зулфинг агар йўқ, нажот мумкин эмас,  
Кўнгулгаким зақанинг ҷоҳидин қолур, эй шўх.

Саманди жилва агар ўхлиғ била сурсанг,  
Қиёмате қўпубон хашр қўзғолур, эй шўх.

Қилур салосили ғам тийра рўзгоримни,  
Чу зулф меҳри рухинг узра торқолур, эй шўх.

Тараҳҳум айлаки, ҳар кимса кўрса ҳолимни,  
Агарчи кофир эрур кўнгли юмшолур, эй шўх.

Ниёз тиги била шўхлар боши кесилур,  
Чу ноз ўхлиғинг кўсини чолур, эй шўх.

Жафову жаврни Мунисға қилма кўп, басдур  
Ки ғам юки тагида жисми товшолур, эй шўх.

\* \* \*

Кўнглумни асир этти зулфи била ором ўлғоч,  
Бўлмасму муқайяд қуш манзил анга дом ўлғоч.

Кўргилки, қуёшимнинг ҳар субҳи висолида,  
Гардун киби ўйнармен бош гардиши жом ўлғоч.

Учмоқга санубарлар баргин пару бол айлар,  
Гулшан сори ул қомат товус хиром ўлғоч.

Ҳижрон ғами зўр этгач кўнглум бузулур, оре,  
Мулк ўлғусидур вайрон, тағири низом ўлғоч.

Ҳирмон тузидан иори юз дашт сурар баҳтим,  
Кўйида ватан қилмоқ мен телбага ком ўлғоч.

Ҳижрон куниким бордур юз шомдин афзунроқ  
Не навъ кечар, ёраб, ногаҳ қаро шом ўлғоч.

Ашъор аро шеъримдек бўлдим шуародин хос,  
Мунис нетонг ул рутба эл шафқати ом ўлғоч.

\* \* \*

Ғам кетса нетонг бошима дилдор етушгач,  
Ким соя қочар нур баякбор етушгач.

Комим не эрур оби ҳаёту не Масиҳо,  
Үлган баданим руҳ топар ёр етушгач.

Рашк ўтига парвонадек ўртар мени гайрат,  
Ул шамъи рух атрофиға ағёр етушгач.

Жонимники, даврон ғами олғусидур, этсам,  
Эй кош, фидо ёри ситамкор етушгач.

Оё на тараб юз берур ул ёри ҳазинга,  
Ким яъс чоги бошига дилдор етушгач.

Изҳори ҳунар айлама ҳар сифлаға, аммо  
Ёшурма матоингни харидор етушгач.

Даҳр аҳлидин улфат нега узмайки, кишидин  
Безор бўлур кимсага озор етушгач.

Мунис фуқаро суҳбатидур робитай файз,  
Гулшан бўлур ул файзга ҳар хор етушгач.

\* \* \*

Ҳар тараф айладинг паришон соч,  
Жонга қурдинг тузоқ қулоч-қулоч.

Мен ҳам ўз турк қулларингдинмен,  
Ҳолима боғил, эй кўзи қиймоч.

Ишқ аҳлин тиласен, ағёринг —  
Сур йигоч уруб, бир-икки йигоч.

Хони дийдоринга киши тилама,  
Борму оламда мен киби кўзи оч.

Эй кўз оллида тори мужгонга,  
Лаъл тергунг неча, оёқифа соч.

Гаҳ тўним дашт, гоҳ тоғ этаги,  
Мени шайдони демангиз яланғоч.

Шайхлар базмидин қочиб келдим,  
Дайр пири, туруб эшигингни оч.

Яхшидур шоҳ қурсу шарбатидин,  
Фуқаро ичра атолау умоч.

Кунжи узлат биҳишт эрур, Мунис,  
Кеч жаҳондин, доғи улусдин қоч.

\* \* \*

Тийра ҳол ўлмоқ ишимдур чеҳра пинҳон айлагач,  
Кўзгудек ҳайратзада, аммо намоён айлагач.

Тупроги эрдим сарафroz айлади қўйгач қадам,  
Сарв эрдим қилди хас қайтурга жавлон айлагач.

Ул кўзу лаб даврида ўлмак-тирилмакдин не гам,  
Ким бири жон қилғуси эҳсон, бири қон айлагач.

Жилвае басдур санубарларга таъдиб этгали,  
Бўстон сайри учун сарвин хиромон айлагач.

Гар ани золим, десам йўқ, айбким, бузди кўнгул,  
Қайда одил бўлғай ул шаҳ мулк вайрон айлагач.

Чин гулистанида рангу бў топар тағири ҳол,  
Гулшани ҳусн узра зулфин анбарафшон айлагач.

Беҳаёлиғдур бало чекмакда бўлмоқ танг зарф,  
Не ажаб урсам кўнгул оғзига афғон айлагач.

Эй тамиз аҳли, кўнгул шавқи пари пайкарларин  
Арз этармен, шайх васфи ҳури ризвон айлагач.

Ғамзаси новакларин кўкёсим аро жо айлади,  
Қошлиари ёсиға Мунис жонни қурбон айлагач.

\* \* \*

Чаманлар сайрига келгилки, фасли навбаҳор  
Риёзи хулд янглиғ төғу саҳро лолазор ўлмиш,  
Ёлмиш,

Май ичган хўблар рухсоридин гуллар очиб олам,  
Ўланг сувлар лабида ул сифатким, хатти ёр ўлмиш.

Паривашлар киби гуллар қилиб гулшан аро жилва,  
Алар шавқида булбул ун чекиб девонавор ўлмиш.

Муносиб эрмас уйда айламак оромким, фирдавс  
Назоҳат важҳида саҳро юзидин шармсor ўлмиш.

Тамошо қилки, ошиқлар кўзи янглиғ булат ҳар ён  
Аёқига хиромон сарвларнинг дур нисор ўлмиш.

Ҳаво Исо дамидек руҳпарвар, гул нишот афзо,  
Хушо улким, чу Мунис гашт этардин комкор  
Ҷумла ўлмиш.

\* \* \*

Кўнглума кўйинг сари бормоқдур иш,  
Муддайға они қайтормоқдур иш.

Ваҳ, не қотил сен, сенга ханжар чекиб,  
Синаи ушшоқни ёрмоқдур иш.

Кўнглум итмиш ўйлаким топмон, менга  
Ҳар нечаким они ахтормоқдур иш.

Сен жафо қилғон сойи мен зорга,  
Зорлиқлар бирла ёлбормоқдур иш.

Тутса ишқинг ҳар неча жоми бало,  
Кўнглума ложуръа сипқормоқдур иш.

Дайр пири бандасименким, анга  
Ғамдин аҳли ғамни қутқормоқдур иш.

Шукрким, бахти расога Хизрдек,  
Дайрга Мунисни бошқормоқдур иш.

\* \* \*

Вафо бўстонида раъно қадинг наврас ниҳол эрмиш,  
Риёзи равзада тўбиға андин инфиол эрмиш.

Дами тифинг улус қони била то қатратез ўлди,  
Гул очилғон киби кўҳсору саҳро зайди ол эрмиш.

Юзунг ҳусн авжиди хуршед эрур, хуршед анга зарра,  
Бу хуршед узра эгма қошинг андоқким ҳилол эрмиш.

Равон бахш айлар ўлган элга заҳри фурқатинг бирла,  
Лаби лаълинг суйиким оби ҳайвондек зулол эрмиш.

Замоне илтифот этсанг ўлармен ўзгага, ҳаққо,  
Шаҳо, қонимни ноҳақ тўқмаким охир вубол эрмиш.

Юзинг хур shedини хуршед шамъидек демакдур жаҳл,  
Мунга ҳар кун камол эрмиш, анга ҳар тун завол эрмиш.

Ўлукка жонфизо нутқинг била то нафхи руҳ этдинг,  
Сифотинг зудбай амвот аро Исо мақол эрмиш...

Фалак ҳар лаҳза душман коми бирла айланиб, айлар  
Сазовори жафо Мунисни, ёраб, бу не ҳол эрмиш?

\* \* \*

Бу на ҳижрон шоми эрдиким аниг поёни йўқ,  
Васл субҳининг тулувъ этмак дами имкони йўқ.

Ёрсиз хайли бало торожлар солғон кўнгул,  
Гўиё бир кишваредурким, аниг султони йўқ.

Гулшани комим хазон урмиш саросар, ўйлаким,  
Барги ҳам йўқтур, демайким, бир гули хандони йўқ.

Завқи дийдори жамоли шоҳиди тавфиқ ишқ,  
Ҳар кўнгулким, анда йўқтур пайкаредур жони йўқ.

Даврдин ҳар дам етар осеб, ўлур расвои даҳр,  
Улки рози чеҳрасининг пардаи китмони йўқ.

Ошиқеким ёр оллида демас аҳволини,  
Булбуледурким, чаманда нолаву афғони йўқ.

Жоҳу фақр, эй Мунис, андоқ зид эрур бир-бирига,  
Ким бу мавжуд ўлмагай то қилмағунча они йўқ.

\* \* \*

Кўйингда қиласай десам гадолиғ,  
Дерлар, санга борму подшолиғ?

Тарк айладинг аҳли ошнони,  
Бегонаға айлаб ошнолиғ.

Ҳар на ситам ўлса қилғил, эй чарх,  
Солма арога вале жудолиғ.

Ботинда риёдур, этса зоҳид,  
Зоҳирда агарчи порсолиғ.—

Мунис неча нукта кўп сурарсен,  
Кам бўлса матоъ ўлур баҳолиғ.

\* \* \*

Маҳвашеким, илтифотидин топармен шодлиғ,  
Йўқтур онсиз доми ғамдин кўнглума озодлиғ.

Ҳалқа-ҳалқа дом қурмиш кўнглума ҳар соридин,  
Турфа қуш сайди учун қилмиш ажаб сайёдлиғ.

Мен киби қозғай бало метини бирла кўҳи ғам,  
Ҳар ким ул Ширин лиқоға истаса Фарҳодлиғ.

Дарди ҳижронига хўй алаб етушдим жонима,  
Оқибат қилғай зарар тарёқга мұттодлиғ.

Не ғам ул ой даврида ўлмак-тирилмакдин манга,  
Ким лаби жонлар берур, қилса кўзи жаллодлиғ.

Зулм әрур гар келмаса ул хирмони гулким, топар —  
Ҳажр аро бешак ҳаётим ҳосили барбодлиғ.

Жон берур ҳар дам, олур жон ҳар нафас, ваҳким,  
Не бало жон бермаку олмоқдадур устодлиғ.

Үйла ғам сели бузубтур хотирим қасриниким,  
Бўлмаса меъмори лутфи топмагай ободлиғ.

Нега марғуб ўлмасун девоналиғ таври манга,  
Ақл ишидур борча ишқ оллида бебунёдлиғ.

Айлагил майхонани ороста, эй пири дайр,  
Раз қизига истарам Мунис киби домодлиғ.

\* \* \*

Яхши кунимда ҳар кишиким қилди ёрлиғ,  
Дўнгач замона айлади душманшиорлиғ.

Атфол, этакка тош йигингизким, мени бу кун  
Девоналиқиқа сткурадур бекарорлиғ.

Нақди гамиинг кўнгулда ниҳон эрди ганждек,  
Синдуруди бу тилисмни беихтиёриғ.

Итлар азизроқ кўринур халқ ёнида,  
Мендинки, кўйинг ичра чекармен бу хорлиғ.

Сувдек эриб оқармен этарда ғамимни шарҳ,  
Ё тоқат айлай олмон ё шармсорлиғ.

Зулфингни ораз узра кўрармен нечукки абр,  
Ман-ман ёруг жаҳонда қаро рўзгорлиғ.

Мен гарчи сухбатингга эмон лойиқ, этма рад,  
Бу гулшан ичра гул ул эрур бўлса хорлиғ.

Эй мутриб, ўлди ҳалқаи нағманингга жон асир,  
Созингга ёр зулфидин олдингму торлиғ.

Мунисни ғам етурди ҳалокатға, эй Масих,  
Мақтулинга Dame қила кўр ғамгусорлиғ.

\* \* \*

Ишқ аҳлиға куюнгдур нузҳатда чаман янглиғ.  
Ҳар хору хаси ониңг бир тоза суман янглиғ.

Зулфингки, эрур мушкин, ул сори насим әсгач,  
Атридин этар хушбӯ оламни Хўтан янглиғ.

Лаълинг гамида кўзким, ашкини тўкар хунин,  
Бу навъ ақиқидин пур кони Яман янглиғ.

Сочингға тароқ урдинг, рашкида аниңг тушти,  
Юз тоб гириҳ танга зулфингға шикан янглиғ.

Кел жон киби, эй дилбар, сийнамда қарор этгили,  
Оғушига то чексун жоним сени тан янглиғ.

Ишқида жаҳон аҳли девона дурур, лекин  
Ул хайл ичида йўқтур бир ғамзада мен янглиғ.

Овора эдим ғамдин, юз шукрки, банд этмиш,  
Ҳар сори тушуб зулфинг бўйнимға расан янглиғ.

Куюнгда шаҳид ўлсам дағи айла мени андоқ  
То гарди раҳинг ўртуб жисемимни кафан янглиғ.

Мунисга бу боғ ичра сенсиз кўрунур, эй гул,  
Ҳам савсану ҳам насрин, ҳам лола тикан янглиғ.

\* \* \*

Гарчи юзунг қуёшидин топди ғамим туни чарог,  
Лек юз узра менгларинг ўртади кўнглим ичра доғ.

Ҳар кеча шуълаи ғаминг бирла қуярман, ўйлаким,  
Йиглабон ашкни оқизиб ҳолима ўртанур чарог.

Сунбули мушксоӣ очиб айла абирбезлик,  
Йўқса мени ҳазинға йўқ нофани исламак димоғ.

Айлади лолагун бошим ранжи хумору нўши васл,  
Еткур аёқ бошим уза лола мисоли тут аёғ.

Ёрлиғ, эй суманбарим, бўйла бўлурмуким мудом,  
Мен-мену бистари тааб, сен-сену маснади фароғ.

Ҳар неча тўксам ашкни дардим ўти бўлур фузун,  
Гўё ул ўтга айламиш ишқ ғами бу сувни ёғ.

Айлади Мунис оҳини новаки осмоншикоф,  
Хайли ғам айласаса ғулу дафъига будуур яроғ.

\* \* \*

Соқиё, тут лутф жоми била саҳбойи сабуҳ,  
То етушгай кўнглума қайфияти файзи футух.

Нашъаи майдин мени маҳмур жон топсам, нетонг,  
Ким эрур «иълол» фанни бирла асли роҳ-руҳ.

Муғбача, тут согари тавбашиканким, маст ўлуб,  
Тавба айлай, тавба қилмоқдик анингдекким Насуҳ.

Сарбасар бўлмиш бу юлғон парлар ўрнидек тўшук,  
Баски пайконинг тани бўстонима солмиш журуҳ.

Мунқатеъ бўл, бўлма қўп саргаштаи тиҳи амал,  
Йўқса топмассен раҳи мақсад, ўтуб юз умри Нуҳ.

Ишқ асроринки, Мажнун айлади муъжиз баён,  
Нўги мижгон бирла сабт айлар анга Мунис шуруҳ.

\* \* \*

Юзинг ҳажрида кун эрмас буқим равшан бўлур ҳар  
субҳ,  
Тутошқон ўтдуур чекканда оҳи дардпарвар субҳ.

Дамидин не учун зоҳир бўлур эъжози Руҳуллоҳ,  
Шараф топмаса лаълинг хандаси тақлидидин гар субҳ.

Жамолин партави таъсири ашкимни қурутди, ваҳ,  
Ки шабнам гавҳариға бордуур оғат саросар субҳ.

Ҳамоноким юзунг меҳрига бўлмиш ошиқи содиқ.  
Бўлуб ранги сариг ҳар тун яҳосин чок айлар субҳ.

Ўчар васфингни қилсам ҳурвашлар чеҳрасидин ранг,  
Ўчар шамъ ул замонким, даҳрни қилгай мунаввар  
субҳ.

Кўнгул то бўлди ишқ ила юзунг меҳри хаёлидин,  
Тажаллизой эрур андоқки, кунга келди мазҳар субҳ.

Юз узра кўргали ошуфта зулфинг сунбулин, эй шўх,  
Фамим шомига равшан айламас бу чархи ахзар субҳ.

Нетонг гар рўзгорим тийра деб қилсам шикоятлар,  
Ки ҳижрон оламида шом ила келди баробар субҳ.

Хумори ранжидин, эй чарх, гофил ўлмагил зинҳор,  
Кун олтун жомидин ҳам гар сабуҳи береса согар субҳ.

Муассирдур фифону нола эй Мунис, фифон қилким,  
Қилур гул атридин булбул димогини муаттар субҳ.

\* \* \*

Жон бағишлар чогда ўлғанларға, эй шўхи малиҳ  
Хуш баёнлиғ оламиға келмамиш сендек фасиҳ.

Ўлтуурурда элни ғамзанг айласа юз фитна фони,  
Кўргузур жонбахшиликда лаълинг эъжози сариҳ.

Шуълаи оҳимниким гардун фалакка еткуурур,  
Шамъ этар они ибодатгоҳида ҳар тун Масиҳ.

Сарв ила гулни санга ўхшатмоқ ўлмаским, эрур  
Қоматинг асру рашиқу оразинг беҳад сабиҳ.

Лаънат ул шоирғаким, ҳирсу тамаъ таҳрикидин  
Кўргузур ҳар сифлау нокасга изҳори мадиҳ...

Шуҳрати жовид топсун десанг, эй Мунис, сўзим  
Нуктаи тамкин била жойида ҳам бўлсун сахиҳ.

\* \* \*

Кўз ёрутдим то жамолинг шамъидин, эй рашки моҳ,  
Ҳар кеча парвонадек ўртармен ўзни тортиб оҳ.

Кирмамиш ҳам кўчаи ишқ ичра мен янглиғ киши,  
Келмамиш ҳам кишвари ҳусн ичра сендеқ подшоҳ.

Ваҳ, нечук ойина эркондур мусаффо оразинг,  
Ким нишаст этмак анга мумкин эмас гарди нигоҳ.

Тоза-тоза қил муқайяд, эй пари, эл кўнглини,  
Ҳалқа-ҳалқа анбарин зулфингни очфил гоҳ-гоҳ.

Хурдабинлар кўп тараддуд қилди оғзингдин нишон,  
Чунки маълум эрди охир салб бўлди иштибоҳ.

Ҳусн мулки шаҳлари киймиш эди тожи гуурур,  
Сен зуҳур этгач алар енгилдилар, эй кажкулоҳ.

Не ажаб куйса вужудим ишқ ўтидинким, эрур  
Бу бири барқи жаҳонсўз, ул бири ожиз гиёҳ.

Баъзи эл дер дилбаримиздин вафо кўрдик, ани  
Бовар этмон гар тонуқлик берсалар юз минг гувоҳ...

Раҳм қил Мунисга бори даҳр эли ҳолин кўруб,  
Ким мунинг жонкоҳ оҳидин алар бордур табоҳ.

## МУСТАЗОДЛАР

\* \* \*

Ишқинг ўтидин ўртанадур жони низорим,  
ул навъки машъал,  
Хокистар ўлуб елга борур гарди ғуборим,  
жисмим бўлубон ҳал.

Бошингдин агар эврулубсон ўпса аёқинг  
кўнглумга ажаб йўқ,  
Бу мартабага еткурадур они нигорим,  
гисуий мусалсал.

Дард аҳли чекар ҳар неча ожизроқ ўлуб оҳ,  
таъсири фузундур,  
Согинма агар паст эса нолау зорим,  
зинҳорки асҳал.

Эй шўх, мени солма иноят назаридин,  
ҳар ҳол ила бўлсам,  
Сен-сен менинг уммидиму мақсадиму ёрим,  
ҳам сўнгра, ҳам аввал.

Лаълинг майи бирла мени саршори ҳаёт эт,  
хайвон суйи янглиғ,  
Ким жонима қасд айлабон андуҳи хуморим,  
қилди мени маҳтал.

Луълуи хушоб ўлди тишинг васфини қилгоч,  
ҳар нуктаки сурдум,

Ҳай, ҳай на бало яхши хаёл ўлди шиорим,  
ҳар фикрдин афзал.

Ҳар ён югуруб дашт уза саргашталик этсам,  
манъ айлама зинҳор,  
Ким келди ғаминг олғали орому қарорим,  
бир ояти мунзал.

Эрдим гули васлинг била шод ўйлаки булбул,  
ҳажр айлади маҳзун,  
Эйвой, хазон мавсимига фасли баҳорим,  
чарх этти мубаддал!

Не ўт эди ҳуснингдаки, кул бўлди саросар,  
бўлғон анга нозир,  
Қайси кўнгул эркан анга, эй шуъла узорим,  
бўлгуси сижанжал?

Беҳудадурур сарзаниш этмак менга Мунис,  
расволиг ишидин,  
Одоби муҳаббатда агар кетмаса орим,  
бўлгаймуман акмал?

\* \* \*

Ой юзунг ҳажрида ҳар тун қилиб оҳим шарари  
авжи гардунға сууд,  
Ёқадур анжуму ой шамъини онинг асари,  
чархни бил анга дуд.

Кунга боққан киби ҳуснинг ламаотига мудом,  
маҳв ўлуб тийра қолур,  
Чун жамолингға топар аҳли муҳаббат назари,  
шарафу иззу вуруд.

Ҳусн мулкида сенинг манзилатинг ўйладуур,  
ки қилурлар зоҳир  
Ҳараму дайрга гар тушса хаёлинг гузари  
мўъмину габр сужуд.

Бўлмайин йўқ киши сирри даҳанинг англамади,  
қуввату саъй илаким,  
Элтмак мумкин эмас роҳи адам рамзи сари,  
қилмайин тарки вужуд.

Истай-истай бару бум ичра сани телба кўнгул,  
тутмам орому қарор,  
Ўзи ҳам итти анингдекки топилмас хабари,  
буд эрур ё нобуд.

Ситаминг шиддати кўнглум ғамини тез қилур,  
ўтни гўгирид киби,

Лутф ила айлабон ул дағдағадин они барি,  
нетти қилсанг хушнуд.

Мунис ғамзадаю саргашта әрур шому сахар,  
топмайиң базми суур,  
Бу сифат доим они күчаи ғам дарбадари,  
қўйма, ё ҳайи вадуд!

## **МУХАММАСЛАР**

### **НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС**

Бу кеча саҳни гулистанда бизинг жононадур,  
Илкида жому суроҳий, шеваси мастанадур,  
Бода тобидин юзи ҳар лаҳза гул-гул ёнадур,  
Шуълаи рухсориға кўнглум қуши айлонадур,  
Тонг эмас гул шамъига булбул агар парвонадур.

Телба кўнглум ғорат айлар юз туман ранжу ано,  
Мояи ақлимни илгимдин олиб дарду бало,  
Мухтасар буқим, мени гар кўрсалар ҳижрон аро,  
Йиглар аҳволимға ҳам бегонаю ҳам ошно,  
То улусга ошно ул ой менга бегонадур.

Кечалар анжум тўкуб ўздин кетар ҳар субҳ чарх,  
Юзга мотам тирногидин хат битар ҳар субҳ чарх,  
Баски ғамдин ўзга ҳолатга етар ҳар субҳ чарх,  
Булғониб кулга ёқосин чок этар ҳар субҳ чарх,  
Бир қуёш ишқида гўё мен киби девонадур.

Чашми ағёр узра солгоч нақш аниг рахши суми,  
Неш урар кўнглум аро ҳар сори гайрат гаждуми,  
Айлагон чоғда талотумлар сиришким қулзуми,  
Кирпик узра қатраларким томди бу кўз мардуми,  
Мазрай дард ичра гўё бу экин, ул донадур.

Баски мен муҳлиқ хумор ичра бўлубмен музмаҳил,  
Жон, чекиб дайрингга ўзни етқурубмен, англагил,  
Эмди ҳолимға менинг айлаб тараҳҳум муттасил,

Соқиё, даврои эли паймонидин ёд этмагил,  
Давр аёғин тутки, матлубим бу дам паймонадур.

Ишқ даъвосида бир қилғон кўнгул бирла тилин,  
Айлади маъшуқ кўйида муҳайё манзилин,  
Ақлдин бегона билгил даҳри дуннинг мойилин,  
Эрмас ул фарзонаким тарк этти дунё ҳосилин,  
Балки ҳосил қилғоли майл этмаган фарзонадур.

Токи солди Муниси бечора кўнглига яро,  
Новаки мижгони бирла ул кўзу қоши қаро.  
Зоҳир ўлғон ҳолатимни бир-бир этсам можаро,  
Эй Навоий, ўйла воқеъ достоним ишқ аро.  
Ким бу дам Фарҳоду Мажнун қиссаси афсонадур.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Фироқ даштини чарх этти то диёр манга,  
Эрур висолинга иш чекмак интизор манга  
Ҳамиша саъю тараддуд бўлуб шиор манга,  
Агарчи йўқ талабингда Dame қарор манга.  
Иродат эмғагидур бу, на ихтиёр манга.

Фалакдин ошурубон оҳим ўтининг тутунин,  
Кўнгулга тушти тутун топмайин висол кунин,  
Рақиб инонмади арз айладим кўнгул тугунин,  
На билсун ул кишиким, кўрмамиш фироқ тунин,  
Ки не сифат кечадур тийра рўзгор манга.

Кўруб ҳамиша зарар ақлим истаган ишдин,  
Бошимга ёғди ғам изҳори фазлу бинишдин,  
Билибман эмдики чиқмон бу коҳищдин,  
Қочиб адамга борай ақлу фаҳму донишдин,  
Ватан борида бу ёт эл аро не бор манга.

Фироқ дарди қилиб зўр ҳам туну ҳам кун,  
Жафо қиличи била қўймади танимни бутун,  
Дедимки, сабр қилай топмади бу чора ўрун,  
Буюрмагил яна сабр, эй табиб, тенгри учун,  
Ки ушбу шарбат эмас асрү созкор манга.

Бориб хироми ғами бирла донишу фарҳанг,  
Букулди қад чекибон заъф ул сифатким чанг,  
Васият элга қилур бўйла Муниси дилтанг,  
Навоийдек қадидин қилсан ўлгали оҳанг  
Бийик мақом топиб ясангиз мазор манга.

## НАВОИЙ ГАЗАЛИГА МУХАММАС

Ширин сухан Лайливашим вақтики қоҳир бўлгуси,  
Тифи сиёsat тортибон қатлимға ҳозир бўлгуси,  
Тан чиркидин жоним менинг ул лаҳза тоҳир бўлгуси,  
Ишқ аҳли гўристонида қабрим чу зоҳир бўлгуси,  
Фарҳод анинг тошин йўнуб, Мажнун мужовир бўлгуси.

Фаттон кўзунг мардумлари хунхора икки жодудур,  
Меҳри жамолинг оллида хуршеди рахшон кўзгудур,  
Қилсам анга наззоре мен зорға бу қайғудур,  
Дерсен юзум сори кўзунг кўп боқмасун гар юз будур,  
Ул меҳр тобидин эриб оқғунча нозир бўлгуси.

Коғир кўзунгнинг хизматин ихлос ила қилмиш ажал,  
Ханжар миҷангдин айлабон эл бағрини тилмиш ажал,  
Қотиллиғингни, эй пари пайкар, магар билмиш ажал,  
Ғамзангдин ўлтурмак ишин таълим ола келмиш ажал,  
Бу навъ устод ўлса, ул оз чогда моҳир бўлгуси.

То гайр ила мажлис тутуб майл этти ул маҳ жомға.  
Ҳар кеча оҳим ўт солур гардуни нофаржомға,  
Ҳамкешлик қилмай даме мен зори беоромға,  
Ул ғамза куфридин кўнгул навъе келур исломға,  
Ким тарки ислом айлабон гўёки коғир бўлгуси.

Бордур манга золим ики: гардун бири, дилбар бири,  
Ашқим била оҳим эрур Жайҳун бири, сарсар бири,  
Беҳад ғамим бор ўлса сабт ўлғуси минг дафтари бири,

Кўнглумдаги ҳар нешдин гар бўлса бир тил ҳар бири,  
Юз тил била ўз ҳолининг шарҳида қосир бўлғуси.

Дилдор васлин истасанг ўздин аносир дафъин эт,  
Бору йўқин таркин тутуб, пинҳону зоҳир дафъин эт,  
Ҳар ишки мақсад нурига бўлғуси сотир дафъин эт,  
Хотирни жамъ истар эсанг аввал хавотир дафъин эт,  
Кимда хавотир бўлмаса осуда хотир бўлғуси.

Хусн ичра ақл айлаб санга Канъон шаҳи ташбиҳини,  
Кўнглум қилиб рухсоринга гардун маҳи ташбиҳини,  
Кўюнга Мунис равзанинг айлаб гаҳи ташбеҳини,  
Қилди Навоий қаддинга сарви сахи ташбиҳини,  
Бу табъи номавзун ила бечора шоир бўлғуси.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Баҳоросо жамолидин гул очмоқ иктисоб айлаб,  
Мусалсал зулфини сунбул киби пур печутоб айлаб,  
Тутуб расми жафо таркин вафони иртиқоб айлаб,  
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул юза хайдин гулоб айлаб.

Етушти бошим узра юздин олиб бурқаъ ул дилбар,  
Кийиб түн нилгун атласдин андоқким маҳи ховар,  
Қилиб айёрваш азми била афлокни музтар,  
Чекиб мижгони шабравлар киби жон қасдига ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Эшикдин меҳрдек юз бирла чун кулбам аро кирди,  
Адаб домонига такрор иззат дурларин терди,  
Юзидин фаҳм қилдим шафқат осори аён эрди,  
Келиб ўлтурдиди-ю илгим чекиб ёнига ср берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

На дурларким, аларга жони маҳзуним эди маҳзан,  
Бўлуб ҳар бирисидин бенаво кўнглум кўзи равшан,  
Деди мундоқ гуҳар афшонлиғ асносида ул пур фан,  
«Ки эй зору балокаш ошиқим, менсиз нечукдурсан?»  
Мен ўлдум гунгу лол, айтотмайин майли жавоб айлаб.

Менинг чун булбули маҳзун киби лол ўлғоним билди,  
Табассум воҳир айлаб гунича янглиғ гул-гул очилди,  
Қўлин қўйнига солди-ю қопшимга рўбарў келди,  
Чиқарди шишаи май доғи бир согар тўла қуиди.  
Ичиб тутти менга юз навъ ноз осо итоб айлаб,

Деди: к-эй телба токай лол ўлуб ёш тўккасен кўздин,  
Ичиб бу майни де ҳолинг ҳижобин рафъ этиб юздин,  
Мен они илгидин олиб бўлуб хушҳол бу сўздин,  
Ичиб фарёд этиб тушдум аёқига бориб ўздин,  
Мени йўқ бодаким, лутфи ани масти хароб айлаб.

Бўлуб Мунис мұяссар ёр ила бир срда ўлтурмоқ,  
Навозишлар кўруб комин топиб ҳар лаҳза афзуноқ,  
Ичиб согар аёқига тушуб ул навъким туфроқ,  
Ониким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

## НАВОИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

То ғами ишқ бўлубтур ромим,  
Зуҳд кўйига эмас эҳромим,  
Риндлик бирла кечар айёмим,  
Май учун дайрдадур оромим,  
Дайрнинг эски сафоли жомим.

Мангадур дайр жинондин беҳтар,  
Ҳурдин согаркаши сийминбар,  
Англарам майнни шароби кавсар,  
Дайр пири қўлидин бир согар —  
Ким етар, умрдин улдур комим.

Бода раҳни бўлуб асбобу яроқ,  
Кафшу дастору ридо бирла нитоқ,  
Турфа шўридамен аҳволима боқ,  
Яқо чоку яланғоч бошдин-оёқ,  
Булъажаб ҳол, ила субҳу шомим.

Дам-бадам кося тутуб соқийи шанг,  
Ман қилиб нўши шароби гул ранг.  
Маст ўлуб елга бориб ном ила нанг,  
Ўйнатиб муғбачалар маству маланг,  
Куфр помоли бўлуб исломим.

Ақлу идрокима мандин рам ўлуб,  
Куфрим ортиб ғами диним кам ўлуб,  
Дайр аро масхараи олам ўлуб,

Жоми расволиғ ила ҳар дам ўлуб,  
Оlam аҳлиға салойи омим.

Дайр пири менга лутф айлаб хос,  
Мен қўюб ерга жабини ихлос,  
Гоҳ йиглаб, бўлубон гаҳ раққос,  
Менмен ўзлук юкидин эмди халос,  
Негаким қолмади нангу номим.

Сотмангиз зуҳду вараъ ғайрға деб,  
Мунисосо юз урунг хайрға деб,  
Келингиз дайр сори сайрға деб,  
Эй Навоий, кирингиз дайрға деб,  
Тақво аҳлиға етур пайғомим.

### **НАВОИЙ ГАЗЛИГА МУХАММАС**

Субҳқим, дайр аро тутдим ором,  
Муғбача берди шароби гулфом,  
Мен ичиб нашъасидин топғоч ком,  
Бодадин жон иси касб этти машом,  
Гүйё лаълиға етмиш эди жом.

Кўруб ул ой бу ҳазин ахторишин,  
Топғоч оллида туруб ёлборишин,  
Қўймади борғали йўл бошқоришин,  
Кўрмаган Хизр суйининг боришин,  
Келу кўр оби ҳаётимга хиром.

Дилбарим юзи агар тун очилур,  
Ҳусни маҳтоби жаҳонға ёйилур,  
Они кўргон нечук эрконни билур,  
Тўлун ойни недин эл васф қилур,  
Ки мушобиҳдурур ул юзга тамом.

Келибон бори гарон бошима қўй,  
Миннати жумла жаҳон бошима қўй,  
Гарддин тожи каён бошима қўй,  
Қадам, эй руҳи равон бошима қўй,  
Негаким, руҳ бийик топти мақом.

Дилбарингким, ангадур жон аро ер,  
Тиши таърифида, Мунис, дур тер,  
Лаби зикрида улусға жон бер,  
Оғзи васфида Навоий сўз дер,  
Мухтасар чунки эрур хайр калом.

### ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Фалак шабгун кўнгул дудин намоён этдигумданур,  
Замин гулзор қон ёшим гулафшон этдигумданур,  
Жаҳонда шўри расвониг фаровон этдигумданур,  
Паришон халқи олам оҳу афғон этдигумданур.  
Паришон ўлдуғум халқи паришон этдигумданур.

Саропо ақли худройим гирифтори жунун ўлмог,  
Дамодам чашми гирёним сиришки лолагун ўлмог,  
Дили маҳзуним андуҳ ичра ҳар соат забун ўлмог,  
Тани зоримда дарди ишқ кун-кундин фузун ўлмог,  
Тани бедарда тадбир ила дармон этдигумданур.

Етуб гар ҳолате ошиқ дўгар ёш ё эдар нола,  
Сабаб таъсири файзи маъшуқ ўла ул ҳола,  
Эшит бурҳоними тасдиқинг ўлмазса бу ақвона,  
Кўзимким бағриминг қонин дўкар паргола-паргола,  
Дамодам орзуий лаъли жонон этдигумданур.

Ҳачан афсус эдардим сиррими пўшида қилсайдим,  
Ҳачан ҳасрат чекардим зоҳиран гул-гул очилсайдим,  
Ҳачан заҳмат кўраддим даъвати орома келсайдим,  
Ҳачан расво ўлурдим қон ютуб сабр эда билсайдим,  
Маломат чекдигим беҳуда афғон этдигумданур.

Жунун водилариға Хизри узлат гўстара оҳим,  
На ҳамроҳим ўлуб Мунис киби ҳамрозу дилҳоҳим,  
На бир одам кўруб ашким эшитур нолау оҳим,  
Фузулий, ихтилоти мардуми оламдин икроҳим,  
Паривашлар хаёлин муниси жон этдигумдантир.

ФУЗУЛИЙ ҒАЗАЛИГА МУХАММДС

Мубаддал гаҳ ўлур васла муҳаббат аҳли ҳижрони,  
Бўлур гаҳ жамъият ушшоқнинг ҳоли паришони,  
Иложи зоҳир ўлур киминг ўлса доғи пинҳони,  
На мушкил дард ўлурса бўлунур оламда дармони,  
На мушкил дарддир, ишқингки, дармон айламак ўлмаз,

Ғами ҳижрон дуурү ушшоқа бир шиддатлу меңнатким,  
Анинг дафъина тадбир айламак ким, аҳли ҳиқмат  
ким?!

Висола етмадин ўлмак ила бўлди саломатким,  
Фано мулкина чўх азм этма, эй дил, чекма заҳматким,  
Бу тадбир ила дафъи дарди хижрон айламак ўлмаз.

Кўнгул оғзинг уза лаълинг ўпар завқина мойилдир,  
Дилар бир амри мавҳуми-ю билмамким, на қотилдир,  
Кўзингким манъ идиб тиги ғазаб-ла, ваҳ, на қотилдир,  
Даҳонинг узра лаълинг истамиш дил дафъи мушкил-  
дир,  
Гўрунмас хен журми йўқ ера кон айламак ўлмаз.

Сўзингдур заҳри қотил, ишқ әлин ўлтурма, эй носиҳ,  
Насиҳатдин аламлар жонима еткурма, эй носиҳ,  
Дема ваъзу паришон хотирим синдурма, эй носиҳ,  
Соҳин кўнглум йихарсан, панддин дам урмадам, эй носиҳ,  
Ҳавойи нафс ила бир мулки вайрон айламак ўлмаз.

Фигонким, ул сиҳи қад ёр келмак ихтиёр этмаз,  
Қадам бошим уза қўймаз, тани хоким губор этмаз,  
Бу шафқатлар била ман зори соҳиб эътибор этмаз,  
Дуолар айларам бандин нега бир дам гузор этмаз  
Не чора сеҳр ила сарви хиромон айламак ўлмаз.

Эрур Мунис кими ўлмоғ фано ишқ ичра мустаҳсан,  
Вужудинг шамътак ёндириладин ўлмаз кўнгул равшан,  
Дагил сен рост ошиқ дутмаз эсанг тарки жону тан,  
Фузулий, олами қайд ичра сен дам урмадам ишқиндан,  
Камоли жаҳл ила даъвийи ирфон айламак ўлмаз.

## АНДАЛИВ ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Эй сарв киби қадди камолинг на бало хўб,  
Эй гунчай лаълинг уза болинг на бало хўб,  
Эй Исои жонбахш маҳолинг на бало хўб,  
Эй рашки пари меҳри жамолинг на бало хўб,  
Эй нилуфариdek қўша холинг на бало хўб.

То зулфинга пайванд бўлуб риштаи имон,  
Кофирилиғ этибдур неча юз хайли мусулмон,  
Бу зулмати куфр ичра қадинг соридин, эй жон,  
Фикрингда бўлуб кўзларима жилва намоён,  
Ҳар соату ҳар лаҳза хаёлинг на бало хўб.

Кўргач карамингдин ўлук ишқ аҳли нажотин,  
Олуда қилиб ҳижлат ила шарму уётин,  
Тарқ айлади Исо шарафи анфоси сифотин  
Лаълинг ғамидин ташлади Хизр оби ҳаётин,  
Кавсар сувидек соф зулолинг на бало хўб.

Ғамзангдин эрур даҳр эли саргашта қуюндеқ,  
Лаълинг уза хаттинг чиқиб ўт узра тутундек,  
Ҳар ёнда ики кокилинг аммо ики тундек,  
Эй ҳур юзунгнинг бири ой, бириси кундек,  
Бу ою қўёш узра ҳилолинг на бало хўб.

Чоҳи зақанинг кўнглумадур маскани хўби,  
Ҳам қошу кўзу юзу лабинг махзани хўби,  
Ҳам жилваи рафторинг эрур хирмани хўби,  
Бошдин-оёқингдур очилон гулшани хўби,  
Сар то қадами тоза ниҳолинг на бало хўб.

Мажнундек ўлуб дашти фироқ ичра паришон,  
Фарҳод киби доги алам тоғида нолон,  
Етган чоги васлингга уруб кўксума мужгон,  
Ўлтурса кўзунг, икки лабинг лек берур жон,  
Жонбахшлиғинг хўб, қитолинг на бало хўб.

Даҳр ичра бирор сен киби олийнасаб эрмас,  
Ҳар бебасар авсофини демак адаб эрмас,  
Мунисфа йўлунгда юрумак бесабаб эрмас,  
Боқсам юзунга Андалибосо ажаб эрмас,  
Фурқатзада бўлғонга висолинг на бало хўб.

## МУСАДДАСЛАР

\* \* \*

Не хуш жонон эуресенким, жаҳон ишқинг харобидур,  
Паривашлар боши маснадгаҳинг хоки жинонидур,  
Юзунгда равзаи ризвон гулининг обутобидур,  
Жамолингдин қуёшу ойга заррот изтиробидур,  
Демон хуршеди рухсорин кўруб чарх офтобидур  
Фалак илгига олғон бир варақ ҳуснинг китобидур.

Очиб кўнглум тўшуклар ҳар тараф ҳижрон хадангидин,  
Топиб тори нишоти захмалар андуҳ чангидин,  
Тузуб ҳар лаҳза оҳангি фифон аҳволи тангидин,  
Ҳазин нолишлар айлаб рост оҳи бедарангидин,  
Наволар соз этиб фориг эмас ушшоқ чангидин,  
Бу қонун бирла кўнглум маҳфили шавқинг рубобидур.

Кўнгулни панди бетаъсир бирла банд этиб бўлмас,  
Жунун аҳлин дами дилгир бирла банд этиб бўлмас,  
Фаминг шўридасин тадбир бирла банд этиб бўлмас,  
Асиринг ҳийлау тазвир бирла банд этиб бўлмас,  
Гирифторингни бу занжир бирла банд этиб бўлмас,  
Вале тадбири ройинг ҳалқаи зулфинг танобидур.

Фироқинг ичра ғам зулмотидин бир дам эмон эмин,  
Кўярарда тийра ҳолим ўртандурлар кофиру мўъмин,  
Бу зулмат ичра меҳнат кунжида ҳар тун бўлуб сокин,  
Тилармен оразингни кулбам ичра жилвагар, лекин  
Жамолинг офтобига назар қилмоқ эмас мумкин,  
Ки чун хуршед рухсор очса ўз нури ниқобидур.

Гаминг саҳросида то бўлмишам мажнунни саргардон,  
Фироқингдин ичимга тушмиш андоқ оташи сўзон,  
Ки они бир нафас имкон эмастур асрамоқ пинҳон,  
Чекармен бу жиҳатдин ўтлуг оҳу шуълалиғ афғон,  
Борур ҳижрон туни чарх узра оҳим учқуни ҳарён,  
Ани эл фаҳм этарким, барқ, ё кўкнинг шиҳобидур.

\* \* \*

Санга ул замонким эдим ошно,  
Манга ваъда айлар эдинг борҳо,  
Ки бегоналиғ зоҳир этмон санго,  
Не бўлди ҳолимга боқмай қиё,  
Бу дам қилгонингча қилурсен жафо,  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Шабу рўз базмимға келмиш эдинг,  
Менинг ҳар не ҳолимни билмиш эдинг,  
Қилиб шод гул-гул очилмиш эдинг,  
Фидо бўлганим кўзга илмиш эдинг,  
Вафодин басе ваъда қилмиш эдинг,  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Бурун дўстлиғдин қилиб ваъда фош,  
Менинг бирла бир ерда туздинг маопи.  
Бўлиб бу замон душмани дилхарош,  
Бошимға урарсен ғазаб бирла тош,  
Асар қилмас эмди санга оҳу ёш  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Рақибим била бода нўш айладинг,  
Қилиб аиш ҳар дам хурӯш айладинг,  
Алар ҳарна сўз деса гўш айладинг,  
Манга ваъдани пардапӯш айладинг,  
Дегач ҳолим ўзни хомуш айладинг,  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Ёқиб тани андоқки машъал манга,  
Жафо расмин этдинг муфассал манга,  
Етар ҳар дам андуҳи ақмал манга,  
Фигонким, эмас мушкиле ҳал манга,  
Булар эрдиму ваъданг аввал манга?!  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Ваъда айлаб унутдинг доғи,  
Тариқи жафо азми тутдинг доғи,  
Муҳаббат русумидин ўтдинг доғи,  
Кўнгул сұҳбатимдин совутдинг доғи,  
Муродим ниҳолин қурутдинг доғи,  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Вафо ваъдасин ошкор айладинг,  
Ҳазин кўнглум андин шикор айладинг,  
Яна бевафолиғ шиор айладинг,  
Жафо расмини ихтиёр айладинг,  
Мени кўргач охир фирор айладинг.  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Эдим ваъдау лутфдин комёб,  
Топиб ўзни ҳар лаҳза ишратмаоб.  
Чу етдим ҳузурингга қилдинг итоб,  
Десам ҳар неча эмди ҳоли хароб,  
Мингдин бирига эшитмон жавоб,  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

Нигоро, бўлуб Муниси меҳрибон,  
Жафо бирла кўп қилма бағримни қон,  
Неким ваъда қилдинг вафо қил аён,  
Неча топмайин марҳаматдин нишон,  
Бу мазмунга токай бўлай таржимон,  
Қани айлаган ваъданг, эй бевафо?

## ҚАСИДАЛАР

### БАҲОР

Муждаки, оҳуий меҳр ҳутдин айлаб гузар,  
Қилди ҳамал даштининг гулшани сабзин мақар.  
Фавжи тароват келиб қилди сафөройлик,  
Хайли бурудат бўлуб қойили «айнал-мафар».<sup>1</sup>  
Кундуз ўлуб мустазод мисраи тадриж ила,  
Тун газали вазнидин кам-кам ўлуб муҳтасар.  
Ҳар неки найсон сочиб домани эҳсонидин,  
Базли фуюзотига шомил ўлуб баҳру бар.  
Баъзи матарким нузул айлади дарё уза,  
Нутфадек ўлди садаф парваришидин гуҳар.  
Қайси гуҳарким, эрур ақл кўзи равшани,  
Тожи салотин топиб нисбатидин зебу фар.  
Ҳар неча эмторким тушти қуруғлуг аро,  
Дона кўкарди, ёғоч сабз бўлуб сарбасар.  
Қилди насими баҳор субҳ қиби чоки жайб,  
Гунача ниҳон сиррига ҳар дам ўлуб пардадар.  
Булбули ошуфтани айлади ошуфтароқ  
Гуллар ўлуб оташин чеҳра била жилвагар.  
Сунбулурайхон иси очти димоги чаман,  
Андин ўлуб мунфаил нофа била мушки тар.  
Хўблар оғзи уза хол ила хатдек бўлуб,  
Чашмалар атрофида сабза била нилуфар.  
Тоғу биёбон аро бўлди чаман ошкор,  
Равза гулистонидин ер юзи берди хабар.  
Лаълу зумуррад териб сабзау гул боғ аро,  
Минтақаи ҷархдек қилди мурассаъ камар.

<sup>1</sup> Айнал-мафар — қочиш жойи қаерда, қаёққа қочамиш.

Қўйди табойиъ сори юз тараби тозарў,  
Бўлди замойир аро рафъи гами кўҳна сар.  
Сарв уза қумри солиб бўйнига тавқи нишот,  
Гул уза бўлбул чекиб чаҳ-чаҳи ишратасар.  
Моҳ жабинлар тутуб гўшаи гулшанда базм,  
Бода қуёшдек юруб, давр қилиб жоми зар.  
Васл аро ушпоққа етти масаррат, топиб  
Ҳусн тамошосидин нашъаи файзи назар.  
Топти раҳои жунун ҳалқаи занжиридин,  
Телба кўнгуллар солиб олам аро шўру шар.  
Борча ичиб нўши айш согари наврўздин,  
Нашъаи завқи тараб қилдилар афзун магар.  
Менки фалак гардиши согаридин нўш этиб,  
Бодаи ёқут ранг ўринига хуни жигар.  
Ходиса афвоҗининг асрү лагадкўвидин,  
Жамятим кишвари бор эди зеру забар.  
Жон аро ҳасрат ўти ўйла забона чекиб,  
Ҳар шарари ҳирқати тарҳ қилиб бир сақар.  
Ашки малолат оқиб дийдаи хунбордин,  
Ер юзи баҳри бўлуб нашъасидин ҳар матар.  
Ўйла кўнгул оҳлар шиддат ароким чекиб,  
Елга варақдек бориб бу фалаки кинавар.  
Бошима туфроқ сочиб кулфат илиги била,  
Гард аро бўлмай падид хаста танимдин асар...

## ИЙД

Чун ёшурди шоҳиди хуршед раҳшон талъатин,  
Кўк ҳилоли ийдин кўргузди қоши ҳайъатин.  
Ё битибдур ийд айни ҳалқасини мунфаил,  
Сабт этар чогда Аторид ийднинг таҳниятин.  
Ё малойик рўза аҳлидек ибодат қилғали,  
Чекдилар гардун уза меҳроби тоат суратин.  
Ё намоз ичра рукут айларда зоҳир ажз ила,  
Бори тоат ҳам қилибдур рўза аҳли қоматин.  
Ё нишот аҳли тутарда равзан шаҳри сиём,  
Нисфи синмай қолди синдургонда жоми ишратин.  
Ё саманди шўх жавлон наълининг нақши эрур,  
Шаҳсуворим сайр этарда ийдгаҳ ноҳияти...  
Бу сифат тардид аро қолди хаёли мудрика,  
То камоҳий англагунча моҳи нав ҳаққияти.  
Сўнгра андин англабон бир-бир тўқуз гардун уза,  
Сайри ҳисси босира тортиб ливоий нузҳатин.  
Сабъаи сайёрани айлаб тамошо, кўргузуб  
Ҳам савобит жилвагоҳига ружуи рағбатин.  
Ҳар биридин ўзгача ҳосил қилиб кому мурод,  
Фош этиб олам гулистонига андин ражъатин.  
Бу гулистон ичра элга фатҳ ўлуб боби тараб,  
Мунзавийлар синдурууб очти тилисми узлатин.  
Ийд асбобин муҳайё қилдилар ҳар хосу ом,  
Айлогоч ташхис нозирлар янги ой рояти.  
Қилдилар ҳар соат ишрат аҳли оҳангига нишот,  
Айлабон ороста ҳусн аҳли бирла суҳбатин.  
Шаҳр бўлди гулшану саҳро юзи ҳам лолазор,  
Баски ийд аҳли муҳайё қилди мажлис зийнатин.

Юзланиб ҳар лаҳза шоирларга файзи инбисот,  
Тоза қилди ҳар бири бир назм бирла фикратин.  
Мен доғи ул жумладек филжумла табъим очилиб,  
Гулшани фикримда кўргуздим Эрам хосиятин.  
Журъате айлаб Навоийга татаббувъ айладим,  
Сафҳа узра хома сурдим истаб онинг ҳимматин.  
Матлае қилдим хаёл ул навъким фикр айлаган  
Фаҳм қилгуси назокат ичра онинг диққатин.

Эй қошинг меҳроби тарҳ айлаб янги ой ҳайъатин,  
Вақф анга қилмиш малойик хайли нақди тоатим.  
Чун бу матлаъ фикрига топти хаёлим ихтисос.  
Кўнглума солди ҳавас бу навъ даъвий нахватин.  
Ким киши бўлгаймуким, деса бу матлаъга жавоб,  
Кўргузуб арзи балофат ичра табъи ҳиддатин.  
Бу хаёл ичра эдим ногаҳ Аторид хандазан  
Байтуләҳзонумга еткурди қудуми нузҳатин  
Турдиму арз айладим матлаъниу даъвими ҳам,  
Истимоъ этгач бу янглиғ чекти маъни суратин:  
«Ким кўнгул гулзоридин хошоки нахватни орит,  
Кўпдурур оламда сайр этган маъони жаннатин...»

## ЭРУР ЧАРХ БЕРАҲМ

Эрур чарх бир турфа беражму қотил,  
Ки осмиш қилич моҳи навдин ҳамоил.  
Шафақ демаким, меҳр қони тўкулмиш—  
Кўмар чогда ерга қилиб ним бисмил.  
Бу мотамда кундуз юзин айлабон зард,  
Анга тундин этмиш қаро кийз саробил,  
Кавокиб дема, тун шабистони ичра,  
Жафо шуъласидин ёқибдур машоил.  
Анга зулми етмас яқо чокига субҳ,  
Очар нега тун панжасидин anomил.  
Тўкар не учун абр ашки фаровон,  
Чекар не учун раъд фарёди ҳойил.  
Анинг оллида илмдин жаҳл хушроқ,  
Анинг оллида ҳақдин ортуқси ботил.  
Сатарвин вафо бирла меҳр айламакдин.  
Вале кинаву фитна ҳамлиға ҳомил.  
Ангаким берур давлату иззу иқбол,  
Узоқга етурмас қилур тез зойил.  
Бирор топса ёри паризодига қурб,  
Бўлур дев хайлидек ўртада ҳойил.  
Чучутса бирор комини ком нўши,  
Қуяр жоми айшиға заҳри ҳалоҳил.  
Ҳамиша улус инкисорига жоҳид,  
Ҳамиша халойиқ шикастиға шоғил.  
Хусусан кишиким эрур аҳли дониш,  
Анга зулмини айлар ортуқси шомил.  
Жафо айламакликда тақсир қилмас,  
Хирад ичра ҳар кимниким топти комил.

Мунинг бирла бас қилмайин зулму озор,  
Қилур мубталойи нифоҳе арозил.  
Улум ичра гар рифъате топса олим,  
Қилур хор, балким гирифтори жоҳил.  
Қаю ерда бўлса гуруҳи аолий  
Анинг қаҳри бирла залили асофил.  
Бўлуб назм эли дафтариdek паришон,  
Муқаффал аларға жамии мадохил.  
На шеър иртифое топадур, на шоир,  
На фазл эътиборе топадур, на фозил.  
Хусус улки бечора мадҳ боғлаб,  
Агар мунъиме базмиға бўлса дохил,  
Сила ўрниға кўргузуб юз тамасхур,  
Ани муҳзал айлар, арозилни ҳозил.  
Бу янглиғ жафосиға йўқ ҳадду ғоят,  
Замони анинг кинидин бўлма ғофил...  
Фалак шиквасиға туганмак на мумкин,  
Агар шарҳиға тортсанг хома юз йил.

## ЧАРОГИ НОЛА

Туники зулмату кулфатдин ўлди тийра нигоҳ,  
Чароги нола ёқар кулбам ичра шуълаи оҳ.  
Замона боғламиш абвоби комим андоқким,  
Кўз очсам ашк бўлур садди раҳгузори нигоҳ.  
Насибам ўлди бу боф ичра талх ком ўлмоқ,  
Ки тухми найшакар экдум, кўкарди заҳри гиёҳ.  
Нечук чиқай барру баҳри балову ғамдинким,  
Манга на пойи тараддуғ дурур, на дасти шиноҳ.  
Вужудим оҳи жаҳонсўз бирла кул бўлди,  
Ки барқ оллида ёнмай қолурму хирмани қоҳ.  
Қиём кўргузиб эрдим нағу хасоратга,  
Ки чарх айлади юз минг балони бод афзоҳ.  
Ҳусул комига дasti тасарруфим етмас,  
Зи баски қилди ани номуродлиғ кўтоҳ.  
Хунар дўйконига ҳерсам агар матои нафс  
Қилур қасод ила савдои айбжўй табоҳ.  
Аларки саъим ила қилди тезлик ҳосил,  
Йўлумда тиф чекар нечукки сангি фароҳ.  
Суҳайли парваришмидин аларки топти ранг,  
Баҳойи гавҳари қадримни қилди хоки сиёҳ.  
Ғамимға йиғлағудек йўқ кишим бағайри сиришк,  
Куярга дардим учун ғамгусор йўқ жуз оҳ.  
Санову мадҳим этар элга алсина тутулуб,  
Изову қубҳим этар элга очилиб афвоҳ.  
На ғамгусорлиғ айларга бор табъ писанд,  
На дардмандлик айларга мунису дилҳоҳ.  
Мен асири балога замона ғам едуурур,  
Нечукки ҳабс элига ёри ғамгусори равоҳ.

Жаҳон улусга беҳишти нишот ўлуб, менга вайл,  
Бу ибтилога сабаб билмадим эрур на гуноҳ.  
Хаводис ўқларини баски отти чарх менга,  
Дили низорим ўлубдур тӯла нечукки шикоҳ.  
Топилмади манга якранглик замон элидин,  
Нечукки айламишам сайри олами ашбоҳ.  
Манга на журъати сайёдлиғ бу давр ароким,  
Олур шикорини шери нар оғзидин рӯбоҳ.  
Гаҳи кўнгул киби ошуфтагардман, гаҳ зор.  
На йўллар ичра мени солди толеи гумроҳ.  
Не наевъ шикватароз ўлмайин фалак қўлидин,  
Ки дунга ком расондур, аризга жонкоҳ.  
Гаҳи мени солибон тангнойи ҳодисага.  
Нечукки айлади Юсуфни банди меҳнати чоҳ.  
Гаҳи масолиҳи дунё учун қилиб муҳтоҷ.  
Аларғаким эди номардликда ўйлаки доҳ.  
Агар нуҳусатидин чиқса ахтари баҳтим,  
Ва гар адоватидин чарх айласа икроҳ.  
Ман ул ҳарифдуурманки назм жавҳарини  
Сочарда килким очар панжай меҳр лаъл кулоҳ.  
Фалак фазосига сурсам хаёл якронин,  
Қилур тавозиима моҳи наев қадини дутоҳ.  
Ғазалларимни ўқур Зуҳра кўргузуб оҳанг,  
Тутар Аторид анга гўшу ҳуши истинқоҳ.  
Баҳори табъим очарда гули назокат ранг,  
Қилур беҳишт гулистони андин истинқоҳ...  
Ҳунар мисоли тутарлар азиз бўлса аён,  
Ишимда шойибай айбу саҳвдин ногоҳ.  
Ва лек толеи манҳуси номусоиддин,  
Эмас туур ҳунарим ҳам улусга хотирхоҳ  
Бале, замона тақозосидин ҳамиша эрур  
Фазилат аҳли асири жафойи аҳли сафоҳ.  
Ҳануз аҳли ҳунар боши узра солғон эмас,  
Зилоли роҳати жовид бу яшил хиргоҳ.  
Жаҳон сифла навозу сипеҳр дунпарвар.  
Не наевъ баҳти гаронхобима қилур инбоҳ.  
Фалакки душмани жондур, на дўстлиғ истай,  
Чаман тароватини зоҳир этмас оташгоҳ...

## ҚИТЪАЛАР

1

Улугин тутмаса азиз кичик,  
Хор бўлса улуг кичикка нетонг.  
Игна еткурди тўнга чун озор,  
Андин ўлди бошу оёғи ялонг.

2

Гарчи зоҳирда барча дўстдуур,  
Бўлма эминки, душманим йўқдуур.  
Яхши қилсанг назар жаҳон элига  
Жонингга хасм дўстинг-ўқдуур.

3

Тутма бадгў бирла суҳбатким, ёмон сўз заҳридин,  
Неши занбўри киби ҳар дам берур озорлар.  
Ким яқинроқ борса итга урмогидин инжитур,  
Балки тишлаб жисмин афгору тўнин мурдорлар.

4

Ангаким масти жоми давлатдур,  
Қон ичарда фақирлар на хабар.  
Оре уйқуға борғон англамагай,  
Үйқусизларға ҳар на бўлса агар.

Эл айби ниҳонига недур пардадар ўлмоқ,  
Ким айламак ўз айбинг эрур халқға урён.  
То айламасанг ўзгалар асрорини изҳор,  
Фаммоз демаклик сенинг отингни ие имкон.

## РУБОИЙЛАР

1

Инсондин ўзунгга ошно қилма талаб,  
Жон фарқига шамшири бало қилма талаб,  
Мақбуллиқ истасанг бўлурсен мардуд,  
Қоч жавру жафосидин, вафо қилма талаб.

2

То билди менга меҳр этар ул моҳ, рақиб,  
Оҳимга менинг бўлди сабаб оҳ, рақиб  
Ёраб, менга комимча насиб айла висол,  
Маҳжур бўлуб ўйлаки дилҳоҳ, рақиб.

3

Мунис, талаб эт камол — эрурсен чу йигит,  
Ким яхшидур этса фазл учун қайғу йигит.  
Ўқ қилғон ишин ё қила билмас ҳаргиз,  
Қарилар ила баробар ўлгайму йигит.

4

Эй ҳуснинг олиб қўнгулдин орому сабот,  
В-эй лаълинг ўлуб боиси тарвиҳи ҳаёт,  
Не бўлди етушсанг бошима Хизр киби,  
Сенсиз менгадур ҳаёти жовид мамот.

## 5

Ҳарчанд берур лаззати саршор қадаҳ,  
Юз нашъа қилиб жонга падидор қадаҳ,  
Бир дамки ичар ёр ила ағёр қадаҳ,  
Макруҳ кўрунур менга бисёр қадаҳ.

## 6

Совуқ юзунги совутма, эй зоҳиди ях,  
Ишқ аҳлиға таъна бирла кўп урма занах,  
Сўзунгни бас эт, айлама изҳори азоб,  
Инг маъракани, қилма намоён дўзах.

## 7

Ҳар дамки хаёлингни қилурман, эй шўх,  
Уммиди висолингни қилурман, эй шўх,  
Ўлган танима равон кирав ширин жон,  
Чун ёди зулолингни қилурман, эй шўх.

## 8

Ёраб, ману ёримни қилиб айш ила шод,  
Ағёр тасаллутидин эттил озод.  
Ошиқ била маъшуқ топиб кому мурод,  
Кўрсун руқабо сипеҳри дундин бедод.

## 9

Ҳар неки кўнгул айлади жонон била аҳд,  
Жонон тил учи бирла, кўнгул жон била аҳд,  
Кўнглумга анинг кўнгли агар бўлмас эса,  
Не фойдадур ваъдаву паймон била аҳд.

## 10

Шоҳо, фуқароки муниси ғамдурлар,  
Бедордилу кўзлари пурнамдурлар,  
Зинҳор аларни қилмагил озурда,  
Отапи даму барҳамзани оламдурлар.

## 11

Ҳар кимки эрур сифлау хиссатпарвар,  
Бўлма анга дўст, жонини ҳам берса агар.  
Охир сени онинг била қилмай қўймас  
Бир кун душман муҳаббати сийму зар.

## 12

Кўнглум ўтидин сипеҳри ҳазро ёнадур,  
Оҳим тафидин боли малак чургонадур,  
Ўт ичра самандарки топар эрди ҳаёт,  
Кўр шуълаи ишқимда нечук ўртонадур.

## 13

Сўз ичра Навоийки жаҳонгирдуур,  
Мунисга маоний йўлида пирдуур,  
Йўқ ғайрият андин ўзгаким айтурлор:  
— Бу Шермуҳаммад, ул Алишердуур.

## 14

Эй нафс, бўлуб иззат эшиги мадрус,  
Бўлсанг не ажаб мазаллат ичра маҳбус,  
Ҳар дунга қилиб нисор иззат гуҳарин,  
Бисёр тўкарсен обрўю номус.

## 15

Мунис, менгадур дамеки жонон мунис,  
Бахтимдек ўлур сипеҳри гардон мунис,  
Чун борди қошимдин эҳтиroz айлаб ёр  
Не толеъ эрур манга, не даврон мунис.

## 16

Эй соқий, олиб кел менга бир соғари нўш,  
То сипқорибон они қилай тарки ҳуш,  
Ким ақл бериб ҳамиша кўнглумга халал,  
Қўймас ани мажнун киби айларга хуруш.

## 17

Ул навъ совуқ бўлди мушаддад бу қишиш,  
Тутгоч отин эл оғзида тил бўлғуси тиш,  
Албатта паямбар сўзидек рост билинг,  
Ҳар ким деса, дўзах ўти муз бўлғон эмиши.

## 18

Эйким, сенга стмушдурур улуглиқ сори ёш,  
Енлар била тутма суҳбату қилма маош,  
Гар бу ўгутишни тутмасанг маҳзал ўлуб,  
Ерсен бошинга ёшлар илгидин тош.

## 19

Васл аҳлига бўлмасун фироҷе воқеъ,  
Ҳажр аҳлиниң оҳу интизори зоеъ,  
Бўлсун ўзи мамнуъ тараб базмидин,  
Ишқ аҳлига улки васлдиндур монеъ.

## 20

Мен кимман айламак иноятни тамаъ?!  
Яъни сендин бирор китобатни тамаъ  
Қўилмоқ менга мунча басдуур гоҳ-гоҳи,  
Мунис бандам, деган ҳикоятни тамаъ.

## 21

Фарёдки, топмадим жаҳон ичра фароғ,  
Гаҳ шаҳр ватан бўлуб, гаҳи води-ю тоғ,  
Не ёр мени айлади, не дўст сўроғ,  
Бал кўнглума солдилар унутмоқ била доғ.

## 22

Сен дур сочибон сўзунгдин андоқки садаф,  
Дахл аҳли қошида йўқ анга қадри хазаф,  
Дено ҳаргиз қилмади нодон била баҳс,  
Хомуш бўлу ҳасудга бўлма тараф.

## 23

Мунисдуру ихтиёр ила хор ўлмоқ,  
Куч бирла мазаллатға сазовор ўлмоқ,  
Озодалиғ оромгаҳидин рам этиб,  
Ҳар дунга мулозим ила ёр ўлмоқ.

## 24

Сендин тамаим әди сарафroz ўлмоқ,  
Абнойи замона ичра мумтоз ўлмоқ,  
Фарёдки, ҳосил айладим охирি кор,  
Афкандаю хорлиқта дамсоз ўлмоқ.

## 25

Гаҳ ақл ўлдинг, гаҳи жунунлиғ қилдинг,  
Фикри шарафу хаёли дунлиғ қилдинг,  
Ҳар ишга қўл урдинг забунлиғ қилдинг,  
Мунис, охир буқаламунлиғ қилдинг.

## 26

Мен зорға базмингиз аро жой беринг,  
Инъом била жоми дилосой беринг,  
Яъники хуморимни ёзорға ҳар дам,  
Лутфе қилибон коса тўла чой беринг.

## 27

Эй дўст, тани зорим аро жоним эдинг,  
Иқлими муҳаббат уза султоним эдинг,  
Хуш келдингу жонимда нишиман қилдинг,  
Хуш борки, басе азиз меҳмоним эдинг.

## 28

Қўзғолди бу кун жаҳонда ҳар ён тўпалон,  
Эл кўнглини айлади паришон тўпалон,  
Гўё менинг оҳим елидин топти мадад,  
Бўлмоқ бу сифат, йўқса не имкон тўпалоъ.

## 29

Ераб, тилима каломи хуш жорий қил,  
Маъни гуҳарини килким исори қил,  
Ҳар сўзки саҳифа узра таҳрир этсам,  
Кўрган киши кўнглини гирифтори қил.

## 30

Пурбарқмену гияхга тегмас заарим,  
Пурраъдмену қулоқга етмас хабарим,  
Пурашкмену этак тар ўлмас мендин.  
Пуроҳмену кўнгулни бузмас асарим.

## 31

То кўзни ёрутти чеҳра очиб моҳим,  
Чун олди кўнгулни сарв қади дилҳоҳим,  
Шоми ғам ародур ахтар афшон ашким,  
Тоқи фалак остида сутундур оҳим.

## 32

Лаълинг гамидин ўйлаки гирён бўлдим,  
Бағрим оқибон бошдин-оёқ қон бўлдим,  
Дил жамъ эдим васл аро оғзингни ўпуб,  
Зулфинг ҳижронидин паришон бўлдим.

## 33

Келдим сенга жонимни нисор этмак учун,  
Олдингда ўлумни ихтиёр этмак учун,  
Жиссимини йўлингда хоксор этмак учун,  
Яъни ғами ҳажрдин фирор этмак учун.

## 34

Бу қишки эрур ер юзи кўзгу музидин,  
Бир васфини ақл эта олмас юзидин,  
Иссиг кунидин шаммае изҳор этсам:  
Совуқроқ эрур зоҳиди нодон юзидин.

### 35

Ёраб, мени мубталои ҳижрон қилма,  
Дарду ғам аро ишимни афғон қилма,  
Мен зорни қаҳр бирла гирён қилма,  
Агёрни меҳр бирла хандон қилма.

### 36

Раҳм этмади ул кофири худрой, нетай,  
Ҳолимға даме қилмади парвой, нетай,  
Ўлдурди мени қаҳр ила, қилмади лутф.  
Эйвой, нетай, вой нетай, вой нетай!

### 37

Бу тунки, ул ой васли мұяссар бўлди,  
Шамъи руҳидин базм мунаввар бўлди,  
Дилкаш сўзи мутриби хуш илҳон бўлубон,  
Лаъли суйи бода, оғзи соғар бўлди.

### 38

Даври фалак этти ишқ аро зор мени,  
Даврон эли таънаси дилафгор мени,  
Мазлумға марҳамат агар эрса савоб,  
Машмули иноёт қил, эй ёр, мени.

## ТУЮҒЛАР

1

Юзин очгоч мисоли ойина,  
Айлади чарх таънаи ойина,  
Анга дедим, вафони ойин қил,  
Деди майл айлабон, бу ойина.

2

Ҳар неча ўқингға оғу ёқиб от,  
Қилғуси дафъ ани ғам тарёқи бот,  
Гарчи шомим тийрадур бошим уза,  
Сур дами турноқидин ўт ёқиб от.

3

Мени васлинг йўлиға бир ёндор,  
Душманим ғам ўтига бирёндор,  
Раҳм ушшоқ аро бу хастағаким,  
Бир тарафдор, алар, бу бир ёндор.

4

Дўстлар меҳмонлиғ этса борингиз,  
Сина жон уйига ундан борингиз,  
Эй бало хайли, манга қилманг ғулу,  
Борингиз аҳли жаҳонга борингиз.

**5**

Англа, кўнглум ишқбоз ори эрур,  
Балки кўнглум ишиқ бозори эрур.  
Ошиқ эрсанг шодлиғдин уз тамаъ,  
Зор кўнглум ишқ бозори эрур.

**6**

Рахши ҳиммат мен тутуб маҳкам ёлин,  
Ёр изидин ет, карам қил, деб ёлин,  
Йўқу боримни ёқиб кул айлади,  
Ишқ ўтидин кўкка чирмошғон ёлин.

**7**

Тиф ила не ҳожат ўлтурмак ани,  
Даҳр әлин хар сори гар боқса қиё,  
Дарду гам чектим хумор ичра басе,  
Эмди аҳволимга бир боқ, соқиё.

**8**

Мунисо, тўлмай йигирма етти ёш,  
Ваҳ, йигирма етти узра етти ёш,  
Ёш киби машғуллик қилмоқ недур,  
Ҳар қачонким суҳбатингга етти ёш.

## **ЧИСТОН**

Базм аро турфа луъбате кўрдум,  
Бошда ўт, оғзидин чиқорур дуд,

Чунки ўт бошига бўлур ҳомил,  
Қорнидин қаҳқаҳа бўлур мавлуд.

Оғзи икки дурур, бири минқор,  
Лек минқори нашъя бахши рунуд.

Дами аччиғ, vale топилмаса эл,  
Жони ширин бериб қилур мавжуд.

Ҳам қилур талжком, ҳам нафсин,  
Ҳам йиқар ҳушини қилиб мафқуд.

Дину дунёғадур зиёни яқин,  
Иштиголида йўқ камоли суд.

Турфаким мунча кўп зиёни била,  
Барча оламга бордурур мақсуд.

Бўлса ҳар ерда ул бўлур анга жамъ  
Хоҳ ғамгину хоҳ эрур хушнуд.

(Чилим)

## САВОДИ ТАЪЛИМ

### ҲУСНИ ХАТ ТАЪЛИМ БЕРГАН УСТОЗИ ҲАҚИДА<sup>1</sup>

Мунис, адаб иқтизоси бирла,  
Сур хома бирор дуоси бирла,  
Ким ахтари бурждин эрур ул,  
Сайёри раҳи яқин эрур ул.  
Мавлойи жамии аҳли идрок,  
Фархонда жамоли арсаи хок,  
Фармонбари ҳукми ҳазрати ҳақ,  
Огоҳи рамузи ҳикмати ҳақ.  
Ҳар илмда жомиул-фазойил,  
Ҳар ҳукмда воқифул-масойил.  
Мажмуи улум ичида маълум,  
Қозийи баланд рутба махзум.  
Муҳри шараф ичра меҳри раҳшон,  
Онсиз хат ўлуб саводи бутлон.  
Ҳам маҳкамаси сипеҳр тимсол,  
Ҳам маснад анга бисоти иқбол.  
Ҳукми аро расми адл возиҳ,  
Адли аро ҳукми шаръ лойиҳ.  
Илм ичра адили Ибн Ҳожиб,  
Илм аҳлиға эҳтироми вожиб.  
Фиқҳ ичра камоли андин афзун,  
Ким демак эрур гумондин афзун.  
Хаттидин ўлуб хужаста таълим,  
Таълим фани хатига таслим.  
Шарманда хати сабз хатлар,  
Хол офати хаттида нуқатлар.

<sup>1</sup> Сарлавҳалар биз томондан қўйилди (*тўпловчи*).

Таълим берур на бир рақамдин,  
Хат ёзмоқ иши ети қаламдин.  
Ёлғиз на буларки, ҳар фазойил,  
Рўзисидур ўйлаким хасойил.  
Аҳлоқи ҳамида вақфи зоти,  
Ҳар ҳалқ аро ёзилиб сифоти.  
Юз шукрки, толиим бўлуб ром.  
Шогирдлигига топмишам ком.  
Хатким, менга ҳақ иноятидур,  
Ҳазрат карами шарофатидур.  
То хат асари варақда пайдо,  
То олам аро варақ ҳувайдо.  
Бўлсун варақи бақо ҳаёти,  
Жовид ёзилсун анда оти.

#### РИСОЛАНИ ЕЗИШДАН МАҚСЛД

Кўп муддат эрди гуруҳи муштоқ,  
Таълим суманбарига ушшоқ,  
Машқ әтмак ишида хат битарга,  
Таълим вуқуфига етарга  
Айлар эди хизматим аро пўй,  
Дилреш ўлуб ўйлаким қалам мўй,  
Мен ҳам нечаким хатим хат эрмас,  
Бал қоида мистариға кирмас,  
Маъюс эта олмайин аларни,  
Хирмон аро солмайин аларни,  
Билганча суруб қаламни ҳар ён,  
Таълим ишин айлар эрдим осон.  
Лекин кўнгул ичра эрди бу ком,  
Қилсан рақами улуми арқом.  
Андин талаб аҳли бўлса маҳзуз,  
Таълим фанин қилурда маҳфуз,  
То илгима тушти бир рисола  
Хат қоидаси ойига ҳола.  
Ҳиммат камарин белимга боғлаб,  
Назм айлағали ўзумни чоғлаб,  
Бердим қаламим отига маҳмиз,  
Майдони варақ уза суруб тез,  
Ёраб, бу отимни ланг қилма,  
Гумроҳи раҳи дараиг қилма,  
Шаҳроҳи мақосидим сори сур,  
Сарманзили интиҳога еткур.

## ҚАЛАМ ҲАҚИДА

Эй аҳли қаламлиқ этган исбот,  
Лозимдуур айласанг мубоҳот,  
Ким келди қалам хужаста авсоф,  
Ҳар нечаки васф ўлур эмас лоф...  
Ким дедилар аҳли маъни они,  
Жон ўртасида «алиф» нишони.  
Зебо қамишини найшакар бил,  
Нўгида анинг шакар самар бил.  
Ҳарфидин оқиб шароби маъни,  
Эл андин эрур хароби маъни.  
Сҳанги саририким равондур,  
Гулбонги амодили жинондур.  
Шаҳлар ёшурун ишига маҳрам,  
Шаҳларга ривож бергучи ҳам.  
Илм аҳли насиби андин афзун,  
Жаҳл аҳли анинг ғамида маҳзун.  
Оlam иши интизоми андин,  
Оlam элининг низоми андин.  
Ул бўлмаса бўлмағай китобат,  
Бу бўлмаса қолмағай ҳикоят...

## ХАТ ҲАҚИДА

Хатдур асбоби тароши хома,  
Зийнат бахши узори нома.  
Сўз маҳзанининг нишонаси ҳам,  
Маъни дурининг хазонаси ҳам.  
Ҳар сўзки, кўнгулдин ўлди мавжуд,  
Хат бўлмаса, бўлғай эрди нобуд...  
Хат айлар ўз аҳлини мукаррам,  
Хаттиға чекиб улусни ҳар дам.  
Хатдан мақсад әрур хати хўб,  
Таълим қавоиди била жўб.  
Анбардин ўлуб анга мураккаб,  
Кун олтуниддин vale музахҳаб.  
Ҳар бир алифи ливоий уммид,  
Ҳар бир кашиши ҳаёти жовид.  
Ҳар доманаси ҳилоли абрュ,  
Ҳар нуқтаси шоҳвор лутълу.  
Ҳар ҳарфки, анда жилвагардур,  
Авроқ юзига зебу фардур.

Ҳар сатрки, сарвдек чекиб қад,  
Шамшод уётиға бериб мад.  
Мундоғ хат эрур қалиди арзоқ,  
Ҳам котибига очуқдур учмоқ...

**ХАТ ЁЗИШ АСБОБЛАРИ ВА ЁЗИШГА  
ТАЙЕРГАРЛИК ҲАҚИДА**

Эй хат ҳавасин падид қилгон,  
Яхши битимак умид қилгон,  
Саъинг чу битарга бўлди жозим,  
Асбобини билмак ўлди лозим,  
Ким бўлмаса жамъ борча асбоб,  
Ошуфта чу нол кўргасен тоб.  
Ҳар нечаки жустужўй қилсанг,  
Мақсад уза гуфтугўй қилсанг,  
Мақсад иши ғайри воқеъ ўлгай.  
Жаҳдинг талаб ичра зоеъ ўлгай.  
Бас билмаги бўйла бўлди вожиб,  
Тақрири эрур манга муносиб.  
Бир-бир қилайн борини таъйин,  
Ҳар қайси ишини доги талқин.  
Хозир бўлу истимоъ қилғил,  
Азми раҳи интифоъ қилғил.  
Эйким хати хўб эрур талошинг,  
Бўлсун бу сифат қаламтарошинг,  
Ким асрү итик нечукки поку,  
Найни қалам этсун ўйлаким мў.  
Нозик қалам ичра айлонурдек.  
Комингча йўнарни қозғонурдек.  
Юпқа шақ ойирмоқ ичра марғуб,  
Нўги қаламингни ёргудек жўб.  
Гар мундоқ эмас қаламтарошинг,  
Йўнмоқ аро танг ўлур маошинг.  
Вар яхши йўнулмаса қаламлар,  
Шак йўқки, ёмон тушар рақамлар.  
Гар соғу латиф эса қаламқат,  
Яхшидурур этгали қалам қат.  
Дандони латифу шохи софий,  
Қат қилғали бордур асрү кофий.  
Рұксат бу дегандин ўзга ашъё,  
Гар бўлса зарур вақти пайдо.  
Бўлсун қаламинг латифу рангин,  
Оқу қизилу қарову сангин.

Оқи бўлубон сариғга мойил,  
Вўлсун қораси қизилга дохил.  
Саҳт ўлсуну, пухта барча ақлом,  
Яъники бўш ўлмасун яна хом.  
Асру қарову оқ ўлмасун кўп,  
Бисёр ингичгаву йўғун кўп.  
Бўлса сўнгида бўғун нишони,  
Қўймаки рақамғадур зиёни.  
Ё синса қалам қилиб хасосат,  
Пайванд ани этма, бордур офат.  
Ё қисқариб ўлса тўрт бармоқ,  
Макруҳ дедилар они мутлоқ.  
Ҳар ҳомаки йўнмоқ эрсанг, эй ёр,  
Бир мартаба даврини ўра тор.  
Кўр ул ип узунлигин саросар,  
Йўнғил узунин анга баробар.  
Магзини олурда ков-ков эт,  
Арзи сори ков бирла нов эт.  
Шақ ур, vale эътидол бирла,  
Тадқиқи аро хаёл бирла.  
Қат урмоқ анингдек айдагил соз,  
Берсун қаламу қалам қат овоз.  
Шарти қати хўбким қиёдур,  
Дилкашлиги эътидол ародур.  
Чун хома йўнулди имтиҳон қил,  
Нуқта қўюб имтиҳон аён қил.  
Гар бўлса мураббау музаллаъ,  
Ёзғилки, хатинг тушар мурассаъ.  
Йўқса яна йўнмоқ ихтиёр эт,  
Йўнғоч яна имтиҳон шиор эт.

#### ХУСНИ ХАТ ТАЪЛИМИ

Мунис, қаламингни хат сари сур,  
Қил тарки даранг, илгари сур.  
Таълим ниҳонин ошкор эт,  
Нуқта била ўлчамак шиор эт.  
Бир-бир бори ҳарфға рақам сур,  
Таълимини бошқа-бошқа билгур.  
Ул қавмки хатга эрди возеъ,  
Бу нуқта алардан ўлди воқеъ.  
Тули «алиф» уч нуқтадур, аммо,  
Ул хома биланки қилдинг иншо.  
Арзи доғи сулси нуқта бўлғай.

Бешу ками бегумон бузулғай.  
Онда ҳаракоту ҳамза пайдо,  
Лекин батариқи рамзу имо.  
Ул навъки гар бўлур нигунсор  
Бўлғай яна ул «алиф» намудор.  
Бир нуқтача басдур аввали «бо»,  
Лекин танида жилоф пайдо.  
Баъзи сўзи олти нуқтача хўб,  
Баъзи деди етти нуқтадур хўб.  
Устоддин ўлди доги масмұъ,  
Ким тўққузи бордур асру матбуъ.  
Лекин бу фақир муддаоси  
Олти нуқтау тўқуз ароси.  
Бир навъ қадига хам етушсун,  
Андак танига шикаст тушсун,  
«Жим» аввалидур «ре» нигуни,  
Пайвастай «нун»и вожгуни.  
Баъзи дедилар бидояти «жим»  
Таълим аро икки нуқтау ним.  
Қил доманасини ўйла марқум,  
Бўлсун ичи байзавор маълум.  
Бир нуқтани «ро»га муттасил қил,  
Куттоб қошида «дол» ани бил.  
«Ро» қомати икки нуқта, аммо  
Боши бийик эрмас ўйлаким «зо».  
«Зо» уч нуқтау лек саркаш,  
Қилса бўлур они қушға ўхшаш.  
Дандонаи аввали сари «син»  
Бир нуқта баробар ўлди таъян.  
Иккинчисин айлагил кушода,  
Ул навъки нуқтадин зиёда.  
Аммо тани «син»дур ўйлаким «нун»  
«Нун» зикри эрур бу ерда матъун.  
«Шин» маддини етти нуқта бил биғ,  
Аммо каж эрур биайниҳи тиғ.  
Кажлик анга ул қадар муқаддар,  
Ҳар ён алифи тушар баробар.  
Зеҳдек анга чексанг ар хати соғ,  
Бўлғай гўё камони наддоф.  
Гар табъинга етмаса малоли,  
Мунисдин эшит яна мисоли.  
Устида агар чекилса чап «шин»  
Бўлғай ичи шакли кишти ойин.

Ул шаклда ёзғил аввали «сад»,  
Бўлсун яна «сад» акси бунёд.  
Баъзи деди «сад» бошин андоқ,  
Ким шаклдадур нечукки чақмоқ.  
«То» зикрида деди баъзи устод,  
Зебо алифи-ю, аввали «сад».  
Бу нуқтага мен қилурман инкор,  
«Сад» ости эрур сатбар бисёр.  
Таълим будур, қилурман имо  
«Ро» фавқида тутса ер нигун «ро».  
Тутса алиф устида нишман  
Минган кишидек саманди тавсан.  
Бир нуқта «алиф»нинг иттисоли,  
То «ре» сўнгиким бор эрди холи.  
«Зо» йики бу ерда бўлди мазкур  
Дилкашроқ эрур гар ўлса мақсур.  
«Айн» аввалининг будур баёни,  
«Сад» аввали қилса бўлғай они.  
Деди яна устоди моҳир  
Айлар ани тўрт нуқта зоҳир.  
Баъзи ани бўйла айлади фош:  
Бир нуқтаи хатти ўйлаким қош.  
Ул нуқтаки «айн»га эрур зам,  
Қил ташқари кунжин андаки кам.  
Кўр ҳалқаи «айн» ҳалқаи «жим».  
Бир шаклда ёзди аҳли таълим.  
Таълим аро келди ҳайъати «фо»,  
Бир нуқтаи мустадири бир «бо».  
Ул нуқтаки зикр бўлди авзаҳ.  
Ёрим нуқта ила қил мусаттаҳ.  
«Қоф» аввали «фо» бошига монанд,  
«Нун» ҳалқасига валек пайванд.  
«Қоф» ўлдуур, эй ҳабиби дилбанд,  
«Бо» аввалидур «алиф»га пайванд.  
Сари «ко»ки «алиф» ягона узра,  
Сончилғон ўқи нишона узра.  
Эрмас қади тўрт нуқтадин кам,  
Беш бўлса доғи эмастурур ғам.  
«Қофи» яна ўзга навъ эмишдур,  
«Бо» ўрниға уч нуқат кашишдур.  
Бу «коф»ки зикри топти таъхир,  
Машқ ичра муқаддам ўлди таҳрир.  
Гар «лом»ни истасанг мураттаб,

«Нун» бирла «алифни» қил мураккаб.  
Лекин «алифи» тавил бўлсун,  
То тўрт нуқат адил бўлсун,  
Ҳаллоли рамузи фанни таълим,  
Бир нуқта ёзибдур афсари «мим».  
Аммо икки нуқта гарданидур,  
Авжи тул бинойи доманидур.  
Баъзи деди бир ўрун «алиф»дур,  
Ким тўрт нуқтага муттасифдур.  
«Нун» олти нуқатдур, эй қариндош,  
Икки оёқ, икки тан, ики бош.  
Уч нуқтадур икки лаб ароси,  
Ул навъки умқининг биноси.  
Қўйсанг оёқига афсари «жим»,  
Қилғуси зуҳур пайкари «жим».  
«Вов» аввали нуқта, охири «ро»,  
Бордур нуқати мусаллас аммо.  
Мунис бу амалғадур баруманд,  
«Вов» аввали «фо» бошига монанд.  
Бир нуқтани «ҳо»га айла афсар,  
Ез ниш ила ҳалқай мудаввар.  
Қил ҳалқа таҳин сатбар камроқ,  
Нуқта сори ҳалқаға бер илсоқ.  
«Ло» аввали бир «алиф» таҳи «ро»,  
Сўнгра яна бир «алиф» қил иншо.  
Қил ўйла «алиф»ларин баробар,  
Бўлсун оти ҳар «алиф» саросар.  
Яхши назар этки бордур алҳақ,  
«Ло» уч «алиф» қатору мулсаҳ.  
«Ё» бошидур уч нуқат муйаян,  
Бир нуқта доги бинойи гардан.  
«Ё» бўйнидин, эй раҳамга мойил,  
Қилса бўлур икки «дол» ҳосил.  
Бир «доли» нигун бўлур ҳувайдо,  
Бўлур яна бири рост пайдо.  
«Ё» бошини андоқ айла иншо,  
Бўлсун ани айламоқ нигун «ё».  
Таълим аро «ёйи акс» эрур бу,  
Айлай санга шарҳ мўй бар мў.  
Қил бошини «рову» бир нуқат хат,  
Бир нуқта vale бошини мунҳат.  
Ул нуқтага муттасил кашиш бер,  
Килк авжиға чап сори равиш бер.

Тулини тўқууз нуқат хаёл эт,  
Таълимини англа, ғаврига ет.  
Бўйни хамин айла ул сифат соз,  
Ким орқага бўйни элтгай қоз.  
Ул нуқтаки бўйнига эрур зам,  
«Айн» аввали айласа бўлур ҳам.  
Ҳар ҳарфки мунда бўлмади зикр  
Таълимини қил назиридин фикр.  
«Син»-«шин»га агарчи мунда факдур,  
Дандонаи мадга муштаракдур.  
Ҳарчандки айру бўлди зоҳир,  
Таълим аро «син» у, «шин» эрур бир.  
Айтилмади гарчи баъзи таълим,  
Мавқуфи назардур, этма тадмим.

#### ХОТИМА

Ёраб, бу рисолаким битибмен,  
Таълифидা жидду жаҳд этибмен.  
Элнинг назарида хор қилма,  
Тупроқ уза хоксор қилма.  
Кўрган кишларни роғиб айла,  
Таҳсилига балки толиб айла.  
Ҳар ким ўқуса ниҳону зоҳир,  
Бисёр қилиб шукуфта хотир.  
Сол кўнглига онинг орзуйи,  
Ким қилса дуоға жусту-жўйи.  
То бўлғай ўшул дуо била шод,  
Мунис бўлубон аламдин озод,  
Бу номаки бўйла топти танзим,  
Ёзилди оти «Саводи таълим».  
Тарихи анинг бу навъ адодур,  
Ҳижрат чоғидинки, ғам физодур.  
Минг икки юз ўн тўқууз эди йил,  
Доғи рамазон учунчиси бил.  
Гўёки чаҳоршанба эрди<sup>1</sup>,  
Итмоми қаламға даст берди.  
Соқий, манга согаре карам қил,  
Лутфу карамингни дам-бадам қил,  
То они ичиб қилай ҳаловат,  
Мастона даме топай фарогат.

<sup>1</sup> Ҳижрий тарихи бўлган 1219 йил рамазон ойи учунчиси чоршанба куни ҳисобини мелодий ҳисобга айлантирилса, 1804 йил 6 декабрь чиқади.

## **ЛУГАТ**

### **А**

- Абас* — беҳуда, бефойда.  
*Абвооб* — боблар; эшиклар.  
*Абирбезлик* — анбар иси анқиши.  
*Абнойи замон* — замон болалари.  
*Абр* — булут.  
*Абру* — қош.  
*Аевбош* — ярамас, безори.  
*Аевзаҳ* — равшанроқ, очиқроқ.  
*Аевроқ* — варақлар.  
*Аесоф* — сифатлар, таърифлар, мақтовлар.  
*Аевқот* — вақтлар, кунлар: турмуш.  
*Адабгоҳ* — тарбия уйи, мактаб.  
*Адам* — йўқлик.  
*Адил* — тенг, баравар.  
*Аёлат* — вилоят, территория.  
*Аёқчи* — соқий.  
*Ажз* — оқизлиқ, заифлик, кучсизлик.  
*Азми само* — кўкка юриш.  
*Айтлом* — етимлар.  
*Акмал* — энг етук.  
*Алаз* — энг лаззатли.  
*Алам* — 1) оғриқ, азоб; 2) байроқ, туг.  
*Алкан* — дудуқ, соқов.  
*Аллоф* — галла савдогари.  
*Алохону аломон* — талон-тарожга учраган, уй-жойсиз қолган.  
*Алсина* — тиллар.  
*Алтоф* — лутфлар.  
*Алҳақ* — ҳақиқатан.

*Амвот* — ўликлар.  
*Аман* — омонлик.  
*Амният* — тинчлик.  
*Амома* — салла.  
*Аморат* — амирлик, мансабдорлик.  
*Амр* — иш.  
*Амри мавҳумий* — хаёлий гап.  
*Амруд* — нок.  
*Амтор* — ёмғирлар.  
*Анбари соро* — тоза ва хушбўй анбар.  
*Анвор* — нурлар.  
*Андалиб* — булбул.  
*Андарз* — панд-насиҳат, васият.  
*Ано* — 1) она; 2) мاشаққат, қийинчилик.  
*Анодил* — булбуллар.  
*Аномил* — панжа учлари.  
*Анфос* — нафаслар.  
*Анқарис* — яқин фурсатда.  
*Аолий* — юқори даражадагилар.  
*Ар* — агар сўзининг қисқаргани.  
*Аракрез* — тер тўқувчи.  
*Арз* — 1) арз этиш; 2) кенглик; 3) ер.  
*Арзоқ* — ризқлар, озиқлар.  
*Арозил* — пасткашлар.  
*Арса* — майдон; *арсаи оғоқ*, *арсаи хок* — дунё, ер юзи демак.  
*Арус* — келин.  
*Арқом* — рақамлар, ёзувлар.  
*Асноф* — синфлар, турлар.  
*Асофил* — тубанлар.  
*Асру* — кўп, жуда.  
*Асҳал* — энг осон.  
*Атфол* — ёш болалар.  
*Афеож* — гуружлар, тўдалар.  
*Афеоз* — оғизлар.  
*Ағганда* — ташландиқ.  
*Ағзо* — орттирувчи, кўпайтирувчи.  
*Афсан* — тож; бирор нарсанинг боши, учи.  
*Афсунтароз* — сеҳргарлик демак.  
*Афсурда* — сўлғиш.  
*Афтону хезон* — йиқилиб-туриб.  
*Ахз* — тортиб олиш.  
*Ахзар* — яшил.  
*Ашибоҳ* — ўхшашликлар.

*Ашк* — кўз ёши; *ашкфишон*, *ашкбор* — ёш тўкувчи.

*Ашҳаб* — бўй от.

*Аздо* — душманлар.

*Азлом* — энг билагон.

*Ақвол* — сўзлар.

*Ақлом* — қаламлар.

*Ақрон* — яқинлар.

*Ағлол* — занжирлар.

*Аҳли салоҳ* — яхши кишилар.

*Аҳли иродат* — муридлар.

*Аҳсан* — энг яхши.

## Б

*Базл* — бериш, бахшиш.

*Байзавор* — тухумдай.

*Байтул-эҳzon* — гамхона, кулба.

*Байтул-ҳарам* — муқаддас уй.

*Бал* — балки сўзининг қисқаргани.

*Барз* — экин.

*Бари* — пок, тоза.

*Барру баҳр* — қуруқлик ва дарё.

*Барқ* — чақмоқ, яшин.

*Басорат* — кўриш, кўра олиш.

*Бедаранг* — бетўхтов, тез.

*Бедодгар* — зулм қилувчи.

*Бекарон* — чексиз, ҳадсиз.

*Белажом* — югансиз.

*Бесутун* — Фарҳод қазиган тог номи.

*Беша* — жангал, тўқай.

*Бешу кам* — ортиқ-кам.

*Беҳжат* — шодлик.

*Бидоят* — бошланиш.

*Бийм* — қўрқув.

*Биниш* — кўриш, мушоҳада.

*Бистар* — тўшак.

*Бих* — томир.

*Бода* — май; *бодаи саршор* — лиқ тўла май.

*Бода ошом* — май ичувчи.

*Бода паймо* — май тутувчи.

*Бода поло* — май сузгич (дока, латта).

*Боди афзоҳ* — ел тарқатувчи.

*Боди хазон* — хазон ели, куз шамоли.

*Бодия паймо* — чўл кезар.

*Бодпой* — учқур от.  
*Боз* — лочин.  
*Бол афшон* — қанот қоқувчи.  
*Боли малак* — фаришта қаноти.  
*Бор* — 1) юк; 2) мева, ҳосил; 3) қабул.  
*Борвар* — мевали, ҳосилли.  
*Ботил* — йўқ бўлган, йўқ қилинган; сохта, бузуқ, ярамас.  
*Булажаб* — жуда қизиқ.  
*Булҳавас* — ҳаваскор.  
*Буму марз* — мамлакат, ер.  
*Бурж* — чўққи, минора; 2) юлдузлар туркуми.  
*Бурудат* — совуқлик.  
*Бурқаз* — парда.  
*Бурҳон* — далил, ҳужжат.  
*Бути худроӣ* — ўжар ёр.  
*Бутун* — батн сўзининг кўпчилиги; қоринлар.  
*Бухл* — баҳиллик.  
*Буқаламуниғ* — турланувчилик, ҳамелеонлик.

## В

*Вайл* — дўзах.  
*Вараҷ* — тақводорлик, сақланиш.  
*Вард* — гул.  
*Варта* — чуқурлик.  
*Вирд* — бирор нарсани тўхтовсиз такрорлаш; *вирди забон* — бирон нарсани тўхтовсиз тилга олиш.  
*Вожгун* — тескари, тўнтарилган.  
*Возеъ* — яратувчи, ихтиро этувчи.  
*Возеҳ* — равшан, очиқ.  
*Волий* — ҳоким, бошлиқ, бошловчи.  
*Воло табор* — улуг хонадон.  
*Воқифул-масофил* — масалалардан хабардор.  
*Выбол* — айб, гуноҳ,  
*Высъат* — кенглик.  
*Выҳуш* — ваҳший, йиртқич ҳайвон.

## Г

*Гаждум* — чаён.  
*Газак* — май ичиш пайтида тотиладиган еминш (закуска).  
*Газоф* — беҳуда, бемаъни.  
*Гандум* — буғдой.  
*Гарди роҳ* — йўл тўзони.

*Гармрав, гармтоз* — тез юрувчи.  
*Гетинамо* — дунёни кўрсатувчи, жаҳоннамо.  
*Гису* — аёлларнинг узун сочи, *гисуий мушкбор* — хуш исли, қора соч.  
*Гом* — қадам.  
*Гудоз* — эриш.  
*Гулбонг* — булбул сайраши.  
*Гулжабин* — гул пешана.  
*Гулфом* — гул ранг, қизил  
*Гунаш* — қуёш, офтоб.  
*Гунбади* ҳазро — яшил осмон.  
*Гулқанд* — шакарга қориштирилган атиргул.  
*Гурезон* — қочувчи.  
*Густар* — ёювчи, таратувчи.  
*Гұхарбор* — гавқар сочувчи, күз ёши тұқувчи.  
*Гүй* — түп, копток, шар; *гүй ила ғавғон* — түп ва әгри учли узун таёқ.

## Д

*Даввор* — айланувчи.  
*Дайжур* — тим қоронги.  
*Дайр* — майхона; монастырь.  
*Дамсоз* — суҳбатдош, дўст, ўртоқ.  
*Дастрас* — қўл етар, қўли узун.  
*Дастури аззам* — бош вазир.  
*Даф* — чилдирма.  
*Дахли бежо* — ўринисиз аралашинш.  
*Даъб* — одат, қилиқ.  
*Даҳр* — дунё.  
*Дебож, дебо* — аъло нав ипакли мато.  
*Динор* — олтин ақча.  
*Дилжӯ* — кўнгил сўровчи.  
*Дилосой* — кўнгил овловчи.  
*Дилпазир* — кўнгилга ёқимли.  
*Дилхарош* — юракни тимдаловчи, ғашлантирувчи.  
*Дилхоҳ* — кўнгилга ёқимли.  
*Дар* — дирой — туя қўнгироги.  
*Домана* — ҳарфлар остидаги ярим доира.  
*Дофиҳ* — дафъ этувчи, йўқотувчи.  
*Дун* — паст, тубан.  
*Дурж* — қиймат баҳо тошлар қутичаси.  
*Дурри хушоб* — аъло дур, инжу.

*Дурри шаҳвор* — ўирик дур (инжу).

*Дурроҷ* — қирғовул.

*Дурушт* — дағал, қўпол.

*Дур ўлмоқ* — узоқлашмоқ.

*Дутоҳ* — букик.

## Е

*Ёқути музоб* — әритилган ёқут.

## Ж

*Жабинсо* — манглай суртувчи.

*Жав* — арпа.

*Жавшан* — урушда кийиладиган темир кийим.

*Жайб* — ёқа.

*Жалис* — бирга бўлувчи, суҳбатдош.

*Жало* — ватандан ажралиш.

*Жаложил* — майда қўнғироқчалар.

*Жалолат* — улуглик, буюклик.

*Жарас* — түя қўнғироги.

*Жинон риёзи* — жаннат боги.

*Жозим* — жазм қилувчи.

*Жомаи эҳром* — эҳром (сақланиш) тўни.

*Жоми аласт* — азалдан демак.

*Жоми Жам* — афсонавий Жамшид подшо қадаҳи.

*Жомиул-фазойил* — барча фазилат ва етукликни ўзида тўплаган.

*Жонкоҳ* — жон койитувчи.

*Жонфизо* — жонлантирувчи, руҳлантирувчи.

*Жоруб* — супурги.

*Жоҳ* — даража, мартаба; *жоҳ аҳли* — мансабдорлар, юқори табақа.

*Жоҳид* — тиришувчи.

*Жуд* — сахийлик, бағишли.

*Жуз* — бошқа, бўлак.

*Журуҳ* — жароҳатлар.

*Жуст, жустужӯ* — қидириш, изланиш, ахтариш.

*Жӯй, жӯйбор* — ариқ.

*Жўянда* — қидирувчи, изловчи.

## З

*Забона* — аланга.

*Заврақ* — кема.

*Зайл* — этак.

*Замир* — ич, кўнгил.  
*Зан* — гумон, шак.  
*Занах* — чакак.  
*Занаҳдон* — бағбақа.  
*Зарофат* — зарифлик, қизиқлик.  
*Зарпошлиқ* — олтин сочувчилик.  
*Зарқ* — макр, алдов, риёкорлик, нифоқ.  
*Заҳроб* — заҳар сув.  
*Зебанда* — ярашадиган.  
*Зебу фар* — безак ва шавкат.  
*Зеру забар* — остин-устин.  
*Зеҳбаст* — камон ипини тортиши.  
*Зикри масабақ* — ўтган нарсани тилга олиш.  
*Зишт* — хунук, ёмон.  
*Зод, зоди роҳила* — йўл озиги.  
*Зойил* — йўқолиш, йўқ бўлиш, сўниш.  
*Зоҳид* — тақвадор, кишилардан четлашувчи.  
*Зул* — хорлик.  
*Зўлмгустар* — зулм қилувчи.  
*Зумраи ахёр* — яхшилар гуруҳи.  
*Зўфунун* — ҳунарлар эгаси.

## И

*Ибтило* — балога қолиш, мубтало бўлиш.  
*Игормак* — иярмоқ, эргашмоқ.  
*Идбор шоми* — бахтсизлик туни.  
*Иёдат* — бемор ҳолини сўраш учун бориш.  
*Ижтиноб* — тортиниш.  
*Издиҳом* — тўп, тўда, гавжум.  
*Иззу ало* — иззат ва юксалиш.  
*Иззу иқбол* — иззат ва баҳт.  
*Изофат* — ортиш маъносида.  
*Итирор* — қаттиқ мажбур ҳолда қолиш, чорасизлик, сиқилиш.  
*Икроҳ* — жирканиш.  
*Иктисоб* — қасб этиш, ўзига олиш.  
*Илзом* — мулзам қилиш.  
*Илсоҳ* — ёпишириш, тиркаш.  
*Илтиқо* — мулоқот, учрашув.  
*Илҳон (алҳон)* — сайраш.  
*Инбисот* — шодлик, хурсандлик, кентглик, очилиш.  
*Инкисор* — синиши.  
*Иноят* — марҳамат.

*Инсу жон* — инсон ва жин.  
*Интифоз* — манфаатланиш.  
*Интихоб* — танлаш.  
*Интиҳо* — охир.  
*Инфиол* — хижолат, уялиш.  
*Инҳироф* — четлашиш, оғиши.  
*Ирсол* — етказиш; *ирсоли руқъа* — хатни етказиш.  
*Иртикоб* — бирор ишга киришиш.  
*Иртифоз* — юксалиш, юқори чиқиш.  
*Иртиқоз* — юқорилашиш, авж олиш.  
*Ириод* — йўл кўрсатиш.  
*Исор* — тортиқ, сочқи.  
*Истимоз* — эшитиш, тинглаш.  
*Истинкоҳ* — никоҳ қилиб олмоқ.  
*Истифкор* — сўроқ.  
*Итик* — тез, ўткир.  
*Итлом* — тамомланиш, тугалиш.  
*Иттисол* — ёпишиш, боғланиш.  
*Ифсол* — камбагаллик.  
*Ихроҳ* — қувғин, сургун.  
*Иҳтилот* — аралашиш.  
*Иълол фани* — морфологиянинг бир бўлими.  
*Иқтизо* — тақозо.  
*Иқтибос* — олиб ўзлаштириш.

## Й

*Йигоч* — узунилик ўлчови.

## К

*Каж ҳаракот* — нотўғри уринишлар.  
*Кам зарфлиғ* — қўнгил торлик, дил танглик, кам харажатлик.  
*Камоҳий* — бўлганича, бўлгани каби.  
*Канора* — чет.  
*Касрат* — кўплик.  
*Катон* — дараҳт пўстлоғидан ип қилиб тўқилган мато, бу мато ойдинга чидамас, ойдинда йиртилар эмиш.  
*Комрон* — истагига эришган, давр сурган, бадавлат.  
*Кафорат* — қилинган гуноҳни ювиш учун бериладиган нарса.  
*Кашиш* — чўзиш; чўзилиш, тортилиш.  
*Килк* — қалам; *килки сунъ* — яратиш қалами.  
*Кинавар* — кек сақловчи, душманлик қилувчи; золим.

*Киромий қадр* — ҳурматли, ҳурматга сазовор, қадрли.  
*Китмон* — бекитиш, ёпиш, сир бекитиш.  
*Кишоварз* — дәжқон.  
*Кишт* — дәжқончилик.  
*Киши ойин* — кема шаклида.  
*Кож* — шапалоқ.  
*Ком* — 1) тилак, маңсад; 2) оғиз, танглай.  
*Комкор* — баҳраманд, баҳтиёр.  
*Комёб* — маңсадига эришган;  
*Корзор* — жанг майдони.  
*Коргоҳ* — ишхона.  
*Косид* — ўтмас, касод.  
*Кофий* — етарли.  
*Коҳ* — сомон.  
*Кулола* — ўралган, чирмалган.  
*Кулфатгоҳ* — кулфат ўрни.  
*Кунд* — ўтмас.  
*Кунжи узлат* — чекиниш гүшаси.  
*Кунжойиши* — сиғиши, сиғадиган.  
*Куништ* — ўтпарамалар ибодатхонаси.  
*Куттоб* — котиблар.  
*Кушода* — очиқ.  
*Кўлок* — тўлқин.  
*Кўс* — ногора.  
*Кўҳсор* — тоглиқ.

## Л

*Лагадқўб* — тепкилаш, оёқ ости қилиш.  
*ЛАМАОТ* — ёруғликлар, порлашлар.  
*ЛАМ* — йўқ.  
*ЛАМҶА* — ялтираш, порлаш.  
*Ливо* — байроқ; *ливои иштиҳор* — шуҳрат байроғи; *ливои нуҳзат* — кўчиш байроғи.  
*Лода* — аҳмоқ.  
*Ложуръа сипҳормоқ* — томчи қолдирмай симирмоқ.  
*Лойиҳ* — порлоқ, равшан, кўринувчи.  
*Лолаи ҳумро* — қизил лола.  
*Лубоб* — ўзак, мағиз; ҳар бир нарсанинг сараси.

## М

*Мавзун* — келишган.  
*Мавло* — устоз.

*Мавлуд* — туғилган.  
*Мавқұф* — тұхтаб турған, тұхтатылған.  
*Магас* — чивин, пашша.  
*Мадиҳ* — мадхонлик, мақтov.  
*Мадохил* — кишимлар.  
*Мадрус* — ёпик.  
*Мадған* — күміладыған жой, қабр.  
*Мажмаи фазл* — илм ахллари йигини.  
*Мазаллат* — хорлик.  
*Мазраә* — әкинзор.  
*Мазхар* — күриниш жой, күриниши.  
*Маймун* — құттуғ, муборак.  
*Макс* — туриб қолиши.  
*Малиҳ* — тузли, тотимли, ёқимли.  
*Малул* — сиқылған, хафа, малолли.  
*Мамзуж* — аралаш; қотишган.  
*Мамнұң* — ман этилған, таъқиқланған.  
*Манзалағ* — даража, мартаба, қадр, эътибор.  
*Манзилгүзин* — жойлашған, ўрнашған.  
*Манкұб* — накбатда қолған, наңса қолған, қийноққа учраган.  
*Маншур* — фармон.  
*Маоли ҳол* — ақволнинг далолати, ақволдан билинишича.  
*Марорат* — аччиғлик.  
*Маросила* — хат ёзишув.  
*Марәи* — күринган.  
*Марқұм* — ёзилған.  
*Масорат* — шодлик, хурсандлик.  
*Масмұң* — әшитилған.  
*Маснадгоҳ* — турап ер.  
*Масолих* — маслаҳатлар; керак яроғ.  
*Масун* — сақланған, муҳофаза қилинған, дақлсиз.  
*Матар* — ёмғир.  
*Матбуи омма* — умумга ёқадыған.  
*Матзұн* — кераксиз маъносида.  
*Мағқұд* — йүқолған.  
*Мағқұдул-асар* — асари, изи йүқолған.  
*Махофат* — құрқинч.  
*Машмұл* — ҳар томондан қопланған, ўраб олинған.  
*Машоил* — машъаллар.  
*Машом* — бурун, димог.  
*Машшота* — аёллар пардоғчысы.  
*Машхұд* — күрілған, мушқода қилинған.  
*Маңкус* — аксланған, терс, түнтарилған.

*Маъман* — тинч жой, бош пана.  
*Маънус* — улфат, ёр.  
*Маъюб* — айбли.  
*Мақар* — туар жой, қарор топадиган жой; *мақар айламоқ* — қарор топмоқ, жойлашмоқ.  
*Мақдур* — имконли; қўлдан келадиган; қудрат.  
*Мақосид* — мақсадлар.  
*Мақсур* — қисқа, калта.  
*Мақтул* — ўлдирилган.  
*Маҳжур* — айрилиқда қолган, ажралиб қолган.  
*Маҳзал* — болаларга майна бўлиш.  
*Маҳзуз* — баҳраманд.  
*Маҳмиз* — этик пошинасиға қадаладиган темир тепки, шпор.  
*Маҳмил* — юқ.  
*Маҳофил* — мажлислар, йигинлар.  
*Маҳсус* — сезилган.  
*Маҳфуз* — эсда сақланган, ёд олинган.  
*Меъжар* — юз пардаси.  
*Меъроj* — юқори кўтарилиш маъносида.  
*Мидод* — сиёҳ.  
*Мижмар* — ўт ёқиб хушбўй нарсалар тутатиладиган идиш.  
*Мино* — май шишаси.  
*Мину* — 1) шиша; 2) осмон, кўк; 3) кўкимтири.  
*Минқор* — қуш тумшуғи.  
*Минҳож* — очиқ ва тўғри йўл.  
*Мирриҳ* — Марс планетаси.  
*Мирзоти авҳом* — ваҳмлар кўзгуси.  
*Мистар* — чизгич.  
*Моҳлиқо* — ой юз.  
*Моҳи симин* — кумушдай ой, гўзал.  
*Муанбар* — анбар ҳидли.  
*Муарро* — яланғоч, холи.  
*Муассир* — таъсирли.  
*Мубаддал* этмак — алмаштиromoқ.  
*Мубоҳат* — фахрланиш.  
*Мубрим* — қистаб туриб олувчи, шилқим.  
*Муважжаҳ* — мақбул, уйғун; юзи бир томонга қаратилган.  
*Мудаввар* — тўғарак, думалоқ.  
*Муддаиӣ* — датьвочи, рақиб.  
*Мудрика* — идрок этадиган, ақл.  
*Мужовир* — бирор мұқаддас ерда туриб қолувчи.  
*Музахҳаб* — олтинланган, заржалланган.  
*Музмар* — киритилган, беркитилган.

*Музмаҳил* — паришон, нобуд; суст.

*Музтар* — чорасиз, ихтиёрсиз.

*Музтариб* — изтиробли, ҳаяжонли.

*Мукаллаф* — таклиф әтилган, буюрилган.

*Мукнат* — құдрат, құл узунлик.

*Мулсаҳ* — ёпиширилган.

*Мұлтағит* — илтифот құлувчи.

*Минзавий* — чекилувчи.

*Мунир ахтар* — ёруғ юлдуз.

*Мунфаал* — шарманда.

*Мүнәзим* — неъмат берувчи, боқувчи.

*Мүнәзатең* — кесилган, тамом бўлган.

*Мүнҗариф* — эгилган, оғишган.

*Мүнҗат* — пастлашган, тушкун.

*Мураббағ* — тўрт бурчак.

*Мұрассағ* — зийнатли безакли, чиройли.

*Мұсаллат* бўлмоқ — устун чиқмоқ, голиб келмоқ.

*Мұсалтаҳ* — ёйиқ.

*Мұсаҳхар* айламоқ — қамраб олмоқ, қўлга олмоқ.

*Мұстағали* — ёйилган.

*Мұстадом* — давоми хоҳланган, доимий.

*Мұстадир* — доира шаклидаги, тўгарак.

*Мұстажоб* — қабул бўлиш, ўринлаш.

*Мұстаманд* — ғамли, қайгули, эҳтиёжли, мухтоҷ.

*Мұстаҳсан* — яхши ҳисобланган, мақбул.

*Мұталотим* — чайқалган, тўлқин урган.

*Мұтарашишҳ* — сизиб чиқувчи.

*Мұтлақ инон* — боши бўш, ўз бошига қўйиб юборилган.

*Мұттасиф* — бир нарса билан сифатланган.

*Мұфсид* — фасодчи, фитначи.

*Мұх* — бош мағзи, ҳар бир нарсанинг ўзаги.

*Мұхолафат* — қаршилик.

*Мұшавваш* — паришон, алғов-далғов.

*Мұшаддад* — шиддатли, қаттиқ.

*Мұшкбор* — мушк ҳиди тарқатувчи.

*Мұшки тар* — тоза ва хушбўй мушк.

*Мұшобиҳ* — ўхшаш, ўхшаган.

*Мұштарий* — 1) сотиб олувчи, ҳаридор; 2) Юпитер планетаси.

*Мұттолдиг* — одатланиш.

*Мұқаввас* — қайрилма, эгма.

*Мұқайяд* — боғланган, қайд (банд)га солинган.

*Мұқаддар* — 1) тақдирдаги, тақдирда аниқланган; 2) тақдирланган.

*Муқаффал* — қулфлоглиқ, боғлиқ.  
*Муқобала* — бир-бирига қарши келиш.  
*Мүр* — май сотувчи демак.  
*Мұғтанам* — ғанимат.  
*Мұхлік* — ҳалокатли.  
*Мұхтолаи жағон* — жағон маккораси.  
*Мүй бар мү* — қылни қирққа ёриб, синчиклаб маңносида.

## Н

*Набард* — жанг.  
*Навозиш* — ярлақаш.  
*Навозишнома* — ярлақаш хати.  
*Навид* — хушхабар.  
*Наврас* — янги етилган.  
*Нажанд* — паст, хор.  
*Нажиб* — асил.  
*Назир* — ўхшаш.  
*Назорат* — қарашиб, назар ташлаш.  
*Назоқат* — поклик, тозалик.  
*Найистон* — қамишзор, түқай.  
*Найсон* — баҳор ёмғири демак.  
*Накбат* — наңс; *бахти накбат анжом* — охири баҳтсизлик.  
*Нанг* — ор-номус.  
*Настаран* — хүшбүй гул номи.  
*Нафир* — фарёд ва нола, ҳайқириқ, карнай.  
*Нафий* — рад этиш.  
*Нафхи рүх* — жон киритиш.  
*Нахват* — кибр, катталик.  
*Нахчир* — қулон.  
*Нашә паймо* — шавқлантирувчи, кайфлантирувчи.  
*Наҳб* — талон, босқин.  
*Наҳй этмоқ* — манъ этмоқ, таъқиқламоқ.  
*Неку хисол* — яхши хислатли.  
*Некхөз* — яхшилик истовчи.  
*Неши занбур* — ари найзаси  
*Ниам* — неъматлар, фаровонликлар.  
*Нигунсор* — тескари, чаппа.  
*Ниәз* — ёлвориш.  
*Низор* — ориқ, озгин.  
*Нилгүн* — ҳаво ранг.  
*Ним бисмил* — ярим сўйилган.  
*Нитоқ* — камар.

*Нишиман* — ўтириш жойи.  
*Ниҳо* — покизалик.  
*Ногувор* — мазасиз, бемаза, таъми ёмон.  
*Нозир* — қаровчи, кузатувчи.  
*Нозмаоб* — нозланиш; нозланувчи.  
*Ноком* — тилагига эришолмаган, ноумид.  
*Нол* — қамиш қалам ичидаги қилтириқ.  
*Ноласанж* — нола қилувчи.  
*Номусоид* — ноқулай.  
*Нони жавин* — арпа нони.  
*Носиҳ* — насиҳатчи, ўгитчи.  
*Нофа* — ифор.  
*Нофаржом* — натижасиз, оқибати ёмон.  
*Ноғус* — қўнгироқ.  
*Ноҳият* — территория.  
*Нузул* — тушим, иниш.  
*Нуҳзат* — кўчиш, йўлга тушни.  
*Нукта* — нозик ва чиройли, ихчам сўз.  
*Нукта санж* — сўз айтувчи, сўзловчи.  
*Нуму* — кўкариш, униб чиқиш.  
*Нуқл* — майдан кейин ейиладиган овқат (закуска).  
*Нуқтаи мушкин* — қора нуқта; хол.  
*Нуқуд* — нақдлар, маблағлар.  
*Нуҳусат* — наҳслик.

## О

*Ожил* — тез.  
*Олом* — аламлар.  
*Олуда* — буланган.  
*Ориз ўлмоқ* — юз бермоқ, пайдо бўлмоқ.  
*Осеб* — офат.  
*Офоқ* — уфқлар.  
*Ошуб* — гавро, тўполон.  
*Ошуфта* — паришон.  
*Ошуфтагард* — паришон (бетартиб) юрувчи.  
*Ояти мунзал* — инган (тушган) оят.  
*Оғоз* — бошлаш.  
*Оғозу анжом* — бошлаш ва охирга етказиш.  
*Оҳи сард* — совуқ оҳи.

## П

*Пайкон* — ўқ.  
*Пайғом* — хабар.  
*Падидор* — кўринувчи.

*Падруд* — хайрлашиш, видолашиш.  
*Паланг* — қоплон.  
*Парафшон* — қанот қоқувчи.  
*Пардадар* — парда йиртувчи, сир очувчи.  
*Пари қоҳ* — сомон парчаси.  
*Пару бол* — пат ва қанот, қанот-қуйруқ.  
*Пархон* — жанг, уруш, гавро.  
*Перо* — безатувчи, солувчи.  
*Пеша* — касб, ҳунар.  
*Пешу пас* — олд-орқа.  
*Пири дайр, пири хаммор, пири харобот* — майхона бошчиси.  
*По дар гил* — оёги лойга ботган.  
*Полаҳанг* — тизгин, пўхта.  
*Посух* — жавоб.  
*Пурфан* — кўп ҳунарли.  
*Пўй айламак* — юрмоқ.

## P

*Ражъат* — қайтиш.  
*Раз* — ток.  
*Рамида* — ҳурккан  
*Раммол* — рамл (фол) очувчи, фолбин.  
*Рам қилмоқ* — қочмоқ.  
*Расан* — арқон.  
*Гафъ* — кетказиш, йўқ қилиш; кўтариш.  
*Рашиҳ* — ҳўл.  
*Рашоқат* — хуш қоматлик, танинзлик.  
*Рашҳа* — қатра, томчи.  
*Раъд* — момақалдироқ.  
*Газнолик* — гўзаллик.  
*Рагм* — бир ишнинг, нарсанинг акси, хилофи.  
*Раҳгузор* — ўтар йўл; ўткинчи.  
*Раҳн* — гаров.  
*Раҳнамо, раҳнамун* — йўл кўрсатувчи.  
*Раҳо* — озод, бўшатиш, бўшаш.  
*Раҳрав* — йўл юрувчи.  
*Ридо* — шайхлар елкасига ташлайдиган оқ чодир.  
*Риёз* — бог; *риёзи коинот* — дунё боги; *риёзи биҳишт* — жаннат боги.  
*Рикоб* — узанги; ён.  
*Рисолат* — элчилик, хабар.  
*Рифъат* — юксалиш.

*Риққат* — кўнгил юмшоқлиги.  
*Ромий* — отувчи.  
*Рострав* — тўғри юрувчи.  
*Роят* — байроқ.  
*Рукуз* — эгилиш, букчайиш.  
*Руқса* — 1) тун парчаси; 2) қофоз парчаси.  
*Рунуд* — риндлар, олифталар.  
*Руст* — маҳкам.  
*Рутаб* — тоза хурмо.  
*Руунат* — юмшоқлик, сустлик; ўжарлик; ўзини безаш.  
*Руъят* — кўз билан кўриш, муояна.  
*Руқабо* — рақиблар.  
*Рұхуллоҳ* — Исонинг лақаби.  
*Рұбод* — тулки.  
*Рўзгор* — турмуш.  
*Рўзи нахуст* — дастлабки кун, азал.  
*Рўйи зард* — сариқ юз.  
*Рўкаш* — усти қопланган.  
*Рўстойи* — қишлоқи, саҳройи.

## C

*Саббор* — бўёқчи.  
*Сабий* — ёш бола.  
*Сабиҳ* — чиройли, гўзал.  
*Сабт этмоқ* — битмоқ, ёзмоқ.  
*Сабҳа* — тасбиҳ.  
*Савод* — қора; *саводи бутлон* — ботиллик қоралиги.  
*Сажжода* — жойнамоз.  
*Сайёрни собит айламоқ* — кезузчини турғун қилмоқ.  
*Салаф* — ўтган, кечган (киши).  
*Салб айламак* — кетказмоқ, маҳв этмоқ.  
*Сало* — чақириқ.  
*Салойи ом* — умумий чақириқ.  
*Салсабил* — жаннат булоги.  
*Саманд* — от, улов.  
*Самум* — иссиқ ва заҳарли шамол.  
*Сангин* — тош, тошдан.  
*Санги фароҳ* — катта тош.  
*Санги хора* — қаттиқ тош.  
*Саомат* — хафаланиш, ғуссалик.  
*Сарафканда* — бош эгувчи.  
*Сарзаниш* — койиш, айблаш, сўкиш.

*Сари кўй* — маҳалла, кўча.  
*Сарир* — 1) таҳт; 2) хат ёзиш вақтидаги қалам овози.  
*Саріх* — очиқ-ойдин, аниқ.  
*Сарнавишт* — пешонага ёзилгани, тақдир.  
*Саробил* — кийимлар.  
*Сароҳат* — очиқ-аниқлик.  
*Сарфароз* — боши баланд, устун.  
*Сатарвон* — туғмас хотин.  
*Сатбар* — тўлиқ, қуюқ, тигиз.  
*Сахтрўй* — сурбет.  
*Саъблиғ* — қийинчилик.  
*Саъд* — яхшилик, *саъди ахтар* — баҳт юлдузи, саодатли юлдуз.  
*Сақар* — дўзах.  
*Сақо* — соқий.  
*Сақф* — уй шипи.  
*Саҳбо* — май; *саҳбойи сабуҳ* — тонготар майи; *саҳбойи гулфом* — гул ранг май.  
*Саҳиҳ* — тўғри, тузук.  
*Себи занахдон* — бағбақа тўгараги.  
*Сижанжал* — ойна, кўзгу.  
*Сила* — мукофот, баҳшиш, эваз.  
*Силсилаҗунбон* — занжир шиқирлатувчи.  
*Синжоб* — териси пўстин қилинадиган ҳайвон.  
*Сипеҳр* — осмон; *сипеҳри ҳазро* — яшил осмон.  
*Сиришт* — табиат, характер.  
*Сифла* — пасткаш, тубан.  
*Сифланавоз* — пасткашни тарбияловчи.  
*Сиҳи* — тўғри, келишган; *сиҳи қад* — тўғри, барваста бўйли.  
*Сож* — сассиқ попишак.  
*Созкор* — мувофиқ, уйғун.  
*Соид* — 1) юқорига чиқувчи; юксалувчи; 2) билак.  
*Солиҳ* — яхши ишлар қилувчи.  
*Сомирий* — сеҳргар, жодугар маъносида.  
*Сотир* — яширувчи.  
*Соҳин* — сақлан.  
*Соя осо* — соя каби.  
*Соя пўён* — соядай юрувчи.  
*Согар* — май.  
*Суд* — фойда.  
*Сужуд* — саждалар.  
*Сулс* — учдан бир.  
*Сум* — туёқ.  
*Сунъ нақтоши* — яратиш рассоми.

*Сур* — тўй.  
*Суроҳий* — май идиши.  
*Сурх рўй* — қизил юз.  
*Сууд* — юқори чиқиш, юксалиш.  
*Суфраи навол* — ҳиммат дастурхони.  
*Суханварлик* — сўзга чаққонлик, ижодкорлик.  
*Суоргол* — подшо томонидан ўз яқинларига фойдаланиш учун бериладиган мулк.  
*Суҳайл* — юлдуз номи.  
*Суҳон* — эгов.  
*Сўзи дил* — юрак ёниши.  
*Сўзу гудоз* — ёниш ва эриш.

## Т

*Тааб* — машаққат, қийинчилик.  
*Тааллул этмоқ* — важ кўрсатмоқ, баҳона қилмоқ.  
*Тааллуқ* — боғланиш.  
*Тааммул* — чуқур фикрлаш.  
*Табаҳкор* — ёмон ишлар қилувчи.  
*Табоийи* — табиат, олам.  
*Табоҳ* — бузуқ, хароб.  
*Таваллуд* — туғилиш.  
*Тавбих* — айини бўйнига қўйиб койиш.  
*Тавил* — узун.  
*Тавсан* — от, улов.  
*Тавф* — айланиш, зиёрат; *тавфи ҳарам* — муқаддас, жойни зиёрат қилиш.  
*Тавзакон* — эгизак.  
*Тажарруд пеша* — чекинувчи, ёлғиз яшовчи.  
*Тазаллум* — зулмдан додга келиш.  
*Тазвир* — алдов, ҳийла.  
*Тайш* — тентаклик.  
*Таку дав, таку тоз* — елиб-югуриш.  
*Талаф* — нобуд.  
*Тамасхур* — масхаралаш.  
*Тамсил* — мисол келтирмоқ, мисолга келгирмоқ.  
*Таназзул* — пастлашиш, тушкунлик.  
*Танаъум* — фаровон яшаш.  
*Танг зарф бўлмоқ* — сиқилмоқ.  
*Тангной* — тор ер, сиқиқ жой.  
*Танзим топмоқ* — назм билан ёзилмоқ.  
*Таносух* — бир киши руҳининг иккинчи кишига ўтиши.

*Тараф* — шодлик.

*Тарвиҳ* — роҳат.

*Тардид* — рад этиш; айлантириш, эҳтимол тутиш.

*Тариқат* — сўфиларнинг тутган йўли.

*Таррор* — ўғри; аччиқ тил.

*Тарф* — 1) тарафлар; 2) кўз, назар; 3) ҳар нарсанинг учи.

*Тасаллут* — устун чиқиш, голиблиқ.

*Татаббуғ* — пайравлик, ияриш, изидан бориш.

*Тафаҳҳус* — излаш, қидириш, текшириш.

*Ташайюҳ* — қаримсиқлик, ўзини қаридай кўрсатиш.

*Ташовиш* — ташвишлар.

*Ташхис* — таниш, аниқлаш, ажратса билиш.

*Таъдид этмоқ* — одоб бермоқ, тарбия қилмоқ.

*Таъийид* — таъкидлаш, қувватлаш.

*Таълиф* — китоб ёзиш.

*Таътил этмоқ* — тўхтатмоқ.

*Таъхир* — кечикиш.

*Тақрир* — айтиш.

*Тақарруб* — яқинлашиш.

*Тағири низом* — тартиб ўзгариши.

*Тагофул* — билмасликка солиш.

*Тагофулкеш* — билиб билмасликка солувчи.

*Таҳ* — таг, ост.

*Таҳайюр* — ҳайратланиш.

*Таҳи дарё* — дарё ости.

*Таҳмил* — юклаш.

*Таҳният* — табрик, қутлаш.

*Таҳрик* — қимирлаш, ҳаракатланиш.

*Таҳрис* — тарғиб этиш, рағбатлантириш.

*Таҳсил* — ҳосил қилиш, қозониш.

*Темор* — хизмат кўрсатиш, боқишиш.

*Тифл* — ёш бола.

*Тиги буррон* — кескин қилич.

*Тобистон* — ёз.

*Тобу ларз* — иситма ва титроқ.

*Тожвар* — тожли, подшо; тожи қаён — Эронда ўтган каён династиясининг тожи, подшоси.

*Тойий* — тентак.

*Том* — буткул, тўлиқ.

*Тор* — ип; тола; тори гису — соч толаси.

*Тоҳир* — пок, тоза.

*Туби, тубо* — жаннат дарахти.

*Тул* — узуунлик.

*Тулуз* — чиқиши (қүёш).

*Тунду тез* — шиддат ва тезлик билан.

*Тур* — төр номи.

*Түрктоz* — чопқин, талон.

*Турра* — зулф, кокил, пешона сочи.

*Түзма* — емиш.

*Түбатү* — қатма-қат.

*Түз* — түзон.

*Түфөн хез* — довул қўзгатувчи.

## У

*Уд* — 1) қора тус ва хуш исли ёғоч; 2) чолғу асбоби.

*Узб* — аъзо, орган.

*Узлат* — чекилиш.

*Умқ* — чуқурлик.

*Унс* — улфат.

*Ур, урён* — яланғоч, очик.

*Устувор* — мустаҳкам, барқарор.

*Ушиоқ* — ошиқлар.

*Уқда* — тугун.

*Укуш* — талай.

## Ф

*Фавқ* — уст.

*Фак* — бир-бирига ёпишган икки нарсани ажратиш; қутқазиши.

*Фалаксой* — осмонга етувчи.

*Фалактоz* — фалакка чопувчи, кўкка кўтарилиувчи.

*Фароз* — баландлик, баланд ер.

*Фарруҳ* — қутлуғ.

*Фарсанг* — бир тош (узунлик ўлчови, 7—8 км.)

*Фарҳанг* — адаб, ақл; ҳунар, маърифат, лугат.

*Фақиҳ* — шариат ҳукмини баён этувчи.

*Фасиҳ* — ажойиб ва нозик сўзли.

*Фасурда* — сўлгин.

*Фигси* — ташловчи.

*Фигор* — хаста, жароҳатли.

*Филжумла* — бир қадар.

*Фирефта* — алданган.

*Фирор* — қочиш.

*Фиқҳ* — шариат ҳукмларини баён этувчи илм.

*Фойиз* — файз берувчи, равшанлантирувчи.

*Фосила* — тўсиқ.

*Фулс* — пул, чақа пул.  
*Фуруг* — шуъла, порлоқлик.  
*Фусунсоз* — сеҳрчи, алдоқчи.  
*Футух* — очилишлар.  
*Фуюзот* — файзлар.

## X

*Хаданг* — ўқ.  
*Хай* — тер.  
*Хаймаи нилий* — кўк чодир, осмоқ.  
*Хайр қалом* — яхши сўз.  
*Хайрот* — яхшиликлар.  
*Халаф* — сўнгдан келувчи, издош.  
*Хаммор* — майхоначи.  
*Хандазан* — кулган ҳолда.  
*Хасм* — душман.  
*Хасойил* — хислатлар.  
*Хатти амон* — омонлик хати, кечириш, авф этиш ҳақидаги ҳужжат.  
*Хижлат* — хижолат, уялиш.  
*Хизри роҳ* — йўл кўрсатувчи, йўл бошловчи маъносида.  
*Хилофат* — халифалик, нойиблик.  
*Хилъат* — кийим-бош, сарпо.  
*Хиргоҳ* — чодир, дунё.  
*Хиссат* — хасислик, *хиссат аҳли* — хасислар, пасткашлар.  
*Ховар* — шарқ.  
*Хокбўс* — ер ўпиш.  
*Хоки жинон* — жаннат тупроғи.  
*Хокистар* — қул.  
*Хома* — қалам.  
*Хомавор шақ* — қамиш қалам учи каби ёрилиш.  
*Хорхор* — тинчлиқсиз, ташвиш; астойдил исташ, иштиёқ.  
*Хотам* — узук, муҳр.  
*Хужаста* — қуттулғ, муборак.  
*Хуноб* — қон ёш.  
*Хунрез* — қон тўкувчи.  
*Хунхора* — қон ичувчи.  
*Хурдабин* — майда нарсаларни кўрувчи, нозик фаҳм.  
*Хуффош* — қўршапалак.  
*Хуш илҳон* — хуш овоз, ёқимли сайровчи.  
*Хушоянда* — ёқимли, хуш келадиган.

## Ч

*Чарз* — қуш номи.

*Чарх* — осмон, кўк; *чархи даний* — пасткам осмон.

*Чархфарсо* — осмонга етувчи.

*Чатри шоҳий* — подшолик соябони.

*Чобуксувор* — чавандоз.

*Чокар* — хизматкор.

*Чок жайб* — ёқа йиртиқ.

*Чорқаб* — подшоларнинг гул тикилган маҳсус кийими.

*Чуст* — чаққон.

## III

*Шабгун* — қора тусли.

*Шабистон* — тунги ётоқ.

*Шаби тор* — қоронғи кечада.

*Шабоб* — ёшлик.

*Шабрав* — тунда юрувчи.

*Шакароб* — икки дўст орасида пайдо бўлган озгина хафагарчиник, аччиқ-чучук.

*Шакархой* — шакар шимувчи, ширин сўз.

*Шамим* — хуш ис, яхши ҳид; хуш исли шамол.

*Шариф авқот* — яхши вақтлар.

*Шаст* — ўқ отувчиларнинг отиш пайтида бош бармогига киядиган нарсаси; қармоқ.

*Шақ* — ёриқ, *шақ урмоқ* — қалам учини ёрмоқ.

*Шаҳна* — шаҳар ҳокими.

*Шаҳроҳ* — катта йўл.

*Шаҳсувор* — моҳир чавандоз.

*Шеван* — нола, афғон, мотам.

*Шефта* — ошиқ, берилган, беҳуш, ҳайрон.

*Шикеб* — сабр, тоқат, чидам.

*Шикоф* — ёриқ.

*Шикор* — ов.

*Шумора* — саноқ.

*Шиноҳ* — юзиш, сузип.

*Шиоъ* — нур, шуъла, порлоқлик.

*Шиҳоб* — ёруғ юлдуз.

*Шойиба* — шубҳа; чирқ, булғончлик.

*Шомат* — шумлик, наҳсллик.

*Шоми идбор* — баҳтсиз тун.

*Шомил* — ёйилган.

*Шурух* — шарҳлар.

*Шўр* — ғавғо, тўполон, ҳовлиқиши.

*Шўру шар* — ғавғо, тўполон.

*Шўрида* — паришон ҳол, девона, савдоийи, ошиқ.

*Шўҳ-шанг, шўҳу шанг* — ўйноқи.

## Э

*Эрн* — лаб.

*Этидол* — ўртача, нормал.

*Эжоз* — мўъжиза.

*Эхром* — ҳожиларнинг маҳсус кийими.

*Эхтизоз* — 1) тебраниш, 2) шодланиш.

*Эхтироуз* — сақланиш, четлашиш.

*Эхтироқ* — куйиш, ёниш.

## Ю

*Юҳийл-изом* — сўнгаклар тирилиши, тирилиш.

## Я

*Якрон* — йўрга от.

*Якрони шабгун* — йўрга қора от.

*Яққалам* — ёппа, ёпласига.

*Яс* — маъюслик, умидсизлик.

## Қ

*Қавий* — қувватли, кучли.

*Қалам қат* — қамиш қалам учини қирқишида остига қўйиладиган суняк.

*Қатлиом* — умумий қирғин.

*Қиём* — тик туриш.

*Қибланамо* — компас.

*Қийр андуд* — қурум билан қопланган.

*Қирон* — бирикиш, икки юлдузнинг бирикиши.

*Қитол* — жанг, қирғин.

*Қосид* — хабар етказувчи, хат ташувчи.

*Қосир* — камчилукли.

*Қулзум* — катта дарё, денгиз.

*Қурб* — яқинлик.

*Fabfab* — бағбақа.  
*Faer* — туб.  
*Fayrat* — ўзгалик.  
*Falton* — йирик, думалоқ.  
*Famzoz* — чақимчи.  
*Farbol* — галвир.  
*Fоза* — юзга суртиладиган қизиллик.

*Xавл* — қўрқинч; *ҳавлангиз* — қўрқинчли; *ҳавл фаржом* — охирни қўрқинчли.  
*Ҳадаф* — нишон, нишон жой.  
*Ҳадиқа* — атрофи ўралган боф.  
*Ҳажжи акбар* — улуғ ҳаж.  
*Ҳажжож* — ўтмишда энг золим подшо.  
*Ҳаз* — баҳра.  
*Ҳазан* — алам, қайғу.  
*Ҳаллож* — пахта титувчи.  
*Ҳаллол* — ҳал әтувчи.  
*Ҳамида* — яхши, мақталган.  
*Ҳамкишилик* — маслакдошлик.  
*Ҳамсил* — жилт, ғилоф.  
*Ҳамома* — қаптар.  
*Ҳамсанг* — тошдек оғир демак.  
*Ҳамсар* — бириккан, ёстиқдоли.  
*Ҳаракот* — унли товуш белгилари.  
*Ҳарза* — беҳуда.  
*Ҳасаб* — асллик, шахсий хизмат-эътибор.  
*Ҳашр* — қиёмат, йигилиш куни.  
*Ҳиддат* — тезлик.  
*Ҳиллият* — ҳалоллик.  
*Ҳирқат* — куйдириш.  
*Ҳисси босира* — кўриш сезгиси.  
*Ҳодий* — ўйл кўрсатувчи.  
*Ҳойил* — 1) қўрқинчли; 2) тўсиқ.  
*Ҳола* — ой атрофининг гардиш боғлаши, ой кўтонлаши.  
*Ҳомил* — юк кўтарувчи, кўтарувчи.

*Ҳомун* — саҳро, текис ер.

*Ҳубоб* — сув юзидаги пуфакча.

*Ҳувайдо* — ошкор.

*Ҳумрат* — қизиллик.

*Ҳуққа* — қутича.

## МУНДАРИЖА

<i>Ю. Юсупов, Мунис Хоразмий . . . . .</i>	3
<i>Ғазаллар . . . . .</i>	11
<i>Мустазодлар . . . . .</i>	289
<i>Мухаммаслар . . . . .</i>	293
<i>Мусаддаслар . . . . .</i>	308
<i>Қасидалар . . . . .</i>	312
<i>Қитъалар . . . . .</i>	320
<i>Рубоийлар . . . . .</i>	322
<i>Туюғлар . . . . .</i>	329
<i>Чистон . . . . .</i>	331
<i>Саводи таълим . . . . .</i>	332
<i>Лугат . . . . .</i>	341

*На узбекском языке*

МУНИС ХОРЕЗМИ

*Избранное*

*Стихотворения*

Редактор *В. Рахмонов*  
Рассом *Ш. Булгаков*  
Расмлар редактор *А. Бобров*  
Техн. редактор *Э. Сайдов*  
Корректор *М. Кудратова*

ИБ № 1210

Босмахонага берилди 4. 01. 80. Босишига рухсат этилди 4. 02. 80. Формати  $84 \times 108^{1/32}$ . Босмахона қофози № 1. Мактаб гарнитура. Шартли босма л. 19,32. Нашр л. 9,87. Тиражи 25000. Заказ № 24. Баҳоси 1с. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129 Навоий кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб саводси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия шплаб чиқариш бирлашмасининг 2- босмахонасида босилди. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кӯчаси, 44.